

«МАЖБУРИЙ НУСХА

Тузувчи: Б. ЮНУСОВ

# ЕТАКЧИ + ҲУҚУҚ + ИШ УСЛУБИ + МАСЪУЛИЯТ

Замонавий бошқарувда муваффакиятга  
эришиш йўллари

Андижон - 2013 йил

УЎК: 35.076 (575.1)

КБК: 65.05

Ю - 49

- Оригиналдан сатирилган

Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гурӯҳи етакчи мутахассиси Б.Юнусов тайёрлаган ушбу «Етакчи + хуқуқ + иш услуби + масъулият» номи裡и услубий кўлланмаси Андикон Давлат университети Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти кафедраси йигилишининг 2012 йил 2 ноябрдаги 8-баённомасига асосан нашрға тавсия этилган.

Тақризчи: А.Ш.Собиров - Андикон Давлат университети проеќтори,  
профессор, филология фанлари доктори.

Ю - 49. Тузувчи Б. Юнусов. «Етакчи + хуқуқ + иш услуби + масъулият». Замонавий бошқарувда муваффақиятта зришиш йўллари – "Andijon nashriyot-matbaa" МЧЖ, 2013 йил. 236 бет.

10 414 98  
2

ISBN 978-9942-331-92-1

2013/40

A5639

city

NK

© Б.Юнусов, 2013.

© «Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ,  
2013.

**Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чукурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйгуси илдиз отиб, улгая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, тугилиб ўсан юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Албатта, жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетақфор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуг туйгу ҳар биримизнинг дилимизга эжо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим.**

**Тарих ҳақиқати шуни қўрсатадики, томирида миллий гурур, Ватан ишқи же ўрган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиш керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиши ҳисси қўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин.**

**И. КАРИМОВ**

## **КИРИШ**

Бугунги кунда бошқарув ходимлари ва маҳалий Кенгашлар депутатлари ўз ҳудудларида ва тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчил бажариптишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан аҳоли билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб келмоқда.

Кейинги вактларда қабул қилинган қонунлар ва янгиликлардан хабардор бўлиб боришлари учун бошқарув ходимларига кўплаб қўйланмалар ва адабиётлар ишлаб чиқилемоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҳар бир ялпи мажлислиридан сўнг Сенат томонидан маъқуулланган янги Конунлар ҳақида маҳсус тўпламлар тайёрланиб, депутатларга етказилиб, мунтазам равишда кўргазмали семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимиз мустақилигининг йигирма иккинчи ишига қадам қўйилган шу кунларда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-матърифий ва сиёсий соҳалардаги ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини аҳолига етказиши ва тарғиб қилиши ҳар бир раҳбар ва маҳалий Кенгаш депутатларининг биринчи навбатдаги вазифаларига киради.

Шу мақсадда тавсия этилаётган ушибу тўпламда муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида ислоҳотларнинг муддим

босқынларыда қүйілған вазифалар, яңғы қабул қылынаётган қонуулар, мамлакаттамызда демократик ислоҳотларни янада чұқурлаштириши ва фуқаролик жамиятini ривожлантириши Концепциясы ва унда илгари сурىлған үстүнор вазифаларнинг ижроси бүйіч маҳаллий давлат ҳоқимияти ва фуқаролик жамияти институттарнинг ўзаро ҳамкорлыгыны таъминлаш билан bogliq масалалар қамраб олинганд.

Вилоят ҳоқимлігі ташкилий-назорат гурұхы етакчи мутахассиси Б.Юнусов томонидан тайёрланған ушбу тұрлам маҳаллий давлат ҳоқимияти вакиллік органлари депутатлари ва ижроғы органлары ходимларининг иш фаолиятида фойдаланыш ҳамда раҳбар ходимлар ва түрли соңа мутахассисларига мамлакаттамызда амалға оширилаётган ижтимоий-шаруаттисодий ислоҳотларни мазмун-моҳиятини ўрганишга ва ўз фаолиятида фойдаланышлари учун шилаб чиқылғаны тура әлемнен да жаһаннаме меншегінде көрсетілген.

**M. ТАШИБАЕВ**

*Андисжон вилоят ҳоқимлігі  
ташкилий-назорат гурұхы раҳбари.*

## **Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил  
12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasи**

Шу кунларда барчамиз ниҳоясига етиб бораётган 2010 йилни  
якунлаб, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ниппонланадиган  
янти 2011 йил остонасида турибмиз.

Тарихимизга кириб келаётган бу буюк марра муносабати билан  
ўтган давр мобайнида хаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай  
ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз,  
ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик  
демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида  
қандай суръатлар билан ривожланиб бораёттанимизни баҳолаш эктиёжи  
туғилмокда.

Кисқача айтганда, биз ўз олдимизга кўйган узок муддатли  
стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик  
давлатлар каторига кириш, иқтисодиётимизнинг баркарор ўсишини  
таъминлаш, хаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб  
ўрин эгаллаш борасидаги сайди-харакатларимизга бугунги кун нуқтаи  
назаридан холисона баҳо беришимиз табиийдир.

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини кўлга  
киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, мъзмурий-  
буйруқбозлиқ, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели”  
деб ном олган ўз таракқиёт йўлини танлаб олди.

Биз ишлаб чиқсан ва бугунги кунда хаётга татбиқ этаётган ушбу  
моделнинг маъно-мазмуни — давлат курилиши ва конституциявий  
тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи  
етиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош  
ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори  
бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, конун устуворлигини  
таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиши, ислоҳотларни боскичма-  
боскич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий,  
иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширипдан иборатдир.

Биз ислоҳотларни инқилобий усулда, яъни “шок терапияси” йўли  
 билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий таракқиёт  
йўлини танлаб олганимиз туфайли ҳалқимизни қандай оғир оқибатларга

олиб келиши мумкин бўлган иктисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб колишга муваффак бўлганимизни бугун хаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Изчил юкори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банкмолия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иктисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгиришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халкаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараккиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

Ҳакикатан ҳам, қарийб йигирма йиллик мустақил тараккиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртacha умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўргача умр кўриши 75 ёшга еттанини мамнуният билан таъкидласак арзиди, деб ўйлайман.

2008-2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иктисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вактда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этгани, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етиши кутилаётгани, келгуси 2011 йилда эса 8,3 фоиз даражасида бўлиши белгилаб берилаётгани кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта кизиқиши ўйготмоқда.

Дунёда, айниқса ривожланган мамлакатларда давлатнинг ташки қарзлари кўпайиб бораётгани жиддий хавотир түгдираёттан бир пайтда Ўзбекистоннинг ташки қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмайди, давлат бюджети эса сўнгги беш йилда профицит билан бажарилмоқда.

Албатта, мамлакатимиз қўлга киритаётган бундай улкан ютуклар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Маълумки, собик тузум даврида республикамизнинг иктисодиёти бир томонлама ривожланган, факат ҳом ашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, машъум салбий оқибатларга олиб келган пахта яккаҳокимлиги авжига чиқкан эди. Ўзбекистон ўзининг қолоқ ишлаб

чикариш ва социал инфратузилмаси билан собиқ иттифокда жон бошига истеъмол даражаси бўйича энг паст ўринда турарди. Мустакил ривожланиш йилларида — тарихан қиска бир даврда юртимиз янги ва улкан мэрраларни кўлга киритди, бунинг натижасида мамлакатимизнинг киёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бормокда.

Айни пайтда барчамиз бир ҳақиқатни ўзимизга аник тасаввур этишимизни истардим. Яъни, эришилган бундай мэрралар — баркарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очик демократик хукукий давлат куриш, инсон, унинг манфаатлари, хукуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга кўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир кисми, холос.

Бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир ҳаффорки, у ҳам бўлса, авваламбор эришилган ютуқларга махлиё бўлиб, хотиржамлик қайфиятига берилиш, реал воказидан узилиб қолиш ҳаффидир. Бу эса мамлакатимиз тараққиётининг самарадорлиги ва истиқболига салбий таъсири кўрсатиши мумкин.

Жаҳон миёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида згаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечайтган давр билан ҳамкадам бўлишимиз шарт.

Маълумки, ҳаёт ҳеч качон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аник мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халк пировард натижада муваффакиятга эришади.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, мустакил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб килар эканмиз, уларни ҳақоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи наъватда эртанги кун талабларидан келиб чиқсан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация килиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юкори боскичга кўтаришимиз даркор.

Шу маънода, 1992 йил декабр ойида қабул килинган,

мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг коида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борадаги ишларимиз 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган кейинги 10 йил давомида янада фаоллалиб, кўлами ва миқёси тобора кентайиб бормоқда.

Натижада бугунги кунга келиб биз ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимизга эришдик, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Бунинг тасдиғини мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч качон ортта қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воеа-ходисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас.

Юртдошларимизнинг, бутун жамиятимизнинг ҳаётидаги ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар, ўз моҳият зътиборига кўра, бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминлаётган ҳал қўйувчи кучга айланмоқда.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни холисона баҳолаш, кўлга киритган юксак мэрраларимизни таҳдил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичмабосқич ривожлантириш бўйича биз таҳлаган моделнинг накадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан бўён ҳам оғишмай катъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, куйидаги йўналишларни демократик ўзгаришларни янада чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида белгилаш зарур, деб ўйлайман.

## I. Давлат ҳокимиюти ва бошқарувини демократлаштириш

Маълумки, ўтган давр мобайнинда мамлакатимизда давлат ҳокимиюти ва бошқарувини демократлаштириши соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изтил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақилигини таъминлаш бўйича гоят долзарб чора-тадбирларни кўришга каратилган эди.

Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув

тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қискартиришга катта эътибор берилди. Бошқача айтганда, уларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иктисадиётни бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди.

Бошқарув соҳасини марказлаштириши чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир кисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум якунлари ва шу асосда «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг кабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди.

Бундан кўзланган асосий мақсадлар парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жарабёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва худудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришицдан иборат эди. Бу борада таркиб жиҳатидан асосан ҳалк депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларидан ташкил топган юқори палата — Сенатнинг худудлар манфаатларини ифода этиши, куйи — Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши хисобга олинганини айтиб ўтиш лозим.

Таъкидлаш керакки, миллий парламентимизнинг ривожланишида янги парламент ва унинг ҳар бир палатасининг макоми, ваколатлари ва фаолият механизмлари аник белгилаб берилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларнинг 2003 йилда кабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вактнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги мухим сиёсий-хукукий воқеалардан бири бўлди. Бутунги кунда Конституциямизнинг 89-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат

бошлигидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди» деган коида белгилаб қўйилган.

Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Қабул килинган қонунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафакат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик килади ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан карорлар кабул килади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий оғзига даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиги бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Шундан келиб чиккан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасини қўйидаги таҳрирда баён этиш таклиф килинади:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимияти амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпогистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иктисадиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис карорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чикаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Мажкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик килади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Мажкамасининг мажлисларига раислик килади, унинг карорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халкаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонувларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Мажкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Мажкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан сокит килади.

Вазирлар Мажкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг микдордаги депутатлик ўринларини кўлга кирятган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиқканидан кейин ўн кун муддат ичida уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган холда Конунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камидан учдан бир кисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлиси мудокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳакидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камидаги учдан икки кисми овоз берган тақдирда қабул килинганди.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул килади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқим ва тасдиқлашга тақдим килиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан «Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчани тайинлади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган ушбу ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, уларга кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиби ўрнатилмоқда. Шунингдек, Конституцияга киритилаётган бу ўзгартишларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш хукуки берилмоқда. Айни вактда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига таалтуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилмоқда.

Таклиф этилаётган яна бир муҳим ўзгартиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига тааллуқлидир.

Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда ноаниклика, ушбу моддани турлича талқин этишга йўл кўймаслик мақсадида унинг янги таҳририни кўйидаги мазмунда баён этиш таклиф килинади:

«Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вактинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичida, «Ўзбекистон Республикаси

Президенти сайлови тўғрисида»ги Конунга тўлиқ мувофик ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига зикр этилган тузатишларни киритиш таклиф этилаётгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78- ва 93-моддаларига ҳам тегиши ўзгартишлар киритиш зарурати туғилади.

Жумладан, Конституциянинг 78-моддаси 15-бандини «... шунингдек, мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Баш вазирининг ҳисботларини эшитиш ва муҳокама килиш» деган сўзлар билан тўлдириш керак.

93-модданинг 15-бандига «вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофик тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади» деган сўзлардан олдин «Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг тақдимига биноан ...» деган сўзларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

93-модданинг 8-бандидан «ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик киласди» деган сўзларни чикариш тавсия этилади.

93-модданинг 16-бандини «...Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжкамаси мажлислирида раислик килишга ҳақли» деган сўзлар билан тўлдириш лозим.

Шунингдек, 93-модданинг 12-бандидан «Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори» деган сўзлардан кейин «унинг ўринбосарлари» деган сўзларни чикариш ва уларнинг ўрнига «Ҳисоб палатаси раисини» деган сўзларни киритиш ва ундан сўнг матн бўйича «тайинлайди ва уларни лавозимидан озод киласди, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади» деган тарзда баён этиш керак.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Биз ҳаммамиз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиқсан сиёсий партия тақдим этган Баш вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чикилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибининг белгиланиши, хукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Айни вактда шуни унутмаслигимиз керакки, мазкур ислоҳотларнинг муваффакияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-харакатларимиз суръатига, фукароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг

сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекис: чимиз тақдири ва келажагига дахидор бундай улкан масъулиятили ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир.

## II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш

### Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — конун устуворлиги ва конунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуки ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаптиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқукий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқукий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам биз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислоҳотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратганимиз бежиз эмас. Ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кентайиб, янги босқичга кўтарилигини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, суд ҳокимиётини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собик тузумда бўлгани каби катағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фукаро ҳуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишига хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқукий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳокимиётлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш максадида «Судлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда кабул килинди, шунингдек, бу даврда жиноят-процессуал, фукаролик-процессуал конунчилигига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса ўз навбатида суд тизимини ижро этувчи ҳокимиёт органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берганинн алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни пайдада судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судьяларнинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тутатиш, уларга нисбатан интизомий иш юритувни кўзгатиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилгани ҳам бу борада муҳим кадам бўлди.

**Бундан ташқари, судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, хусусан, суд тизими учун кадрлар масалалари билан шуғулланиш вазифаси маҳсус орган — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юклатилганини қайд этиш лозим.**

Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурода маҳсус ваколатли тузилма — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Бу эса судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан сезиларли даражада холос бўлиши ва бутун диккат-эътиборини ўзларининг асосий бурчи бўлмиш одил судловни амалга ошириш учун қаратиш имконини берди.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фукаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу ўз навбатида уларнинг жиноят ва фукаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳукук ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланниш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини яида кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апеляция тартиби жорий этилгани ҳам муҳим янгилик бўлди. Мазкур ўзгаришларга мувофиқ эндилиқда апеляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши мумкин.

Бугунги кунда фукаролар конуний кучга кирган биринчи инстанция суд кароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳукуқ ва конуний манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлиши. Шу тариқа фукароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпик тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тутатилганини таъкидлаш лозим. Амалга оширилган ўзгаришлар таҳдили шуни кўрсатади, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл кўйилган хатоларни ўз вактида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл кўймасликтининг муҳим кафолатига айланди.

Шу борада куйидаги ракамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида

тузатилган бўлса, 2009 йил якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 85 фоиздан ортиғи апеляция ва кассация тартибида бартараф этилган.

Хозирги вактда мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятнинг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга каратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Айникса, 2008 йилда «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конуннинг кабул килиниши бу борада ёят мухим аҳамият касл этди. Шу асосда амалдаги конунчилигимизга суд-хукук тизимини либераллаштириш, инсон хукуклари ҳимоясини таъминлаш жараёнининг энг мухим таркибий кисми бўлган адвокатура мустакиллигини янада мустаҳкамлашга каратилган бир қатор ўзгартиш ва кўшимчалар киритилди.

Ушбу конунга мувофик ҳимоячига жиноят ишини юритишига масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан мутлако мустакил равишда жиноят иши процессининг ҳар қандай боскичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш хукуки берилгани эътиборга сазовордир. Шу билан бирга, ҳимоячининг кўрилаётган ишда иштирок этиш учун хукукни муҳофаза қилувчи органлардан ўзига ижозат берилгани тўғрисида ёзма равишдаги тасдиқловчи хужжат ва шунингдек, ўз ҳимоясидаги шахс билан учрашиш учун рухсат олиш мажбуриятини белгилайдиган нормалар жиноят-процессуал конунчилигидан чиқарилди. Эндиликда буларнинг барчаси учун — шунга эътибор беринглар — адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассасаси томонидан бериладиган ордернинг ўзи кифоядир.

Конунда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўскинилик килиш, унинг ўз ҳимояси остидаги шахсга нисбатан позициясини ўзгариши мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир ўтказишга каратилган ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланганини эътироф этиши зарур.

Шуни алоҳида кайд этиш лозимки, жиноий-хукукий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал конунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик таъмойилларига мувофиқлаштириш энг мухим йўналишга айланди.

Ушбу соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, 2001 йилда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари

хамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул килиниши улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганини ишонч билан тъқидлаш лозим.

Мазкур қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича камоқ ва озодликдан маҳрум этип жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни кўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлако зид бўлган молмulkни мусодара килиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди.


Шунингдек, Жиноят кодексининг 11 та моддасига етказилган моддий заарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум килиш тарикасидаги жазо кўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди.

Айтип керакки, жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган бундай чора-тадбирларнинг накадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Илончим комил, хўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўйича одамларни қамаш шарт эмас — бу давлатга жуда кимматга тушади, қолаверса, бундай жазо тури маҳкумларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш вазифасини ҳал килмайди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қиласди. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум килиш жойларида сакланётган маҳбуслар сони иккى баробардан кўпроқ камайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир.

Маълумки, Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди.

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳалқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани албатта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Нуфузли хорижий экспертларнинг тъқидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳада юкорида кўрсатилган бошка бир катор ишларни амалга оширилнини



билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди. Халқаро экспертларнинг бу борадаги киёсий таҳлиллари шуни кўрсатмокдаки, умрбод озодликдан маҳрум килиш жазоси Германия ва Польшада 5 та, Белгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкин.

Ўзбекистонда эса умрбод озодликдан маҳрум килиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, факат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга иисбаган қўлланилиши мумкин эмас.

Айтинглар, азиз дўстлар, мана шу олиб келинган далиллар Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин биз қўлга киритган энг катта, энг муҳим ютуқларимиз эмасми? Шу нуктаи назардан караганда, юртимида ҳақиқатан ҳам адолат ўрнатишида жиноят йўлига кирганиларга энг одил ҳуқм чиқаришда бу мисоллар яққол далил эмасми? Бу масала бўйича ўзгалар, бизга акл ўргатадиганлар балки биздан ўрнак оладиган вакт келмадими?

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида дастлабки тергов боскичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилганини таъкидлаш лозим.

Бу борада «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида камоққа олишга санкция бериш ҳуқуки прокурорлан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вактида ва пухта ўйлаб қабул килингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбик этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқук ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини химоя килишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан бўён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини кўллаш рад килингани ҳам буни яққол тасдиклаб турибди.

Мамлакатимизда жиноий-ҳуқукий соҳани либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар ҳақида гапирганда, жиноят-процессуал конунчилигимизга киритилган ўзгартишларга мувофиқ тергов ва шахсни қамоқда саклаш муддатлари кискартирилганини таъкидлаш лозим.

**Шунингдек, хуқукни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиной килмишини содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиной жавобгарликка тортилмайди.**

Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халкининг раҳмандлик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчилилк билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган.

**Шу борада яна бир мисолга зътибор берайлик. Яратув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга якин фуқаро жиной жавобгарликдан озод этилди.**

Сўнгги йилларда юртимиизда хукукни муҳофаза килувчи органлар фаолиятида конунийликни таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум даврида бўлганидек партиявий элита қўлидаги жазолаш куроли эмас, балки конунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимиизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон хуқук ва эркинликларининг ишончли ҳимоя килинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоли ишлар қилинди.

Масалан, 2001 йилда янги таҳрирда кабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Конунга мувофик фуқаролар прокурор назорати обектлари каторидан чиқарилди. Айни пайтда прокуратуранинг инсон хуқук ва эркинликлари, унинг қонуний мағфатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди.

**Шунингдек, суд карорлари ижросини тўхтатиб туриш хукуки прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди. Туман ва шаҳар прокурорларининг эса тергов ва айбланувчини қамоқда саклаш муддатларини узайтириш хукуклари бекор қилинди.**

Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-хукуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон хуқук ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар суд-хуқук тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига кўяётганини биз ўзимизга албатта яхши тасаввур этамиз.

Бу борадаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида куйидаги ташкилий-хуқукий чораларни амалга ошириш тақлиф этилади.

**Биринчи.** Бундан ўн йил олдин кабул килинган амалдаги «Норматив-хукукий хужжатлар түғрисида»ги Конуннинг янги таҳририни кабул килишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб килмоқда. Яъни, ўтган даврда конун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-хукукий хужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезилари даражада оғлани бу соҳада конунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, кабул қилинаётган норматив-хукукий хужжатларнинг конунларга, социал-иктисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда.

**Иккинчи.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Бу ўринда судга қадар иш юритув боскичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини факат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда туттилмоқда.

Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши сурилтирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фукароларнинг хукук ва эркинликларини химоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва ҳалқаро хукук нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

**Учинчи.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айлов хulosасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини факат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклиф этилади. Чунки амалдаги конунчиликда давлат айловчиси, яъни прокурорнинг суд мажлисида айлов хulosасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ бўлгиланмаган. Шунинг учун айлов хulosasi кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу эса суднинг вазифа ва мақсадларига мос келмайди. Жиноят-процессуал конунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустакиллиги, холислиги ва бегаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат килади.

**Тўртинчи.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш мақсадта мувофиқ бўлур эди. Маълумки, жиноят

ишини кўзғатиш аввало сурнштирув ва дастлабки тергов органлари, жиноий таъкибни амалга оширадиган бошқа ҳукук-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади. Суддан эса шахсга қўйилган айблоннинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш талаб этилади.

Ваҳоланки, ҳозирги пайтда суд томонидан жиноят ишини кўзғатиш тарзидағи процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши мөхияттан жиноий таъкибнинг ва ундан келиб чикадиган барча оқибатларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу эса судни жиноий таъкиб иштирокчилари тоифасига киритиб қўяди. Айтиш керакки, бундай амалиёт суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлако мос келмайди.

**Бешинчи.** Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул килиш таклиф этилади. Ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишида фукароларнинг ҳукук ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя килишнинг реал ҳукукий кафолатларини яратишга йўналтирилган. Бу қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатларнинг умумзътироф этилган амалиётига мос келади. Таъкидлаш керакки, бу қонун жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш буйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, сурнштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ҳукукни муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолиятининг янада либераллашувини таъминлашга олиб келади.

**Олтинчи.** Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳирда қабул килиш зарур.

1994 йилда қабул қилинган амалдаги мазкур кодексга ўтган давр мобайнида 60 мартадан кўпроқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритилган. Унинг янги таҳрири суд-ҳукук тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳукукий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг кўламли тарзда акс эттириши лозим.

Бунда авваламбор жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни, айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиши кўзда тутиш зарур.

Кодекснинг янги таҳрирда кабул килиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-хуқукий хужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид конунчиликнинг унификациялашувини, яъни бирхиллашувини таъминлайди.

Шунингдек, маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришининг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг хуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ҳам мазкур кодексда кўзда тутиш лозим.

**Еттинчи.** Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатта олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари, хуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунийлик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича аллия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги хуқукий механизmlарни ўрнатадиган хужжатларни ишлаб чиқиш ва кабул килиш талаб этилмоқда.

Аллия органларининг хуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва хуқуқни кўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қиласди.

**Саккизинчи.** Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффакияти кўп жиҳатдан одамларнинг хуқукий онги ва хуқукий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак хуқукий маданият — демократик жамият пойdevori ва хуқукий тизимнинг етуклик кўrsаткичидir.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-хуқукий воқеликни хисобга олган ҳолда, мамлакатимизда хуқукий таълим ва маърифатни, жамиятда хуқукий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши ахолининг инсон хуқуқ ва эркинликларига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда конунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди, деб ўлтайман.

### **III. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш**

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун биз демократик жараёнларни чукурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фукароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Маълумки, фукароларнинг ахборот соҳасидаги хукуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш хукуки ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса охириги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга каратилган кенг қамровли ташкилий-хукукий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юртимизда аввало оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга каратилган 10 га якин қонун ҳужжатлари қабул килинди.

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул килиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш хукукларини амалга оширишда, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Сўнгти йилларда янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга, шунингдек, «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Муаллифлик хукуки ва турдош ҳукуклар тўғрисида»ги ва бошқа бир катор қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса янги сиёсий шарт-шароитларда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириши таъминлади. Шу билан бирга,

нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг камроали институционал ислоҳотлар амалга оширилди.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларини кўллаб-куватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш максадида бир қанча жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустакил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидандир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, ахборот технологиялари ва тизимларини кўллаган ҳолда, ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини белгилаб берган янги таҳрирдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Конунинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни жадал ривожлантиришида муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга кўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланадиган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Дунёдаги етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг такомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва савијасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бундай кенг микёсдаги ишлар натижасида факат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони кариб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг кариб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари

жорий килинаётганида намоён бўлмоқда. Юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетгави ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Мамлакатимизда фукароларнинг ахборот соҳасидаги хукук ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларни танқидий баҳолар эканмиз, муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиш зарур, деб ўйлайман. Яъни, бу ўринда гап оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёниклигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлик муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳакида бормоқда.

Шу боисдан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ута долзарб аҳамият касб этмоқда:

**Биринчи.** «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» Конун қабул қилиш зарур. Бу ўз навбатида фукароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий хукуқини янада кенгрок амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган карорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтирган бўлур эди.

Ушбу конун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳакида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган карорлар, авваламбор фукароларнинг хукук ва эркинликлари, конуний манфаатлари билан боғлик қарорлар ҳакидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаши лозим.

Мазкур қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда, таъминлаши зарур.

**Иккинчи.** Демократлаптириш жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган ахборот коммуникациялари соҳасининг энг муҳим

тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» Конун қабул килиш ҳакида таклиф киритилмоқда.

Маълумки, ҳозирги вактда ушбу соҳадаги фаолият оммавий ахборот воситалари, радиочастота спектри, телекоммуникациялар, ахборотлаштириш тўғрисидаги конунларнинг муайян моддалари билан тартибга солиб келинмоқда.

Шу билан бирга, телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустакил кудратли индустрия сифатида кайта ташкил этиш, телерадиоэшиттиришларнинг янги шакл ва турларининг пайдо бўлиши телерадиодастурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг кўламли равишда тартибга соладиган яхлит қонунни кучга киритиш заруратини туғдирмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида ракобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобил ва ракамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телениндустрининг истиқболли янги тармоқларини ташкил килиш учун зарур шароитларни яратиш имконини беради.

Бу қонун миллий телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиши механизmlарини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ва мустақиллиги каби принципларини белгилаб беришга, радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва ошкоралигини таъминлаш, тенг рақобат ва электрон медиа-бозор тармоқларининг монополашувига йўл кўймаслик учун шароит яратиш ва бошқа бир қатор муаммоларни ечишни назарда тутади.

**Учинчи.** Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя килишининг ҳуқуқий кафолатлари ва механизmlарини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизmlарини жорий килиш билан бевосита боғлиқдир.

Ушбу вазифани амалга ошириш учун \*«Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш кафолатлари тўғрисида»\*ти қонунларни қабул қилиш таклиф этилади. Бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя килиш, кўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил

ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-хукукий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

**Тұрғинчи.** Оммавий ахборот воситаларининг давлат хокимияти ва бошкарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, хокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатыш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали хукукий механизмларни яратиш мақсадида «Оммавий ахборот воситалари түғрисида», «Ахборот эркінлиги принциплари ва кафолатлари түғрисида»ги ва бошқа бир катор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартыш ва кўшимчалар киритиш таклиф этилади.

Бунда, хусусан, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-түзилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни кўзда тутиш лозим. Оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини кискартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузғанлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган хукукий механизмлар устида иш олиб бориш зарур.

Шу билан бирга, сиёсий модернизация жараёнларида тобора мухим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим.

**«Телекоммуникациялар түғрисида»ги** Қонун нормаларини янада тақомилаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимиға ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам ушбу вазифани ҳал этишга хизмат қиласди. Мазкур дастур рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш, бу борадаги фаолиятни хукукий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратишга қаратилиши даркор.

Мұхтасар айтганда, юкорида зикр этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамиятияти институтлари тизимидағи ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркінлиги ва танлаш эркінлигини таъминлашга қаратилган конституциявий хукуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

#### **IV. Ўзбекистонда сайлов ҳукуки эркінлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш**

Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш

принциплари, биринчи навбатда хар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳукуки миллий давлатчилигимиз моделиниңг асосини ташкил этади. Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳукукий нормаларнинг нечоғлик демократик рухда эканини намоён этадиган, демократик ҳукукий давлатнинг узвий белгиси, ҳалкнинг ўз ҳохиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.

Шу муносабат билан ўтган давр мобайнида юртимизда самарали, демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ғоят чукур ўзгаришлар амалга оширилганини тъжидлаш ўринлидир.

Маълумки, Конституциямизга, шунингдек, «Сайловчилар ҳукукларининг кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Ҳалк депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгапларига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги конунларга 2003 ва 2008 йилларда тегиши ўзгартиш ва кўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, ушбу даврда мазкур соҳага оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул килинди. Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва боскичма-боскич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумэтироф этилган ҳалкаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди.

Ушбу қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг факат кўпартнявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни эса — сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципиал коида мустаҳкамланди. Депутатликка номзодларнинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиш амалиёти бекор килинди ва бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чукурлаштириш йўлидаги принципиал кадам бўлди.

Шу борада сайлов қонунчилигимизга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик

давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайдиган мутлак ваколатларниң Марказий сайлов комиссиясига берилишинің күзде тутадиган ўзғартишларниң киритилиши ўта мұхим ақамиятта молик улкан воеа бўлди. Амалдаги конунчилитгимизга кўра, сайлов кампанияси жараёнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашишга қаратилган ҳар қандай уриниш конун билан тақиқланиши ҳам буни яқъол кўрсатиб турибди.

2009 йилги сайлов арафасида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Концепция ишлаб чиқилди. Мазкур Концепция хорижий эксперталар томонидан фуқароларнинг сайлов ва ўз ҳоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий хукуқларига риоя этилиши бўйича ноёб ҳужжат сифатида баҳоланган эди. Ҳакиқатан ҳам, ушбу Концепциянинг амалга оширилиши сайловнинг конун талабларига тўла мувофиқ ҳолда, сиёсий партияларнинг ўта фаол иштирокида, сайлов жараёнинг марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувига йўл кўймасдан ўтказилишини таъминлашда гоյт мұхим рол ўйнади.

Бизнинг конунчилитгимизда сайлов кампаниясининг бирон-бир иштирокчиси учун қандайдир алоҳида имтиёз ва преференциялар берилмаслиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси коидаларига мувофиқ, Президент сайлови, парламент ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ҳозирги вактда конун билан белгиланган ягона кунда – уларнинг конституциявий ваколатлари муддати тугайдиган йилнинг декабр ойи учинчи ўн кунлигидаги биринчи якшанба куни ўтказилади.

Айтиш керакки, бизнинг сайлов тизимимиз ривожида 2008 йили сайлов конунчилитгимизга киритилган ўзғартишлар мұхим босқич бўлди. Конунчиллик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, шундан 135 нафар депутат сиёсий партиялардан сайланади. Бугунги кунда атроф-мухитни муҳофаза килиш масалалари ниҳоятда мұхим ва долзарб ақамият касб этиб бораётганидан келиб чиқкан ҳолда, куйи палатамиздаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Бундан ташкири, конун ҳужжатларига сайлов жараёнининг янада либераллашувини таъминлайдиган бир катор нормалар киритилди. Жумладан, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди.

Айни вактда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун

рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг килиб белгиланди.

Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Шулар қаторида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг «ваколатли вакили» деган янги институт киритилди, унга имзо ва рақаларининг тўғри тўлдирилишини текширишда, сайлов участкаларида овозларни санаб чикишда иштирок этиш ҳукуки берилди.

Яна бир муҳим янгилик — конун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашга каратилган нормаларнинг киритилишида ўз аксини топди.

Шу асосда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларида, шунингдек, сайлов кунида овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чикишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий давлатлар, ҳалқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан хам кузатувчилар катналиш ҳукуқига эга бўлди.

Шуниси зътиборга сазоворки, бизнинг сайлов тизимимиз хотин-қизларнинг ижтимой-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавкеини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Сайлов тўғрисидаги конун ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги норманинг киритилгани бунинг якқол тасдиғидир.

2009 йилги сайловлар жараённида айни ана шу норманинг татбиқ этилиши парламентнинг куйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этадиган 33 нафар хотин-қиз депутатни сайлаш имконини берди.

Сенат аъзолари этиб сайланганларнинг 15 фоизи аёллардир, маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортиғини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми хисобланган сайлов тизимимиз мунтазам такомиллашиб бормоқда. Шу билан бирга, бутунги кунда ҳайтнинг ўзи, айниқса, охирги сайловда биз туплаган тажриба юртимизда сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига кўймокда.

**Шу муносабат билан куйилдаги қонунчилік ташаббусларини амалға ошириш мәксадға мувофиқ бўлур эди.**

**Биринчи.** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддаси ҳамда «Халк депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кентгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига ўзгарттиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади.

Бу авваламбор партиялараро рақобатнинг кучайипи, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуслари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётгани билан изохланади. Шунинг учун сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясининг ушбу мухим боскичини амалға ошириш жараённан депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни назарда тутиш лозим.

Бундан ташқари, «Сайловолди ташвиқоти» тушунчасининг ўзига аниқ таъриф бериш, бундай таъвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усусларини қонунчилик йўли билан белгилаб қўйиш зарур.

Яхши биламизки, бундай тажриба турли демократик мамлакатларнинг сайлов қонунчилигида кенг кўлланиб келмоқда.

**Иккинчи.** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани киритиш мәксадға мувофиқдир. Мазкур норма бир қатор ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида кенг кўлланади. Унинг қонунчилигимизга киритилиши сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайриҳоҳлигини аниқлаб олиш, бошқача айтганда, уларнинг ким учун ва қандай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида онгли равишда аниқ бир карорга келиши учун қўшимча вақт берилишига имкон яратган бўлур эди. Қонунчиликнинг ушбу кисмини такомиллаштириш овоз бериш арафасида турли сунистеъмоллик ҳолатлари ва қонун бузилишларининг олдини олиш имконини ҳам беради, албатта.

**Учинчи.** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддаси ҳамда «Халк депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кентгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддасига қўлпимчалар киритиш таклиф этилади. Маълумки, жойлардаги участка комиссиялари аксарият ҳолларда қонунчиликда янада аниқ белгилаб қўйишни талаб этадиган турли вазият ва муаммоли ҳолатларга дуч келади. Улардан бирин муддатидан олдин овоз бериш

**тартыб-коидаси билан боғлиқ муаммодир.** Шунинг учун ҳам зикр этилган кўшимчаларнинг киритилиши фуқароларнинг сайлов ҳукуклари амалга оширилишини, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини, участка комиссиялари фаолияти ошкоралигини таъминлаш ва сайлов конунчилиги бузилиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл кўймаслик борасида навбатдаги қадам бўлур эди.

**Тўртинчи.** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги конунларга “овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичida, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон килиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади” деган нормани киритиш мақсаддага мувофик хисобланади. Ушбу норманинг юқорида кўрсатилган конунларга киритилиши сайловчилар ҳукукларининг янада таъсирчан химоя килиниши, муайян номзодга ғаразли муносабатда бўлиш, бу борада сайлов конунчилиги бузилишининг олдини олиш имконини беради.

**Бешинчи.** Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш максадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Конуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конунчилик палатаси депутатларини сийлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳукукини белгилаб берадиган кўшимча киритиш мақсаддага мувофик, деб ўйлайман.

Юқорида баён этилган конунчилик ташаббусларини амалга ошириш мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳукуки принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат килиши мухаррар.

## **V. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш**

**Азиз дўстлар!**

Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр ахолимизнинг кенг катламлари қўллаб-кувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, подавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ё Конституциямизда

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча ахоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармокларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга караганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йигинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортикни ташкил этади. Булар категорида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-кизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин.

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари хозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг муҳим омилига айланмокда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рӯёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иктисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини тъминлашга кумаклашмоқда.

Бундай ташкилотларнинг обўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан тъсиричан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормокда. Бутунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алокасини тъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечеётган ўзгаришларга муносабатини анилашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмокда.

Мамлакатимизда Омбудсман, Инсон ҳуқуклари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуклари бўйича миллий институтлар ва бошқа бир катор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иктисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул килингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта зътиборни кўрсатади.

Айтиш керакки, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустакил иш юритиши ва чинакам мустакиллигини таъминлаш, хукук ва қонуний маңбаатларини ҳимоя килиш, фаолиятини ташкилий-хукукий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-кувватлашни кучайтиришга каратилган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуннинг кабул килиниши муҳим аҳамият касб этди.

Сўнгги йилларда «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига қўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошка катор хужжаглар қабул килинди ва улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаолигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошка институтларини қўллаб-кувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги кўшма қарори ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўз навбатида, Олий Мажлис хузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ҳодимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил килинishi ҳам эътиборга сазовордир.

Мазкур комиссиянинг фаолияти «учинчи сектор» деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-кувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблагларни янада очик, ошкора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Факат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этсан турли ижтимоий лойихаларни амалга ошириш учун Олий Мажлис хузуридаги Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан ортик маблаг ажратилди.

Юртимиз гараккиётининг ҳозирги боскичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошка фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократглаштириш

ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимиизга кўйган максадимизни рўёбга чикаришда хеч бир муболагасиз ҳал килувчи омил эканини, ўйлайманки, кимгadir уктириб ўтиришга зарурат бўлмаса керак.

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Конуннинг кабул килиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу конунда ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар мұаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз ахолиси турли катламларининг ҳукуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя килишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аник чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳукукий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳукукий нормалар кўзда тутилиши даркор.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу вазифани ҳал килишда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш максадга мувофиқдир. Бунда маҳаллани аник йўналтирилган асосда ахолини ижтимоий қўллаб-куватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оиласвий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидағи вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор каратиш лозим.

Шу билан бирга, «Фуқаролар йигини раиси (оқсоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоколлар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаолигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф килинади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан конун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали

хукукий механизмини яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тұғрисида»ғи Қонунни қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг хукукий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб кўйиш зарур.

Шу нуктаи назардан караганда, Инсон хукуклари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиши долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур энг аввало хукукни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон хукук ва эркинликларининг ҳимоя килинишини таъминлаш, жамиятда инсон хукуклари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошка соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак.

**Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Мъймурӣ жавобгарлик тұғрисидагы кодексига жамият ва давлат қурилиши, худудларда ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотларни хукукларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузгандлик учун давлат органлари мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қушимчалар киритиш лозим.**

Шулар категорида соғликни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларни қўллаб-кувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг хукукий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиши долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, атроф-муҳитни ҳимоя килишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган «Экологик назорат тұғрисида»ғи Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа катор қонун ҳужжатларини қабул қилиш фурсати етди, деб ўйлайман.

## **VI. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштириш Мухтарам юртдошлар!**

Барчамизга аёнки, мамлакатимиз мустакил тараккиётининг дастлабки боскичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда

улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий-буйрукбозлик тизимиға барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, конунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга каратилди.

Шу борада кабул килинган ўта мухим конун ва норматив хужжатлар каторида Фуқаролик, Ер, Солик ва Божхона кодекслари, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштирили тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар хукукларининг кафолатлари ва уларни химоя килиш чоралари тўғрисида»ги конунларни кайд этиш мумкин.

Ислоҳотларимизнинг кейинги босқичида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги конунлар, янги таҳрирдаги Солик кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ килиш бўйича умумий хисобда 400 дан зиёд конун хужжатлари ишлаб чиқилиб, кабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация килишда нафакат мустаҳкам хукукий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга кайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат килмоқда.

Шу билан бирга, холисона таҳлил, ислоҳотларимизнинг мантиқи ва изчилиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошкариш тизимини янада чукурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмокда.

Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг хукук ва химоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар кайси хусусий мулкдор конуний йўл билан кўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг даҳлсизлигига асло шубҳа килмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиш зарур. Ҳар бир тадбиркор аввало шуни аник-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор хукукларининг химоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик килиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Айни шу максадда бозор иқтисодиётининг негизи хисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан бериләётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга каратилган «Хусусий мулкни химоя килиш ва мулкдорлар хукукларининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунни ишлаб чиқиш ва кабул қилиш зарур.

Шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик түсікларни бартараф этиш мақсадида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-коидалари тұғрисида»ғы Конунни ишлаб чикиш ва кабул килиш мухим ахамият касб этади. Бунда тадбиркорлик фаолиятini юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-коидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аник белгилаб қўйиш, конунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-коидаларининг янги турлари киритилишини конун билан кескин тақиқлаш зарур.

Ўйлайманки, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-хукуқий шакли сифатида оиласиий бизнесни конуний белгилаб қўйиш вакти келди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил килишнинг ушбу шакли бизнесни юритишида юзага хелган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиши фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил килишнинг конунчилик базаси яратилса, оиласиий бизнеснинг хукуқий кафолатларини кучайтириш, иктиносидиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кент ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит тутғилади.

Сизларга яхши маълумки, жаҳон молиявий-иктисодий инкирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, сугурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишининг конунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлик. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида ракобатнинг кенгайиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак ҳалқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иктиносидиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар хеч кимга сир эмас, албатта Буларнинг барчасини зътироф этган ҳолда, мавжуд конунларимизнинг кўпчилитини уларни кўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий кайта кўриб чикиш зарур.

Мисол учун, мамлакатимиздаги деярли барча ишлаб чиқариш

обектлари акциядорлик компаниялари принципи бўйича ташкил этилган, аммо улар ўз макомига қай даражада мос холда фаолият юритмокда ва ўз хукукларидан қандай фойдаланмоқда, деган савонли ўзимизга бериб кўрайлил. Акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос макомига мувофиқ фаолият юритиши учун яна қандай механизмларни ҳаракатта келтириш зарур?

Шу муносабат билан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги Конунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, хукуклари ва жавобгарлигини янада аник белгилаш лозим. Ушбу конундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгашлари, умумий йигилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва ахамиятини ошириш, миноритар, яъни кўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш айни муддао бўлур эди.

Хозирги вақтда яна бир мухим масала — мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган конуиларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб колмоқда.

Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, афсуски, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаяпти. Ушбу вазифани ҳал этиш учун «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарур. Бу конунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларини ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозим. Ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, ҳалқаро амалиётта мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичмабоскич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан кўллаб-куватлаш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топиши даркор.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бозор муносабатларининг асоси

бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга карши конун хужжатлари катта рол ўйнайди. Аммо, амалдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шуни зътиборга олган ҳолда, «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур. Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишини назарда тутиш лозим. Шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, кўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддлаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш максадга мувофиқдир.

Хозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортигини нодавлат сектор таъминламоқда. Тан олишимиз керакки, 1991 йилда қабул килинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун, ўтган давр мобайнода 80 тадан ортиқ қонуности хужжати унга уйғунлаштирилганига қарамасдан, бугун қайта кўриб чиқишини ва янги таҳрирда қабул қилишини талаб этмоқда.

Мамлакатимизнинг стратегик мухим тармоқлари ва корхоналарида акцияларнинг назорат пакети, таъбир жоиз бўлса, «олтин» акцияларни давлат ижтиёрида саклаб қолган ҳолда, иқтисодиётнинг энг мухим етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилиш ва уларда нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш зарур. Бунда бўлажак инвесторларнинг барча тоифаларига хусусийлаштириш жараёнларида тенг шароит яратишни таъминлаш, уларда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очиқлиги ва ошкоралигини кўзда тутиш лозим.

Юкорида таъкидлаб ўтилган ғоят мухим аҳамиятга молик қонунларни такомиллаштириш билан бирга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантикий талабларидан келиб чиккан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат киладиган бир катор қонунлар қабул қилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. «Кредит бюоролари фаолияти ва кредит аҳбороти алмашуви тўғрисида», «Гаров реестри тўғрисида», «Ризлторлик фаолияти тўғрисида», «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида», «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида»ги ва бошқа янги қонунлар шулар жумласидандир.

Яна бир мухим масала.

**Мамлакатимиз иктисодий тараккиётининг энг муҳим истиқболлари ва устувор йўналишларини белгилаб олар эканмиз, биз ички эҳтиёжнинг ўсишига алоҳида эътибор каратишимиз керак бўлади. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози оқибатларини юмшатишга каратилган Инкироизга қарши чоралар дастурида ана шундай ёндашув асосида иш тутганимиз ўтган йилларда ўзини тўла оклади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Осиёдаги кўплаб мамлакатлар айнан шундай позицияга амал қилиб келмоқда.**

Шундан келиб чиқсан ҳолда, бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳак тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма обектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришdir.

**Мухтарам мажлис қатнашчилари!**

**Хурматли депутатлар!**

Сўзимни яқунлар эканман, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таклиф этилган Концепцияси Ўзбекистонни ислоҳ этиш ва модернизация килиш борасида биз қарийб 20 йил олдин бошлаган жараённи давом эттириш бўйича Олий Мажлис томонидан узок муддатли аник ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлади, деб ишонаман.

Менинг сизларга мурожаатим, даъватим шуки, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаетган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнаки ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қиласайлик.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, гайрат-шижоат тилайман.

# Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги олдидан

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда кучли ҳуқукий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти курилиши йўлида мустақиллик йилларида асрларга татигулил залворли ишлар рӯёбга чиқарилди<sup>1</sup>.

Мухтарам Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда халқаро миқёсда кенг тарғиб килиб келинаётган “тараккиётниң ўзбек модели” ютуқларнинг муҳим гарови бўлиб хизмат қилиб келмокда.

Ўзбек моделининг муҳим тамойилларидан бири Қонун устуворлиги деб номланган. Бу тамойилнинг асоси Конституциямизнинг 15-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуларининг устунлиги сўзсиз тан олинади” деб белгилаб қўйилган.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг “Қонуннинг устунлиги бизнинг ислоҳотлар моделимиздаги етакчи тамойилдир. У ҳуқукий давлатнинг асосий мезонларида бири бўлиб хизмат килади деб айтган сўзлари асосий қомусимизда ҳуқуқнинг умумзътироф этилган нормаларига мос равишда ўрин згаллаганлигини алоҳида айтиш зарур.

Буюк бобомиз Амир Темур ҳам ўз даврида “Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади” деган доно сўзларни олтин ҳарфлар билан ёзиб кўйишга амр берган эди.

Инсон ҳуқуклари Умумжаҳон Декларациясининг 21-моддасида “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга” деб белгиланган бўлса, ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига згадирлар” деб белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида юртимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш борасида кабул килинган Қонун ҳужжатлари аҳолининг ҳуқукий маданиятининг юксалиб бориши билан ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқукий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган,

<sup>1</sup> Б.Юнусов. Демократияниң бош мезони. “Андижоннома” газетаси 2012 йил сентябрь

демократик ҳуқукий давлатнинг узвий белгиси, халкнинг ўз хоҳип-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисига тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да Ўзбекистонда сайлов ҳуқуки эркинлигини таъминлаш ва сайлов конунчилигини ривожлантириш масалалари 4-устувор йўналиш сифатида кўрсатиб ўтилган бўлиб, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлган эркин сайловларга, яъни демократиянинг бош талабига берилаётган алоҳида зътибор давлат сиёсати даражасида эканлиги яна бир бор намоён этилган.

Гарчанд, бизнинг сайлов конунчилигимиз ва сайлов тизимимиз умуммэтироф этилган ҳалкаро стандартлар ва демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берсада, мамлакатимизнинг сайлов тўғрисидаги конун ҳужжатлари аксарият ривожланган демократик давлатларда бўлгани сингари сайловлардан сайловларгача бўлган давларда тобора такомиллаштирилиб борилмоқда. Бу аввалимбор, жамиятимизда рўй бердаётган муҳим демократик ўзгаришларнинг натижаси бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат ва жамият курилиши соҳасидаги демократик ислоҳотларнинг таъсири хисобланади.

Шу жиҳатдан олганда, Давлатимиз раҳбарининг қўшма мажлисда қўлган маърузаларида Ўзбекистонда сайлов ҳуқуки эркинлигини таъминлаш ва сайлов конунчилигини такомиллаштириш бўйича ташаббуслари сайлов эркинлиги ҳуқуки принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашуви борасидаги муҳим йўлланмадир.

Ушбу таклифларни қонунга киритиш бўйича олиб борилган ишлар натижаси бўйича амалдаги конун ҳужжатларига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун лойихасига таклифлар жойларда қизғин муҳокама этилди.

Ушбу таклифларга асосан Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари “сайловолди ташвиқоти”, муддатидан олдин овоз бериш тартиб-коидаси, “овоз бериш кунига кадар қолган беш кун ичida, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-

телеқоммуникация тармокларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланиши”, “Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конунчиллик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш хукукини белгилаб берилиши” каби мухим янги коидалар билан бойитилмоқда.

Фукаролар сайлов хукуклари ва эркинликларини таъминлашга каратилган ушбу янги коидалар мамлакатимизда кўп партияйилик шароитида йилдан-йилга ривожланиб бораётган демократик кадриятларни янада мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Сиёсий партиялардан курсатилган номзодларни сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги ҳамда овоз беришга қадар беш кун ичида сайлов якунлари билан боғлиқ маълумотларни зълон қилинишини тақиқланиши сайловчилар хукуқларининг янада таъсирчан ҳимоя қилиниши, муайян номзодга гаразли муносабатда бўлиш, бу борада сайлов конунчилиги бузилишининг олдини олиш имконини беради. Ушбу қоидаларнинг замирида сайлов кунлари юзага келиши мумкин бўлган турли конунбузилишининг олдини олиш имкони яратилади.

Фукароларнинг сиёсий фаоллиги ортиб бораётган вактда сайлов конунчилигининг такомиллаштириб борилаётганлиги мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлантиришда мухим аҳамиятта эга.

Сайловлар натижасида сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишларни бугунги кунда вилоятимиздаги маҳаллий давлат хокимияти вакиллик органларига сайланган депутатлар фаолиятидан ҳам кўришимиз мумкин.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашида айни вактда 7 та доимий комиссия фаолият олиб бормоқда. Ушбу доимий комиссиялар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасида белгиланган конунийликни, хукукий-тартиботни ва фукароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иктисадий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий соликлар, йигимларни белгилап, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза килиш ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

2010 йил январь ойидан бўён халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўн еттига сессияси ўтказилган бўлиб, сессияларда кабул килинган карорлар вилоятимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш билан боғлиқ мухим масалаларни қамраб олининган.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам беруви ишчи гурӯҳи ва Матбуот хизматининг тузилганилиги вилоят Кенгаши фаолиятини такомиллашуви, депутатларнинг фаолиятидан аҳолини хабардорлигини таъминлаш масалаларидан келиб чиқкан.

Шунингдек, вилоят телерадиокомпаниясида “депутатлик вакти” кўрсатуви ташкил этилиб, унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари ўз фаолиятлари ҳакида сұхбатлари мунтазам бериб борилмоқда.

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг фаолиятида минтақавий масалаларни умумдавлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш масаласи устувор ахамиятга эга.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлар “Регламенти”да янги қоида киритилган бўлиб, бу Олий Мажлис Сенати кўмиталари билан кўпма мажлислар ўтказилиши билан боғлиқ.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши фаолиятида ҳам Сенат билан кўпма мажлисларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Кейинги йилларда Сенатнинг Конунчилик ва суд-хуқук масалалари, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ва Ташқи сиёсат масалалари кўмиталари билан ўтказилган кўпма мажлислар вилоятимиздаги муҳим ижтимоий-иктисодий дастурлар ижросига бағишланган.

Кўпма мажлислар кун тартибида “Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги, “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунлари ижроси, Инкиrozга қарши чоралар дастури, Аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш дастури, Оила кодексининг Никоҳга оид муносабатлари кисмини вилоятда бажарилиши каби масалалар муҳокама этилди.

Кун тартибига киритилган масалалар Сенаторлар ва маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан жойларда ўрганиб чиқилиб, қарор қабул қилингач Республика идораларига ижро учун юборилиши тажрибаси ҳудуддаги мавжуд муаммоларни тезкорлик билан аникдаш ва уни келгусида юзага келмаслиги учун ҳам минтақавий – вилоят Кенгашида ва умумдавлат миқёсида - Сенат томонидан назоратга олиниши мамлакатимиз парламентчилиги ривожланишининг муҳим босқичидаги янги тажриба ҳисобланади.

*Бу моделнинг асосий тамойиллари — яъни, иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтиомий сиёсат, ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принциплари барчамизга яхши аён.*

**И. КАРИМОВ**

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – миллий давлатчиликнинг тикланиши, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий пойдевори**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлиланган 2011 йил 8 декабрдаги тантанали маросимдаги «Бизнинг йўлими – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом этириш йўлидир» мавзудаги маъруzasida Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган бекіёс аҳамияти ва тарихий роли, шунингдек, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб белгилаб олинган, ўтган давр ичиди ҳар томонлама синовдан ўтган ва ўзини оқлаган «Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг», «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган коида ва тамоилилар асосида мамлакатимиз хаётидаги туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг истиклол йилларидағи иқтисодий, сиёсий, ижтиомий соҳаларда жадал ривожланиши ёритиб берилди<sup>2</sup>.

2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Юртбошимиз томонидан баён қилинган – «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мөхият эътибори билан Ўзбекистонимиз яқин ва узок истиқболда ўз олдига қўяётган юксак максадларга эришишнинг амалий стратегияси сифатида хизмат килмоқда.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича концепцияда ўз ифодасини топган ислоҳотлар бир-икки йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланганлиги, шунингдек, бу ластур ўз маъно-мазмуни билан бутунги кунда олдимида турган энг юксак максад бўлмиш – мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига

<sup>2</sup> Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари учун ўтказилган семинар итилиши материалларидан, 2011 йил,

қўтариш, ҳалкимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган эзгу ишшаримизни ўзида мужассам этиб, жамиятимиз учун давр синовидан ўтган якка ягона тўғри йўл эканлиги белгилаб берилди.

Юртбошимиз бугунги куннинг энг мухим ва долзарб вазифаси – Концепцияда ва уни амалга ошириш стратегиясида ўз ифодасини топган олијканоб мақсадлар барча-барча юртдошларимиз учун улар ҳаётининг мазмуни ва амалий интилишларига айланиб бориши лозимлигини, ҳар кайси инсон мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотлар, авваламбор, унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандлари учун, шу юртнинг фарононлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аник-равшан англаб этиши ниҳоятда мухим аҳамият касб этиши ва ҳаммамизга кагта маъсуллиятлар юклашини кўрсатиб ўтдилар.

Юртбошимиз таъкидлаб айтганиларидек, Конституциямиз қонун устуворлигини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини мустаҳкамлаб берди.

Қонун устуворлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида белгилаб берилган. Конституциянинг III боби иккита – 15- ва 16-моддалардан иборат бўлиб, “Конституция ва қонуннинг устунлиги” деб номланган.

Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Ўз фаолиятини Конституция ва қонунларга мувофиқ амалга ошириш давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг конституциявий бурчи бўлиб ҳисобланади. Агарда улар ўзларининг бу бурчларини бажармасалар уларга нисбатан қонунда белгиланган тегишли жавобгарлик чоралари кўлланиши мумкин.

Конституция ва қонунларга риоя этмаган шахсларнинг жавобгарлиги Конституциянинг ўзида ёки тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб кўйилган бўлади. Масалан, Конституция 93-моддасининг 15-бандига мувофиқ Конституцияни, қонунларни бузган туман ва шахар хокимларини республика Президенти ўз карори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.

Бу борада шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Конституциянинг нормаси бошқа қонунларнинг нормаларига нисбатан устунлик характеристига эга. Чунки Конституция барча бошқа қонунлар учун асосдир.

«Қонун устуорлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳукук ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳукукий маданияти ва ҳукукий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳукукий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафакат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади<sup>1</sup>».

Конституциянинг 16-моддасида мустаҳкамланган коидага биноан «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳукукий ҳужжат Конституция нормалари ва коидаларига зид келиши мумкин эмас». Агарда норматив-ҳукукий ҳужжат Конституцияга зид келадиган бўлса, у албатта бекор килиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳукукий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини таъминлашнинг самарали механизми ишлаб чиқилган ва амалда кўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддасининг биринчи қисмига мувофик «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишларига зид келадиган қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор килинади». Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофик эса «Ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишларига, Ҳукumat ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зид келадиган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тўхтатилади ва бекор килинади».

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 августда янги таҳрирда кабул қилинган Қонунининг 20-моддасига мувофик ушбу моддада кўрсатилган бошқа давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳукукий ҳужжатлари билан бир каторда ҳокимлар томонидан кабул килинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги прокурор назоратининг предмети бўлиб ҳисобланади.

Агар прокурор ҳокимнинг қарори ёки фармойишини қонунга мувофик эмас деб ҳисобласа, белгиланган тартибда протест келтиради.

<sup>1</sup> Каримов И. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмок керак. Т. 10. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2002. – 28-бет.

**Маълумки протест 10 кун ичида кўриб чиқилиши шарт.**

Ҳоким протестни кўриб чиқиш жараёнида ўзининг карорини конунга мувофик эмаслигини аниқласа қарорни бекор килади ва унинг ўрнига конунга мос бўлган янги карор қабул килади. Ёки протест келтирилган карорни қонунга мос деб ҳисобласа прокурор келтирган протестни рад этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда прокурор конунга мувофик эмас деб, ҳисоблаётган карорни қонунийлигини аниқлаб беришни сўраб судга мурожаат қилишга ҳакли.

Маълумки, судлар томонидан давлат органлари хукукий хужжатларининг Конституцияга ва қонунларга мослигини назорат килинishi суд органларининг ваколатларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12-моддаси «Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хужжатини ҳақиқий эмас деб топиш» деб номланган бўлиб, унинг биринчи кисмига мувофик «Давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун хужжатларига мувофик бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг фуқаролик хукукларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган хужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин».

Суд хукукий хужжатни ҳақиқий эмас деб қарор чиқарган тақдирда бу қарор ҳамма давлат органлари ва бошқалар учун ҳам мажбурийдир. Чунки, Конституциянинг 114-моддасида «Суд ҳокимияти чиқарган хужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир» деб мустаҳкамлаб кўйилган.

Суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб эълон қилинган хукукий хужжат юридик кучга эга эмас.

Агарда бирон-бир хужжатнинг қонунийлиги тўғрисида суд қарори мавжуд бўлса ўша хужжат юзасидан фуқаролар ёки ташкилотлар судга яна шикоят қилишлари мумкин эмас.

Шундай килиб, суд прокурорнинг даъво аризасини қаноатлантириши, яъни ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топилиши ёки даъво аризасини қаноатлантириласлиги, яъни ҳукукий хужжатни қонунга мос деб топилиши ҳам мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституясиининг 109-моддасига мувофик маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг Конституясиига мослигини аниқлаш Конституциявий суднинг ҳам ваколатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шундай килиб, конун устуворлиги куйидаги түртта ҳолат бўлгандагина, яъни биринчидан, қабул қилинаётган конунлар ва бошқа норматив-хукукий хужжатлар адолатга, инсон хукуки ва манфаатларига асосланган бўлгандада, иккинчидан, барча бошқа норматив-хукукий хужжатлар Конституция ва конунларга мос бўлгандада, учинчидан, конун олдида ҳамманинг баробарлиги амалда таъминланган бўлгандада, ва тўртичидан, Конституция, конунлар ва бошқа норматив-хукукий хужжатлар барча давлат органлари, нодавлат тапкилотлар, мансабдор шахслар ва фукаролар томонидан аниқ бажарилгандагина ўзининг тўлик ифодасини топади.

Конституциямиз давлат ҳокимиятининг қонун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг хукукий принципини белгилаб берди, уларнинг мустакиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал кибути шарти бўлган ҳокимиятлар ўргасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга каратилган қонуний негизни яратди.

“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошкаруви соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўргасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга каратилганини таъкидланган эди.

Шу муносабат билан ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг моҳияти нимадан иборат, ўтган даврда бу тизимни мамлакатимиз ҳаётига жорий этиш бўйича нима ишлар қилинди ва келгусида уни ривожлантирипни кайси йўналишлар бўйича амалга опириш тўғри бўлади деган саволларниң туғилиши табиийdir.

Маълумки, ҳокимиятлар бўлиниши назарияси жаҳоннинг кўлгина ривожланган мамлакатлари давлат қурилиши тажрибасида қулланилиб келмокда. Ўзбекистон Республикаси ҳам мустакиллигини қўлга киритганидан сўнг ўз Конституциясининг 11-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади” деган коидани мустаҳкамлаб кўйди. Бу қоида кейинчалик “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий конунларда, “Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги ва бошка конунларда яна ҳам ривожлантирилди.

Давлат ҳокимиятининг бу учта тармогининг ҳар бири ҳам бошқаларидан мустақил бўлмоғи лозим. Шу билан бирга, бир томондан, бири бошқаларининг мутаносиб ривожланиши учун етарли даражадаги шарт-шароитларни яратиши, керак бўлса уларни тийиб туриши, иккинчи томондан эса, умумий максад йўлида бошқалари билан ҳамкорлик килиши лозим бўлади.

Объектив зарурат шундайки, давлат ҳокимиятининг бу учта тармоғи бир-бири билан узвий боғлиқdir. Улар давлат ҳокимиятини биргаликда ташкил этадилар ва унинг тизимидағи зарур элементлар бўлиб хисобланадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими факатгина ҳокимиятнинг учта тармоғи ўртасида эмас, балки ҳокимиятнинг тармолари билан давлат бошлиғи – Президент ўртасида ҳам амал қиласади. Масалан, парламент томонидан қабул килинган конунлар Президент томонидан имзолангандан кейингина кучга киради, Президент вето хукукига эга, яъни қабул килинган конунларни имзоламасдан кайта ишлаш учун парламентга кайтариши мумкин, Конституцияда назарда тутилган ҳолларда парламентни тарқатиб юбориши мумкин, ижро этувчи ҳокимият раҳбари –

Бош вазирнинг номзодини тасдиқлаш учун, шунингдек, Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик суди судьяларининг номзодларини сайлаш учун парламентга тақдим этади, конун чиқарувчи орган бўлган Олий Мажлис эса Бош вазирни лавозимга тасдиқлайди, парламент юқори палатаси кўрсатилган судлар судьяларини сайлайди, парламент Конституцияда назарда тутилган ҳолларда Президент фармонларини тасдиқлайди, парламент ижро этувчи ҳокимият мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшигади, Конституциявий суд конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг норматив-хукукий ҳужжатларининг, шунингдек Президент фармонларининг Конституцияга мослигини аниқлайди. Конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимидағи давлат органларининг шу ва шу каби яна бошқа ваколатлари ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашдаги комплекс механизмининг элементлари бўлиб хисобланади.

Конституция, конституциявий конунлар ва конунларнинг таҳлили бугунги кунда мамлакатимизда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини таъминлашнинг самарали механизми яратилганинг кўрсатмокда.

Шу билан бирга бу тизимни келажакда янада ривожлантирилишини хаётнинг ўзи такозо килмокда. 2005 йилда мамлакатимиз парламенти палаталарининг күшма мажлисида Юртбошимиз “Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу конунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг конунчилик, ижро ва суд тармоклари ўртасида янада мутаносиб, барқарор мувозанатга эришишдан иборат”, деб кўрсатиб берган эдилар.

Шунинг учун ҳам Концепцияда белгиланган тадбирлар парламентнинг роли ва таъсирини кучайтиришга, ҳокимиятлар ўртасида янада мутаносиб, барқарор мувозанатга эришиш механизмларини тақомиллаштиришга қартиди. Бу тадбирлар Концепция асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Конунда ўзининг ҳуқукий ифодасини топди.

Конунга мувофиқ Бош вазирга нисбатан парламент томонидан ишончсизлик вотумининг қабул қилиниши мумкинлигининг жорий этилиши ҳам ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш механизмининг муҳим элементи сифатида катта аҳамиятга эгадир.

Концепцияни чукур ўрганиш ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими нафакат давлат ҳокимияти тармоклари ўртасида, балки бошка соҳаларда, шу жумладан давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳам амал қиласи деган хуносага олиб келади. Бу борада Концепцияда белгилаб берилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Конуннинг қабул қилиниши ва ижро этилиши фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва шу орқали ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принципининг таъминланишига олиб келади, шунингдек, ҳар бир давлат органи ва мансабдор шахснинг масъулиятини ва жавобгарлигини кучайтиради, оқибат натижада улар фаолиятини янада яхшилади.

Шунингдек, Концепцияда белгилаб берилган яна бир конуннинг, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Конуннинг қабул қилиниши ҳам ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш механизмида оммавий аҳборот воситалари ролини яна ҳам ошишига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қарорлар қабул килишда уларнинг масъулиятини кўп жихатдан кучайтиришга олиб келади.

Концепцияда Юртбошимиз томонидан ҳукукни мухофаза кильтувчи ва назорат органлари тизимида ҳам ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратишга қаратилган янги ҳукукий хужжатларни ишлаб чикиш ва қабул қилиш лозимлиги кўрсатиб берилди. Бундай механизмни яратиш ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлайди ва демократик ҳукукий давлат барпо этиш йўлимизда муҳим қадам бўлиб ҳисобланади.

Ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими Олий Маъжлис палаталари ўргасидаги муносабатларда ҳам амал қиласи. Маълумки, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда зълон қилингач, юридик кучга эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун Сенатта юборилади. Сенат бу қонунни маъқуллаши ёки рад этиши мумкин. Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади. Бундай қонунни қайта кўриб чикишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан қонунни яна маъқулласа, қонун Олий Маъжлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва зълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Шундай килиб, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш мамлакатимизда давлат ҳокимиятини амалга оширилишининг зарурий шарти бўлиб, унинг амалда таъминланиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга, давлат органлари фаолиятида умумхалк манфаатларининг ҳисобга олишни кафолатланишига, давлат ҳокимияти ва бошқарувини органлари фаолиятининг янада яхшиланишига олиб келади.

Концепцияда белгиланган давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга, шу жумладан давлат бошқарувини амалга оширишда сиёсий партияларининг, мамлакатимиз вакиллик ҳокимияти органларининг, айниска парламентнинг ролини оширишга қаратилган тадбирлар асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган кўшимча ва ўзгартишлар мамлакатимизда демократик ислохотларни бундан буён ҳам чукурлаштириб бориш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш максадларига хизмат қиласи.

## Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий фаолияти Концепцияси

Хозирги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, унинг истиқболлари хусусида оммавий аҳборот воситалари кенг ёритиб келмоқда. Ўзбекистон мустақиллиги республикани жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига шароит яратди. Бу хусусида энг аввало, Президент И. Каримов Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини ўз асарларида кўрсатган. Хусусан, «Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараккӣёт йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккӣёт кафолатлари» асарларида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришининг истиқболлари ва Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ўрни ҳамда унинг иқтисодий ислоҳотлари билан боғлиқ томонлари кўрсатиб берилган. Бинобарин, Ўзбекистоннинг ташки сиёсатдаги асосий тамойиллари Ўзбекистоннинг жаҳондаги мавқенини белгилаб беради.

Дунё янгиланиши жараёнида ҳар бир давлат ўз тараккӣёт кўлами билан жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун ҳаракат қила бошлади. Шулар қатори Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш максадида ўзининг ижтимоий-сиёсий янгиланиш дастурини ишлаб чиқди. Ўзбекистоннинг ўз тараккӣёт истиқболлари учун кулагай жўтрофий-сиёсий имкониятларга эга эканлиги ҳам мустақил ташки сиёсат юритиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун имкон берди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни, бу худудда истиқомат килувчи ҳалқларнинг қадимдан ҳамфир бўлиб келгани Марказий Осиё минтақасида ташки сиёсат юритишида ижтимоий зарурат ҳисобланмоқда. Ўзбекистоннинг бу борада кўлга киритган улкан ютуклари умумжаҳон цивилизацияси билан муштарақ эканлигини алоҳида кайд этиш билан бирга, бу сермашаккат йўлда Президент И. А. Каримовнинг ўрни бекиёслигини ҳам айтиб ўтмоқ лозим.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда ҳалқаро ташкилотларнинг фаолиятини ўрганиш, хорижий давлатлар билан дипломатик, туристик алоқаларни йўлга кўйиш ва ушбу соҳа учун юқори малакали миллий кадрлар етиштириш эҳтиёжи келиб чиқди.

1991 йил 31 августда Олий Кенгаш VI сессиясида қабул қилинган “Мустақиллик ҳакидаги Баёнот”да: “Ҳалқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳукукли аъзоси бўлган Ўзбекистон ҳалқаро муносабатларда мустақил давлат, ҳалқаро ҳукуқ субъекти сифатида катнашади, унинг максадлари мустаҳкам тинчлик, куролсизланиш, ўз худудини курол-яроғлардан холи

килиш, ядровий куролни ва бошка оммавий киргин куролларини йүқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни хал этишда куч ишлатиш ва тазийикә йўл қўймасликдан иборат”, -деб ўз ташки сиёсатининг асосий йўлини белгилаб олган Узбекистон 1992 йил 8 декабрда қабул килинган Конституциясининг 17-моддасида бу йўлни Конун билан мустаҳкамлади. Халкаро хукукнинг тамойиллари ва нормаларининг бутун мажмуи Конституцияга БМТ Устави, Инсон хукуклари умумий декларацияси ва инсон хукукларига оид бошка халкаро хукуқ битимлари, Хельсинки битими, Париж ва Мадрид хартияларига асосланди. Шунингдек, асосий қонунга киритилган қонунларни ривожлантириш мақсадида “Дипломатик муносабатларни ўрганиш тартиби”, “Ўзбекистонда халкаро шартномаларни тузиш, ижро этиш ва бекор килиш” хакидаги актлар ҳам қабул қилинди. Уларда ташки сиёсатининг ҳар томонлами асосланган тамойиллари ўз аксини топди<sup>4</sup>.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида:** “Ўзбекистон Республикаси халкаро муносабатларнинг тўла хукуқли субъектидир. Унинг ташки сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халкаро хукукнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади” деб белгилаб қўйилган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган йигирма бир йили давомида ҳар томонлами пухта ўйланган ва миллий манфаатларга асосланган ҳамда дунёда кенг эътироф этилган ва жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг обрў-зътиборини мустаҳкамлаган ташки сиёсий йўли тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Истиқтолимиз ижодкори ва мустақиллигимиз толмас курашчиси мухтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув масаласида шундай деган эди:

“Биз учун мустақиллик – ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган холда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан куриш хукуклири.

Шу боис ўз-ўзидан аёнки, агар интеграция мамлакатимизнинг озодлиги, мустақиллиги ва ҳудудий яълтиллигини чеклаб қўйса ёки қандайдир мафкуравий мажбуриятлар билан боғланса, у ҳолда

<sup>4</sup> Истиқтолининг кутлуг оидилари, Тошкент 2010 йил.

четдан олиб келинадиган ҳар кандай интеграция биз учун номақбул.

Ўзбекистон ўзининг ташки алоқаларини ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда ташкил этиш тарафдоридир.

Икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ҳар қайси томоннинг манфаатларини янада аниқроқ хисобга олиш, бир-бirimizni яқиндан таниш, узок муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликка мустаҳкам замини ҳозирлаш, шу тариқа баркарорлик ва ҳавфсизлик учун мустаҳкам негиз яратиш имконини беради".

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий фаолияти Концепцияси" давлагимиз ташки сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишларини, ҳалкаро майдондаги мақсад ва вазифаларини, ўрта ва узок истиқболда Ўзбекистон миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган яхлит тизимиdir.

Глобаллашув ҳамда ҳозирги дунёда вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, сиёсий ва иқтисодий кучлар жойлашувида рўй бераётган ўзгаришлар, минтақада ҳамда Ўзбекистоннинг шундок ёнгинасида таҳдидларнинг, террорчилик кўринишидаги ҳавф-хатарлар ва кескинликнинг кучайипи ҳалкаро ва минтақавий воқеликка ўз вақтида ҳамда муносиб жавоб кайтариш мақсадида давлат ташки сиёсатининг концептуал асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Биринчи навбатда, миллий ҳавфсизликни янада мустаҳкамлаш учун имкон қадар қулай ташки шароитлар яратиб бериш, иқтисодиётнинг юкори суръатларда ўсишини сақлап, мутаносиб ва баркарор тараққиётини таъминлаш, ижтимоий йўналтиришган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги ҳаракатларни муваффакиятли давом этириш зарур.

Концепция тўрт бўлимдан иборат бўлиб,

**Биринчи бўлим – Ҳозирги ҳалкаро муносабатлар тизимидағи ўзгаришларни Ўзбекистон Республикаси манфаатлари нұктай назаридан баҳолаш;**

**Иккинчи бўлим – Ўзбекистон ташки сиёсатининг асосий мақсади, принцип ва вазифалари;**

**Учинчи бўлим - Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг устувор йўналишлари;**

**Тўртинчи бўлим - Ўзбекистон ташки сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш механизмлари деб номланган.**

Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий максад ва вазифаларини амалга оширишга халқаро майдонда ягона давлат сиёсатини ўтказишнинг сиёсий-дипломатик, шартномавий-хуқукий, савдо-иктисодий ҳамда бошқа шакллари, усул ва воситалари мажмуудан фойдаланган холда, кенг кўламли ёндашув асосида эришилади.

Иктиносидий воситалар ҳакида сўз юритар эканмиз, қулай инвестиция мухитини яратиш, Ўзбекистон иктиносидиётининг устувор ҳамда истиқболли тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини ва илғор технологияларни жалб этиш, ўзаро ҳамкорлик асосида энг кўп қулайлик яратувчи сиёсатни кўллаш, асосий шерикларга тариф преференцияларини ва бошқа преференциялар берин каби коидалар белгиланган.

Шу ўринда дунёда йигирма саккизта автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторида замонавий ва харидоргир автомобиль ишлаб чиқариш, маҳсулотни экспорт қилиш географиясини янада кенгайтириш ушбу концептуал вазифаларнинг амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эга.

Концепцияни амалга ошириш мамлакат конституцияси ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган хуқукий макомга мувофиқ халқаро майдонда мамлакатнинг миллӣй манбаатларини химоя қилиш ва илгари суриш борасида келишилган фаолиятни амалга оширадиган давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташки сиёсий фаолияти концепцияси мамлакатимизни узоқ муддатли тараққий этиши ва жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва нуфузини янада юксалтиришга хизмат килувчи дастуриламалдир.

**“Давлатнинг гуллаб яшинаши унда чиқарилган қонунлар  
ва уларга қандай амал қилишга боғлиқ”.**  
**АРАСТУ (юнон файласуфи).**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси,  
халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига  
сайловларнинг ташкилий-хукукий асослари**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг ўз ҳоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминловчи сайлов тизимини шакллантириш ва уни қонун билан мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди ва босқичма-босқич давом эттириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакииллик органларига сайловлар уларнинг ваколати муддати тугайдиган йилда - декабрь ойи учунчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгилаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда” номли асарида таъкидлаганлариdek: “Демократиянинг энг муҳим тамойили - одамларнинг сайлов ҳукуқини, ўз ҳоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳукуқини таъминлаш учун хақиқий шарт-шароит, конуний-хукукий замин яратиб бериш лозим”.

Сайлов ҳукуки - бу ҳукуқнинг комплекс соҳаси бўлиб, конституциявий ҳукуқ нормаларидан ташкари, маъмурий, жиноий ва бошқа ҳукуқ соҳалари нормаларини ўз ичига олади. Сайлов ҳукукининг ривожланиши ўзбек миллий ҳукукий тизимининг тараққиёт қонулларига тўла мос келади.

Ўзбекистонда вужудга келтирилган демократик сайлов тизими умумзътироф этилган халқаро андозаларга ва сайлов стандартлари билан шуғулланувчи халқаро нуфузли ташкилотларнинг асосий хужжатларига тўла мувофиқлиги билан ажralиб туради.

Ўзбекистон сайлов конунчилигининг энг биринчи ва асосий хусусияти - бу унинг умумзътироф этилган халқаро андозаларга мослигидир.

Сайловлар тўғрисидаги жаҳон андозалари қайси халқаро хужжатларда ўз аксини топган?

Биринчидан, Инсон хукукларига оид БМТнинг халкаро хужжатларида. Бу инсон хукуклари Умумжаҳон декларацияси, Фукароларнинг шахсий ва сиёсий хукуклари тӯғрисидаги халқаро Пакт (1996 йил).

Иккинчидан, ЕХХТнинг 1990 йили Копенгаген анжумани хужжатлари.

Учинчидан, Парламентлараро Иттифок хужжатлари. Парламентлараро Иттифоқ Қенгапи 1994 йилги Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тӯғрисида Декларация кабул килган.

Ушбу халқаро хужжатларда демократик сайловларнинг тұртта умумәтироф этилган принципларга асосан үтказилиши күрсатилған.

Бу принциплар күйдагилардан иборат:

1. Умумий сайлов хукуқи.
2. Төң сайлов хукуқи.
3. Яширин овоз бериш хукуқи.
4. Тұғри сайловлар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимиз сайлов конунчилиги тизимиңнинг ўзагини ташкил этади. Үнда сайлов тизимиға бағищланған маҳсус боб мавжуд. Ушбу 23-бобнинг 117-моддасыда “Ўзбекистон Республикасининг фукаролари давлат хокимияти вакиллік органларига сайлаш ва сайланиш хукуқига әгадирлар. Ҳар бир сайловчы бир овозға зә. Овоз бериш хукуқи, ўз хоҳиши иродасини билдириш тенглігі ва эркинлиги конун билан кафолатланади” деб белгилаб қўйилған.

Сайлов тизимиға бу каби конституциявий ёндошув сайлов хукукининг туб тамойилларини кафолатлади. Шунингдек бу, жорий сайлов конунларига асос бўлиб хизмат килади.

Сайловлар умумий, төң, тұғридан тұғри сайлов хукуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан үтказилади.

Конституцияда акс этирилған асосий демократик принцип ва нормалар ўз вактида бир катор конунларда янада ривожлантирилди. Сайловларнинг хукукий базаси бўлиб хизмат килаётган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тұғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Қенгашларига сайлов тұғрисида”ги конунлар шулар жумласидандир. Шунингдек “Фукароларнинг сайлов хукукларининг кафолатлари тұғрисида”ги Қонун алоҳида ўрин тутади, нега деганда жаҳон сайлов амалиётіда бу Қонунга ўхшаш норматив хужжатлар санокли даражада озиди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига - Конунчилик палатаси ва Сенатига сайловларни үтказиш босқичма-босқич амалга

оширилиши билан ўзига хос хусусиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Сайлов тўғрисидаги конун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг асосий мақсадлари сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини янада оширишдан, Ўзбекистон экологик ҳаракатига Ўзбекистон фуқаролари қулай атроф мухитга ва соғликни саклашга бўлган ҳукуқларини амалга ошириши ҳамда бу ҳукуқларга оғишмай риоя этиши учун, атроф табиий мухитни муҳофаза килиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда ахолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш учун кенг имкониятлар беришдан, шунингдек сайлов тизимини ва сайлов тўғрисидаги конун ҳужжатларини янада либераллаштирипо ҳамда демократлаштиришдан иборат.

«Сайлов тўғрисидаги конун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ўн тўртга моддадан иборат бўлиб, мамлакатимиз Конституцияси ва ўн иккита конунига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритишни назарда тутади.

Сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги вакиллигини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддаси биринчи қисмининг таклиф килинаётган таҳририда Конунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага етказиш назарда тутилган.

Шу билан бирга «Сайлов тўғрисидаги конун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига кўра 135 нафар депутат ҳудудий бир мандатли сайлов округларидан кўп partiyaийлик асосида сайланади, 15 нафар депутат эса Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади. Шу тарика сайлов округлари сони 120 тадан 135 тагача кўпайтирилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Конуннинг 20-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, сиёсий партия ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-куватловчи сайловчилар имзосини тўплаш ҳақидаги талабларни эллик минг имзодан кирк минг имзога тушириш йўли билан сиёсий партияларнинг Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасига сайловда иштирок этиш имконияти кенгайтирилди.

Ўзбекистон экологик ҳаракатига мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлинишидан келиб чиқкан ҳолда Конунчилик палатасига 15 нафар депутат сайлаш ҳукуки берилган. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Конунчилик палатасига депутатлар Экологик ҳаракатнинг республика конференциясида сайланади, сайловни ўтказиш муддатлари ва тартибини белгилаш, Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан сайланган депутатларни рўйхатга олиш Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилган. Конунчилик палатасига Экологик ҳаракатдан депутатлар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очик ҳамда ошкоралик асосида олиб борилади. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутат килиб сайланган шахслар Марказий сайлов комиссиясида рўйхатга олинган пайдан зътиборан Конунчилик палатасининг депутати мақомини олади. Экологик ҳаракатдан сайланган депутатларга Конунчилик палатасида депутатлар гурӯҳини тузиш, парламентдаги кўпчиликни ташкил этиш учун блоклар тузиш ва блокларни тузишда иштирок этиш ҳукуки берилади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги конуннинг 1-моддасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Конунчилик палатаси беш йилга сайланадиган бир юз элллик депутатдан иборат.

Конунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати худудий мандатли сайлов округлари бўйича кўп partiyaийлик асосида умумий, тенг, ва тўғридан тўғри сайлов ҳукуки асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Конунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади”.

Сайловларни ўтказища тенглик тамоили, яъни барча овозлар тенг ваколатни таъминлали учун тенг салмоққа эга бўлишини талаб этади. Бу ҳол овоз беришнинг мажоритар тизимида турли сайлов округларидаги сайловчилар микдори оркасидаги фарқ 10 фоиздан ортик бўлмаслигини кўзда тутади.

Сайлов комиссияларини тузишда фуқароларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги вакиллари бўлган депутатларнинг иштироқи оркали амалга оширилиши ўзига хос хусусиятларидан бири хисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Конуннинг 16-моддасига мувофиқ “Округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпогистон Жўкорги Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида мухокама қилинади ва Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар халк депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлислирида муҳокама килинади ва тегиши округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади” деб белгилаб қўйилган.

Бу қоиданинг амалга оширилиши сайловларни ўтказувчи комиссиялар фаолиятини ташкил этишда демократик тамойиллар ўз ифодасини топғанлигини кўрсатади.

Сайлов тизимини ва сайлов тўғрисидаги қонунларни янада либераллаштириш демократлаштириш тақозоси билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга «Сиёсий партиянинг ваколатли вакили» деб номланган алоҳида 17<sup>1</sup>-модда киритилди. Ушбу модда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқиша интирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга хақли. Бундай норма «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга ҳам киритилди.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганилиги Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида катнашиши мумкин. Ушбу норма имзо варақаларини текшириш чоғида янада кўпроқ холисликни таъминлаш, сайловда очиқ ва ошкораликнинг, сайловни ўтказиш жараёнида сиёсий партиялар хукуклари амалга оширилишининг кўшимча кафолатларини яратиш имконини беради.

Шунингдек, овозларни санаб чиқиши натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилиши ҳамда баённомада акс эттирилиши, ушбу баённома сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланиши ҳам белгилаб қўйилди.

Шундан кейин баённома участка сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади, баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга участка сайлов комиссияси биносида осиб қўйилади.

Бундан ташкири, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга тикоят берган шахслар мазкур шикоят кўриб чиқилишида бевосита катнашиши хукукига эга эканлигини назарда тутувчи нормалар киритилди. Ушбу янги нормалар

сайловнинг очик ва ошкоралигини таъминлашга имкон беради, шунингдек участка сайлов комиссиялари фаолияти устидан сиёсий партияларнинг жамоатчилик назоратини кучайтиради.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Конуннинг амалдаги 27-моддасидаги сайловчиларнинг йигилишлари участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади деган коида янги таҳрирда «Сайловчиларнинг йигилишлари сиёсий партиялар томонидан мустакил равишда ўтказилади.

Сайловчиларнинг йигилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, коида тарикасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади» деган норма билан алмаштирилди. Шундай норма «Халк депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуннинг 25-моддасига ҳам киритилди.

Сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар сайловолди кампаниясини янада фаолрок ўтказиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сонини беш нафардан ўн нафарга кўпайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатини шакллантириш “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Конуннинг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатини шакллантириш тартиби” деб номланган иккинчи бўлимида белгилангтан коидаларга мувофик амалга оширилди.

Конуннинг 50-моддасида белгиланганидек: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата) (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) худудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади. Сенат аъзолари Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг микдорда – олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қоракалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн алти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чикарип соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошка тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенатнинг ваколат муддати – беш йил”.

Сенаторларни сайланашда аввал ҳалк депутатлари вилоят, гуман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларини ўтказиш, унинг

якунларини эълон килиш ҳамда маҳаллий Кенгашлар тўла шакллантирилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг карорига мувофик маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари кўшма мажлисида сенаторлар сайловини ўтказилиши кўзда тутилган.

Шу ўринда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Конуннинг 2-моддасида “Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш хукукига эгадирлар” деб белгилаб кўйилган бўлса, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги конуннинг 53-моддасида “Қорақалпогистон Республикаси Жўкорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига сайланиш учун номзод бўлиши мумкин” деб Сенат аъзолигига ёш цензининг белгиланганини билдиради.

Бу коида Сенат аъзолигига янги сайланган депутатлар орасидан номзодларни танлаш, кўрсатиш ва овоз беришни ўтказишда аниқ коидалар ишлаб чиқилишини талаб этади.

Конунда ушбу ҳолат бўйича ҳам аниқ белгиланган, яъни 55-моддага мувофик “Қорақалпогистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида Сенат аъзоларини сайланаш тартиби тўғрисидаги Низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилди ва тасдиқланади”.

Сайлов тўғрисидаги конун хужжатларининг такомиллаштирилиши Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаётини ва давлат қурилишини боскичма-боскич демократлаштиришнинг ифодасидир. Бу Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги конунлари янада либераллашувини ва демократлашувини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва экологик ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал қилишда Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари ва Экологик ҳаракати фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш имконини берди.

Мамлакатимизда “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” деган сиёсий қурилиш Дастурини амалга ошириш, жамиятни демократлаштириш жараёни сиёсий институтлар - партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустахкамлап ва ривожлантириш билан бевосита боғлик.

Сайловларда сайловчиларнинг фаол иштирок этишлари ҳамда уларнинг сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларнинг ўз дастурларини қай даражада тўла ифодалаб, унинг ижроси бўйича қандай ишларни амалга ошириш имкониятига эга эканликларини хар томонлама ўрганиб овоз бериш орқали муносиб номзодларнинг сайланиши мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халк депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг фаолиятини янада такомиллаштиришда мухим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда мамлакатимизда сайлов жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, мавжуд сайлов конунчилигининг такомиллаштирилиши сайловларни демократик тамойиллар асосида юқори савиядада ўтказилишини таъминлашга хизмат қиласди.

*Буюк боболаримизнинг маънавий олами ҳусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолган илму фани маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожисига кенг ўйл очди.*

*Шахсан мен «Темур тузуклари»ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-кувват топгандек бўламан. Ўз ши фаолиятимда бу китобга тақрор-тақрор мурожсаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, «Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд қишидан яхшироқдир», деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён.*

*Амир Темур бобомизнинг бундай чукур маъноли ҳикматлари ҳалқимизда қадимдан мавжуд бўлган «Билаги зўр бирни, билими зўр мингни ўйқар» деган мақолга зоят ҳамоҳанг бўлиб, инсонни доимо акт-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашига даъват этиши билан эътиборлидир.*

## И. КАРИМОВ

**"Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ювбатдаги сайлови тұғрисида"<sup>5</sup> ги  
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг қабул  
қилиниши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада  
чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш йўлида  
олиб борилаётган ислоҳотларнинг ёрқин ифодасидир**

Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги даврда жаҳон ҳамжамиятининг кўплаб мамлакатларида қонун устуворлигини таъминлаш, демократик тамойилларнинг ҳаётда амалий ифодасини рўёбга чиқаришга эришиш учун ҳар томонлама чукур ўйланган ва ҳаётий қарорлар қабул қилишни тақозо этаётганлигини ва бундай қарорлар айрим мамлакатларда ўз исботини тўла топмаётганлигини кундалик ҳаётда гувоҳи бўлиб турибмиз<sup>5</sup>.

<sup>5</sup> Олий Мажлис Сенати бешинчى ялпи мажлиси 2011 йил 25-26 марта, еттинчى ялпи мажлиси 2011 йил 5-6 декабрь, саккизинчى ялпи мажлиси 2012 йил 23-24 марта.

Мамлакатимизда тараккиёттинг “узбек модели”га асосланган тадрижийлик ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар йилдан-йилга ўзининг самарали натижаларини бермокда.

Икки палатали парламент фаолиятининг профессионал асосда такомиллашиб бораётгандиги эса ахолининг хукукий маданиятини янада юксалтиришга хизмат килмоқда. Парламентаризм энг илғор гояларининг демократик қадриятларга мос равишда ҳаётга татбик этишда кейинги йилларда миллий қонунчилигимизга умумэътироф нормаларнинг киритилаётгандиги халқаро хукуқнинг умумэътироф этилган коидалари устунлигини амалий исботи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонун ҳужжатлари бу борада олиб борилаётган ишларни ривожлантиришда яна бир муҳим қадам бўлди. Ялпи мажлисида қабул қилинган “Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида”га Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Конуни ўзбек давлатчилити ривожида халқаро стандартлардан оқилона фойдаланилаётгандигининг яккол мисоли бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрдаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да “мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-хукукий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда куппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиги бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўргасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтираётгандиги қайд этилган.

Концепцияда белгиланган коида ва устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан ўтган давр мобайнида ишлаб чиқилган Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қабул қилинган қонунлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг янада чукурлаштиришда янги босқични бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 25-26 март кунлари бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айrim моддаларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80,

93, 96 ва 98-моддаларига»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни моҳияти жиҳатидан давлатимизни демократик ривожлантириш, фуқаролик жамиятини куришда янги боскични бошлаб берган конунчиллик ташаббусларига мувофик ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар давлат ҳокимияти ва бошкарув тизимини янада демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи – Президент, конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиб таҳсилотни таъминлаш, шунингдек ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда парламентнинг, сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш максадида кабул қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5-6 декабрь кунлари бўлиб ўтган еттинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 1-моддаси билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатига таалтукли «етти йил» деган сўзлар «беш йил» деган сўзлар билан алмаштирилди. Ушбу тузатиш давлат бошкарувининг демократик принципларини, социал-иктисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишда Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича мамлакатимизда кечеёттан жараёнларни, шунингдек ривожланган демократик мамлакатларнинг кўпчилигига кабул қилинган давлат курилиши амалиётини хисобга олган ҳолда киритилди.

Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятни ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Конуни маъқулланди.

Мазкур Конун парламент муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган бўлиб, унинг асосий максади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари навбатдаги сайловини сайловов тўғрисидаги конун хужжатларига, сайловчиларнинг хошиш-иродасига тўла мувофик ҳолда ҳамда халқаро хукуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини хисобга

олган ҳолда тайёрлаш ва ўтказиш вактида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг принципларига ва талабларига сўзсиз риоҳ этилишини таъминлаш ҳамда сайлов жараёнини рӯёбга чикариш, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи тармоқларини шакллантиришида сиёсий партиялар фаол иштирок этиши учун мақбул ташкилий ва хукукий асосларни яратишдан иборатdir.

Қонунга мувофик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчлилик палатасига ва Қоракалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шахарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига навбатдаги сайловлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида белгилаб кўйилган муддатда – 2014 йил декабрь ойининг учинчи ўн кунлиги биринчи якшанбасида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловини эса 2015 йилнинг биринчи ярмида – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчлилик палатасига сайлов якунларини чиқарган кундан бошлаб 90 кун ўттач, биринчи якшанба куни «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунинг тўла мувофик ҳолда ўтказиш белгиланди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнларини ҳар томонлама пухта амалга оширилиши, фукароларнинг сайлов хукукларини рӯёбга чикаришда ва энг муҳими давлат ҳокимияти тизими мустаҳкамлиги ва баркарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Юкорида айтилган фикрларга қўшимча сифатида мамлакатимизда сайловлар ўтказиш жараёнларининг очиклиги, шаффофлиги, адолатлилиги ҳамда демократик тамойилларга тўла мос ҳолда ўтказилганилиги халқаро кузатувчилар томонидан юксак зътирофга сазовор бўлиб келётгандигини айтим ўринли.

Мазкур Конституциявий Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли катламларига тарғиб этишда энг аввало, ҳар бир фукаронинг мамлакатимиз бошқарувидаги иштирокини таъминлашда муҳим ўрин тутган сайлов хукукининг амалга оширилишидаги хукуқлари ва зиммасидаги масъулияти юртимизни келажакдаги тараккиётида муҳим аҳамиятта эга эканлигини тушунтириш зарурдир.

*Гарчи шунча магрур турса ҳам  
Пиёлана эгилар чойнак.  
Шундай экан, манманлик нечун,  
Кибру ҳаво нимага керак?  
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам  
Ўтма гурур останасидан,  
Пиёланинг инсон шунинг-чун  
Ўпар доим пешонасидан.*

**Э. ВОҲИДОВ**

### **Фуқаролар йигинларининг ҳалқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари<sup>6</sup>**

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида ҳал килувчи омил бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида, бошқа кўп давлатларда бўлгани каби, ривожланишнинг ҳозирги босқичида ўзлигини англаш, йўқолган маданий қадриятларни тиклаш етакчи йўналиш хисобланади.

Мустақилик шарофати билан мамлакатимизда жамият бошқарувининг ўзига хос миллий шакли, яъни кўпасрлик ўзбек маҳалласи кайтадан тикланди.

Маҳаллада оқсоқоли раҳбарлигига катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган ҳурматли фуқаролардан, гурӯҳ шаклланиб, улар маҳаллада вужудга келадиган ҳар кандай муаммолар ва келишмовчиликларни ҳал килишда иштирок этадилар. Маҳалла ҳалқнинг тўй, аза ва бошқа турли тадбирларни ташкил қилади.

Фуқаролар йигини ободонлаштириш ишларини ҳашар йўли билан амалга оширища ташкилотчилик қиласди. Энг асосийси, маҳалла кам таъминланган оиласлар ва ёрдамга муҳтож фуқароларни қўллаб-кувватлайди, уларга моддий ёрдам кўрсатади. Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, айнан маҳалла фуқаролик жамиятининг асоси хисобланади. Маҳаллада ўзини ўзи бошқаришнинг анъанавий миллий қадриятлари жамият бошқарувининг янги услублари билан чамбарчас боғланиб кетган.

Маҳалла фуқаролик институти сифатида катор муҳим ижтимоий

<sup>6</sup> Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари учун ўтказилган семинар йигилиши материалларидан, 2011 йил.

функцияларни бажариб, ижтимоий алокаларни кучайтиришга, ижтимоий гурухларнинг тенглигини саклашга ёрдам беради.

Жамиятда самарали бошқарувни таъминлаш мақсадида маҳалла ўтиш даври шароитида ижтимоий тизимнинг барқарор ва бир маромда фаолият кўрсатишига ёрдам беради. Фукаролик жамиятини куриш маҳаллада анъанавий урф-одатлар билан бир қаторда замонавий жамият талабларига жавоб берувчи янги шаклдаги хулк-авторни шакллантиришни ҳам кўзда тутади. Иктиносий-географик жойлашуви, аҳолининг миллый таркиби ва бошқа ижтимоий омиллардан келиб чиқкан ҳолда, ҳар бир маҳалла ўзига хос ижтимоий-иктиносий ривожланиш дастурини яратади. Маҳалла ижтимоий институти кишиларнинг қонун доирасида амалга оширилаётган ва фукаролик жамиятининг ривожланишига каратилган ҳар қандай шаклдаги фаолиятларини ва ташаббусларини рағбатлантиради.

Маҳалла ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органи сифатида авваламбор ҳокимиятнинг номарказлашувига, субъект ва объектнинг ўзаро алоқа усусларининг ўзгаришига олиб келади. Бунда маҳалла аҳоли ўргасида етакчи ролни ўйнайди.

Президент Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон иктиносий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” китобида шундай деб таъкидлайди: “Маҳалла ҳозир ҳалқ ишончини козонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлаш механизми бўлиб қолди. У жамиятимизда ислоҳотларни амалга оширишининг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айланиши даркор.”

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Конунининг қабул қилиниши жамиятимизда маҳалланинг ролини янада ошишига хизмат килди.

Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида маҳалла фаолиятининг аник ҳукукий базасининг яратилиши, унинг мақомини сезиларли даражада мустаҳкамлади, жамиятни ислоҳ қилишдаги ролини оширди. Маҳалла фаолиятининг асосий йўналишларидан бири Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳукумат қарорларини жойларда амалга оширишдир.

Шуни алоҳида таъқидлаб ўтиш керакки, маҳалла фукароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари давлатга карашли бўлмаган, мустакил фаолиятдир. Бу ҳолат давлат ҳокимияти органлари ваколатларини боскичма-боскич фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериш концепциясига ҳамда “Кучли давлатдан – кучли фукаролик жамияти сари” тамойилига тўлиқ мос келади.

Шундай килиб, Ўзбекистон демократиянинг боскичма-боскич ривожлантириш принципларига изчиллик билан амал қилмоқда. Ўзини ўзи бошқариш жараённада жамоатчиликни иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида маҳалла аҳолисининг тарихан шаклланган бошқарув органи расмийлаштирилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номини олди. Демакки, ҳақиқий фуқаролик жамияти куриш йўлида маҳаллий ўзини ўзи бошқарининг ушбу жамоатчилик институти тикланишидан давлат ҳам манфаатдордир.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги қарийб ўн мингта фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг тараққиёт йўли ва унинг мустаҳкам ҳукукий асосларини кузатар эканмиз, республикамиизда амалга оширилаёттан кенг кўламли демократик ислоҳотлар - кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари асосий принципининг боскичма-боскич амалга оширилаётганининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, истиқоллининг дастлабки йилларида маҳаллага икки вазифани амалга ошириш бўйича ҳукукий ваколат берилган бўлса, бугунги кунда давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларидан 30 дан ортиқ ижтимоий-иктисодий хусусиятли вазифалар улар ваколатига берилди.

Фуқаролар йигинлари ва маҳаллий Кенгашлар ваколатлари доирасидаги масалаларни самарали ҳал қилиш улар ўргасидаги ҳамкорликнинг ўрнатилишига бевосита боғлиқдир. Маҳаллий ҳокимият органлари муҳим ҳудудий сиёсий институт бўлиб, улар аҳоли, фуқаролар йигинлари томонидан шакллантирилади. Уларнинг аҳоли ва бошка фуқаролик жамияти институтлари билан яқин алокаларни ўрнатиши фуқаролар манфаатларини аниқлаб, уларни амалга оширишга хизмат килади. Ушбу ҳамкорликни ривожлантирмай, ҳудуддаги долзарб ижтимоий-иктисодий масалаларни ҳал қилиш, баркарор ривожланишини таъминлашга эришиб бўлмайди.

Маҳаллий Кенгашлар ҳам, ўз ваколатларини амалга оширишда аҳолининг мунтазам ўзгарувчан ижтимоий-сиёсий манфаатларини қондириш мақсадида, ижтимоий муҳит, хусусан фуқаролар йигинлари билан ҳамкорликда депутатлар, уларнинг гурухлари ва доимий комиссиялар фаолияти оркали амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Бундан маҳаллий Кенгашларнинг ўз вазифаларини самарали бажариши улар билан фуқаролар йигинлари ва бошка фуқаролик жамияти институтлари ўргасидаги ҳамкорликнинг ўрнатилишига боғликлиги аён бўлади. Зеро, фуқаролик жамияти давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг бошка институтлари ўргасида ҳамкорлик муносабатларининг шаклланганлигини тақозо қиласди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳукуматнинг ҳам, нодавлат ва жамоат ташкилотларнинг ҳам алоҳида вазифалари бўладики, улар бир-бiriни тўлдириб, ривожланган демократик жамиятнинг яшовчанлиги-ҳаётийлигини таъминлайди<sup>7</sup>. Ўзбекистонда маҳалла тимсолида ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли азалдан мавжуд бўлган. Маҳалла фуқароларнинг интилишлари ва сайд-харакатлари туфайли, муайян миллий, маънавий ва ахлокий характердаги тартиб-коидаларга риоя килиш, тўй-маъракалар, яхши-ёмон кунларни ҳамжиҳатликда ўtkазиш, ахилликни таъминлаш кабиларга хизмат киладиган ижтимоий-иктисодий, кадимий ҳудудий жамоа бўлиб, демократик бошқарувнинг ноёб хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради<sup>8</sup>.

Маълумки, “жамият иммун тизимининг реал кўринишларидан бири турли ижтимоий гурухлар ва табақалар ўртасидаги ижтимоий маънавий алоқалардир. Мазкур алоқаларнинг мўътадиллиги уларнинг бир-бирига суюнч эканлигини намоён этиш билан бирга, миллий манфаатлар нутказ-назаридан якдил эканлигини ҳам англатади. Шу маънода, жамият ва шахс уйгунилиги тарғиботи, ўз навбатида, шахсни жамият манфаатлари билан боғлайди”<sup>9</sup>. Фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларига оид ёндашувларнинг таҳлили улар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш заруратини кўрсатади. Фуқаролик институтлари ва давлат, хусусан фуқаролар йигинлари ва маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигини ўрганиш уни куйидаги ўнта вазифасини бажаришга йўналтирилганлигини кўрсатмоқда:

- фуқаролик жамиятия асосларини куриш;
- ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, давлат ва маҳаллий бошқарув, тадбиркорлик фаолиятига ахлокий нормаларни сингдириш оркали ҳакиқий демократик тизимни шакллантириш;
- мамлакат умуммиллий гояси атрофида барча фуқароларни бирлаштириш;
- маъмурий ислоҳотда, коррупцияга карши фаолиятда, конуучилик ва норматив хужжатларнинг экспертизасида, давлат органлари тизими шаффофлигини таъминлашда, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларни кўрсатища фуқаролик институтлари иштирокини таъминлаш;

<sup>7</sup> Зокиров С. Фуқаролик жамияти, унинг шаклланиси ва таҳомиллапув жараёнлари // Ҳаёт ва конун, 5-6/2005. 35-6.

<sup>8</sup> Иномов К. Фуқаролик жамиятнинг негизи // Жамият ва бошқарув, 4/2006. 88-89-б.

<sup>9</sup> Тойғосов О. Глобаллапув ва фуқаролик жамияти // Жамият ва бошқарув, 3/2007. 40-6.

- фукаролик ўкув-таълимини ташкил этиш;
- худудда ижтимоий баркарорликни таъминлаш ва фукаролик жамиятини мустахкамлаш;
- минтақавий режа ва дастурларнинг ижтимоий қуллаб-куватланишини ташкил этиш;
- нодавлат секторда кооперацияни ривожлантириш, ижобий тажрибаларни умумлаштириш;
- фукаролик институтлари ва ҳокимият органларининг алоқаларини ривожлантириш.

Фукаролар йигинлари ва маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги муносабатлар куйидаги беш принципга асосланади:

- 1) амалдаги конунчилик нормаларига риоя қилиш;
- 2) томонларнинг ваколатли органларининг қонун билан белгиланган функцияларига аралашмаслик;
- 3) масалаларни музокаралар, дискуссиялар, давра сұхбатлари ва тенглик асосидаги ва бошқа ўзаро алоқалар шакллари орқали ҳал қилиш;
- 4) секторлараро (давлат, бизнес ва ННТ) оммавий қарама-каршиликдан воз кечиш;
- 5) карорларни келишиб қабул қилиш.

Фукаролар йигинларининг ҳалқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари (бундан бүён матнда маҳаллий Кенгашлар деб юритилади) билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш демократик ислоҳотларнинг долзарб вазифаларидан биридир. Мамлактимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланганидек, “Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда”.

Фукаролар йигинлари ва маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конуни I-моддасининг талабларидан келиб чиқади. Мазкур моддага кўра, маҳаллий Кенгашлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини тегишли ҳудудни бошқаришга жалб этишни таъминлайдилар. Ушбу коидани бажариш максадида фукаролар йигинлари вакиллари маҳаллий Кенгашлар томонидан ўтказиладиган тадбирлар, жумладан сессия, доимий комиссиялар кун тартибидаги масалаларни тайёрлашта ва муҳокамасига жалб қилиниши ижобий натижага бериши шубҳасиз.

Маҳаллий Кенгашлар билан фукаролар йигинлари ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашнинг самарали йўлларидан биридир. Мазкур ҳамкорлик фукаролар йигинлари ва маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари доирасидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилади. Бунда давлат ва ҳудудий дастурларда белгиланган вазифалар, чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, фукаролар йигинларининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини уларнинг кўйидаги ваколатлари юзасидан ҳамкорликни йўлга кўйиш максадга мувофиқ бўлади:

*ҳудудни комплекс ривожлантиришини таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлашда. Ҳудудни комплекс ривожланишиш дастурларини ишлаб чиқиша фукаролар йигинлари томонидан ижтимоий-иктисодий масалалар аникланиб, уларни ҳал қилиш чоралари белгиланади. Ушбу жараёнда маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг доимий комиссиялари билан ҳамкорликни йўлга кўйиш тегишли туман, шаҳар ёки вилоят ижтимоий-иктисодий ривожланишининг комплекс дастурларини самарали ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришга хизмат қиласди.*

*қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши. Жамоатчилик назорати натижалари тўғрисида депутатларнинг билиши, улардан ўз фаолиятларида фойдаланишлари тегишли ҳудудда маҳаллий Кенгашлар ваколатлари доирасидаги масалаларни самарали ҳал қилиш имконини беради;*

*йишининг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимларини раҳбарларининг фукаролар ўзини ўзи бошқарши органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитишда. Ушбу ҳисоботларни эшитиш юзасидан кабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликни йўлга кўйиш максадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳисоботларни эшитишда депутатларни жалб қилиш уларга ўз ҳудудларидағи мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш юзасидан кўрилаётган чоралар билан танишиш, шунингдек тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини томонидан фукаролар йигинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари ҳисобини юритишини назоратини ташкил қилиши максадга мувофиқ бўлади;*

*атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириши масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган*

*корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишда ҳамда атроф мухитни муҳофаза қилишига кўмаклашиши.* Бундай ҳисоботларни эшитиш ва фаолиятни ташкил этишда маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссиялари билан ҳамкорликни йўлга кўйиш атроф мухитни муҳофаза қилиш ҳолатини самарали кузатиш, бу борада мавжуд муаммоларни ўз вактида аниқлаш ва ҳал қилиш имконини беради;

Шу билан бирга маҳалла фукароларининг ўзини ўзи бошкариш органлари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатликка номзодлар бўйича ўз таклифларини бериш, маҳаллий Кенгашларга депутатликка номзодлар кўрсатиш бўйича карорлар кабул килиш, атроф мухитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ҳукуқига эгадирлар.

Фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатликка номзодлар бўйича ўз таклифларини берибина колмай, шаклланган маҳаллий Кенгашлар ҳамда мазкур Кенгашларга сайланган депутатлар билан ҳамкорлиқда ўз фаолиятларини олиб боришлари максадга мувофиқдир.

Шуни айтиш лозимки, фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органларининг давлат ва вакиллик органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигини тартибга солувчи нормалар бир катор конунларда мустахкамланиб кўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгashi депутатининг макоми тўғрисида”ги конунининг 7-модасида “Тегишли халқ депутатлари Кенгашининг депутати ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ва фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органи билан алоқа боғлаб туради, тегишли халқ депутатлари Кенгашида уларнинг манфаатларини ифода этади.

Депутат ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўради, фукароларни кабул киласди.

Депутат вақти-вакти билан, лекин йилига камида икки марта сайловчиларга ўз фаолияти тўғрисида ахборот беради.

Депутатга сайловчилар билан олиб бориладиган ишлар учун тегишли халқ депутатлари Кенгашининг регламентида белгиланадиган тартибда муайян кунлар ажратиласди.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун депутатга зарур

шарт-шароит таъминланади. Ижро этувчи хокимият органлари унинг илтимосига кўра бино ажратилишини ташкил этадилар, депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат томонидан фукаролар кабул килинадиган вакт ва жой ҳакида фукароларга хабар берадилар, кабул ва учрашувларда иштирок этиш учун депутатнинг таклифига биноан ўзларининг масъул вакилларини юборадилар, шунингдек, депутатнинг жойлардаги ишига кўмаклашиш юзасидан бошқа чора-тадбирлар кўрадилар” деб белгилаб қўйилган.

Ушбу моддага асосланиб шуни айтиш мумкинки, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ҳалқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан бири – фукароларнинг мурожаатлари билан ишлапдир. Чунки, фукароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганлигини баҳоловчи мезонлардан бири ҳам ҳисобланади. Ўйлайманки, шунинг учун ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилот доимий равишда фукароларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириб бориши лозим.

Мамлакатимиз таракқиётининг асосий омилига айланган Конституциямизнинг бир қатор моддаларида бу муҳим масала акс этган. Масалан, унинг 2-моддасида “Давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фукаролар олдида масъулдирлар” дея катъий белгилаб қўйилган. Ёки, 35-моддасида “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хукукига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт”лиги ҳам белгиланган. Айнан мана шу конституцион норма, яъни конституцион ваколатлари орқали фукаролар ўз хукук ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишига эришишиди.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар мониторинги шуни кўрсатмоқдаки, бу масалада баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммоларни ҳал килишда “Фукароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни нормаларини тўлиқ ва тўғри бажарилишини таъминлаш, яъни қонун талабларидан келиб чиқиб, мурожаатларни кўриб чиқишига доир иш юритиш хизматининг тўғри ва аник ташкил этилиши, уларнинг ижросига бўлган муносабатни, бу борадаги фаолиятни пухта ташкиллаштириш, хужжатларни ўз вактида

ва сифатли кўриб чикиш, энг муҳими, кўриб чикиб муаллифига жавоб бериш, мурожаатларни кўриб чикиш муддатларига қаътий риоя килиш чораларини кўриш зарур.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Халк депутатлари туман ва шаҳар кенгацлари ҳамда уларга сайланган депутатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар мувоффикларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли катламларининг ҳукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини ҳимоя килишда асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

**Маълумки, ўзликни англаш, миллий оинг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали иамоён бўлади.** Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг сўзлари билан айтганда, «Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур».

Бу ҳақда гапиргандга, мустақиллик арафасида ўзбек тилига давлат тили макомини бериш масаласида қандай кизгин, баъзида кескин ва муросасиз баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтгани беихтиёр ёдимизга тушади. Ўшанда айрим сиёсий гурухлар Ўзбекистон шароитига мутлақо тўғри келмайдиган, бир-бирига бутунлай зид ва қарама-карши фикрларни олға сурган, шунинг ҳисобидан ўзига обрў топиш, одамларни ортидан эргаштиришга уринган эди. Нега деганда, тил билан боғлик муаммолар орқали миллий туйғуларни рўкач килиб, улардан гаразли мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Мана шундай ўта қалтис ва мураккаб вазиятда агарки озигина эҳтиросга берилсак, хушёрликни йўқотсанк борми, арзимаган учқундан ўт чикиб кетиши ҳеч гап эмасди. Марказда ва ўзимизда кулай баҳона кутиб, пайт пойлаб турган империяпаст кучларга айнан шу нарса керак эди. Аммо биз улар кутган йўлдан бормадик. Оғир-вазминлик билан иш тутиб, ҳар томонлама ўйлаб, мулоҳаза килиб, барча сиёсий ва ижтимоий гурухларнинг талабларини қондирадиган, энг мухими, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни толишига эришдик.

**И. КАРИМОВ.**

**Конфуцийга:** “Бир мамлакатга уни бошқариш учун чақирилганингизда биринчи бўлиб қилган ишингиз нима бўлар эди?” деб сўрашганида шундай жавоб берган: “Биринчи бўлиб тилни тузатар эдим. Тил тўғри бўлмаса, сўзлар тушунчаларни яхши ифодалай олмайди. Тушунчалар яхши тушунилмаса, қилиниши керак бўлган ишлар яхши амалга ошмайди. Керакли ишлар амалга оширилмас экан, ахлоқ ва маданият бузилади. Ахлоқ ва маданият бузилганида, адолатдан узоқлашиллади. Адолатдан узоқлашилганда эса халқ заифлик ва сархушлик ичида қолади ва нима қилишини билмай қолади. Шу сабабли айтилувчи сўз тўғри ва тушунарли бўлиши керак. Ҳеч бир нарса тилчалик аҳамиятга эга эмас.”

## **“ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА” АСАРИНИНГ МАЗМУН-МОХИЯТИ**

1991 йил 31 августда Ўзбекистон 130 йиллик мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм занжирларини парчалаб, мустақилликка эрипди. Бу тарихий воқеа туфайли халқнинг асрий орзуси рўёбга чикиб, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин згаллади. Дунёга ортиқча шов-шувлар, дўқ-пўписалар ва асоссиз дағдагалар билан ўз курдатини кўрсатиб келган мамлакат ич-ичидан зил кетиб, чок-чокидан сўқилиб кетди. Ана шундай тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий пўртана ва мислсиз бўхронлар юз берадиган мураккаб, ўта зиддиятли вазиятда 1989 йил 23 июнда Ислом Каримов республика раҳбари сифатида иш бошлади.

Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” деб номланган китобида 1989–1991 йиллар мобайнида олиб борилган ўта оғир ва машакқатли курашлар тарихи, ғоят таҳликали вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг халқимизни чукур инқироздан олиб чикиши, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлиши, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилишигача бўлган тинимсиз курашлар, кескин синов ва машакқатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олади.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, китобда баён этилган воқеа-ҳодисалар, кескин ҳолат ва вазиятлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, одамни изтиробга солади, ўша давр ҳакида ўйлашга, мушоҳада юритишга, халқимизнинг неча-неча авлодлари азалий орзуси — мустақилликка ўта оғир ва машакқатли курашлар орқали эришилганини эътироф этишга мажбур қиласди. Айни вақтда ушбу китобда юртимиздаги ғоят калтис ва носоғлом вазият, озгира учқун чиқса бутун республика ловуллаб ёниб кетадиган, тўғри йўлни топиш ўта мураккаб ва хатарли бўлган бир шароитда инқироздан чикиш, Ўзбекистоннинг тақдиди ва келажагини ҳал этадиган энг муҳим масалалар бўйича улкан донишмандлик ва жасорат билан баён этилган концептуал ёндашувлар, амалий фикр-мулоҳазалар, хуроса ва тақлифларга алоҳида эътибор каратилган<sup>10</sup>.

Шу нуктаи назардан, тўпламга киритилган ҳар бир чиқишини мутолаа қилиш жараёнида биз янги тарихимизнинг ўзимиз билмаган, англамаган кўп кирраларини янгитдан кашиф этамиз, истиқлол моҳиятини янада чукуррок англаймиз. Китобда ўша даврда олиб

<sup>10</sup> Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари учун ўтказилган семинар йигилиши материалларидан, 2011 йил.

борилган ишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолияти доирасида кўрсатиб берилади, шархланади, изоҳланади. Мустакиллик масаласи асарнинг ўзак ғоясини ташкил этади. Ундан ўрин олган бошка ғоялар ҳам ҳозирги давлатимиз сиёсати билан ҳамоҳангдир. Бу жиҳатдан, Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида” асари халқимизнинг сиёсий тафаккур ҳазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб кўшилиши шубҳасиз.

Бутуни кунда, орадан шунча йил ўтиб, агарда ўша мураккаб, зиддиятли даврда вужудга келган жуда хатарли вазиятнинг маънo-мазмунини тўлиқ англаб етадиган, теран мушоҳада юритиб, воқеалар ривожи ва уларнинг оқибатларини олдиндан кўра оладиган, энг муҳими, ғоят қалтис ва аянчли ҳолатдан чиқиб кетишнинг тўғри ва оқилона ечимини топиб берадиган, ҳаётнинг қайнок нафасини бевосита ҳис этадиган, яхши-ёмон кунларда халқнинг дарду-кувончига шерик бўладиган давлат арбоби — Ислом Каримов бўлмагандиа эл-юртнинг ҳоли кандай кечарди, деган саволлар ҳар кимнинг кўнглидан ўтади. Чунки якин ўтмишимизда миллат ва мамлакат манбағларини англаб етмаган, халқ дарду ташвишидан йироқ, вужудга келган муаммоларни холисона таҳжил этиб, уларнинг ечимини излаш ўrniga, амал курсисига ёпишиб, марказнинг гумашталарига айланиб колган, сиёсий қалтабин ва журъатсиз “арбоб”лар ҳам бўлган.

Улардан фарқли равишда Ислом Каримов республика стакчиси сифатида узок вақтлар давомида ечилилардан, газак олдирилган камчилик ва нуқсоилар, ўтқир ижтимоий муаммоларнинг илдизини очиб ташлайди, мавжуд аянчли ахволни тузатиш бўйича Марказ раҳбарияти олдига қатъий талабларни принципиал тарзда қайта-қайта кўйишдан чўчимайди.

Асада ҳар бир фикр ва сўз аниқ далил ва рақамлар, мантиқий хулосалар билан асосланади, ҳаётий фактлар унинг ўтқир мулоҳазалари, эҳтиросли кечинмалари, теран мушоҳадалари, энг муҳими, маънавий жасорати билан муштарак бўлиб, ўша пайтдаги ўта қалтис ва мураккаб сиёсий-ижтимоий ҳолатлар китобхон тасаввурнида бутун зиддият ва қарама-каршилиги билан яққол намоён этилади.

Ўша суронли даврда Юргашимиз томонидан халқимиз қалбидаги асрий орзу — истиклол ғояси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга оширип учун тарихий қадамлар кўйилгани, Президентимиз ўша долғали йиллардаёқ, Ватанимиз мустакиллиги, янги ҳаёт, янги жамият биноси учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва ғояларни аниқ ва равшан тасаввур этгани, сиёсий кескин вазиятларда Ислом Каримовнинг яккаю ягона тўғри ўйлни топа олгани, халқимизнинг

тинчлиги ва ҳафсизлигини таъминлаш учун кечаю кундуз тинимсиз машаккатли фаолият олиб боргани мустакиллигимиз тарихида абадулабад муҳрланиб қолиши шубҳасиздир.

Китоб билан танишган ҳар бир одам Ўзбекистоннинг истиклол арафасидаги чукур инқироз ҳолати ва бу инқироздан чикиш йўлидаги изчил харакатлар, миллий ўзликни англаш, маънавий тикланиш жараёнларининг назарий ва амалий негизлари асослаб берилгани, истиқлол арафасида янги авлод кадрларни тайёрлаш концепциясига асос солиниши, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар назариясининг шаклланиш жараёнлари, ижтимоий-иктисодий ислоҳотлардан — сиёсий мустакиллик сари савъ-харакатлар борасида Юргашимиз томонидан воқеалар ривожини олдиндан кўриб, узокни кўзлаб сиёсат олиб борилганига ишонч хосил киласди.

Давлатимиз раҳбарига хос бўлган бундай ноёб фазилат — воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш салоҳияти ўша йилларда ҳам, мустакиллик даврида ҳам яққол намоён бўлади. Масалан, китобга киритилган “Биз бундан буён эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл кўймайди” деб номланган нуткида Ислом Каримов Фарғона воқеалари, умуман, водийдаги ижтимоий-иктисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиб, собиқ колониялар тажрибасини ўрганиш асосида, кадрлар тайёрлашнинг замонавий миллий тизимини шакллантириш масаласини кун тартибига кўяди: “узингиз дунёга каранг, бир вактлар катта давлатларнинг мустамлакаси бўлган Жанубий Кореяда, Таиландда, Гонконгда қандай ўзгаришлар бўлмоқда? Бу ўлкаларда қандай кадрлар, қандай акл-заковат эгалари етишиб чиқмоқда, улар қандай мўъжизаларни яратмоқда”.

Эътиборли жиҳати шундаки, давлатимиз раҳбари ўша гоят мураккаб, барча соҳаларда жиддий молиявий танқислик сезилиб турган паллада истеъододли ёшлар учун маҳсус стипендиялар белгилаш, уларни мамлакатнинг етакчи таълим марказларига юбориш, бунинг учун республика ҳукумати захирасидан бир неча миллион сўм ажратиш таклифини илгари суради. Ўша вактлардаёқ, вазият қанчалик жиддий ва қалтис бўлмасин, ёшлар муаммолари, уларнинг дарду ташвиши Юргашимизнинг доимий дикқат маркази, эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон мустакилликни кўлга киритгач, юртимизда маънан ва жисмонан баркамол ёшларни тарбиялаб вояга етказиш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

Шу давр мобайнида дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилган “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”, “Таълим тўғрисида”ги Конун ҳамда Умумтаълим мактабларини ривожлантиришнинг 2007-2012

йилларга мўлжалланган давлат Дастири кабул қилинди. Бу тарихий хужжатлар мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларнинг талаб-эҳтиёжларини назарда тутиб, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда камол топиши, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб вояга этиши учун барча шарт-шароит, тенгсиз имкониятлар яратиб берди. Бугунги кунда ёшларимиз жаҳонга юзланадигани, илм-фан, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда улкан ютукларни кўлга киритаётгани ана шу доимий эътиборнинг маҳсулидир.

Юртбошимизнинг мамлакатимиз ёшларининг юртимизнинг тараққий этиши ва гуллаб-яшнаши, унинг тақдирни ва эртанги истиқболини белгилаб беришини ўша даврлардаёқ олдиндан кўра олгани туфайли мустақиллик арафасида, таъбир жоиз бўлса, Президент Ислом Каримов кадаган уруғдан шу кадар бақувват ва серхосил дарахт вояга етдики, у ўзининг куч-кудрати, акл-заковати ва юксак маънавияти билан юртимиз довруғини бутун дунёга ёйиши, мамлакатимизнинг энг ривожланган давлатлар категоридан ўрин олишига муносаб ҳисса кўшиши шубҳасиздир. Аммо бугунги кунда яратилган бундай мислсиз шарт-шароит ва имкониятларга мустақиллик арафасидаги ўша суронли йилларда Юртбошимизнинг узокни кўра билиш салоҳияти, изчил саъи-харакатлари, машакқатли меҳнати туфайли эришилганини асло унунтиб бўлмайди.

Умуман олганда, Ислом Каримов томонидан Ўзбекистонда юзага келган муаммоларни ҳал этишининг янгича ечимларининг илгари сурилгани унинг бутун масъулият ва жавобгарликнинг залворли юкини ўз зиммасига олишга қодирлигини, ностандарт карорлар кабул қилиш борасидаги кобилиятини, узокни кўзлаган ҳолда стратегик карорлар кабул қила олишини кўрсатади.

Етакчилик бу – бошқарувчилик мақоми, раҳбар мансабни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдир. Яъни, бошқарув вазифаларини бажариш билан боғлиқ фаолият инсонга етакчилик макомини беради. Жамиятни бирлаштириш, самарали карорлар кабул қилиш, ҳалкни конунгбузарликдан, ўзбошимчаликдан химоялаш, мамлакатда тартиб ва баркарорликни саклаш, ҳокимият билан ҳалкни яқинлаштириш ва шу орқали фукароларнинг бошқарувдан бегоналашувининг олдини олиш каби вазифалар етакчиларга нисбат берилади. Сиёсий жасорат, сиёсий ирода, воқеликни тўғри англаш, тўғри баҳолаш – ҳакиқий раҳбар учун ноёб фазилат.

Харизматик (“харизма” атамаси “илоҳий тухфа” маъносини англатади) етакчилар эса – ўзларининг алоҳида сифатлари, нодир фазилатлари, бошқариш кобилиятлари билан ажralиб турувчи

кишилардир. Харизматик етакчилар тарихнинг бурилиш нуктасини белгилаб берадилар, жараёнлар ва турмуш тарзининг бир хилдаги оқимини кескин ўзгартириб юборадилар. Бутунлай янги, ҳаётбахш ва қузурбахш турмуш кечириш, аниқроғи, Инсон ва Инсоният тақдиридаги мислсиз маънавий кўтарилишлар даврини бошлиб берадилар. Ислом Каримов ўзининг яқин ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ ана шундай етакчилик фазилатларини намоён этди. Республика раҳбари сифатида ўз юртнинг барча ютуғиу нуқсонларига ўзини қалқон килди. Раҳбар сифатидаги катъий ва мустажкам иродасини кўрсатди.

1990 йил 24 март куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессиясида иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда республика Президенти лавозими жорий этилди. Бу эса Юртбошимиз томонидан Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллигига эришип йўлида қўйилган нафакат тарихий қадам, балки чинакам сиёсий ва маънавий жасорат намунаси бўлди.

“Ўзбекистон мустақилликка эришип остонасида” китобидан ўрин олган Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллиги учун кураши тарихи раҳбар кадрларга ибрат ва намуна бўлиши шубҳасиз. Жумладан, унинг стратегик қарорлар қабул қилиш тажрибаси, муаммонинг ностандарт ечимларини илгари суриши, раҳбар кадрлар масъулиятини ошириш, уларнинг ишга муносабатини тубдан ўзгартириш борасидаги мулоҳазалари, раҳбар кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишда янгича ёндашув ва мезонларни илгари суриши, раҳбар кадрларнинг ҳалқка муносабатини ўзгартириш талабини қўйиши билан боғлиқ фикрлар раҳбар кадрлар махоратини оширишга хизмат қиласди. Бундан ташқари:

- вазиятга ҳолис баҳо бериш;
- маррани баланд олиб фаолият юритиш;
- миллий тараккиёт йўлида барча соғлом кучларни бирлаштириш;
- одамларнинг бугунги ва эртанги кунга ишончини мустақамлаш;
- сўз ва иш бирлиги;
- хонанишинлик, кабинетдан чикмай иш юритиш принципининг инкор этилиши;
- ижро интизомининг талаб этилиши каби Ислом Каримовга хос хислатларни янги авлод раҳбар кадрларида қарор тоғтириш мухим аҳамият касб этади.

Шу ўринда асадардан бир парча келтириш ўринли: “Элга пешвоман деб, ўртага чиқдингми, унинг ишончини қозондингми – бу ишончни энди асл виждан билан покиза фаолият билан оқламоқ керак бўлади. Бу

талабни эскича айтсами, янгичасигами – барибир, моҳияти бир хил бўлиб қолаверади.

Яъни, ҳалқ вакили ҳалқнинг посбони, ҳалқ раҳбари бўлиб, ҳалқнинг иссик-совуғидан ҳабардор бўлғувчи сирдошига айланishi шарт” (1990 йил 24 февраль куни Тошкентда СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий советларнинг ҳалқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган кенгаща сўзланган маърузадан).

“Инсон, унинг талаб-эҳтиёжлари, ҳукук ва манфаатлари — олий қадрият” деган улуғвор гоя мустақиллик Йилларида давлатимиз инсонпарвар сиёсати ва фаолиятининг бош мезонига айланганни айни ҳақиқат. Аммо бу гоя мустақилликдан олдинроқ, ҳусусан, Қашқадарё вилояти ҳокими ва кейинчалик республика раҳбари бўлган пайтларда ёк фаолиятининг бош мезонига айланган эди. Жумладан, ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил 24 марта бўлиб ўтган биринчи сессиясида республика етакчиси “Биринчи навбатда инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикада бўлажак миллий давлат ва ижтимоий иқтисодий сиёсатининг марказида бўлишин шарт” деб барадла айтган эди. Демак, Ислом Каримов республика раҳбари этиб тайинланган дастлабки кунлардан ол ушбу гояни ўзининг ҳаётий маслаги, олий инсоний бурчи деб билган ва унга эришиш учун бутун ақл-заковати, билим-тажрибаси, улкан ташкилотчилик салоҳиятини тўлиқ сафарбар этган эди. Чунончи, мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистон ССР Олий Кенгащининг навбатдан ташкиари тўртгинчи сессиясида сўзлаган нутқида мамлакат олдида катта синовлар тургани ҳакида тўхталиб, “ана шу синовлардан ҳалқимизни, бизларга ишонган фуқароларнинг бурнини қонатмасдан, йўқотишларга йўл қўймасдан, келажакдаги порлок ҳаёт учун замин тайёрлаб ўтсан... шундагина зиммамиздаги бурчни бажарган, одамларнинг ишончини оқлаган бўлур эдик” деб таъкидлаган эди.

Бир сўз билан айтганда, китобда сўз қандай масала устида бормасин, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи бўладими, илм-фан ва замонавий технологияларни ривожлантириш бўладими, бозор иқтисодиётига ўтиш тамойили ва мезонлари бўладими, маънавий қадриятларни тиклаш ва такомиллаштириш бўладими ёхуд давлатимиз ташкиси сиёсатининг устувор йўналишлари бўладими — барча-барчасида Юртбошимизнинг юкеалар ривожини олдиндан кўра олиш ва шу асосда изчил ва самарали карорлар қабул килиш салоҳияти, бугунги доруломон кунларни аниқ-тиниқ тасаввур этиш хислати яққол намоён бўлади. Бу эса барча бўғиндаги раҳбарлар, айниқса, ёш раҳбар кадрлар учун

чинакам дорилғунун, ўзига хос дастуриламалдир. Шу маънода, ушбу китоб истиклол тарихини хақконий асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни ҳар томонлама ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратиш, ўтмиш ва келажак, аждодлар ва авлодлар ўргасидаги ворислик ришиларининг мустаҳкамланишига хизмат киласидан бебаҳо маңба сифатида қимматлидир.

Бир карашда, китобда баён этилган фикрлар ўша давр билан боғлиқдек, ҳозирда бу фикрлар ўтмишга чекингандек кўринади. Тутри, китобда баён этилган қарашлар ва сиёсатга ёндашувлар ривожланишининг тарихий занжирини зарурий бўгини, ҳалқасига айланган. Бирок “Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида” китоби инсонга ўша даврда мамлакатимизнинг ривожланиш мантиқини тушуниш, ўтмиш билан замонавий ҳаёт ўргасидаги боғлиқликни кўра олиш, сиёсий ўзгаришлар динамикасини англаш имконини беради.

Инсоният тарихи кўп воқеаларга шоҳид. Шарқ замини саноқсиз жанглар, салтанатлар алмашинуви, шоху саркардалар фаолиятига гувоҳ бўлган. Бирок факат яхши ишлар, уларни амалга оширган зотларнинг номлари, шуларнинг барчасидан воқиғ этган китобларгина бокий колди. Билим хазинаси бўлган талағина асарлар – “Темур тузуклари”, Шарафуддин Али Яэдийнинг “Зафарнома”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Низомулмulkнинг “Сиёсатнома” асарлари шулар жумласидандир. Раҳбарларга панд-насиҳатлар, тавсия-кўрсатмалар шаклида ёзилган бу асарлар нафакат давлат арбоблари, балки юрт тақдирига, унинг ўтмишига бефарқ бўлмаган, бошқарув масалалариға қизиқадиган барча инсонлар учун зарур кўлланма вазифасини ўтайди. Зеро, бу асарларда юртимизда мустакил давлатчилик яратиш бобида тўпланган тажриба атрофлича баён этилган. Бу асарларни мутолаа қиласар экан, ҳар бир инсон ўша тараққиёт босқичини ўрганиб, ўзига жуда кўп фойдали сабоқлар олиши, ўтмишимизга жиддийрок назар ташлаб, уни терарнрок англаши мумкин.

“Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида” асари сиёсий билимларни оширишга хизмат киласиди, замонавий назарий қарашларнинг таркибий кисмини ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, сиёсий фан энг қадимий фанлардан бири саналади. Бу фаннинг тадқиқот обьектларидан бири - сиёсий тафаккур тархицидир. Сиёсий тафаккур тарихи турли даврларда сиёсий ҳаёт ва унинг таркибий кисмлари ҳақидаги фикрлар, қарашларнинг тараққиёти босқичларини ўрганади. Сиёсий тафаккур тарихи шундай асарларни камраб оладики, уларда, асосан, адолат, эркинлик, тенглик, инсон ҳукуклари, ислоҳотлар, давлат ва шахс муносабатлари ёритилган муаммолар ўз ифодасини топади.

Фанга истеъдодли ёшларнинг кириб келишини таъминлаш учун олий мактабнинг, ҳатто, умумий таълим мактабларининг фаолияти такомиллаштирилиши режалаштирилди. Ушбу режаларни муваффакиятли амалга ошириш учун куйидаги вазифалар белгиланди:

❖ истеъдодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, қўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг кобилиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш;

❖ маҳсус республика фондини ташкил этиш ҳамда иқтидорли болалар учун мактаблар ва интернатлар тармоғини вужудга келтириш, ёш олимлар учун турли мукофотлар таъсис этиш;

❖ фанини маблағ билан таъминлаш муаммоларини ҳам пухта ишлаб чикиш, янги институтлар ташкил этиш, мавжуд институтларни ўзгартириш;

❖ сув муаммолари ва атроф-мухитни муҳофаза килиш институти ва бошқа бир қанча институтларни тузиш;

❖ республикада ками билан 2010 йилгача илмий сиёsat концепциясини ҳамда Узбекистонда фан ва техникани ривожлантиришнинг тегишли дастурини ишлаб чикиш.

Узбекистон раҳбари жамият тараккиётидаги олимларнинг ўрни масалаласига тўхталиб ўтар экан, “Хозир ҳар бир олим, айниқса, жамиятшунос олим ўз илмий фаолиятини республика муаммоларига, ўз ҳалқи ва бутун мамлакатимиз тақдирига мувофиқлаштириши лозим. Равшанки, бундай интилиш жамиятшунос олимлар илмий ва ижтимоий фаолиятининг бирлиги характерини, уларнинг республика ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини белгилаб бериши керак”, деб таъкидлаш билан бирга, илмий ходимлар ўз фикрларини эркин, масъулият билан ифода этишлари учун шароит яратиш, уларнинг юқодий ва ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш, илмий тадқиқотларни бажариш учун давлат буюртмаларининг танлов системасини шакллантиришни ҳам баён этди.

“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида Ислом Каримовнинг мустақиллик арафасида жамият, давлат, сиёsat, ҳокимиятга карашлари жамланган. Унда янги сиёсий вокеликнинг янги концептуал модели ишлаб чиқилган, аниқроғи, Узбекистонда тоталитаризмдан демократияга ўтиш стратегияси баён этилган, демократик жамият куриш назариясига тамал тоши қўйилган, ривожланишнинг ўзбек моделига асос солинган. Бу жиҳатдан, асар янги ғоялар, ташаббусларнинг сероблиги билан ажralиб туради. Айни пайтда

асар ҳам фундаментал, ҳам эмлирик материалларга бой эканини таъкидлаш жоиз.

“Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида” асарини Ислом Каримовнинг мустакиллик арафасидаги сиёсий тажрибаси баёни сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Зеро, асар билан танишиш давомида муаллиф қандай манфаатларни ифода этганини, ўша даврда сиёсатнинг турли масалалари бўйича қандай позицияда бўлганини кўриш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда масалага рационал ёндашганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бундан ташқари, асардан сиёсий жараёнларнинг бутунги иштирокчиларига тавсиялар, маслаҳатлар, башоратлар ўрин олган. Шу нутқтаи назардан, мустакиллик арафасида ва унинг дастлабки босқичларида юз берган сиёсий ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда “Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида” асари катта аҳамият касб этади. Зеро, сиёсий воқеликни, сиёсий жараёнларни тадқиқ этишда фанинг имкониятларини кенгайтиради. Шу даврдаги сиёсий ҳаётимиз хақида энг ишончли маълумотларни ўз ичига олган маңба сифатида энг тўғри ва объектив хуносалар чиқариш учун асос бўлади. Мустакилликнинг 20 йиллик тўйида келгуси авлодларга муносаб мерос сифатида тухфа этилган бу асар сиёсий тафаккур дурдонасига айланниши бешак.

Келажаги буюк Ўзбекистон тараққиётига муносаб ҳисса қўшиш иштиёқида бўлган ҳар бир шахс, олим, зиёли, барча ватандушларимиз мазкур китобда баён этилган фикрлардан, Ислом Каримовнинг бошқарув тажрибасидан ўз фаолияти учун зарур сабок ва маънавий кувват олишлари шубҳасиз.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида” китоби истиқлол тарихимизни ўрганишнинг энг ишончли маңбасидир. Чунки ундаги барча ҳужжатлар бирламчи асл ҳужжатлардир. Бу ҳужжатлар куйидаги жиҳатлари билан айниқса ўта ноёб ҳисобланади:

**Биринчидан**, бу ҳужжатлар 1989-1991 йиллар давомида юртимизда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларга бевосита гувоҳ бўлган, уларнинг марказида турган инсон – Президент Ислом Каримов томонидан баён қилинган.

**Иккинчидан**, бу ҳужжатлар халқимизнинг мустакилликка эришиш жараённада буюк тарихий миссиясини адо этган, яъни истиқлол ҳодисасининг сиёсий-хукукий, маънавий-мағкуравий асослари бўлиб хизмат килянган.

**Учинчидан**, бу ҳужжатлар ўзида жуда катта фактик ва аналитик материаллар, тарихий жараёнлар тафсилотини мужассам этади.

**Тұртқынчидан**, бу хужжатлар мұраккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларға қандай ёндашиш, уларни қандай синтез ва анализ қилиш, мантикий холосалар чиқариш борасыда тарих, фалсафа, социология, сиёсатшуносолик ва бошқа ижтимоий фанлар, уларнинг тадқиқотчилари учун назарий-методологик жиҳатдан катта билем манбаи бўлиб хизмат киласди.

**Бешинчидан**, бу хужжатлар тарихнинг бурилиш даврларида тарихий шахс ва халқ оммасининг нақадар ҳал қилувчи роль йўнаши, ана шу икки куч бирлашган, бир максад сари интилган тақдирда ҳар қандай эзгу мақсадга эришиш мумкин эканини яна бир бор тасдиқлайди. Фалсафа фанидаги “тарихда шахснинг роли”, “тарихда халқ оммасининг роли” каби илмий категорияларни айнан Ўзбекистон тарихидан олинган янги мисоллар билан бойитиш имконини беради.

**Олтинчидан**, ушбу хужжатлар илм-фанда, ижтимоий-сиёсий тафаккурда кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган “демократия”, “инсон ҳуқуқлари”, “қонун устуворлиги” каби категорияларни янгича амалий мазмун билан бойитади. Яъни, бу илмий тушунчалар конкрет тарихий вазиятда, реал тарихий заминда ўзига хос, яъни ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий манбаатлари, турмуш тарзи, анъана ва қадриятларига мослашган, улар билан бойитилган ҳолда ўзига хос маъно-мазмун касб этишини кўрсатади.

**Еттингчидан**, бу хужжатлар моҳият зътибори билан ҳар бир халқ ўз озодлиги ва мустақиллиги, эркин ва фаровон ҳәётини ўзининг мард ва донишманд йўлбошчилари етакчилигида ўз кучи билан ўзи яратади, деган умумбашарий ғояни исботлайди. Шу тарика ўзбек халқининг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги, у ўзининг салоҳияти билан ўзининг буюк келажагини барпо этишга қодир эканига ҳар бир ўкувчи қалбida яна бир бор катъий ишонч ўйғотади. Шунинг учун ҳам бу китобни юртимиздаги ҳар бир ўкувчи нафакат катта кизиқиш ва ҳаяжон, айни вактда ғурур-ифтихор билан ҳам мутолаа киласди.

## ОИЛА

Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда оила институтини амалда мустаҳкамлаш борасида талай ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало оила ва никоҳ муносабатларини тақомиллаштиришнинг конуний базаси яратилиб, оила аъзоларининг, жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниб, давлат сиёсатининг устувор йўналишита айлантирилди ва буни далили оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган катор қонуллар ва қонун ости хужжатлари ҳам қабул қилинди.<sup>11</sup>

1998 йилда Оила кодекси қабул қилинган. У 1998 йил, 30 апрелдаги 607-1-сон “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Конуни билан мустаҳкамланган. Кодекс мукаммал хужжат бўлиб, у 8 бўлим, 30 бобдан иборат, унда оила муаммоларига давлатимиз берадиган аҳамияти ҳам тўла-тўқис акс эттирилади

Давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов мустакиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг доирасини кенгайтирип, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш, яъни хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш давлатимизнинг устувор йўналишларидан бири, деб эълон қиласкан, яна бу вазифани кенг маънода тушуниш зарурлигини такрор ва такрор таъкидлаганлар. Хотин-қизлар эркин фуқаролик жамиятининг тенг ҳукуқли аъзолари сифатида бугун давлат ва жамият курилишининг барча жабхаларида эрқаклар билан теппа-тенг меҳнат килиб, ўзларининг фазилатлари ва иктидорларини ҳар соҳада намоён этмоқдалар.

Инсон ҳукуклари умумжаҳон Декларациясининг 16-моддасига мувофиқ «Оила – жамиятнинг табиий ва асосий хужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли». Декларацияда оиланинг бундай таърифланиши ўзбекистон Республикаси Конституциясида расмий равишда ўз аксини топган.

Давлат томонидан кўрилаётган ана шу чора-тадбирлардан асосий мақсад биринчи навбатда оилани, унда тарбия топаётган болаларни ҳар қандай шароитда ҳар доим ҳимоя қилиш, мақсадли ёки манзилли кўмакка мухтоҷ бўлганиларга ёрдам бериш ижтимоий ҳимоя қилиш орқали соглом авлодни вояга етказишдир.

<sup>11</sup> Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарни органлари фаоллари учун утказилган семинар йигилишши материалларидан, 2011 йил,

Жаҳон статистикасида “оила” тушунчаси билан бирга “уй хўжалиги” тушунчаси ҳам фойдаланилади.

Уй хўжалиги тушунчаси оиладан фарқ қилиб, унда фақат кариндошлиқ муносабатлари асосида бириккан кишиларгина эмас балки, ижтимоий-иктисодий муносабатлар асосида бирга яшовчи бетона кишилар ҳам, алоҳида мустақил хўжалик юритувчи ёлғиз кишилар ҳам киритилади.

Оила бир қанча турларга бўлинади. Маълумки, оила ташкил бўлишига эркак билан аёл ўртасидаги никоҳ бирлиги асос бўлади.

Оилалар унда яшовчи оила аъзоларининг таркибига қараб куйидагича бўлинади:

- оддий (нуклеар) оила. Бундай оила тури энг кўп тарқалган. Унда эр-хотин никоҳга кирмаган, яъни оила курмаган фарзандлари билан яшайди;
- мураккаб (кўп бўғинли) оила. Бундай оилада икки ёки ундан ортиқ авлод вакиллари бирга яшайди. Хусусан, ота-она оила қурган фарзанди билан яшайди.

Оила ядросини ташкил этган эр-хотин ҳаётлигига, шу оилада бирга яшаш ёки яшамаслигига қараб ҳам оилалар турлича бўлади. Чунончи, тўлик оила, яъни эр-хотин ҳаёт бўлган ва бирга яшаган оилалар ҳамда нотўлик оила, эр-хотиндан бири вафот этган ёки улардан бири оилада яшамайди.

Оилаларни оила аъзоларининг миндорига кўра уч гурухга бўлиш мумкин: кичик оилалар (2-4 кишилик), ўрта оилалар (5-6 кишилик) ва катта оилалар (7 ва ундан кўп кишилик).

Ўзининг ижтимоий макоми жиҳатидан оилалар ишчи ва хизматчи, дехқон (фермер) тадбиркорлар оиласига бўлинади.

Ўзбекистонда оила ва никоҳ борасидаги ўзгаришлар йил сайин ижобий тус олмоқда.

Оила пайдо бўлиши ва ривожланишини илмий ўрганиш шуни кўрсатадики, оиланинг ташкил бўлишида асосий омил – никоҳ хисобланади. Никоҳ - инсоният тарихининг маълум босқичида пайдо бўлган. Жамият тараккий этиб бориши билан унинг шакли ўзгариб, ўзи эса мустаҳкамланиб борди.

2010 йилда Ўзбекистонда 283,3 мингта янги оилалар ташкил этилган. 1991-2012 йиллар даврида республикада 4,0 млн. дан зиёд яъни оила ташкил топди ва 2012 йилга келиб республикада 7 млн. дан ортикрок оила мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ никоҳни бекор килиш эр-хотиндан бири ёки иккаласининг аризасига биноан суд

идоралари ва вояга етмаган болалари бўлмаган эр хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари (ФХДЁ) томонидан расмийлаштирилади.

Оилавий муносабатлар билан боғлик тугилиш, никоҳ каби фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилишини инобатга олиб, кейинги йилларда ушбу соҳа фаолиятини такомиллаштириш максадида бир катор конун хужжатлари қабул қилинди. Жумладан, “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Коидалари”, “Узбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби хақидаги Йўрикнома, “Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича Коидалар” ва бошқа конун хужжатлари қабул қилинди.

Шунингдек, 2010 йил 14 сентябрдаги “Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Узбекистон Республикасининг айrim конун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Узбекистон Республикасининг Конуни билан Оила кодексининг 45, 47, 203-моддаларига ўзгартиришлар киритилди. Киритилган ўзгартиришларга асосан суд никоҳдан ажратиш хақида ҳал қилув қарорини чиқариш пайтида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг гувоҳномаси бериладётганда эр хотиннинг ҳар иккаласи ёки улардан бири тўлайдиган давлат божи миқдорини белгилаши лозимлиги, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бопслаб тугатилиши, фуқаролик ҳолати далолатномалари туман ва шаҳарларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд этилиши, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда эса, ўлим – фуқаролар йигини раислари (оксоколлари) томонидан ҳам қайд этилиши мумкинлиги белгилаб кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасида Насл-насаб шажараси бўйича тўғри тутапган қариндошлар ўртасида, тугипган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Зоро, ҳозирги замон генетикаси ютуғи ва хуросаларига кўра, бундай никоҳ номақбулдир. Бироқ, якин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар ҳанузгача ФХДЁ бўлимидан яширилган ҳолда қайд этилиши ҳолатлари учрамоқда. Эр ва хотиннинг қариндош эканлигининг салбий оқибатлари факат ногирон фарзанд тугилганидан сўнггина англаради.

Агар никоҳ тузишга монелик киладиган ҳолатларга риоя килиниб оила қурилса, у мустаҳкам бўлади, келажак авлод баркамоллигини, колаверса, ҳалкимизнинг келажагини соғломлаштиришни таъминлайди.

Оила кодексининг 13-моддасигта кўра никоҳ тузиш тартиби белгиланган бўлиб, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ хукукий аҳамиятга эга эмас. Никоҳ тузишда диний маросимларга амал килиш инкор этилмайди, чунки бу никоҳга кирувчиларнинг шахсий эътиқодига боғлиқ бўлиб, улар никоҳни қонуний қайд этилдан олдин ёки кейин диний расм-русумларга биноан ўтказишлари мумкин. Шаърий никоҳ эр-хотинга тегишли бўлиши мумкин бўлган хукуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши учун асос бўлмайди. Никоҳ белгиланган тартибда ФХДЕ органларида қайд этилганидан бошлаб эр хотин ўргасида ва улардан тугилган болада ҳам катор хукуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади.

Юкорида назарда тутилган салбий ҳолатларни келиб чиқишини олдини олиш максадила фукаролар йигинларининг вакиллари қўидагиларни жойларда кўпроқ тарғибот килишлари максадга мувофиқ бўлади:

1. Никоҳланувчиларнинг ота-оналари ва қариндош уруғлари томонидан ортиқча сарф ҳаражатларга йўл кўймаслик максадида тиббий кўрик натижасидан сўнг тўй кунини белгилаш (мазкур ҳолатда келин ва қуёвни даволаш чоралари белгиланган бўлса, даволаниш жараёни муддатига қараб никоҳни қайд этиш ва тўй маросимини белгилаш мақсадга мувофиқдир).

Амалда (хаётда) “фотиха” бузилмасин деб, тиббий кўрик натижалари бўйича касаллик аниқланган бўлса ҳам тўй маросими тўхтатилмай, даволанмаган келин (куёв) юқумли касалликка чалиниб, фарзанд туғилишида салбий оқибатлар келиб чиқмоқда.

2. Маҳалла маслаҳатчилари томонидан тўйларни ихчамлаштириш, қариндош-уруглар ўргасидаги никоҳлар ва никоҳ ёшига етмаган қизларни эрта турмушга бериш бўйича ота-оналарни жавобгарлиги юзасидан батафсил тушунтириш ишларини олиб бориш.

3. Никоҳини бекор қилиш юзасидан фукаролик судларига даъво ариза билан мурожаат қилган, шунингдек, вояга етмаган фарзанди бор оилаларни яратшириш чораларини кўриш, ота-оналарга ўз фарзандлари олдидаги маънавий ва моддий бурчлари мавжудлиги, бўйин товлаган ҳолларда жавобгарлик масалалари юзасидан жойлардаги Хотин-қизлар кўмиталари, вояга етмаганлар комиссияси, васийлик ва хомийлик, ИИБ, прокуратура, суд, ФХДЕ органлари ходимлари томонидан тушунтириш ишларини кучайтириш.

4. Яраштирув комиссияларининг фаолиятини жонлантириш

юзасидан йил якуни бўйича вояга етмаган фарзанди бўлган энг кўп оиласаларни яраштирган комиссияларни рағбатлантириш бўйича чора тадбирлар белгилаш.

Яраштирув комиссиялари томонидан ФХДЕ органларига тақдим этилган далолатномалар бўйича ўтказилган таҳлиллар шундан далолат берадики, баъзан оиласалар билан умуман хеч кандай яраштириш ишлари олиб борилмайли, баъзида оиласаларни яраштирув далолатномалари юзаки тузилган бўлиб, суд ёки ФХДЕ бўлимлари томонидан ажрашаётган оиласалар билан сухбат ўтказилаётган вақтда улар яраштирув комиссиясига бормаганиклари, далолатнома тақдим этилиши сўралганда, ажрашаётганлар киска муддатда ёки ушбу куннинг ўзида яраштирув комиссиясининг далолатномасини тақдим этиш ҳоллари тез учрамоқда.

5. Маҳалла маслаҳатчилари маҳаллаларда ўзлари учун қулай тизим яратишлари лозим. Маҳалла маслаҳатчиси ўз ҳудудидаги ҳар бир кўча маслаҳатчиси билан мунтазам равишда ўтказилаётган тўй-ҳашам, маърака ва бошқа ҳодисалардан хабардор бўлиши, зарур ҳолларда хукумат қарорларида белгиланган талабларга риоя этилмаётган ҳолатлар юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориши лозимdir.

Жамиятнинг асосий таянчи ҳисобланган оиласаларни мустаҳкам бўлиши учун фукаролар йиғинларининг, колаверса мутасадди барча ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда ҳаракат килиши биз ўйлаймизки, кутилган натижаларни беради.

## **Маҳаллада хусусий тадбиркорлик ва оиласий бизнесни ривожлантириш ҳамда ҳудудда ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишида фукаролар йигинилари фаоллари олдида турган долзарб вазифалар<sup>12</sup>**

Мустакил таракқиётимиз мобайнида мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблагандан эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этди.

Ижтимоий соҳаларда эришилган марралар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат ҳаражатларининг 5 баробар кўпайди, аҳоли турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайди, аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга етди.

Шакланаётган бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан иборат бўлиб, унинг эркин ривожланиши миллый иқтисодиёт таракқиётининг муҳим шарти ҳисобланади.

Ҳаммамизга маълум кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиёти ҳамда жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади. Унинг афзаллиги бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчанлиги, кам маблағ талаб этиши, янгиликларни тез жорий этиш ва тарқатиш имкониятларига эгалигида намоён бўлади.

Бугунги кунда кичик бизнес республикамизни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омилларидан бирига айланди ва унинг 2000-2011 йиллар давомидаги асосий ривожланиш кўрсаткичларининг тенденциялари ялпи ички маҳсулотнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2011 йилда 54,0 фоизга, иқтисодиётда иш билан банд бўлган аҳолининг улуши 2000 йилдаги 49,7 фоиздан 2011 йилда 74,8 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги ҳиссаси 2000 йилдаги 12,9 фоиздан 2011 йилда 21,1 фоизга етганида ҳамда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг фермер хўжаликларисиз 219 мингтани ташкил этаётганида кўришимиз мумкин.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг бандлиги, даромадлари ва фаровонлигини оширишининг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда 2011 йилда ташкил этилган жами 970,9 минг янги иш ўринларининг 634,7 мингтаси ёки 65,4 фоизи кичик

<sup>12</sup> Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари учун утказилган семинар йигитлиши материалларидан, 2011 йил,

бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмокда.

Ушбу қайд этилган кўрсаткичлага эришиш иктисадиётимизни либераллаштириш ва модернизация қилиш учун ислоҳотларимизнинг дастлабки босқичида кабул қилинган Фукаролик, Ер, Солик ва Божхона кодекслари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Чет зл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар хукукларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонунлар.

Шунингдек, ислоҳотларнинг кейинги босқичида кабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий корхона тўғрисида", "Валютани тартибга солиш тўғрисида", "Ташки иктисадий фаолият тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунлар ҳамда янги таҳрирдаги Солик кодекси ва иктисадиётни ислоҳ қилиш бўйича ишлаб чиқилган бир катор қонун хужжатлари хизмат қилди.

Мамлакатимиз ислоҳотининг мантиқи ва изчилилиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иктисадиётни бошқариш тизимини янада чукурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини зътиборга олиб муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзуидаги маъruzасининг олтинчи бўлимида демократик бозор ислоҳотларини ва иктисадиётни либераллаштиришни янада чукурлаштиришга оид кичик бизнес соҳасини ривожлантиришга қаратилган бир катор Қонун хужжатларини ишлаб чиқиш ва кабул зурурлиги таъкидланди.

Жумладан, бозор иктисадиётининг негизи хисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан бериладиган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хукукларининг кафолатлари тўғрисида"ги, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-коидалари тўғрисида"ги ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-хуқукий шакли сифатида "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ти Қонунларини ишлаб чиқиш ва кабул қилиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда, "Тадбиркорлик

**фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Конунларнинг янги таҳрирда тайёрлаш зарурлиги таъқидланди.**

Юкорида қайд этилган концепцияга мувофик, Иқтисодиёт ҳамда Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конуну ишлаб чикилди, ушбу Конун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва Сенати томонидан маъқулланди.

Мазкур Конунда Оилавий тадбиркорликнинг янги ташкилий-хукукий шакли конуний белгилаб берилган ва ушбу фаолият билан шуғулланадиган фуқароларга бир қатор имтиёзлар белгилантан:

1. Оилавий тадбиркорлик фаолияти юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

2. Оилавий корхона кичик корхоналар учун белгиланган сондан оширгмаган ҳолда ишчилар ёллаши мумкин ва уларнинг сони камидан 2 кипидан иборат бўлиши лозим.

3. Оилавий корхона турар ва нотурар жойларда фаолият юритиши мумкин. Оилавий корхона иштирокчиларининг турар жойлари нотурар жойга айлантирилиши талаб этилмайди.

4. Оилавий корхона коммунал тўловларини аҳоли учун белгиланган микдорда амалга оширади.

Махалла худудида хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, шунингдек қасаначилик, шахсий томорқа хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш ҳамда ёшлар учун янги иш үринлари ташкил этишда фуқаролар йигинлари фаоллари туман (шахар) ҳокимлигининг мутасадди ходимлари билан биргаликда куйидаги асосий вазифаларни амалга ошириши лозим бўлади.

**Биринчидан**, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес соҳаларида фаолият юритаётган ҳамда фаолият юритиш истаги бўлган фуқароларга тадбиркорликка оид ахборот хизмати кўрсатиш, яъни солик конунчилигида белгиланган имтиёзлар, тижорат банклари томонидан бериладиган имтиёзли кредит маблағлари юзасидан ахборотлар бериш.

**Иккинчидан**, янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига бизнес-режалари ва уставларини ишлаб чикишда, кредит ва лизинг шартномалари тузишда, инфраструктура обьектларига хужоат тайёрлашда ҳамда уларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишда тегишли йўриклар бериш ва кўмаклашиш, зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам кўрсатиш максадида, туман (шахар) ҳокимлигига маълумотлар тақдим этиш.

**Учинчидан**, тадбиркорларнинг ҳукукий, бошқарувчилик ва режалаштириш соҳаларидағи саводхонлигини ошириш мақсадида, туман (шаҳар) Давлат солик инспекцияси, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси, ахборот маслаҳат маркази, тижорат банклари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, коммунал хизмат кўрсатиш идоралари ҳамда майний хизмат кўрсатиш, хунармандлар, фермерлар ўюшмаларининг мутасадди ходимлари иштирокида ўкув курслари ташкил этиш.

**Тўргинчидан**, маҳалла ҳудудида ҳусусий тадбиркорлик ва оиласиб бизнесс соҳасини кўллаб-куватлаш ҳамда унинг ривожи учун энг асосий омиллардан бири бўлган, ишлаб чиқаринг инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокимлигига маълумотлар тақдим этиш.

**Бешинчидан**, аҳолининг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлари ни эътиборга олган ҳолда тадбиркорларга янги инновацион гояларни ишлаб чиқишда, яъни янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқиш, янги технология ва ихтиrolарни ўзлаштиришида илмий ва амалий кўмаклашиш.

**Олтинчидан**, аҳолига шахсий томорка хўжаликлиридан фойдаланиши даражасини ошириш мақсадида, уларга зарур бўладиган мева-сабзавот уруғлари, мевали дарахт кўчаглари ҳамда минерал ўғитлар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишлари учун уларни маҳалладаги тажрибали фермер хўжаликларининг иш фаoliyati билан таништириш.

**Еттингчидан**, маҳалла ҳудудидаги тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда аҳолининг шахсий томоркаларидан самарали фойдаланиши натижасида етиштирилган мева-сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорга чиқариш бўйича аниқ ва мақсадли йўналтирилган маслаҳатлар бериш.

**Саккизинчидан**, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш ва шу орқали маҳалла аҳолиси учун иш ўринлари ташкил этиш истаги бўлган фуқароларга ер ажратиш, замонавий минитехнологиялар ва ускуналар сотиб олиш бўйича тегишли маслаҳатлар бериш, бу борада уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида, юкори турувчи органларга маълумотлар тақдим этиш.

Ушбу қайд этиб ўтилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, яъни ҳусусий тадбиркорлик, оиласиб бизнесс, шунингдек қасаначилик, шахсий томорка хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш учун фуқаролар йигини фаоллари куйидаги ҳукукларга эга бўлиши лозим:

1. Маҳаллий давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан

марказ иши учун зарур бўлган ҳукукий-меъёрий хужжатлар ва маълумотларни бепул сўраб олиш;

2. Иш фаолиятини тўғри ташкил этиш мақсадида, туман (шаҳар) ҳокимлиги орқали тегишли ташкилот ва идораларнинг мутасадди ходимларини жамоатчилик асосида жалб қилиш;

3. Тадбиркорлар иш фаолиятини юритишда уларнинг ҳуқук ва эркинликларга карши йўл қўйилган коғун бузилишлари юзасидан уларнинг шикоят аризаларига мувофик, уларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя килиниши юзасидан тегишли давлат органларига ёзма равища мурожаат этиш.

*Манба: e-mail: [info@chamber.uz](mailto:info@chamber.uz) <http://www.chamber.uz>*

## **Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви ўзаро муносабатининг ҳукукий асослари**

Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ролига нисбатан карашларнинг тадрижий ривожланиб бориши давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқарувининг ўзаро муносабатлари заминида вужудга келадиган тамойилларга олиб келмаслиги ва уни қайта баҳолашни талаб қилмаслиги мумкин эмас.

Ўзини ўзи бошқарув органларини давлат органларидан алоҳида ажратмоқ сиёсий характерга эга ва уни юридик тилда аник ифодалаш анча мураккаб. Ўзини ўзи бошқарув сиёсий-ҳукукий категория сифатида шундай шаклга згаки, бунга кўра умуман ҳар кандай ижтимоий бошқарув жараёни ва шу жумладан давлат бошқаруви жараёнига хос конуниятлар ижроси таъмин этилади.

Давлат ҳокимияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувига умумий тарзда тартибга солиш орқали таъсир кўрсатиши мумкин, бу эса давлат ҳокимияти бирлигини таъминлаш учун кифоядир. Ўзини ўзи бошқариш давлат ҳокимияти тизимиға кирмайди, унинг тузилмасининг таркиби кисми ҳам эмас. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви – бу алоҳида таркиб топган ноёб ижтимоий-сиёсий ходиса, ҳалқ ҳокимиятининг бир кўринишидир.<sup>13</sup>

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш мазмун-моҳиятига аниқлик киритишдаги асосий тушунча – бу мустақилликдир. Мустақиллик тамоийилларини самарали амалга ошириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизимида маҳсус ваколат бўлишини тақозо қиласди, бу аҳоли манфаатини кўзлаб масалани мустакил ҳал қилиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқарувини манбағатига дахлдор давлат ҳокимияти даражасидаги қарорларни ишлаб чикиш ва кабул қилишда иштирок этиш имкониятини беради.

Хозирги вақтда давлат томонидан мунтазам амалга оширилаётган ҳокимият даражасидаги ваколатлар ва уларни молиялаптириш манбаларини аник чегаралаб қўйиш тамойили шундай механизмларни жорий қилишни талаб қиласди, бунга кўра оммавий ҳокимиятнинг энг қуий даражаси, биринчидан, улар учун макбул бўлмаган вазифа ва функцияларни ўзбошимчалик билан юклаб қўйинпдан химояланган бўлиши, иккинчидан, баъзи ваколатларни бир даражадан иккинчи даражага ўтказишда уларни амалга ошириш учун зарурий моддий ва молиявий ресурслар билан кафолатланган бўлиши керак.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги таълимотни шакллантиришда ўзини ўзи бошқарувининг ҳукукий табиатини, унинг

<sup>13</sup> Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари учун ўтказилган семинар йигилиши материалларидан, 2011 йил,

дуалистик (икки тарафламалик) характерини аниқлаб олиш мухим ўрин тутади. Мазкур муаммоларни ҳал қилиш бир катор вазиятлар туфайли анча мураккаблигига дуч келдик.

Бу, энг аввало, шу билан боғлиқки, ўзини ўзи бошқариш ҳодиса сифатида асосан иўсон ва жамиятнинг табиий ҳолатини ўзида тўлик ифода этди, бу билан давлат тизимидан фарқ қилиб туради. Ўзини ўзи бошқариш анъаналари илк давлат тузилмалари вужудга келмасдан олдин пайдо бўлган. Фукаролар ўзини ўзи бошқариш хукукий табиатини таҳлил қилиш ўзаро боғлиқ бир катор масалаларни кўриб чиқиши талаб килади. Жумладан, ўзини ўзи бошқариш анъанаси билан фукаролар ўзини ўзи бошқаришнинг ўзаро муносабатлари, давлат ҳокимияти ва фукаролар ўзини ўзи бошқариш учун умумий бўлган ва алоҳида жиҳатларига аниқлик киритиш, маҳаллий бошқарув ва фукаролар ўзини ўзи бошқаруви ўргасидаги алоқаларни аниқлаб олиш ва бошқалар.

1990 йиллар давомида фукаролар ўзини ўзи бошқаруви, унинг хукукий табиати объектив равишда илмий таҳлил килинди, мунтазам ўtkазилган ислоҳотлар натижасида фукаролар ўзини ўзи бошқаришнинг конституциявий-хукукий модели мустаҳкамланди. Самарали хукукий сиёsat ўtkазилиши фукаролар ўзини ўзи бошқаруви танлаган модел тўғрилиги, уни мавжуд давлат шакли ва анъаналари билан ўзаро мос келиши, давлат ҳокимияти тизими ва уни ташкил этишнинг умумий тамойиллари, ўзига хос ижтимоий-маданий жиҳатлари, аҳоли менталитетига боғликлиги, шунингдек глобал жараёнларнинг авж олиши, давлат ва жамият ривожланишининг объектив ва субъектив шартлари ва омилларига боғликлитини кўрсатди.

**Ўзини ўзи бошқаришнинг ўзбек модели табиати**, оммавий ҳокимият институти сифатида ўз ичига бир катор жамоатчилик белгиларини олади. Бу хусусиятларнинг мавжудлиги, бошқарувнинг алоҳида даражаси мавжудлиги, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг алоҳида соҳаси мавжудлиги айнан фукаролар ўзини ўзи бошқарувини давлатдан ажратиш, уни мустақил ташкил этилишининг ноёб табиати билан белгилаш имкониятини беради. Бунда кўп жиҳатлари билан давлатга хос, аммо жамоатчилик белгилари мавжуд бўлган тузilmани кўрамиз.

Фукаролар ўзини ўзи бошқаруви ва давлат ҳокимияти ўзаро узвий боғланган, чунки ҳар иккисининг маёнбай умумий – ҳалқ ҳокимияти. Фукаролар ўзини ўзи бошқаруви амалга оширадиган оммавий ҳокимияти алоҳида мақомга эга, у давлат ва жамоат ҳокимиятларидан ажралиб туради. Ўзини ўзи бошқарув органининг карори ўз худудида умуммажбурий ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда бу ҳокимият бевосита

аҳоли томонидан амалға оширилади. Бу вазифа одамларнинг кундалик эҳтиёжларини кондириш билан боғлик бўлади. Мазкур ҳокимият жамоатчиликка таянади, ўзини ўзи ташкил этиш ва ўзини ўзи бошқариш тамойилларига асосланади. Ўзини ўзи бошқариш органи мажбурлов аппартига эга эмас. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўз табиатига кўра, жамоат, диний бирлашмалар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари каби тўла нодавлат тузилмаси эмас. Ўзини ўзи бошқарув давлат тузилмасининг мажбурий тарқибий қисми хисобланади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви фуқаролик жамиятининг асосидир, чунки у йўлимиздан, ҳовлимидан ва шахримиздан бошланади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат бирлашмаларидан фарқи: ўзини ўзи бошқариш органлари давлатнинг катъий буйруги асосида ташкил топади, айни вактда жамоат бирлашмалари аҳолининг маълум катлами томонидан ихтиёрий тамойиллар асосида шакллантирилади; умумий коидаларга кўра жамоат бирлашмалари фаолияти соҳасига давлат ишларини ҳал килиш кирмайди, айни вактда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари айрим давлат ваколатларини бажариши мумкин; жамоат бирлашмалари фаолияти катъий ҳудудий чегарага эга бўлган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидан фарқли равишда муайян маъмурий-ҳудудий бирлик билан чегараланмайди<sup>14</sup>.

Давлат самарали фаолият кўрсатиб туриши учун давлат ва ҳар бир алоҳида олинган шаҳар, кишлоқ ахолисининг умумий манфаатлар мувозанати зарур бўлади. Маҳаллий манфаатга тегишли вазифаларнинг ифодачиси бўлиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари чикади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви давлат ҳокимиятига хос бўлган белгиларга эга. Шунинг учун фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал килишда берилган маълум мустақиллик давлатнинг ягона иқтисодий, ижтимоий, гоявий ва бошқа сиёсатидан ташкарида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви давлат-ҳокимият муносабатлари тизимидан ташкарида ва давлатдан мутлако мустақил бўлиши мумкин эмас.

Давлатнинг ҳар кандай ваколати оммавий характерга эга, аммо ҳар кандай оммавий қизиқиши давлат аҳамиятига эга бўлмайди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқарувининг давлатга қарамлигига келсак, бизнингча, унинг мавжудлиги фуқаролар ўзини ўзи бошқарувнинг давлат ёки нодавлат табиати фойдасига гувоҳлик бера олмайди. Фуқаролик

<sup>14</sup> Овчинников И.И. Местное самоуправление в системе народовластия. М., 1999. Б. 97.

жамияти ҳам, ҳар қандай алохига олингган шахс ҳам давлат измида бўлади. Давлатнинг табиати шундайки, у ўз юрисдикцияси доирасида бўлган ҳар қандай субъект устидан оммавий назорат ўрнатиши, уларнинг ихтиёрини мутлақ қарам килиб қўйиши мумкин.

Шундай қилиб, масала у ёки бу ҳукук субъектининг табиати қандай, у давлат белгилаб қўйган ҳукукка эгалиги ёки ундан эмаслиги – гап бу тўғрида эмас, балки гап шундаки, бу субъект ўзини ўзи чеклай оладими, бошка субъектлар билан муносабатга кириша оладими ёки йўқми – шу ҳакида Демак, “оммавийлик” – бу шундай умумийликки, у фуқаролар ўзини ўзи бошқарувни билан давлат ҳокимиятини бирлаштириб туради. Ҳар кайси ҳокимият даражаси ўзига хос белгиларга эга. Давлат ҳокимияти органи давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни ҳал қиласди; фуқаролар ўзини ўзи бошқарув органлари эса маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалалар билан шугулланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизимини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир. Фуқаролар ўзини ўзи бошқарувни ривожлантириш соҳасидаги хозирги давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясига (105-модда) асосланади ва 1999 йилда янги таҳрирда кабул килинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конунида ва бошка норматив-ҳукукий хужжатларда ўз ифодасини топган.

Биринчи ўринга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қўйилади. У Ўзбекистон Республикаси барча ҳудудларида тўғридан-тўғри таъсир доирасига, олий юридик кучга эга бўлган, ҳукукий нормалар мазмун-моҳиятини ифодалайди, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этишининг асосий манбаси ҳисобланади. Конституциянинг ушбу коидаси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш билан боғлик давлат-ҳукукий табиатидан ва унинг ваколат доирасидан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ҳукукий тартибга солишни таъминлайдиган юридик мажмуани шакллантириш имконини беради. Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини конституциявий коидалар билан мустаҳкамланганлиги унинг оммавий-ҳукукий характеристикини белгилаб беради. Демак, давлат ҳокимияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини конуний-ҳукукий база ва юридик кафолаг билан таъминлаган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий ҳокимиятни давлат воситалари ва хизмат кўрсатиш услублари етиб бора олмайдиган жойларда ташкил килинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солиб туришда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни энг муҳим ўрин тутади. Мазкур қонун бир канча конунчилик ҳужжатларини қабул килинишини назарда тутади. Ўзбекистон Республикасининг конунчилик тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов институтинчиг ҳукукий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йил 29 апрелда қабул килинган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ти қонун ана шундай конунлар жумласига киради. Бу қонун “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун нормаларини ривожлантириш максадида қабул қилинган бўлиб, унда ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказиш тартиби белгиланган, аммо унинг механизми тўла баён этиб берилмаган эди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасида оммавий-ҳукукий характердаги ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (246-модда), нотариат тўғрисидаги конунчилик асослари (54, 59-моддалар), Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси (191, 192, 194-моддалар), Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси (87, 203-моддалар), Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси (84, 85-моддалар), Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва фармойишлари – 1998 йил 23 апрелда эълон қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармон, 2002 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод маҳалла иили” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисидаги Фармойиши Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг ривожланишида каттағорль ўйнади; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 19 апрелда ишлаб чиқилган “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳакида”ги карори; 2003 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Обод маҳалла иили” дастурни тўғрисида”ги карори ва бошқалар.

2006 йил 25 декабря Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007–2008 йилларга

мұлжалланған харакат Дастури тұғрисидаги" қарори хам юқоридаги хужжатлар жумласига киради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тұғрисидаги бойында хужжатлар маҳаллий даражада қабул килинади.

Умуман Ўзбекистонда фуқаролар ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати күйидаги тамойиллар асосида шакллантирилади:

- максадлар бирліги, давлат сиёсатини амалга оширип йўналиши, вазифалари ва механизмлари;

- давлат сиёсатини амалга оширишда комплекс ёндашув;

- давлат сиёсатини амалга оширип жараённанда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролар ўзини ўзи бошқарув органларининг биргалиқдаги ҳаракати ва ҳамкорліги;

- ўтказилаёттан ислоҳотларнинг турли босқичларида давлат сиёсатининг изчиллігі;

- давлат томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқарувни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш;

- давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари доирасидаги ишларга аралашмаслик. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгилаганидек, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи кўп миллатли халқ, у ўз ҳокимиятини тұғридан-тұғри, шунингдек давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширади.

Ахолига энг яқин бўлмиш, оммавий ҳокимият сифатида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувни маълум бир худудда биргаликда яшайдан ва шу масканда умргузаронлик килаёттан фуқаролар манфаатини ҳимоя қиласи. Шунинг учун фуқаролар ўзини ўзи бошқариш халқ ҳокимиятчилиги тизимида мустаҳкам асослардан бири ҳисобланади. Айни вактда фуқаролар ўзини ўзи бошқарувни – маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал этадиган, алоҳида олинган ҳар бир шахс ва умуман ахолининг кундалик әхтиёжларини таъминлайдиган фуқароларнинг ўзи ташкилий уюшган шакли сифатида давлат томонидан эътироф этилади ва кафолатланади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув – энг муҳим институтлардан бири бўлиб, ўзини ҳуқукий ҳисоблайдиган ҳар бир давлатнинг давлат ва ижтимоий ҳаётининг демократик ташкил этишининг таркибий қисмидир<sup>15</sup>.

<sup>15</sup> Овчинников И.И. Теоретико-правовые основы местного самоуправления в Российской Федерации (системный анализ концепции и методологии правового регулирования): Автореф. д-ра юрид наук. М., 2000. Б. 17-18.

Давлат фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни ҳар томонлама кўллаб-кувватлайди, улар учун зарур бўлган ҳукукий кафолатлар яратиб беради. 1993 йил 2 сентябрда кабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ давлатнинг нодавлат сектордаги ташкилотлар билан алоқаларини маҳаллий даражада ҳукукий тартибига солиб, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ҳокимлар билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро алоқалари ва ҳамкорлиги амалга оширилди. Айнекса давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари – ҳокимият ижро органлари билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида алоқалар мустаҳкамланмоқда, бунда давлатнинг иктиносидиёт, таълим, маданият, соғлиқни саклаш, жамоат тартибини саклаш соҳасидаги сиёсий-ҳукукий карорлари маълум кисмини бевосита амалга оширишда иштирок этмоқда.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги (02.09.1993 й.) қонуннинг 4-моддасида шундай дейилади: «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб турадилар». 1999 йил 14 апрелда янги таҳтирида кабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги» қонуннинг 6-моддасида бу қоида янада ривожлантирилди, жумладан унда шундай дейилган: «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланини ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар, уларнинг ишларига аралашишга йўл кўймайдилар, фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳукукларини амалга оширишда кўмаклашадилар».

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг халқ ва давлат хаётидаги алоҳида аҳамияти ўтказилётган кенг миқёсли ислохотларда кўринади, уларнинг ролини янада ошириш зарурлиги таъкидланади. Айнан ҳудудлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сиёсат ва иктиносидиёт, таълим ва маданий ҳаётнинг долзарб масалаларига доир умумий фикр шаклланади, одамларнинг жамиятда туттган ўрни, хулк-атвори қоидалари белгиланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзаро мустақил тузилма бўлсада, уларнинг ўзаро ҳамкорликда иш юритиши ижтимоий ривожланишга зришища асосий омил бўлади.

Ҳокимият тизимида бу органлар юкорида таъкидланганидек, қанчалик мустақил бўлмасин, улар ўзаро алоқала фаолият кўрсатади.

Чүнки уларнинг мустақил вазифалари билан бир қаторда, умумий вазифалари ҳал мавжуд.

#### Ҳар икки орган:

фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш хукукини амалга оширишда кўмаклашади;

ўз худудида ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал қилиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказишда иштирок этадилар;

Ўзбекистон Республикаси қонууларининг, Президент ва хукумат хужжатларининг бажарилишини таъминлайдилар<sup>1</sup>.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланишида етакчи ўринларни эгаллади. Жумладан, фуқаролар йигини раиси (оқсоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайловини зълон қилиш ва ўтказишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, вилоят, туман, шаҳар ҳалқ депутатлари Кенгашларининг фаолияти катта аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари энг аввало аҳоли билан алокада бўлган мустақил тузилма сифатида мухимдир. Улар аҳоли ва давлат ҳокимияти органлари учун асосий ахборот маёнбалари ҳисобланади. Бинобарин, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими аҳолига энг яқин бўлгани сабабли одамларнинг кайфияти, манфаати, муаммолари ва интилишларини яхши ҳис килади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзига хос алоҳида жиҳатлари қўйидагилар:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувни жамият бошқарувининг таркибий қисми ҳисобланади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувни у шуғулланаётган (маҳаллий аҳамиятга молик масалалар) жамоат ишларининг бир қисми қатъий белгилаб қўйилган бўлсагина фаолият кўрсата олади;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалалари икки йўналишда амалга оширилади: биринчиси, аҳоли томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига муайян вазифаларни ижроси талаб этилса, иккинчиси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлатнинг айрим вазифаларини боскичма-боскич ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ёш демократик давлатлар муайян ўзига хосликлари билан ажralиб туради, уларда ўзини ўзи бошқарувнинг хуқукий тамойиллари ва маҳаллий бошқарувнинг ҳақиқий тажрибаси ўргасида маълум узилиш кузатилади, яъни унинг ижросини таъминлашда аҳолининг иштироқи

<sup>1</sup> Каранг: Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Т.: Шарқ. 1996. Б.65.

етарли даражада ривожланмаган бўлади. Ўзбекистонни ҳам шундай давлатлар категорига киритиш мумкин.

Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш фаолиятига давлат ҳокимияти органларининг аралашувига йўл қўйилмайди, деган коида «Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Конунида мустаҳкамланган. Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг карорлари ҳеч бир давлат босқичлари билан келишилмаслиги керак. Давлат ҳокимиятининг ижро органлари томонидан фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишларига аралашishi мумкин эмас.

Бироқ мазкур икки орган умумдавлат сиёсати доирасида амал килади, турли давлат дастурларини руёбга чиқаришда иштирок этади, улар давлатнинг умумий хукукий тизимига киритилган – фукаролик, жиноят, маъмурий хукукбузарлик тўғрисидаги кодекс талабларига бўйсунадилар, фукароларнинг сиёсий ва ижтимоий-иктисодий хукукларига риоя қиладилар ва х.к.

“Маҳаллий ҳокимият органларининг мунтазам тизимини фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳозирги шароитда маҳалланинг вазифалари янги мазмун билан бойитилиши лозим. Гап шундаки, маҳалла иктисодий ва демократик ўзгаришларни руёбга чиқаришда амалий мадад бўлмоғи зарур”<sup>16</sup>.

Ўзбекистонда фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ва ушбу йўналишдаги давлат сиёсатини акс эттирадиган бир катор норматив актлар қабул қилинди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 апрелда ПФ – 1990 “Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини кўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-кизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-кувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» ПФ-3434-сонли фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга асосан фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларига ҳаёт тажрибасига эга бўлган, ахолита, биринчи навбатда ёшларга соглом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллый-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўtkаза оладиган энг обрули ва фаол хотин-кизларни тайинланиши йўлга қўйилган.

Маҳалла фукаролар йигинининг фукаролар ўзини ўзи бошқариш

<sup>16</sup> И. А. Каримов. Ҳафсизлик ва барқирор тарафидан ўтилди. Т., Ўзбекистон. 1998. Т.6. Б.139.

органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий кадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, ахолини моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-куvvatлашни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасйининг 2003 йил 7 февралда кабул килинган “Обод Маҳалла йили” дастури тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил 25 декабрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007 – 2008 йилларга мўлжалланган харакат Дастури тўғрисида”ги қарори шулар жумласидандир. Мазкур қарорда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ўз ифодасини топган.

Давлат ҳокимияти органлари тизимида, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви фаолияти масалалари билан шугуулланадиган орган (демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси), бундан ташқари жамиятимизда фаолият олиб бораётган бошқа институтларнинг муносабатини таҳдил қилиш билан бир каторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оид муаммоларни ўрганиб тадқиқ этадиган Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташкил этилди. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган янги нормалар ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг барчаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиши йўлидаги яратиладиган зарур шарт-шароитларни намоён этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 1999 йил 14 апрелда бўлиб ўтган Биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртичин сессиясидаги “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” номли маъруzasида давлат ва жамият курилишини эркинлаштириш борасида ҳокимият ваколатларини фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўtkаза бориш, уларнинг ҳак-хукуклари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтириш<sup>17</sup> вазифаларини белгилади. Ушбу вазифаларни бажаришда катор ишларнинг амалта оширилганига қарамай, ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар етарлича ҳал қилингани йўқ. Мавжуд муаммоларнинг таҳдили маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг

<sup>17</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. Т.7. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999. Б.380-381.

ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатларни янада такомиллаштириб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳак-хуқукларини муҳофаза этиш, уларни кўллаб-куватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кундаги мамлакатимизни модернизация килиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда “Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидағи ҳуқук ҳамда ваколатларини кенгайтиришга каратилган қонунчиликни такомиллаштириш масалаласи устувор йўналишга айланиши зарур”<sup>18</sup> лиги таъкидланди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат, хусусан маҳаллий ҳокимият органлари билан муносабатларини тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллиги уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари билан муносабатларини тартибга солишга асос бўлади. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига мувофиқ “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонулари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиқсан холда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир”. Мазкур Қонун 7-моддасининг иккинчи қисмида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимиға кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга ошириши алоҳида таъкидланган.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар, уларнинг ишларига аралашшига йўл кўймайдилар, фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқукларини амалга оширишда кўмаклашадилар. Ушбу моддага биноан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари,

<sup>18</sup> Каримов И.А. Мамлакатни модернизация килиш ва кучли фуқаролик жамиятияни барпо этиш — устувор маҳсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи 2010 йил 28 январь сояни.

хусусан ҳукумат ва бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига аралашмайдилар. Бундай фаолият қонунлар ва бошқа қонун хужжатларида мустаҳкамлаб кўйилган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатлари белгилантган. Лекин мазкур норманинг таҳлили унда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини таъминлаш масалалари, улар билан маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатлар тўлиқ акс эттирилмаганлигини кўрсатади. Мазкур моддага мувофиқ ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашишлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб туришлари белгиланган бўлсада, уларни амалга ошириш таомиллари мавжуд эмас. Энг асосийси, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва маҳаллий бошқарувдаги иштироки мазкур нормада белгиланмаган.

Айтиш лозимки, Ўзбекистонда ҳам демократик давлатлар каби фуқаролар йигинларининг ижтимоий-сийёсий функциялари зътиборга олиниб, уларнинг давлат ва маҳаллий бошқарувдаги иштироки, бу борада маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари алоҳида зътироф этилади. Масалан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида ҳалқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ... Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлаши, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида эса йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисботлар бериши мустаҳкамланган. Бу қонуний хужжатлар маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатлари тўғрисидаги моддани такомиллаштириш эҳтиёжини намоён қиласди.

Маълумки, муносабат сўзининг ўзи “кишилар, ташкилотлар, давлатлар ўртасидаги борди-келди, олди-берди муомалаларини”<sup>19</sup>

<sup>19</sup> Узбек тилининг изохли лугати: 80000дан ортиқ сўз ва сўз биримаси. Ж. Н. Е-М/Тахир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошк.; ЎзРФА Тил ва адабиёт инст. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий напрести., 2006. Б.641.

англатади. Бундан маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муносабатлари ва улар ўртасидаги барча ўзаро ҳаракатларни тартибга солиш зарурлиги англатилади. Маҳаллий ҳокимият ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг барча муносабатлари меъёрларини белгилаш “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конуннинг 4-моддасини қуидаги таҳрирда бериш мақсадга мувоғик:

“Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқариши ривожлантиришга кўмаклашадилар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтирадилар, давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари билан алоқаларини, уларни маҳаллий ва давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлайдилар.

Йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида улар фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботлар берадилар.”

Маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатларни аник белгилаш ҳудудий жамоалар фаоллигининг ошиши, умуман, оммавий бошқарувнинг ривожланишига хизмат қиласи. Ижтимоий гурухларнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган манфаатлари ва эҳтиёжларининг сиёсий ҳокимият воситасида амалга оширилиши<sup>20</sup> ҳокимият муносабатларини аниқлаштириш заруратини белгилаб беради. Чунки Ўзбекистон конунчилигига оммавий ҳокимият тушунчасининг мавжуд эмаслиги, давлат ва маҳаллий ҳокимиятларнинг бир-биридан ажратилмаганлиги, ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат ташкилотлари сифатида эътироф этилиши<sup>21</sup> улар билан маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатларнинг назарий ва амалий жиҳатларини мураккаблаштиради.

Ҳамма санаб ўтилган нормалар Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувчи ва давлат ҳокимиятининг ўзаро муносабат моделининг мустаҳкамланишида у ёки бу дараҷада ўз таъсирини кўрсатди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш назариясини ўзини ўзи бошқарувда “жамоа” ва “давлат” табиатининг бирикуви нуқтаи назаридан таҳлил килиш керак (фуқаролар ўзини ўзи бошқарувда дуалистик назария). Агар фуқаролар ўзини ўзи бошқарувчи давлат

<sup>20</sup> Пронин Э.А. Политология. Конспект лекций. –М.: МИЭМП, 2005. С.7.

<sup>21</sup> Умарова Г. Маҳалла – ижтимоий бошқарув органи // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2-3/2007. Б.78.

вазифаларини ҳал қилишдан озод қилинса, у ҳакикий жамоавий институт бўлиб қолади, давлатнинг маҳаллий даражадаги масалаларини ҳал қилиш учун ҳокимият тизимининг худудий “ўринбосари” вазифасини ташкил этиши керак, бу эса иктисадий жиҳатдан самарали эмас. Агар ўзини ўзи бошқарув давлат ҳокимиятига тұла қарам бўлса, бунда фукаролар ўзини ўзи бошқарувига эга бўла олмаймиз. Бунда маҳаллий масалаларни ҳал қилиш бўйича аҳолининг мустақил фаолиятини таъминловчи ҳалқ ҳокимиятининг шакли ва моҳияти йўколади. Давлат томонидан кўйилган вазифаларни самарали ҳал қилиш маҳаллий даражадаги давлат бошқарувига юклатилган тақдирда, алоҳида олинган худуд аҳолиси манфаати етарли зътиборга олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисida Президент Ислом Каримов “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маъruzасида таъкидлаганидек, «Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда»<sup>22</sup>.

Давлат ҳокимияти ва фукаролар ўзини ўзи бошқарув муносабатларини амалга оширишдан максад ташкилий демократик тамойилларни ривожлантириб ҳам давлат, ҳам маҳаллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда фукаролар ўзини ўзи бошқарувни йўлга кўйишни таъминлашдан иборат.

Шундай қилиб, мустақилик тамойили эълон қилинган шароитда давлат ва фукаролар ўзини ўзи бошқарувнинг ўзаро алокалари таъсирчан механизмини вужудга келтириш ҳанузга қадар ва бугунги кунда ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмокда.

Ҳокимиятнинг ҳар бир даражаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Давлат ҳокимияти органлари давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни ҳал қиласди; фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қиласди. Бу ҳокимиятларнинг фаолият кўрсатиш доираси ҳар хил: давлат ҳокимияти бутун мамлакат худудини камраб олади, фукаролар ўзини ўзи бошқарув ҳокимияти аник ўз худуди билан чегараланган бўлади. Айнан давлат

<sup>22</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъзуза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. Б.45.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқарувнинг умумий ташкилий тамойилларини белгилайди ва худди шунинг ўзи фуқаролар ўзини ўзи бошқариш билан ўзаро муносабат моделини шакллантиради. **Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш давлат ҳокимиятига боғлик**, у давлат ҳокимияти томонидан белгилаб берилган даражада мустақилликса эга бўлади.

Маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқарувига берилган мустақиллик давлатнинг ягона иктисодий, ижтимоий, гоявий ва бошқа сиёҳатларидан ўзгача мавжуд бўлиши мумкин эмас. Фуқаролар ўзини ўзи бошқарув фаолияти давлат ҳокимияти тизимидағи мавжуд муносабатлардан ва давлатдан мутлако мустақил бўла олмайди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқарувда давлатга хос оммавийлик ҳусусиятлари мавжуд бўлиб, фуқаролар ўзини ўзи бошқарув табиатида бу ҳолат янада кучайтирилади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқарув томонидан ҳал қилинадиган вазифалардан келиб чиқиб, мазкур ҳокимиятни давлатга хос, аммо алоҳида жамоа белгиларига эга, деб қабул қилиш керак<sup>23</sup>. Айнан шу маҳаллий ўзини ўзи бошқариш пировардидা, ҳокимият билан эркинликнинг муштарак бирлиги тъминланади, ташки (веритикал) бошқарув ва аҳолининг ички ўзини ўзи ташкил этиш вужудга келтирилади.

Бугунти кунда ҳуқук тизимида қўйидаги механизмлар мустаҳкамлаб қўйилиши зарур: 1) барқарорлик ва изчилиллик; 2) самарадерлик, яъни ижтимоий мажбуриятларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш; 3) аҳолининг эркин ва тушуниб етган хоҳиш-иродаси; 4) ҳокимият манфаати билан кўпчилик аҳолининг манфаатларини мумкин қадар мувофиқ келиши; 5) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини аҳоли томонидан ҳақиқий назорати ва аҳоли заарига ушбу ҳокимиятни сунистешмоп қилиш мумкин эмаслиги; 6) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иш фаолияти ва қабул қилинган каротлари тўғрисидаги ахборотнинг очик-ошкоралиги, уларнинг мазмуни аҳоли учун тушунарли бўлиши.

Шубҳасиз, санаб ўтилган бу вазифалар ҳал этилини керак. Шуни хам таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқаролар ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришнинг асоси – энг аввало, унинг иктисади ташкил этади, факат шу иктисадиёт маҳаллий ишларни бошқаришда аҳолида ҳақиқий манфаатдорликни шакллантиради.

Е.М.Ковешников давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш муносабатлари масалаларини таҳлил қилиб, қўйидагиларни алоҳида таъкидлайди: маҳаллий ўзини ўзи бошқарув давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайдиган фуқаролик жамиятининг мустақил

<sup>23</sup> Карапт. Авақали С.А. Конституционное право России. Учебный курс. Т. 1. М., 2006. С. 339.

институти сифатида жамиятнинг давлат-хукукий тузилмасида алоҳида рол ўйнайди, у ҳам маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни аҳоли билан мустақил ҳал килади, ҳам давлат қурилиши вазифаларини бажаради, ишончли демократияни тўғридан-тўғри амалга оширади<sup>24</sup>.

Шундай килиб, ҳудди давлат ҳокимияти каби фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви – булар ягона оммавий ҳокимиятнинг турли шакллари эканлиги, давлат бошқаруви ва фуқаролар ўзини ўзи бошқарув моҳият жиҳатидан турли кўринишдаги ягона ижтимоий бошқарувни ташкил этишини кўриш мумкин. Уларнинг фаолиятини оммавий характеристи, маълум умумийлик услублари бирлаштириб туради, аммо бунда фуқаролар ўзини ўзи бошқарувнинг алоҳида ўзига хос томонлари, яъни улар фаолияти маълум ҳудудда яшаётган аҳолига йўналтирилганлиги, айни вактда давлат ўз буйрукларини, коида тарикасида, субъектларнинг ноаник груҳи – фуқаролар, бошқа шахслар ва ҳоказоларга қаратган бўлади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни мустақил ва ўз зиммасига масъулият олиб ҳал этади, бундай холат фуқаролар ўзини ўзи бошқарувни давлат бошқарувидан жиддий фарқини кўрсатади.

Шу билан бирга давлат бошқаруви ва фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви ўртасидаги маълум ўҳшашликни кўриш мумкин, баъзи ҳолатларда уларни «ажратиш» бошқарувда самара бермайди. Бу энг аввало, ижтимоий соҳада кузатилади. Бинобарин, бу давлатнинг молиявий ва ташкилий имкониятлари учун ўта муҳим. *Масалан*, фуқаролар ўзини ўзи бошқарув “манзили” эканлиги, аҳолига, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ объектларга энг якин туради. Давлат бир катор ҳолатларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокисиз ўз вазифаларини самарали ҳал қила олмаган бўлар эди. *Масалан*, сайловларда айнан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари сайлов кампанияси вақтида сайловчилик ҳисобини юритадилар, сайлов комиссиясини бино билан таъминлайдилар, овоз бериш учун тегишли жой ҳозирлайдилар ва ҳ.к.

Эндилиқда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари давлат томонидан бир неча вазифалар ижросини таъмин этиб келмоқда. Бу вазифалар орасида ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ чора-тадбирлар муҳим ўрин тутади. Кам таъминланган оиласаларни кўллаб-куvvатлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, болали оналарга нафака тайинлаш, маҳаллий ҳомийлар иштирокида муҳтоҷларга ёрдам бериш каби

<sup>24</sup> Караги: Ковешников Е.М. Государство и местное самоуправление в России: теоретико-правовые основы взаимодействия. М., 2001. С. 38.

тадбирлар шулар жумласига киради. Давлат бюджети хисобидан тўланадиган маблагни мақсадли йўналтириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидадир.

Узбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий химоя иили” давлат дастури тўғрисидаги карорида аҳолининг ночор катламлари – мухтоҷ оиласлар, ногиронлар, ёлғиз карияларни аниқ ижтимоий химоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-кувватлаш тадбирларини рўёбга чикаришда маҳаллалар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалда жорий этиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган<sup>25</sup>.

Демак, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан узвий ҳамкорлик қиласди, бошқача айтганда бири иккинчисига боғлик ҳолда белгиланган вазифаларни ижро этади. Давлат ҳокимияти аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлаш учун ажратган маблағини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органни иштирокисиз мухтоҷларга етказиб бера олмаган бўлар эди. Бунга сабаб ушбу маблагни тайинлаш чоғида аниқ мақсад йўлида фойдаланиш, ошкоралик ва ижтимоий адолат тамойилларига риоя этиш талаби кўйилган. Бу вазифаларни фақат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари муваффақиятли ижро эта олади. Чунки бу орган аҳолига жуда якин турали, бутун фаолияти давомида аҳоли билан ишлайди, ҳар бир оила имкониятларини яхши билади. Қайси оила қўллаб-кувватлашга ёхуд ижтимоий химояга мухтоҷ, кимлар бокимандалик кайфиятида юради – буларни маҳалла мастьуллари ва фаоллари аниқ ва равшан билади ва кўра олади. Фақат бугина эмас.

Аҳолининг кам таъминланган, якка-ёлғиз, ижтимоий химояга мухтоҷ қатламини тизимли равишда кучли ижтимоий химоялаш, бу мақсадда давлат бюджетидан ажратилган маблағдан ташкари маҳалланинг ички имкониятларидан кенгрок фойдаланиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хомийларни жалб этиш юзасидан маҳаллаларда ташкилий-амалий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар хисобидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайрия маблағлари хисобидан моддий мададга мухтоҷларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатади.

Булардан ташкари, ҳар бир маҳаллада кам таъминланган оиласлар рўйхати ва улар учун хужжатлар жамламаси тайёрланади. Рўйхатга

<sup>25</sup> Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иктисолий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. –Т.: Узбекистон. 2007. Б.100.

киритилғанлар тиббий-ижтимоий муассасаларда имтиёзли равишида даволанадилар. Маҳаллаларда кам таъминланғанлар буйича олиб борилған бундай тадбирлар ажратылған маблағларни мақсадли йұналишда фойдаланиш, шунингдек бокимандалик ҳолатлариңнинг олдини олиш имкониятini яратади.

Давлат ҳокимияти билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги узвий ҳамкорлик ва ўзаро боғликтлик билан чекланиб қолмайды. Шу билан бирга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий ахамиятта молик барча масалалар: ҳудудни ободонлаштыриш ва кўкаlamзорлаштириш, турли солиқлар ва мажбурий коммунал тўловларни ўз вақтида туширишни таъминлаш, ёшларни тарбиялаш, уларни ҳарбий хизматга тайёрлашишда кўмаклашиш, турли хукукбузарликларнинг олдини олиш, оммавий-сиёсий, маданий-маърифий, спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимиятiga яқиндан кўмаклашиб келмоқдалар. Давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи бирга ишлайди, бири иккинчисини тўлдиради, ягона сиёсатни юритади.

Айни вақтда уй-жойларини яхшилашга муҳтожларга, кам таъминланган фуқароларга ёрдам кўрсатиш, жамоат тартибини сақлаш, жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш, ёшлар билан ишлаш масалаларини давлат сиёсати ва унинг ресурсларини ишга солмай амалга ошириб бўлмайди.

Шундай килиб, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизими давлат бошқарувни тизимидан ўзига хос фарқли томонлари бор. Аммо кўриниб турибдикি, фуқаролар ўзини ўзи бошқарши ва давлат бошқарувни тизимининг кўпгина белгилари уларни бирлаштириб туради. Ижтимоий бошқарув шакидаги маълум фарқлар ва айни вақтда уларнинг ягона максади, ўзаро узвий алокалари асосида келишган ҳолда фаолият кўрсатишларини таъкидлап керак, бир катор тадқиқотчилар асосли равишида «оммавий бошқарув» категориясини кўллашпни таклиф этмоқдалар. Бу оммавий бошқарув тизимиға шундай таъриф берилади, “давлат бошқарувни маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни энг мақбул тарзда кўшиб олиб бориш – бу ижтимоий бошқарувнинг алоҳида, бошқалардан фарқ киладиган бошқарув турига бўлган эҳтиёжидир”<sup>26</sup>.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 6-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқаришни эътироф этиш ва кафолатлаш тўғрисидаги қоидани давлатдан алоҳида ҳокимият институти сифатида давлат томонидан

<sup>26</sup> Қарант: Бялкина Т.М. Местное самоуправление и государственное управление // Вестник ВГУ. Серия «Гуманитарные науки». 2003. №1. С. 322.

берилган кўрсатма деб кабул килмаслик керак, балки оммавий ҳокимиятнинг кўп босқичли тизими сифатида кайд этиш зарур, бу босқичларнинг мазлум бир қисми фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизими зиммасига тўғри келади, бу унинг давлат тизимига тегишли айrim қисмларидан сифат жиҳатидан фарқ қилишини кўрсатади. Бошқарувни амалга оширадиган давлат тизими ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизими бир-бирига узвий боғлик, уларни сунъий равишда “давлат” ва “жамоа” даражаларига кескин акратиш мақбул эмас. Фуқаролар ўзини ўзи бошқарув жамоа белгиларига эга, аммо у оммавий ҳокимият даражасида давлат ҳокимияти билан узвий боғлик, уни давлатнинг бир бўлаги дейиш мумкин.

**«Бошқарув тизимининг асосий, ҳал қылувчи жойларида замонавий фикр юритадиган, ўз халқи, ўз Ватани манфаатларига гоят садоқатли, юқори малакали кадрлар ишлаши лозим».**

**Ислом Абдуганиевич КАРИМОВ**

**«Маҳалланинг давлат бошқарув органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидағи вазифалара» мавзуси бүйича материаллар**

Мамлакатимизда жамиятни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш борасида амалга ошириб келинаётган кең кўламли ислоҳотлар бугунги кунда янгича мазмун билан бойитилди.

Президентимиз Ислом Каримов Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик институтлари, чунончи маҳалланинг мақоми ва ролини оширишни устувор йўналишлардан бири сифатида белгилади. Маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга доир асосий вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кентгайтириш, давлат жокимияти ва болқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлап, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий кўллаб-куватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оиласвий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш ҳамда унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидағи вазифаларни янада кенгайтириш бўйича талаблар кўйилди<sup>27</sup>.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган натижаларга эркитипда жамоатчилик назоратини ривожлантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг зарурлиги энг аввало, коррупция, таъмагирлик, маҳаллийчилик, ўз вазифасини сунистерьмол қилиш, фирибгарлик, одамлар онгини ҳар хил унсурлар билан заҳарлаш каби таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам беринга хизмат қилиши билан изоҳланади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов жамоатчилик назоратини куйидагича изоҳлайди: «Жамоат назоратининг туб моҳияти шулким, барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоколлари, ҳалқ депутатлари ва фаоллар, борингки, ёшу кекса, эркагу аёл - ҳамма ватандошлар бир

<sup>27</sup> Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари фаоллари учун утказилган семинар йигилиши материалларидан, 2011 йил,

ёкадан бош чикариб, амалга оширилаётган ислоҳотлар суръатини, уларнинг сифатини, ислоҳот бошида турган раҳбарларнинг ғайратини, лаёқатини холисона ўрганиб, холисона назорат қилиб, уларнинг ютукларини эътироф этиб, камчиликларни рўй-рост очиб ташлашимиз керак».

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятида кишиларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, давлат органларида ишлайдиган ҳар бир раҳбар ходимнинг ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканини чуқур хис этиши жамият ривожида муҳим аҳамиятга эга.

Жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат барқарор бўлиши учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида тенглик, масъулият ва жавобгарлик бўлиши учун хизмат қиласидиган омилдир. У инсоннинг хуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланиши, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини таъминлайди, жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимият том маънода ҳалқ қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг хуқукий асосларини янада мустаҳкамлашда Концепцияда илгари сурилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги конунларнинг кабул қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, маҳаллалар фаолиятининг давлат томонидан кафолатланиши ислоҳотларни янада чукурлаштириш учун кенг имкониятлар яратади ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, жамоатчилик назоратининг янада кучайишига хизмат қиласди.

Концепцияда фуқароларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги ошиб боргани сари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаган ҳолда, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўtkазиш зарурлиги кайд этилган. Бу ўз нағбатида фуқаролар йигининг аҳоли фикрини ифода этган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назорати ўтказиш масъулиятини юклайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари устидан жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятининг муҳим шартидир. Бинобарин, одамларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга аниқ муносабати, ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида

эканини ҳис этиши фуқаролик жамиятида адолат устувор бўлишига хизмат килади.

Президентимиз давлат назорат функцияларига нисбатан жамоатчилик назорати афзал ва мухим эканига тўхталиб, шундай дейди: «Шуни унгумайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак назорат билан шугулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари устидан ҳам жамоат назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор каратишимиш лозим. Бу масалада бундан бошқа мукобил йўл йўқ».

Жаҳон тажрибасидан маълумки, жамоатчилик назоратининг асосий максади-давлат органлари ва маҳаллий бошқарувнинг самарадорлигини кучайтириш, давлат сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда мансабдор шахслар томонидан қонунга риоя килиш ҳамда фуқаролар, ташкилотлар ва мансабдорларнинг самарали фаолият олиб бориши учун кўмаклашишдан иборат. Жамоатчилик назорати факат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини эмас, шунингдек нодавлат тармокни ҳам қамраб олади. Шу билан бирга бундай шаклдаги жамоатчилик назорати давлат назоратини амалга оширадиган маҳкамалар устидан ҳам олиб борилади.

Масалан, оммавий ахборот воситалари хукукни муҳофаза қилувчи органлар фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини кай даражада таъминлаётганини таҳлил этади. Шу тарика бу органлар фаолияти самарадорлигига таъсир ўтказади. Назоратнинг бу турида ахборотнинг ошкоралиги фуқаролик жамияти институтларига мазкур органлар устидан назорат ўтказиш имконини түғдиради. Ўз навбатида давлат назорат органлари фаолиятининг ошкоралиги тизимнинг бюрократия ва коррупциядан ҳалос бўлишига, қонун устуворлигига замин яратади.

Аҳоли бандлигини таъминлашда ишлаб чиқариш корхоналари билан касаначилик алоқаларини ташкил этиш орқали оиласалар даромад манбанинг кўпайишида, аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишда ҳам маҳаллалар томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назорати мухим омил бўлиб хизмат қилаётir.

Умуман, жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат ҳокимияти органларига муайян карорларни кабул қилиш бўйича мурожаат этиш, давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирувчи масалалар бўйича сўровларни амалга ошириш, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллалар худудларидаги

корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини эшлиш каби шаклларда йўлга кўйилгани ўз самарасиви бермокда. Қолаверса, бугунги кунда давлат Дастурлари талабларининг фукаролар йигини худудидаги ижросини таъминлашда жамоатчилик гурухларини тузиш ва ўрганиш, натижалари бўйича тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисботларини эшлиш ва шу орқали аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш, шунингдек маҳаллий давлат органлари фаолиятига кўмаклашиш тадбирлари самарали амалга опириб келинмоқда.

Бу эса, жамоатчилик назоратининг жамиятда ижтимоий адолатнинг карор топиши, шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат килувчи асосий омил эканидан далолатdir.

Ўзбекистонда тизимли, комплекс ва босқичма-босқич ташкилий-хуқукий чоралар амалга оширилмоқда. Бу чоралар, бир томондан, давлат аппарати фаолиятини, ҳокимият тармокларини босқичма-босқич демократлаштириш бўлса, иккинчи томондан, аҳолининг кенг катламлари, аҳоли ва ҳалқ ўртасида чукур томир отган ва аҳоли томонидан қўллаб-кувватланиб келинаётган турғун ва мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкил этилаётганлиги ва ривожланайтганлигидир.

Аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий хаётидаги иштироқи кўламини янада кенгайтириш, ҳар бир фукаронинг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари фукаролар ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар олдига салмоқли вазифалар қўймоқда.

Маълумки, ўзбек ҳалқининг тарихи узок ўтмишга бориб тақаладиган, асрлар оша ривожланиб келаётган анъанавий институт бўлмиш ўзини ўзи бошқариш идораси - маҳалла мустақиллик йилларида янада сайқалланиб, тараккӣ этиб келмоқда. Бинобарин, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бизда шундай бир ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бу - юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айникса, мустақиллик даврида тубдан янгилашиб, замон талаблари асосида тақомиллашиб бораётган маҳалла тизимиdir.

Бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти ва фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига бозор ислоҳотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рабbatлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг

моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий мухофаза килиш каби мухим вазифалар кўйилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган вазифаларни бажариш борасида мамлакатимиизда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган натижаларга эришишда жамоатчилик назоратини ривожлантириш долзарб вазифа хисобланади.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятида кишиларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, давлат органларида ишлаётган ҳар бир раҳбар ҳодимнинг ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканини чукур хис этиши жамият ривожида мухим аҳамиятга эга.

Жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат баркарор бўлиши учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида тенглик, масъулият ва жавобгарлик бўлиши учун хизмат қиласидан омилдир. У инсоннинг ҳукук ва эркинликлари нафакат давлат томонидан кафолатланиши, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини таъминлайди, жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимият том маънода ҳалк қўлида бўлишининг кўрсаткичи хисобланади.

Жамоатчилик назоратининг обьектлари нималар бўлиши, яъни у қандай фаолиятни ўз назоратига олиши мумкин? Юртбошимиз таърифича, жамоатчилик назорати:

- а) қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси;
- б) ҳокимият қарорлари қандай қабул қилиниши ва ижро этилиши;
- в) қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг тайёрланиш жараёни;
- г) давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолияти;
- д) давлатнинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан олиб борилади.

Жамоатчилик назоратини ташкил этишда, аввало, жамоатчилик вакилларининг сиёсий-хукукий ва ижтимоий савиясини ўстириш керак. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳак-хукукини яхши билиши ва уни химоя кила олиши керак.

Ҳар қайси инсон Конституция ва қонунларга ҳурмат билан қарагандагина бошқалардан, давлатдан, давлат идораларидан, қонунни мухофаза қиласидан, унинг ижроси устидан масъуль бўлган ҳодимлардан ҳам қонунни сўзсиз бажаришни талаб қила олади. Ана шундагина бутун жамият тафаккурида қонунга ҳурмат ва унга итоат билан қарашиб кўмрон бўлади.

Аниқрок килиб айтганда, одамларнинг қонунларга нисбатан ҳурмати, ҳеч шубҳасиз, аҳолининг ҳокимиятга бўлган ҳурмати билан чамбарчас боғлик бўлади.

Бунинг учун одамларни ҳуқукий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ҳуқукий маданиятини ошириш, жоиз бўлса, умумий маданиятини ўстириш зарур. Маҳаллаларда, ўкув юртларида, ташкилотлар ва корхоналарда, турли жамоат жойларида аҳолининг барча катламлари ўртасида бу ишни мунтазам олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Истиклол йилларида фуқаролик жамияти институтларини эркин ривожлантириш, фуқаролар манғаатларини ҳимоя килиш, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни бажариш борасида маҳаллалар фаолияти самарадорлитини оширишни таъминлайдиган меъёрий-ҳуқукий база, иқтисодий ва ҳуқукий кафолатлар яратилди.

Кабул килинаётган конун ҳужжатлари асосида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни саклаш бўйича самарали тизим бунёд этилиб, бу пировардида аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Махаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш демократияни амалга оширишнинг асосий ўйналишларидан бири бўлиб, бунда жамиятнинг барча институтлари маҳаллалар билан ҳамкорликда амалий ҳаракатлар олиб бориши максадга мувофиқдир.

Бу борада мамлакатимиз Президентининг 1998 йил 23 апрелдаги 1190-сонли Фармонида маҳаллий ҳокимликларга, жойлардаги жамоат ташкилотларининг иш фаолиятларини маҳаллалар билан узвий боғлаган холда олиб боришини ташкил қилиш топширилгани ҳам зътиборлидир.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Конунда фуқаролар йигинларининг конунлар ва бошқа конун ости ҳужжатларининг, шунингдек ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши белгилаб қўйилган бўлиб, жамоатчилик назорати ваколатларини маҳаллий давлат органлари фаолияти устидаги амалга оширишда, фуқаролар йигинлари “Йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади деб ва фуқаролар йигинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритадилар, фуқароларнинг мурожаатлари бажарилишини назорат қиласидилар” деб белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши ўз навбатида конун ҳужжатларининг устуворлигини таъминлашда, уларнинг амалиётга тўлиқ татбиқ этилишида, фуқароларнинг, айникиса, ёшларнинг ҳуқукий

маданиятини оширишда, улар томонидан турли хил ҳукукбузарлик содир этилишининг олдини олишда, фукароларнинг ижтимоий ҳимоясини такомиллаштиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда, соғлом ракобат мұхитини яратиши, зәңг мұхими, фуқароларнинг фаровон түрмуш тарзини күчайтириш тизимини янада такомиллаштиришда мұхим ақамият касб этади.

Фукаролар йигинлари Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари түғрисида”ги Қонунда берилган ваколатлардан фойдаланған ҳолда, жамоатчилик назоратини қуидаги йұналишларда амалга ошириши мүмкін:

- қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилишида. Мазкур йұналишда жамоатчилик назорати йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимліктери раҳбарларининг фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соһасыга киравчы масалалар юзасидан ҳисоботларини зәтиши, улар чикарган тегишли қарорларининг бажармаганлығы ёки лозим даражада бажармаганлығы учун мансабдор шахсларни жағобгарларға тортыш түғрисида қонунда белгиланған тартибда тегишли идораларға тақдимномалар киритиш орқали амалга оширилади;

- ҳудудда комплекс ривожлантириши таъминлашда. Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллани ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва оиласый бизнес марказига айлантириш, ўзига тегишли бўлган ҳудудда иш жойларини яратиш, касаначиликни тараққий топтириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш ваколатига эгадирлар. Уларга қонун ҳужжатларida белгиланған тартибда кичик корхоналар, сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш устахоналари, ҳалқ ҳунармандчилиги цехларини ва ахолига мәиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналарни ташкил этиш ҳукуклари берилгандир. Албатта, мазкур ваколатларни лозим даражада амалга ошириш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мұхим ақамият касб этади;

- ҳудудни ободонлаштириш, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ораста саклаш коидаларига риоя этилишида, шунингдек, уларнинг санитария ҳолатини яхшилашда. Ушбу йұналишда фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун уларга кўплаб ваколатлар берилганды, бу ўз наебатида маҳаллани ораста саклаш, тозаликка зытибор бериш, хашарлар ташкил этилиб, бир-бирларининг оғирини

енгил килиш каби ота-боболаримизнинг азалий урф-одатлари билан уйғунлашиб кетгандир.

- худудда тўйлар ва бошка маросимларни ўтказишда. Ҳалқимизда «топганинг тўйларга буюрсин» деган ҳикматли гаплар мавжуд бўлиб, ота-боболармиздан бизларга яхши тўйлар қилиб элга ош тарқатиш каби хайрли ишлар килиш мерос сифатида ўтиб келмоқда. Шу асосда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати худудда яшайдиган фуқароларга муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар асосида мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш, тегишли маслаҳатлар бериш, замон талабларига мос, ҳалқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналарни ташкил килиш ва жорий этиш орқали амалга оширилади;

- пул маблағларининг мақсадли сарфланишида. Бу йўналишдаги жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзлари устидан ўзлари ўрнатадилар. Бунда худудни комплекс ривожлантириш, ободонлаштириш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек, кам таъминланган оиласларнинг уйлари ва квартиralарини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида йигилган маблағлар, шу мақсадда, корхона ва ташкилотлардан ҳомийлик сифатида берилган маблағларнинг қанчалик даражада мақсадли сарфланиши устидан ички назорат олиб бориш орқали амалга оширилади;

- хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя килиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оиласда маънавий-ахлоқий мухитни шакллантиришлаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишда;

- тегишли худудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўргасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқукларини ҳимоя килишда.

Маълумки, жамоатчилик назорати мамлакатимизда тарихий илдизларга эга. Чунончи, у азал-азалдан маҳаллалар, оқсоқоллар кенгashi кўринишларида амал қилиб келган. Жумладан, ҳар бир оиласда ота-оналар томонидан фарзандлар тарбиясига бефарқ бўлмаслик, огоҳ бўшишлик каби фазилатлар сингдирилган ва жамоатчилик назоратини амалга оширишида фарзандларнинг масъулияти маълум бир меъёрлар билан белгилаб берилган. Ёши улуғ кексаларимизнинг айтишича, азал-азалдан бирор бир маҳаллага нотаниш киши меҳмон кириб келса, унга "Кимсиз?", "Қаердансиз?", "Қандай юмуш билан маҳалламида

юрибсиз?" каби саволлар берилган ва бу ҳолат жамоат назорати сифатида намоён бўлган.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фукаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Фукароларнинг фаолиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чукур хис этиб бориши фукаролик жамияти шаклланиши жараёнининг муҳим шартларидандир. Яъни давлат органлари ҳалққа ўз сиёсати, ҳаракатларини тушунтириб бериши, унинг олдида хисобот бериб бориши лозимдир.

Фукаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назорати натижасида, жойларда ислоҳотлар, давлат дастурлари ижроси тўғрисида жамоатчилик кенг хабардор этилиб, аҳоли манфаатларини ҳимоялаш ҳамда маҳаллий давлат органларининг фукаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорлиги таъминланмоқда.

Умуман, жамоатчилик назорати бугунги кунда фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан у ёки бу конун талабларининг фукаролар йигини худудида ижросини жамоатчилик гурухлари тушиб ўрганиш, натижалари бўйича тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хисоботларини эшитиш орқали аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш тартибида ёки маҳаллий давлат органлари фаолиятига кўмаклашиш орқали ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза килиш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида” 2009 йил 13 апрелдаги 1096 -сонли ва “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиши борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Даствури тўғрисида” 2009 йил 1 июлдаги 1144-сонли карорлари билан тасдикланган Давлат дастурларининг ижроси доирасида республикамиздаги мавжуд 3,5 мингдан ортиқ кишилек врачлик пунктлари (оиласвий поликлиникалар) ҳамда тез тиббий ёрдам идоралари раҳбарларининг ҳисоботлари ҳар ойда маҳалла фукаролар йигинларида эшитиб келинмоқда.

Унбу ҳисоботлар ҳар чоракда туман “Маҳалла” жамғармаси ҳузурида жамоатчилик вакиллари иштирокида туман (шаҳар) миқёсида ҳам эшитилиб тегишли қарорлар кабул килинмоқда.

Ахоли бандлигини таъминлашда ишлаб чиқариш корхоналари билан касаначилик алокаларини ташкил этиш орқали оила даромад манбанинг кўлайшига, ахолининг иш билан бандлик даражасини оширишда амалга оширилаётган жамоатчилик назоратининг аҳамияти ҳам катта бўлмоқда.

Умуман, жамоатчилик назорати фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат ҳокимияти органларига у ёки бу карорларни қабул қилиш бўйича мурожаатлар қилиш, давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирувчи масалалар бўйича сўровларни амалга ошириш, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллалар худудларидағи корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини эшлиш каби шаклларида йўлга қўйилган.

Бу эса жамоатчилик назоратининг жамиятда ижтимоий адолатнинг карор топиши, шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябридаги қўшма мажлисида Президентимиз томонидан таклиф этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувининг конун ҳужжатларини ижро этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ҳукукий механизмини ташкил этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг лойихасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Қонунда жамоатчилик назорати субъектлари, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳукукий механизmlари, ҳукукий оқибатлари, шунингдек, мазкур соҳадаги конунларни ижро этмаган мансабдор шахсларнинг жавобгарлик шартлари белгиланиши лозим. Бунда давлат ва жамият курилиши тизими соҳасида фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳукуқ ва ваколатларини кентайтиришга қаратилган конунчиликни такомиллаштириш долзарб вазифадир.

**Маҳаллани аник йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлаш марказига айлантиришининг аҳамияти ва моҳияти. Фуқаролар йиғинлари томонидан нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни амалга ошириш тартиб-тамоийллари<sup>28</sup>**

Ижтимоий ҳимоя тизими мустакиллик даврида ўзига хос равища янгидан шаклланди. Айниқса, миллийлик, ўзликни англаш, эътиқод ва анъаналарнинг тикланиши тизимига муҳим янгилик бўлиб кўшилди.

Ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишларидан бири – бу аҳолининг мухтоҷ, кам таъминланган қисмларига моддий ёрдам, нафақалар ва бошқа имтиёзлар беришдан иборат.

Республикамиизда ижтимоий ҳимоянинг хуқуқий мухити яратилган бўлиб, унга қонуний асос солинган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 39-моддасида “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёкатини йўқотганда, шунингдек бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш хуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг микдори расман белгилаб кўйилган тирикчилик учун зарур энг кам микдордан оз бўлиши мумкин эмас”, - деб қайд этилган.

Аҳолининг энг кам ҳимояланган ва мухтоҷ табакаларини ўз вактида қўллаб-кувватлаш халқ фаровонлиги, инсонпарварлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақият гаровидир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ёк Юртбошимиз аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтоҷ қатламини давлат томонидан мухофаза килиш масаласини кечиқтириб бўлмайдиган, устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб бердилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлатнинг аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлашга қаратилган вазифаларни ҳал этишдаги роли ҳусусида гапирганда аввалом бор Мухтарам Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асрларида маҳалла ҳақида билдирган куйидаги фикирлари ҳаммамиз учун дастури амал деб ўйлайман.

Жумладан, мухтарам Президентимиз шундай деганлар: “Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб кадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг

<sup>28</sup> Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари учун утказилган семинар йиттишипи материалларидан, 2011 йил

хўкук ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда. Давлатчилигимиз тарихидан биринчи марта “маҳалла” тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва макоми катъий белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқарувига бундай катта зътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатининг халқчиллигидан далолат беради. Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” деган тамойилнинг амалий ифодасидир”.

Маҳаллаларда шакланган миллий ва маънавий кадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб килиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, республика маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, республиканинг маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кент йўлга қўйиш, шунингдек уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан кўллаб-кувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги Фармонига мувофиқ республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташкил этилди. 1993 йил сентябррида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” биринчи марта қонун қабул қилинди.

Маҳалла ўзини ўзи бошқаруви амалиёти ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш тамойилларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич давлат ҳокимиюти вазифалари ўтказиб келинмоқда. Бу амалиёт ҳаёт тажрибасида ўзини тўла оқламоқда.

Эндилиқда давлат ўз вазифаларини, ваколатларини ҳокимиютини кучайтириш ҳисобига эмас, балки демократик омилларни кенгайтириш ва кенг халқ оммасини бошқаришга жалб этиш йўли билан амалга ошириш йўлида фаол иш олиб борилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов асарларида шундай таъкидланган: “Биз бозор муносабатларига яқинлашган сайин ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишлари – аҳолини ижтимоий кўллаб-кувватлаш ва химоя қилиш чоралари ҳамда воситалари ўзгариб бориши керак, деган муҳим сабоқ чиқариб олдик”.

Амалиёт ва тажрибалар таҳлили аҳолининг турли қатламларига катъий табақалаштирилган тарзда ёндошиб, ялпн ижтимоий химоялаш тизимидан, ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини аниқ мақсадли ҳамда манзили ижтимоий кўллаб-кувватлаш тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Шунга биноан, 1994 йил 23 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кам таъминланган оиласарни ижтимоий химоялашни кучайтиришга оид тадбирлар түғрисида”ги 938-сон Фармони қабул қилинди.

Кам таъминланган оиласарга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам ахолини давлат томонидан ижтимоий химоялашнинг бутунлай янги тури сифатида мамлакат ижтимоий химоя сиёсатида биринчи маротаба жорий қилинди.

Жорий этилган ижтимоий химоянинг янгилиги шундан иборат бўлдики, унда муайян оиласи кам таъминланган деб топиш масаласини маҳалла, қишлоқ, овул фуқароларининг йигини мустақил равишда белгилайдиган ва ана шу оиласага моддий ёрдам тайинлайдиган бўлди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 1994 йилнинг 1 октябрیدан бошлаб ҳар ойлик тўловлар тарзида моддий ёрдам кўрсатишни амалга ошира бошлашди. Шу билан маҳалла фуқаролар йигинининг ижтимоий химоя фаолияти шаклланишига дастлабки қадамлар кўйилди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда болали оиласарга давлат йўли билан мадад беришни кучайтириш, бунда қонунийлик, ижтимоий адолат ва ошкораликни таъминлаш мухим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрида “Болали оиласарни давлат томонидан қўллаб-куvvatлашни янада кучайтириш түғрисида”ги 1657-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли карори 2002 йил 25 январдаги 33-сон карори таҳрири билан тасдиқланган “Вояга етмаган болалари бўлган оиласарга нафакалар тайинлаш ва тўлаш түғрисида”ги Низом қабул қилиниб, болали оиласарга ижтимоий ёрдамнинг аниқ берилишини кучайтириш ва ахолини ижтимоий химоялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида, мазкур Фармон ва Низом асосида 16 ёшгача (умумтаълим мактабларида, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача) болалари бўлган оиласарга нафакаларни шундай нафақага муҳтоҷ оиласаргагина бериш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги “Ахолининг ижтимоий химояга муҳтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-куvvatлашни кучайтириш

**тўғрисида”ги Фармони** ижтимоий химоя сиёсатининг навбатдаги қонуний ифодаси бўлди. Унга кўра, боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш килиш бўйича ишламайдиган оналарга маҳаллалар орқали бериладиган ойлик нафақалар микдори 2002 йил 1 февралидан бошлаб энг кам иш ҳакининг 170 фоизи, 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб эса, 200 фоизи микдорида белгиланди. Шунингдек, 16 ёшгача болалари бўлган нафақа олувчи оиласлар тоифаси кенгайтирилиб, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва қасб-хунар коллежларида ўқийдиган 18 ёшгача болалари бўлган мухтоҷ оиласлар ҳам шу тоифага кўшимча равишда киритилди.

Келинг яна бир бор кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамлар аҳолининг қандай катламларига берилишини яхшилаб англаб олайлик. Зеро, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига қандай амалий ва услубий ёрдам зарурлигини тўлақонли билиб олишга ёрдам беради.

**Моддий ёрдам** объектив сабабларга кўра, оила аъзоларининг биринчи навбатда эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган маҳалладаги оиласларнинг даромадларига нисбатан кам даромад олувчи оиласларга уларнинг фаровонлигини ошириш максадида тайинланади ва тўланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 авгуустдаги 434-сон карори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оиласларни хисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-моддасига асосан “Кам даромадли оиласларга ҳар ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва унинг микдорини белгилаш тўғрисидаги карор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – қўргон, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳаллалари фуқаролари йигинлари, йигинни ўтказиш имкони бўлмагандага кўчалар, турар жойлар, қишлоқ, овул маҳаллалари фуқаролари вакилларининг йиғилиши томонидан қабул килинади.

Фуқаролар йигини томонидан кам таъминланган оиласларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиши учун вакил қилинган комиссия таркиби фуқаролар йигини (вакиллар йиғилиши) томонидан фуқаролар йигини худудида истиқомат қилувчи энг обрў-эътиборли ва хурматга сазовор фуқаролар орасидан сайланади. Ушбу комиссияга фуқаролар йигинининг раиси бошчиллик килади. **Комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йигини раиси эса унинг бутун ваколати даврига сайланади. Мазкур комиссия аъзоларининг таркиби камида 20 киши. Бунда комиссия таркиби, раисдан ташкари, ҳар йили 50 фоизга янгиланади”.**

Моддий ёрдам фуқароларнинг доимий яшаш жойидаги ўзини ўзи бошқариш органларига ёки қўргон, қишлоқ, овул маҳалласига ёзма равишда ариза билан ёрдам сўраб мурожаат килган оиласларга, айрим

холларда эса фукаролар йигини раиси (оксоқолининг) тавсиясига биноан тайинланади.

Объектив сабабларга кўра оиланинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган кам даромадли оилалар ва ёлғиз фукаролар (балоғатга етмаган болалари бўлган кўп болали оилалар, бокувчиси ногирон ёки меҳнат қобилиятини қисман йўқотган сурункали касал оилалар, ишсизларнинг оилалари; ёлғиз пенсионерлар ва бошкага ўта муҳтоҷ оилалар) хар ойлик моддий ёрдам олиш хуқукига эгадирлар.

Оилага моддий ёрдам кўрсатиш ҳакидаги ариза ва тўланадиган ёрдамни ҳисобга олиб бориш кўргон, қишлоқ, овул ёки маҳалла фукаролар йигини раисининг (оксоқолининг) масъул котиби томонидан юритилади.

Аризачининг моддий ёрдамга муҳтоҷлик даражасини ва унга бериладиган ойлик моддий ёрдамнинг микдорини белгилаш учун фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хузурида маҳсус комиссиялар тузилади, унинг таркибиغا

- улубу органларнинг маслаҳатчилари,

- котиби,

- шунингдек, зарурат бўлганда туман (шаҳар) солик ҳамда молия органларининг, Бандликка кўмаклашиш марказларининг вакиллари кирадилар.

Маҳсус комиссия ёрдам сўраган оиланинг моддий ва мулкий аҳволини текширади.

Оиланинг моддий ва мулкий аҳволини текширганда қўйидагиларга зътибор этилади:

- текширилаётган оиланинг таркиби, унда бирга яшовчиларнинг ҳаммаси, кариндошлиги бўлган ва бирга умумий рўзгор юритувчилар ҳисобга олинади;

- оиланинг доимий даромад манбаига зга бўлмаган ва Бандликка кўмаклашиш марказларида рўйхатга олинмаган меҳнатга қобилиятли ёшдаги аъзолари, бола икки ёшга тўлгунга қадар унга қаровчи аёллар, шунингдек, 18 ёшгача бўлган ўкувчилар бундан мустасно;

- оиланинг текшириш вақтидаги жами пул даромадларининг манбалари ва микдори;

- томорқа участкаси майдони ва ундан даромад олиш имкониятлари;

- оила мол-мulkининг қиймати (дала ҳовли, автомобиль, мотоцикл ва зеб-зийнатларнинг мавжудлиги);

- оиланинг муҳтоҷлик даражаси ҳакидаги комиссия хulosаси.

Оилага моддий ёрдам тайинлаш ҳакида карор кабул қилишда аризачининг фукаролар йигинида (йигилишида) ёки комиссия йигилишида катнашиши шарт.

Аризачининг йигинда (Йигилишда) ёки комиссия йигилишида катнашишига имкон бермайдиган касаллик, бошка узрли сабаблар бўлгандага йигинда (Йигилишда) ёки комиссия йигилишида оиланинг вояга етган аъзоларидан бири унинг ваколатли вакили бўлиб катнашиши шарт.

Фукаролар йигини (Йигилиши)га, комиссияга, унинг мажлисига аризачи ишлайдиган корхона ёки муассаса раҳбарларини, туман солик, молия органлари, Бандликка кўмаклашиш марказлари ва бошка идораларнинг вакилларини таклиф килиш тавсия этилади.

Махсус комиссия оилага моддий ёрдам тайинлаш ҳақидаги аризани оиласда моддий таъминотнинг етарлилиги, анчагина мол-мулк жамғармаси мавжудлиги, шунингдек, меҳнат фаолиятидан бош тортиш ҳоллари аникланган тақдирда рад этиш ҳуқуқига эгалид.

Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кам таъминланган оилаларни аниклашда ва уларга моддий ёрдам тайинлашда куйидаги асосий коидаларга амал килишлари керак:

- ижтимоий адолатга сўзсиз кагъий риоя килиш;
- кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг манзилини бўлишини, ҳақиқатан муҳтоҷ оилаларга берилишини таъминлаш;
- оиласа ва фукаролар томонидан аҳолини ижтимоий химоя килиш чораларига бокимандаларча ёндошишига йўл қўймаслик;

Оила аъзоларининг, айниқса болаларнинг моддий фаровонлигини оширишда оила масъулиятини ошириш, ҳар томонлама жисмоний ва маънавий ривожланиш, билим ва касб-хунар даражасини ошириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш.

Кам таъминланган оилаларга тайинланадиган моддий ёрдам мидори ва кўлами жиҳатидан аҳолининг моддий ёрдамга муҳтоҷ қисмини тобора кенг қамраб олиб, бу ҳол фукаролар йигинларининг фаолиятини янада жадаллапувини таъминламоқда.

Шу тариқа, ижтимоий ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатища маҳалланинг ўрни ва роли расман белгиланди ва маҳаллаларга давлатнинг ушбу ваколати қонун йўли билан ўтказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болали оилаларни давлат томонидан кўллаб-кувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги 1996 йил 10 декабрдаги ПФ-1657-сон ва “Аҳолининг ижтимоий химояга муҳтоҷ катламларини аниқ йўналтирилган тарзда кўллаб-кувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги 2002 йил 25 январдаги ПФ-3107-сон фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон карори билан тасдиқланган “Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафакалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида”ги Низоми ишлаб чиқилди.

Мазкур Низом 16 ёшгача болалари бўлган, шунингдек умумтаълим мактабларида, академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган оиласларга нафака тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Оиласларга нафака тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги карор шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йигини (вакиллар йигилиши) томонидан кабул килинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий химояга муҳтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-кувватлашни кучайтириш тўғрисида” 2002 йил 25 январдаги ПФ-3017-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Аҳолининг ижтимоий химояга муҳтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-кувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 25 январдаги 33-сон карори ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика “Маҳалла” жамгармаси ва Халқ банкининг 2002 йил 8 февралдаги 11/501, 32, 16, 8-сонли қарорлари билан тасдиқланган “Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш килиш бўйича ҳар ойлик нафака тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилган ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш килиш бўйича ҳар ойлик нафака тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланди.

Болани парвариш килиш бўйича нафака фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан, бола икки ёшга етгунга кадар ҳақиқатда унинг парвариши билан банд бўлган шахсларга, шу жумладан:

- а) ишламаётган оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга (одатда, отасига, фарзандликка олган шахсга, васийига ёки бошқа кариндошларига);
- б) ишлаб чиқаришдан ажраган ҳолда тўлов-шартнома асосида олий, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълим муассасаларида ўқиётган оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга;
- в) юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмасдан фаолият юритувчи деҳкон хўжалигининг аъзоси бўлган оналарга (онанинг ўрнини босувчи шахсларга) тайинланади.

Болани парвариш килиш бўйича нафакани тайинлаш учун асос шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла фуқароларининг йигини ёки фуқаролар

йигини томонидан ушбу нафакани тайинлаш ва тўлаш масалаларини ҳал этиш учун вакил килинган комиссия томонидан қабул килинган карор хисобланади.

Таъкидлаш жоизки, бу борадаги ижтимоий сиёsat кейинги йилларда ҳам мунтазам давом эттирилди. Жумладан, Президентимизнинг 2007 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджет параметрлари тўғрисида”ги 744-сонли қарори асосида бюджет соҳасида ишлаётган оналарга боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш бўйича илгари корхоналар томонидан тўланиб келинган ижтимоий нафақаларни тўлаш ваколати 2008 йил 1 январдан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтказилди ва бюджет соҳасида ишлаётган оналарга болани парваришлаш нафақалари фуқаролар йигинларида тайинланиши ва тўланиши жорий этилди.

Бола парваришлаш учун нафака парваришланаётган болалар сонидан ва нафака олувчи шахснинг меҳнат стажидан катъи назар, ҳар ойда қуидаги микдорларда тўланади:

2002 йил 1 февралдан – Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 170 фойзи микдорида;

2003 йилдан бошлаб – Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фойзи микдорида.

Болани парвариш килиш бўйича нафака оиланинг ушбу нафакага муҳтожлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Нафака онага ёки унинг ўринини босувчи шахсга, унинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилган ойдан, бироқ бола туғилган ойнинг кейинги ойидан илгари бўлмаган муддатдан бошлаб тўланади. Нафака ўн икки ой муддатга, аммо боланинг икки ёшга тўладиган ойи қўшиб ҳисобланганда, ушбу ойдан ўтмайдиган муддатга тайинланади.

Ушбу нафакани кейин ҳам олишга муҳтожлик бўлган ҳолатда, уни олиб келаётган шахс, нафакани тўлаш учун олдинги ўн икки ойлик муддатнинг тугашига бир ой қолганда, болани парвариш килиш бўйича нафакани бола икки ёшга тўлгунга қадар узлуксиз тўлашни давом эттириш масаласини ҳал этиш учун белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат килиш хукуқига эга.

Агар икки ва ундан кўп туғилган, фарзандликка ёки васийликка олинган болалар парваришланаётган бўлса, унда болани парвариш килиш бўйича нафака битта микдорда энг кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланади.

Нафака тайинлаш түғрисида қарор қабул қилишда ариза берувчи шахс фуқаролар йигини ёки комиссия йигилишида катнашиши шарт. Ариза берувчи шахс узрли сабабларга кўра қатнаша олмаган тақдирда (касаллик ва бошка узрли сабаблар) фуқаролар йигини ёки маҳсус ваколатли комиссия йигилишида оиланинг бошқа вояга етган аъзоси иштирок этиши шарт. Ариза берувчи шахс ёки оиланинг бошқа вакили иштирок этмаган тақдирда мазкур оиласга нафака тайинлаши масаласи кўриб чиқилмайди ва фуқаролар йигини ёки маҳсус ваколатли комиссиянинг кейинги йигилишига қолдирилади.

Меҳнат шартномаси (контракт) асосида мавсумий ишларда банд бўлиб, болани парвариш килиш бўйича нафака олувчи шахсларга мавсумий ишларни бажариш даврида болани парвариш килиш бўйича нафака мавсумий ишларни бажариш жойидан, мавсумий ишлар тугагандан сўнг (мавсумларо даврда) эса яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муҳтоҷлигидан келиб чиқсан ҳолда умумий асосларда тўланади. Кейинги мавсумда ишлани учун меҳнат шартномаси тузилган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида болани парвариш килиши бўйича нафака тўлови ишга чиқиш белгиланган ойдан бошлаб бекор килинади.

Туман (шаҳар) молия бўлими нафакаларни тўлаш учун маблағларни тайинланган миқдорлар доирасида, аммо бюджетда назарда тутилгандан ортиқ бўлмаган миқдорда алоҳида тўлов топширикномалари билан ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Халқ банки бўлимлари томонидан очилган “Ишламайдиган аёлларга бола икки ёшга тўлгунга қадар парвариш килиш бўйича нафакалари” маҳсус ҳисоб рақамига тўлов ўtkазади. Бунда тўлов варакаси бўйича қисман молиялантiriш ман этилади.

Ойнинг охирги иш кунида тўлов варакалари ёпилади, тайинланган, аммо ўз вақтида талаб қилинмаган нафака маҳсус депозит ҳисоб рақамига нафака олувчининг номига ўтказилади ва унинг биринчи талаби бўйича тўланади.

Демак, бундан кўриниб турибдики, кам таъминланган аҳолини кўллаб-куватлап бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида шакллантирилган ижобий иш тажрибаси ўзини оқлаб, у мунгизам кенгайтиришни истисно этмайди

Хулоса ўрнида мухтарам Президентимизнинг маҳаллага берган ушбу баҳосини айтиш ўринли: “маҳалланинг ҳар кандай масалани

ечишга курби етади, нега деганда, энг адолатли мухит, энг адолатли ижтимоний шароит, вазият факат маҳаллада бўлиши мумкин. Хеч бир корхона, идора ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенгглаша олмайди. У ерда ҳайт тажрибаси катта, заминга якин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўядиган фидоий одамлар яшайди ва ишлайди”.

**Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасиға юклатилган вазифаларни амалга оширишда давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик муносабатларининг аҳамияти**

Бугунги кунда “кучли давлатдан – кучли жамият сари” тамойилининг ҳаётга изчил татбиқ килиниши натижасида аҳолининг кенг қатламлари ишончи ва қўллаб-қувватлашига сазовор бўлайтган фуқаролик жамиятининг турли хил институтларининг шаклланиши ва ривожланиши жараёни бормокда. Мазкур жараёнда фуқаролик жамияти фаолиятини тартибга солиш, уларни қўллаб-қувватлаш, жамиятдаги долзарб ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишда уларнинг ролини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ қонунчилик хужжатлари қабул қилинди<sup>29</sup>.

Шу ўринда фуқаролик жамияти институтларига кандай ташкилотлар киришига аниқлик киритиш зарур. Фуқаролик жамияти институтларига нодавлат нотижорат ташкилотлар (яъни, жамоат бирлашмалари, жамоат фонdlари, муассасалар ва қонунда белгиланган бошқа ташкилотлар), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари ва бошқалар киради. Айтиш лозимки, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари ривожланган ва кенг таркалган ташкилотларга айланди. Республикаизда ҳозирги кунда 5100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари, 10.000 га яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритиб келмоқда.

Фуқаролик жамиятининг ажралмас кисми бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ижтимоий шериклиги масалалари муҳим аҳамиятга эга.

Энг аввало, “ижтимоий шериклик нима?” деган саволга куйидагича жавоб берса бўлади.

Хукукий давлатнинг асосий тамойилларидан бири давлат ва шахснинг ўзаро жавобгарлиги тамоилии бўлиб, бунда устуворлик фуқаронинг ҳуқук ва эркинликларига берилади.

Мазкур тамойилнинг мазмуни шундан иборатки, давлат ижтимоий адолат, фуқароларнинг фаровонлиги, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида кайгуриш мажбуриятини олади, ижтимоий йўналтирилган

<sup>29</sup> Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарип органлари фаоллари учун утказилган семинар йигилиши материалларидан, 2011 йил,

сиёсатни ўзининг асосий вазифаси деб тан олади ва мазкур сиёсатнинг Конституцияда белгиланган йўналишларини самараали амалга оширади. Улбу тамойилдан келиб чиқкан ҳолда давлат, ўз органлари оркали доимий, равиша иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш бўйича чораларни амалга оширади. Нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий элементлари хисобланадилар, шу сабабли уларнинг давлат билан ҳамкорлиги юкорида кўрсатилган тамойил асосида шаклланниб боради.

Жамиятдаги барча ташкилотлар шартли равиша уч секторга бўлинган:

“биринчи сектор” – давлат органлари ва муассасалари,

“иккинчи сектор” – тижорат ташкилотлари,

“учинчи сектор” – фуқаролик жамияти институтлари.

Жамият, ундаги ижтимоий муносабатлар ривожланиб борган сари мазкур учта сектор ҳам ривожланиб, уларнинг манфаатлари кенгайиб боради. Ушбу манфаатларнинг тўқнашиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

**Яна бир нарса.** Давлатнинг ижтимоий соҳадаги барча масалаларни ҳал этиш вазифасини ўз зиммасига олиши жамиятда давлат иштирокининг ошиб кетиши, бу соҳага давлат маблағларининг кўп қисми сарфлаб юборилиши, фуқароларнинг фаоллигини сусяйтириб қўйиш хавфини ошириб юборади. Шу сабабли, 1) давлатнинг ўз вазифаларининг бир қисмини фуқаролик жамияти институтлари (фуқаролар йиғинлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари)га ўтказиши; 2) фуқароларнинг фаоллигини ошириш оркали фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда унинг институтларини ривожлантириш; 3) бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ошириш, бюджет харажатларини камайтириш масалалари долзарб аҳамият касб этади.

Юкоридаги муаммоларни ҳал этишда мазкур учта секторнинг ҳамкорлигига эҳтиёж туғилади.

Ижтимоий шериклик – бу учта секторнинг манфаатларини мувофиқлаштириш ва келишувга эришиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорлигидир.

Давлат, тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклиги муайян ижтимоий муаммони ечишда интеллектуал потенциални, инсон, моддий-техник ва молиявий ресурсларни бирлаштириш имконини беради.

Ижтимоий шерикликнинг муҳим хусусиятларидан бири – бу ижтимоий шериклик тарафларининг ҳуқук ва мажбуриятларга риоя

килиш ҳакидаги ўзаро келишуви эмас, балки улар ўртасидаги юксак ахлоқий қоидалар мажмуудир.

Ижтимоий шерикликни бозор иқтисодиётига асосланган маданиятти жамиятта хос бўлган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос тури сифатида караш мумкин. Ижтимоий шериклик – бў, биринчидан, умумий манфаатлар ва қарашлар билан бирга мутлақо фарқ қилувчи ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий манфаатларга эга тарафлар ўртасидаги муносабатдир, иккинчидан, у тарафларнинг қарама-каршилигига эмас, балки ижтимоий консенсус (келишув)га эришишга асосланади, учинчидан, бу шундай муносабатлар турики, уни амалга оширишдан барча ижтимоий гурухлар ҳамда давлат манфаатдор бўлади, чунки айнан ижтимоий шериклик шароитида жамиятда ижтимоий барқарорликка, унинг ривожланишига ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожланишига эришилади.

Қонунчиликда “ижтимоий шериклик” тушунчасига таъриф берилмаган бўлса-да, давлат ва бошқа ҳуқук субъектлари ўртасидаги шериклик муносабатларини рагбатлантиришга қаратилган, шерикликни ривожлантириш шартлари ва тамошларини белгиловчи кўплаб қоидалар ўз аксини топган. Масалан, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатланиши, улар томонидан ижтимоий аҳамиятта молик масалаларни ҳал этишда давлатнинг молиявий кўмаги ва кўллаб-куватларни масалалари тартибга солинган.

2008 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўпта карори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фонди ташкил қилиниши ҳамда Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг тузилиши ижтимоий шерикликнинг ривожланишида яна бир муҳим амалий қадам бўлди.

Сўнгти уч йил ичida турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фонди томонидан фуқаролик жамияти институтларига 11 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Мамлакатимиз раҳбари томонидан белгиланган мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ривожлантиришининг устувор йўналишларидан келиб чиқсан холда 2010

йилда Жамоат фонди томонидан бир қатор йўналишлар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бўйича шартномалар тузилган.

Ижтимоий шериклик, ижтимоий муносабатларнинг бошқа соҳалари каби ҳукукий тартибга солишни талаб килади, чунки давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги учун қулай ҳукукий, ташкилий ва иктиносий шароитларнинг яратилишига зарурат тугилади.

Ижтимоий шериклик муносабатларини, ижтимоий шерикликни амалга ошириш тамоиллари ва механизмини тартибга солишга қаратилган, согликни сақлаш, атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш, аҳоли, айникса ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ катламларини ижтимоий қўллаб-кувватлаш ҳамда мухим ижтимоий аҳамиятга эга бойқа муаммоларни ҳал этишга қаратилган давлат дастурларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокига ҳукукий асослар яратувчи конун лойиҳаси яратиш буғунги кундаги долзарб масалага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруzasида юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятияга интеграциялашуви бўйича ўз олдимиизга кўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал килувчи омил эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эрипиш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг кабул килиниши мухим аҳамият касб этади. Ушбу конунда ижтимоий-иктиносий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳукук ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидағи аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳукукий механизmlарни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳукукий нормалар кўзда тутилиши даркор.

Ижтимоий шерикликни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлади:

биринчидан, фуқаролар йигинининг ўзига хос хусусиятларидан

бири – унинг муайян худуддаги барча фуқароларнинг умумий муаммоларини ҳал этиш йўлида бирлашувиdir;

иккинчидан, фуқаролар йигинининг худудийлик ҳусусияти, яъни фуқаролар йигини муайян худудда тузилиб, ўз фаолиятини ўша ерда амалга ошириши;

учинчидан, фуқаролар йигини ваколатларининг кенг камровлилиги. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз уставида белгиланган вазифаларидан келиб чиқиб асосан битта йўналишда ижтимоий шериклик юзасидан фаолият олиб борса, фуқаролар йигини конунда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб турли хил йўналишларда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Юкорида таъкидлаганидек, ижтимоий шериклик масалалари конунларда бевосита ёзиб кўйилмаган бўлса-да, унга оид муносабатлар конунларда ўз аксини топган.

Масалан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари тўғрисида”ги Конуннинг бир катор маддаларида фуқаролар йигини, унинг кенгашининг давлат органлар ва бошқа ташкилотлар билан муайян масалалар бўйича ҳамкорлиги масалалари назарда тутилган. Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, айнан ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасига оид, ижтимоий фойдали мақсадни кўзловчи масалалар ижтимоий шерикликнинг обьекти бўлади.

Конуннинг 10-моддасига мувофиқ шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йигини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йигини:

атроф-мухитни муҳофаза килишга кўмаклашади;

ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария-тозалаш ишлари ўтказиш учун тегишли худудда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида карорлар кабул қиласди;

ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан карорлар кабул қиласди.

Шунингдек, Конуннинг 12-моддасига мувофиқ фуқаролар йигинининг кенгаши:

оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимиyati органлariiga кўмаклашадi;

тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қиласди;

бошқаларнинг парвариши ва ёрдамига муҳтож кекса фукароларга шафелик (патронажлик) ёрдами шу максадда ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилишига кўмаклашади;

мазкур худудда яшовчи фукароларни иш билан таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга кўмаклашади;

тегишли худудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фукароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўргасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг хукукларини ҳимоя қилишда хукуки мухофаза кибуичи органларга кўмаклашади;

аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар, мактаблар ва бошка таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади;

ёнгинга қарши хавфсизлик талабларига, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади.

Кўриб турганингиздек, фукаролар йигини ҳамда фукаролар йигини кенгашининг турли давлат органлари – ҳокимликлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш, маданият ва спорт ишлари бўйича, ички ишлар, ҳалқ таълими, олий ва ўрта маҳсус таълим, соғлиқни сақлаш, табиатни мухофаза қилиш ва бошқа давлат органлари, турли корхоналар билан ҳамкорлик қилиши Қонунда ўз аксини топган.

Бутунги кунда фукаролар йигини томонидан юкоридаги органлар билан ижтимоий шериклик муносабатлари биргаликда чоралар кўриш шаклида амалга оширилмоқда, жумладан:

2008 йил 17 апрелда кабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, одам савдоси жинояти билан шугулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савдосидан жабрланғанларнинг камситилишига йўл кўймаслик, ижтимоий ҳамкорлик одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари сифатида белгиланиши бежиз эмас. Мазкур Қонунга биноан, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар, шунингдек, фукаролар ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатишлари лозим.

Фукаролар йигинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, диний маърифат ва маънавий-ахлокий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда "Маҳалла посбони" жамоатчилик

тузилмалари томонидан маҳалланинг маънавий мухитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларни бартараф этиш, носоғлом мухит юзага келган оиласларни аниқлаш ва уларга ёрдам бериш, бундай оиласлар билан якка тартибда ишлаш ва сұхбатлар ўтказиш, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўргасида соғлом турмуш тарзини ва миллий анъаналар, урф-одатларни тарғиб этиш каби амалий ишларнинг “маҳалла пособони” сардорлари ва турли йўналишдаги комиссиялар билан ҳамкорликда амалга ошириб келмоқдалар.

Маънавий-ахлоқий мухит бу ҳар қандай инсонлар яшайдиган ҳудуд - маконидаги мавжуд ижтимоий, сиёсий, маънавий вазиятдир.

Барқарор мухит деганда ҳудудда истиқомат қилаётган жамиятнинг барқарорлиги, тинч-тотувлиги ва фаровонлигини тушунамиз. Бу борада маҳалладаги барқарор маънавий-ахлоқий мухитни сақлаш ва унга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни таҳдил этиш мақсадга мувофиқдир.

“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Ф-3562-сон фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Конун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гурӯҳи тузилиб, мазкур эксперт гурӯҳи томонидан тегишили конун лойиҳаси тайёрланган ва ҳозирги кунда кент мұхокама килинмоқда.

Мазкур Конун лойиҳасида ижтимоий шерикликни амалга ошириш шакллари ва механизми тартибга солиниши назарда тутилмоқда. Конуннинг қабул қилиниши билан фуқаролар йигинлари томонидан ижтимоий шериклик муносабатларининг бошқа шакллари ҳам кўлдана бошлиди, деган умиддамиз.

Жумладан, Конуннинг қабул қилиниши билан фуқаролар йигинлари ва давлат органлари ўргасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари доимий асосда йўлга қўйилади. Бунда ижтимоий шериклик муносабатлари тарафлар ўргасида тузилган бош келишувлар ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича шартномалар асосига қурилиши, мазкур бош келишувлар ва шартномалар билан ижтимоий шерикликни амалга ошириш механизми, уларни молиявий таъминлаш, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солиниши лозим бўлади.

Шунингдек, фуқаролар йигинлари Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фукаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фонди маблағларидан фойдаланиши учун кенгроқ жалб қилиниши лозим, бунда, Жамоат фондига давлат гранти олиш учун тегишли хужожатларни тайёрлаш, лойиҳалар ёзиши ўргатиш мақсадида Фукаролик жамиятини ўрганиш институти масъул ходимлари, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси мутахассислари томонидан фукаролар йигинлари ходимлари ўртасида укув семинарлари ташкил қилинса мақсадтга мувофиқ бўлур эди.

Ижтимоий шериклик муносабатлари ривожлангани сари давлат органлари томонидан фукаролик жамияти институтларига бериладиган давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари кўпайиб боради. Шу сабабли ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш учун давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмаларидан фойдаланишини кенгайтириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хузурида ҳам маҳаллий бюджетлар хисобидан молиялаштириладиган жамоат фонdlарининг тузилиши айни муддао бўлиб, маҳаллий миёсдаги муаммоларни ҳал этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган бўлур эди.

## **Фукаролар йигинлари хузуридаги комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалалари**

Ўзбекистон Республикасининг “Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Конуннинг 8-моддасида фукаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар – фукаролар йигини органи деб кўрсатилган. Фукаролар йигини хузурида худуддаги муаммолар ечимини ҳал килиш максадида турли комиссиялар тузилади. Уларга фукаролар йигини ходимлари, маҳалла фаоллари жалб этилади. Ҳар бир комиссия худуддаги муаммоларни ўрганиб чиқади ва шу асосида иш фаолиятини режалаштиради ва вазифалар таксимотини килиб, фукаролар йигинида тасдиқлатиб оладилар ва килинган ишлар юзасидан ҳар чоракда ҳисобот берабор борадилар.

Бундан ташкири фукаролар йигинида тафтиш комиссияси тузилади. Тафтиш комиссияси фукаролар йигини томонидан унинг ваколат даври учун сайланади ва камида уч аъзодан иборат бўлади<sup>10</sup>. Тафтиш комиссияси сайловини ўтказиш учун фукаролар йигини карори билан ишчи гурух тузилади. Ишчи гурух тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун фукаролар йигинига номзодларни тақдим этади. Тафтиш комиссияси аъзоси бошқа фукаролар йигинида лавозим эгалаши мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси фукаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун тузилади ва у ўз фаолиятида мустақиллар ва факат фукаролар йигинига ҳисобдордир.

Тафтиш комиссияси ўз фаолияти доирасида қўйидаги ваколатларга эга:

- пул ва материал бойликларнинг тўғри сарфланишини, фукаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкининг сақланишини текширишга;
- фукаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тузилган турли фондларнинг тўғри тузилганинги ва ишлатилишини;
- ҳисобчи ҳисоботлари бўйича мавжуд товар-материал бойликларнинг мавжудлигини ва унинг мақсади ишлатилишини;
- бухгалтер ва статистик ҳисоботларнинг тўғри юритилишини.

Туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, кишлоказлар ва овулларда қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий комиссия тузилади.

<sup>10</sup> Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари учун утказилган семинар йигилиши материалларидан, 2011 йил,

Маъмурий комиссия фукаролар йигини томонидан ўзининг ваколат даври учун б одамдан кам бўлмаган миқдорда тузилади. У ўз фаолиятида мустакилдир ва факат фукаролар йигинига хисобдордир. Унинг низоми фукаролар йигини томонидан тасдикланади. Маъмурий комиссия маҳаллий ҳокимият томонидан фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, ички ишлар бўлими ва бошқа манфаатдор органлар тақдимномасига асосан тузилади.

Шундай комиссиялардан яраштириш ва ижтимоий қўллаб-куватлаш комиссиялари фаолияти устида тўхталиб ўтмоқчиман.

1999 йил 19 апрелдаги Вазирлар Маҳкамасининг 180-сон қарори билан тасдикланган “Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги Низом”га асосан фукаролар йигини ҳузурда яраштириш комиссияси тузилади.

Яраштириш комиссиялари Ўзбекистон Республикасини ижтимоий иктиносидий ривожлантириш, мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса кўшиш, фукароларнинг оиласда ва маҳалладаги тинч-осойишта ҳамда ҳамжиҳатлиқда яшашларини таъминлаш, оиласий келишмовчиликларни тинч йўл билан хал этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб килиш мақсадида тузилади.

Яраштириш комиссиялари худуддаги оиласларнинг барпо этилиши, тўйлар, шунингдек, тўйлар олдидан тўйдан кейинги тадбир-ҳашамларнинг ўтказилиши, оиласлардаги ижтимоий-рухий вазиятнинг мўътадил бўлиши учун масъул бўлган асосий тузилмадир.

Келинглар яраштириш комиссияси вазифалари билан танишиб чиқсан.

1. Яраштириш комиссиялари худудда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб-ташвик килиш мақсадида фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бўладиган тадбирларда, йигилишларда иштирок этади ва уларда ичилилбозлик ҳамда гиёҳвандликнинг оиласий низоларнинг асосий сабабларидан бири эканлиги, оиласларнинг тўқислиги уларнинг тинч-тотувлигига боғлик эканлиги тўғрисида чиқишлар қиласи.

2. Худуддаги намунали оиласлар, уларда фарзандлар тарбияси, эрхотинлар ҳамда фарзандлар орасидаги муносабатлар бўйича оммалаштиришга аргигулик масалалар тўғрисида маҳаллий матбуотда маколалар ва телевидениеда туркум кўрсатувлар ташкил этади

3. Тўй, маъракани ва улар олдидан ҳамда улардан кейин ўтказиладиган бошқа тадбирларни ортикча дабдабаларсиз ўтказиш, ортикча сарф-харажатлар оила турмушидан салбий из колдириши, оиласлардаги ижтимоий-рухий мухитнинг бузилишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб боради.

4. Маҳаллаларда, күчаларда ва бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликларни, гиёхвандлик моддаларини истемол килиш ҳолларини олдини олади. Инсон кадр-кимматини таҳқирлаб күчаларда маст ҳолда юрувчи шахсларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш максадида уларни оила аъзолари, маҳалла фаоллари иштирокида муҳокама килиш чораларини кўради.

5. Спиртли ичимликларга ашаддий ружу қўйган ва гиёхвандлик касалига мубтало бўлган шахсларни аниклаб, зарур ҳолларда уларни белгиланган тартибда мажбурий даволанишга қўбориш чораларини кўради.

6. Милиция ҳисобида турган, айниқса илгари судланган, оиласда ва турмушда мунтазам равища ҳукуқбузарликларга йўл кўювчи шахслар билан профилактик иш олиб борища иштирок этади. Зарур ҳолларда уларнинг хулк-атвори ва турмуш тарзини ўз мажлислирида муҳокама қиласди.

7. Жазони ижро этиш муассасаларда озод этилган шахсларнинг оиласарига ўз вактида қайтишини назорат қиласди, уларга турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан тез фурсатда ҳукм этилмасдан олдинги муносабатларини тиклапида, ҳалол меҳнат билан кун кечиришга тезроқ киришища руҳий жиҳатдан мадад беради. Улар ўртасидаги ўзаро ишончнинг йўқолмаслиги учун, агар йўқолган бўлса уни тиклаш учун халқимизнинг синалан қадриятлари ва зурур ҳолларда ислом дини йўналишидаги пайд-насиҳатлардан фойдаланадилар.

8. Турмуш ўртоғи, фарзандлари ёки кекса ота-онаси билан мунтазам равища нотинч яшаётган ҳамда оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳукуқбузарлик содир этилгага мойил шахсларни аниклап максадида ҳар бир оиласининг турмуш тарзи ва муҳит чукур ўрганиш боради.

9. Худуддаги кам таъминланган оиласарни аниклайди, уларга ўз даромадларини ошириш бўйича йўл-йўриклар кўрсатади, қўшимча вактбай, шунингдек уй шароитида ишлаш, хунар ўрганиш, касаначилик билан шугулланиш бўйича имкониятлар яратиш чораларини кўради. Бундай оиласарга белгиланган тартибда ижтимоий ҳамда моддий ёрдам кўрсатилиши тутрисида таклифлар киритади.

10. Хотин-қизлар манбаатларини ҳимоя қиласди. Уларнинг ижтимоий ҳаётда, оиласда маънавий-аҳлоқий, шунингдек, руҳий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавкеини оширишга қаратилган кенг қамровли ишларни амалга оширади.

11. Миллий қадриятларимизга зид ҳолда аҳлоқ-одоб доирасида ножӯя ҳатти-харакатларга йўл қўяётган шахсларни, айниқса, аёлларни

аниклаш ва уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни күришда фукаролар йигинларига фаол күмаклашишади.

12. Оилавий жанжаллар окибатида юзага келган эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, ота-она ва фарзанд, кайнона ва келин, күни-күшнилар ўргасидаги бузилган муносабатларни тиклаш чораларини күради.

13. Хар бир аникланган оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жанжаллар бўйича конуний чоралар курилишини таъминлайди.

14. Оилавий жанжалларнинг сабабларини аниклади ва уларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

15. Яраштириш комиссиялари ўз ишларини хар ой якунига кўра умумлаштириб, бу тўғрида манфаатдор ташкилотларга ахборот бериб боради.

Яраштириш комиссиясига фукаролар йигини раиси (оксоқоли) раислик қилади. Унинг таркибига хотин-қизлар кўмитаси раиси, милиция худудий инспектори, вояга етмаганлар или билан шугулланувчи милиция инспектори, худудаги мактабларнинг директорлари ёки уларнинг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари, шунингдек, маҳаллада истикомат қилувчи намунали оиласаларнинг бошликлари, имом-хатиблар, фахрийлар ва нуронийлар киради.

Яраштириш комиссияси маҳаллада ижтимоий-маънавий мухитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниклади ва уни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширади.

Белгиланган вазифадан келиб чикиб тўй, маъракани ва улар олдидан ҳамда улардан кейин ўтказиладиган бошқа тадбирларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш, ортиқча сарф-харажатлар оила турмушида салбий из колдириши, оиласалардаги ижтимоий-рухий мухитнинг бузилишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб боради ва ўз ишларини хар ой якунига кўра фукаролар йигини Кенгашига, хар чорак якуни бўйича маҳалла фукаролар йигинига ҳисбот бериб боради.

Кўриб турганингиздек бигта яраштириш комиссияси ўзи бир неча комиссия вазифасини Низомдан келиб чикиб қилади.

Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлатнинг аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлашга каратилган вазифаларни ҳал этишдаги роли хусусида галирганда аввалом бор Мухтарам Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарларида маҳалла ҳакида билдириган қуйидаги фикрлари ҳаммамиз учун дастуриламал деб ўйлайман.

Жумладан, мухтарам Президентимиз шундай деганилар: “Мустақиллик йилларида маҳалла ҳәги билан боғлиқ күпләб қадриятлар, удум ва аньяналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг ҳукук ва ваколатлари кенгайтирилмокда, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳакиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва макоми қатъий белгилаб кўйилди. Маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатининг ҳалқчиллигидан далолат беради. Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” деган тамойиллининг амалий ифодасидир”.

Маҳалла ўзини ўзи бошқаруви амалиёти ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш тамойилларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич давлат ҳокимиюти вазифалари ўtkазиб келинмоқда. Бу амалиёт ҳаёт тажрибасида ўзини тўла оқламоқда.

Кам таъминланган оиласарга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашнинг бутунлай янги тури сифатида мамлакат ижтимоий ҳимоя сиёсатида биринчи маротаба жорий килинди. Жорий этилган ижтимоий ҳимоянинг янтилиги шундан иборат бўлдики, унда муайян оиласи кам таъминланган деб топиш масаласини маҳалла, қишлоқ, овул фуқароларнинг йигини мустақил равиша белгилайдиган ва ана шу оиласа моддий ёрдам тайинлайдиган бўлди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб ҳар ойлик тўлоқлар тарзида моддий ёрдам кўрсатишни амалга ошира бошлишди. Шу билан маҳалла фуқаролар йигинининг ижтимоий ҳимоя фаолияти шаклланишига дастлабки қадамлар кўйилди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда болали оиласарга давлат йўли билан мадад бёришни кучайтириш, бунда қонунийлик, ижтимоий адолат ва ошкораликни таъминлаш мухим ахамият касб этади.

Шу максадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрда “Болали оиласарни давлат томонидан кўллаб-куvvatлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги 1657-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарори 2002 йил 25 январдаги 33-сон қарори таҳрири билан

тасдиқланган “Вояга етмаган болалари бўлган оиласарга нафакалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида”ти Низом қабул қилиниб, болали оиласарга ижтимоий ёрдамнинг аниқ берилишини кучайтириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида, мазкур Фармон ва Низом асосида 16 ёшгача болалари бўлган оиласарга нафакаларни шундай нафакага муҳтоҷ оиласаргагина бериладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ катламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-куватлашни кучайтириш тўғрисида”ти Фармони ижтимоий ҳимоя сиёсатининг наъбатдаги қонуний ифодаси бўлди. Унга кўра, болали икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича ишламайдиган оналарга маҳаллалар орқали бериладиган ойлик нафакалар миқдори 2002 йил 1 февралидан бошлаб энг кам иш хақининг 170 фоизи, 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб эса, 200 фоизи миқдорида белгиланди. Шунингдек, 16 ёшгача болалари бўлган нафака олувчи оиласар тоифаси кенгайтирилиб, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқийдиган 18 ёшгача болалари бўлган муҳтоҷ оиласар ҳам шу тоифага кўшимча равищда киритилди.

Ижтимоий қўллаб-куватлаш комиссиялари самарадорлигини ошириш учун қуйидаги асосий қоидаларга амал қилиниши керак:

- ижтимоий адолатга сўзсиз катъий риоя қилиш;
- кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг манзилли бўлиши, ҳакиқатдан муҳтоҷ оиласарга берилишини таъминлаш;
- оиласар ва фуқаролар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларига бокимандаларча ёндошишга йўл қўймаслик;
- оила аъзоларининг, айниқса болаларнинг моддий фаровонлигини оширишда оила масъулиятини ошириш, ҳар томонлама жисмоний ва маънавий ривожланиш, билим ва касб-хунур даражасини ошириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш.

Оиласар ва фуқаролар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларига бокимандаларча ёндашишга йўл қўймаслик қоидасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да кўрсатилганидек маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оиласарий

бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш даркор. Бунинг учун:

1. **Махалла аҳолисининг манфаатларини яна ҳам тұлирок таъминлаш мақсадида конунчилік ва норматив-хуқуқий базани янада тақомиллаштириш ва мустахкамлаш.**

2. **Махаллада ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида турмуш сифатини ва бандык даражасини ошириш.**

3. **Фуқаролар соғлигини мұхофаза қилишни ятшилаш, аҳолининг тибий маданиятыни ошириш, тәълим тизимини янада ривожлантириш, унинг даражаси ва сифатини ошириш көрк бүләди.**

Фуқаролар йигинлари фаолиятининг асосий йұналишлари бүйіча комиссиялари таркиби асосан маҳалла худудидаги фаол, ҳаёттік тажриба ва обрұ-эътибор, хурматта зета бүлгап фуқаролардан ва зарур ҳолларда маҳаллпій давлат ҳокимияти идоралари вакилларидан иборат бүләди.

Амалдаги конунчилік хужжатларыда республикамизнинг барча фуқаролар йигинларыда тағтиш, яраштириш ва ижтимоий күллаб-куватлаш комиссияларининг фаолият олиб боришилар белгилаб күйилган. Ушбу комиссиялар фаолияти билан боғлык масалалар ҳар бир маҳаллага хос бўлиши билан бирга доимийлик характеристига ҳам эгадир.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла” хайрия жамғармаси томонидан ишлаб чиқилиб, жойларга етказилган “Маҳалла фуқаролар йигини тизимининг намунавий тузилмаси ва иш юритиш услублари” китобчасида фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йұналишлари бүйіча комиссияларнинг намуналари келтирилган.

Жойларда тузилган комиссиялар фаолияти ўрганилганда комиссиялар барча фуқаролар йигини йигилишларыда тузилсанлыги, раис ва аъзолари фуқаролар йигини йигилишларыда сайланганлыги маълум бўлди.

Баъзи маҳалла фуқаролар йигинларыда “Ариза ва шикоятлар билан ишлаш”, “Ишга жойлаштириш”, “Мудоғаға ва хуқуқни ҳимоя қилиш”, “Хомийлик кенгаши комиссияси”, “Маҳалла фуқаролар йигини кенгаши ҳамкорлыги комиссияси” тузилган.

Низомлари ишлаб чиқилган **Яраштириш** (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрайлдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хузуридаги яраштириш комиссиялари тұғрисида Низом”), **Ижтимоий** (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланған оиласаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тұлаш тартиби тұғрисида Низом”, 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарори билан тасдиқланган “Вояга етмаган

болалари бўлган оиласларга нафакалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида Низом” ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 марта рўйхатга олинган 1113-сонли “Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафака тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”), Хотин-кизлар билан ишлаш (Мазкур комиссиянинг намунавий Низоми “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви ва Хотин-кизлар қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқилган), Ёшлар билан ишлаш (Мазкур комиссиянинг Низоми 2008 йил 16 апрелда “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви ва “Камолот” ЁИҲ Марказий кенгашининг қўшма қарори билан тасдиқланган) комиссияларидан бошқа комиссиялар ўз Низомларига эга эмас.

Шундан келиб чиқиб, хозирда фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича қуйидаги комиссияларни ташкил этиш режалаштирилмоқда:

**Маънавият тарғибот комиссияси.** Бу комиссия маҳаллаларда фуқароларнинг хукукий билими, маънавияти, маданиятини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаолиятини ҳамда давлат ислоҳотларини қабул қилиш ва жойларда амалга ошириш жараёнларида очик ва фаол катнашишларини таъминлаш учун алоҳида гурухлар билан тадбирлар, давра сұхбатлари, учрапувлар ташкил килади. Хукукий тарғибот муассасалари билан самарали ҳамкорлик ўрнатади. Ёшлар тарбияси, миллий қадриятларимиз, ватаншарварлик ҳиссиятларини хар бир фуқаро онгига сингдиришга эрипади. Ёшларни спорт билан шугилланишларига имконият яратиш, оиласий спортни ривожлантириш ва маҳалла ҳудудида спорт иншоотларини куриш ва улардан маҳалла аҳолисининг самарали фойдаланишига кўмаклашади.

Оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишида маҳаллий давлат хокимиюти органларига кўмаклашпади.

**Жамоатчилик назоратини амалга ошириш комиссияси.** Конунлар ва бошқа конун хужожатларининг, шунингдек ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

тегишли ҳудуддаги ерларнинг фойдаланилиши ва муҳофаза этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

савдо ва майший хизмат кўрсатилиш корхоналарининг иши, савдо ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданияти қоидаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашпади;

аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар,

мактаблар ва бошқа таълим мұассасаларининг санитария ва экология холати устидан назорат амалға оширилишига күмаклашади;

әңгінга қарши хавғызлық талбларига, жониворларни сақлашга оид ветеринария коидаларига риоя этилиши устидан назорат амалға оширилишига күмаклашади:

имаратлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ораста сақлаш коидаларига риоя этилиши устидан жамоатчылык назоратини амалға оширади;

давлат органлари ва уларнинг раҳбарлари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари бажарылышини назорат қиласы.

**Яраштириш комиссияси.** Яраштириш комиссияси мамлекатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, фуқароларнинг оиласы да маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшашлари, оиласыв низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали маънавий мухит баркарорлигини таъминлаш мақсадида тузилган.

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият курсатилишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги хукуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний карашларни мажбуран сингдиришга йўл кўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши билан боғлик бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини хисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўргасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг хукуқларини химоя килишда хукукни муҳофаза қилувчи органларга күмаклашади.

Жазони ижро этиш мұассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий-мехнатга тиклаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан биргаликда амалға оширади.

Илгари судланган ҳамда хукуқбузарликлар содир этишга мойил бошқа шахсларга тарбиявий таъсир ўтказади.

Яраштириш комиссиялари ҳудуддаги оиласаларнинг барпо этилиши, тўйлар, шунингдек, тўйлар олдидан ва тўйдан кейинги тадбирларнинг ўтказилиши, оиласалардаги ижтимоий-рухий вазиятнинг мўътадил бўлиши учун масъул бўлган асосий тузилмадир.

**Ижтимоий кўллаб-қувватлаш комиссияси.** Маҳаллалар томонидан бутунги кунда кам таъминланган оиласаларга моддий ёрдам ва

вояга етмаган болалари бўлган оиласарга ҳамда ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш килиш бўйича нафакалар тайинлади.

**Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси.** Хотин-қизларнинг хукуклари ва манфаатларини ҳимоя қиласди, уларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, фарзандлар тарбиясидаги маъсулияти ва билимларини оширишга кўмаклашади.

Хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, соғлом силани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантариш, соғлом турмуш тарзини тарғиб килиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалта оширади.

Бошқаларнинг парвариши ва ёрдамига муҳтож кекса фуқароларга шафелик (патронажлик) ёрдамини уюштиради.

**Ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш ҳамда спорт ишлари бўйича комиссия.**

Маҳаллаларда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий онгини ошириш, билим доирасини кенгайтириш, жисмоний чиниқтириш, иш билан банд бўлишига кўмаклашиш, ҳарбий хизматтага тайёрлашпда оиласарга ва давлат органларига яқиндан ёрдам бериш.

Вояга етмаганларнинг хукукларини ҳимоя килиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этади, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади.

Спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ташкил қиласди ва ўтказади, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига шу масалада кўмаклашади.

**Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш комиссияси.** Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида ташвиқот-тарғибот ва амалий ишларини олиб боради.

Ахолининг уйларни, ҳовлилардаги биноларни, ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ораста сақлаш, болалар ва спорт майдончаларини жихозлаш, йўллар, кўприклар, кўчалар, йўлкалар, коммунал тармокларни куриш, қайта куриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлаш, тарих ва маданият ёдгорликларини, кабристонларни таъмирлаш ишларида ихтиёрийлик асосида катнашишларини ташкил этади.

Ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар,

муассасалар, ташкиллар раҳбарлари билан худудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва экологияга қаратилган ишларни ташкил килади.

Худудда ахоли томорқаларидан самарали ва оқиёна фойдаланилишини таъминлаш юзасидан ташвиқот-тарғибот ва амалий ишларини олиб боради.

Тегипши худуддаги ерларнинг фойдаланилиши ва муҳофаза этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

**Маҳаллада тадбиркорлик, оиласий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш ишлари бўйича комиссия.** Мазкур худудда яшовчи фуқароларни иш билан таъминлашга кўмаклашади.

Мулкдорлар ва тадбиркорларнинг ҳамкорлигини таъминлаш, кичик корхоналар очиш, оиласий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, миллий ҳунармандчилик устахоналарини тузиш ва янги иш жойлари очиш ишларни ташкил қилишда кўмаклашади.

Савдо ва майший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши, савдо ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданияти қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширилишига кўмаклашади.

Декон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашади.

Барча комиссияларнинг низом лойиҳалари ишланмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, фуқаролар йигинлари хузуридан асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тартибга солиб турувчи низомларни такомиллаштириш, шунингдек комиссиялар таркибини ўз хошиши бор, йигин худудида истиқомат қилаётган обрўли, ахолига ўз таъсирини ўтказа оладиган фуқароларни (масалан, ҳожи ота-оналар) жалб этиш лозим.

*Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига болгик.*

Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиқкан ҳолда, фарзандларимизни мустоқил ва кенг фикрлаш ќобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйгун ҳолда олиб боришини талаб этади. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдац ажратиб бўлмайди — бу шарқона қарааш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё најсот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вактда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам қўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

## И. КАРИМОВ

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан қўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтили бўлиб яшами учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканимиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч ўщубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезирлигимизни, қатъият ва маътулиятимизни йўқотсанак, бу ўта муҳим ишини ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўйдиган бўлсанак, муқаддас қадриятларимизга йўёрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.

**Ўзбекистонда ҳалқ таълими ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда давлат сиёсатининг модияти, мақсади, асосий йўналиш ва босқичлари**

1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Конун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим тизимини тубдан

ислоҳ қилишнинг давлат сиёсати ишлаб чиқилди. 1997 йил 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги фармони билан «Таълим тўғрисида»ги Конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Давлат ҳокимиятининг вужудга келиш жараёнининг бошидаёқ давлатни ким ёки кимлар бошқариши масаласи ечимини тез суръатда топишни такозо этади. Давлат ҳокимиятининг тузилиш жараённида уни бошқарадиган одамлар гуруҳи ҳам шакллана боради. Демак, бу икки жараён давлат ҳокимиятининг тузилиши ҳамда уни амалга оширадиган ижтимоий-сиёсий гурухнинг шаклланиши бир-бири билан боғлиқликда ёнма-ён содир бўлади. Шундай қилиб, давлат ҳокимиятининг вужудга келиши уни амалга оширадиган мутахассис кадрлар корпуси шаклланиши зарурятини түгдиради. Ўз навбатида мазкур зарурят туфайли тайёрланган кадрлар давлат ҳокимиятининг изчил ва омилкор амал қилиш динамикасини таъминлаб беради.

Давлат ҳокимиятининг амал қилиш кўлами кенгайиб борган сари, жамиятни сиёсий бошқариш мураккаблашиб ва чукурлашиб боради. Бунинг учун одамларни тайёрлаш, танлаш, уларни жой-жойига кўйиш даркор. Албатта, кадрлар масаласи билан шугулланиш ва уни ҳал қилиш режаларини амалга ошириш давлат ҳокимияти кадрлар сиёсатининг асосий мазмунини ташкил этади.

Кадрлар масаласи ва уни ҳал қилиш жараённида ўтказиладиган кадрлар сиёсати ҳар қандай давлат ҳокимияти воситасида жамиятни бошқаришнинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Давлат ҳокимиятининг муттасил самарали ишлаб туришини таъминлашга хизмат киласидиган кадрлар сиёсатини манфаатдорлик ва тезкорлик руҳида шакллантириб ишга солмаган жамият илгарига қараб бир кадам ҳам таштай олмайди, бундай жамиятни бошқарив ҳам бўлмай колади. Шунинг учун ҳам Кадрлар сиёсатининг моҳияти, асосий мазмуни, йўналишлари, муҳим ақидалари, стратегия ва тактикаси муаммолари сиёсатгунослик назарияси ва амалиётининг улкан аҳамиятга молик бўлган таҳлил ва тажриба объекти бўлиб хизмат қиласиди. Шу боис кадрлар сиёсатининг моҳият ва мазмунини англаш жуда муҳимдир.

Мактабгача таълим-тарбия, умумий ўрга таълим, ўрга маҳсус ва олий таълим-тарбия ишларининг барчаси бир-бири билан узвий боғланниб кетган бўлиб, уларнинг барча бўғинларида йўлга қуилган таълим-тарбия ишларининг асосий мазмуни давлат ҳокимиятининг туб манфаатларини химоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш сиёсатининг иктиносидий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий тараққиётни юксалтиришга мўлжалланган стратегик йўлини амалга ошириш халқ хўжалигининг барча тармоқларини етук, ватанпарвар, миллатпарвар, фидойи, ҳалол, пок мутахассис кадрлар билан таъминлаш вазифасини ифода этади.

Ҳозирги даврда ўтказиладиган кадрлар сиёсатининг яна бир муҳим томони шундаки, ташки иктиносидий муносабатларни тубдая янгилаш учун зарур бўлган тадбиркор мутахассис кадрлар тайёрлаб, бу тармокка жойлаштирилмоқда.

Республикада олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг барча йўналишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айниқса, юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сиёсати ёки давлат ҳокимиятининг «мактаб сиёсати» устувор равишда амалга оширилмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг биринчи босқичида белгиланган асосий вазифалардан бири, бу – умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш эди. Умумий ўрта таълим бўйича 23 та ўкув фанидан давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, 1998–1999 ўкув йилида республикадаги 346 та мактабда тажриба-синов ўтказилди. Синов натижалари асосида такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли карори билан тасдиқланди ва 1999–2000 ўкув йилидан зътиборан янги ўкув дастурлари билан биргаликда босқичма-босқич ўкув-тарбия жараёнинга жорий этилмоқда.

2001 йилга келиб Республикадаги 6742 та мактабгача таълим муассасасида 610 мингга яқин кичкинтой фарзандларимиз таълим-тарбия олмокда. Уларга 64 мингга яқин ўқитувчи ва тарбиячилар устозлик кильмоқдалар.

Бугунги кунда мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг сони 9860 тани, шу жумладан алоҳида маҳсус фанларга ихтисосланган ўкув дастурларини чукур ўргатадиган мактаблар 3147 тани, гимназиялар 195 тани, лицейлар 326 тани, умумий ўкувчилар сони 6 млн.га яқинни ташкил қиласди. 2001 йилнинг сентябригача ўкув тизими 11 йилликка асосланиб, тузилмавий жиҳатдан 3 кисмга бўлинган эди: бошланғич таълим – 4 йил; тўлиқсиз ўрта маълумот олиш – 9 йил; тўлик ўрта маълумот олиш – 11 йил. Эндилиқда эса  $9+3=12$  йиллик тизими йўлга тушмоқда. Умумтаълим мактабларида 450 минг нафар олий маълумотли (70-75 фоиз) ва ўрта маҳсус (20–25 фоиз) таълимга эга ўқитувчилар ишламоқда.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда катор олий ўкув юртлари

кошида 5 та гимназия, 16 та лицей-интернат, 11 та лицей, 47 та академик лицей ёшларга таълим бермоқда («Ўзбекистон овози», 2001 йил, 12 апрель).

2001 йилга келиб Ўзбекистонда 61 та олий ўкув юрти, жумладан (20 та университет) олий ва халк таълими вазирликларида бевосита 8 та педагогик ихтисосликдаги университет ва институтлар, 3 та тибиёт институти филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Бу олий ўкув юртларида 18486 нафар профессор-ўқитувчилар (уларнинг 1462 нафари фан доктори, 7201 нафари фан номзодлари) меҳнат килемоқда («Маърифат», 2001 йил, 27 июнь). Миллый дастурга мувоғик 4 йиллик бакалаврият ва 2 йиллик магистратура орқали олий маълумотли мутахассислар тайёрлашпнинг замонавий тизими яратилди. 2000-2001 ўкув йилида олий ўкув юртларида 166 мингдан ортиқ талаба, факат кундузги бўлимларда эса жами 141 минг 841 нафар талаба таҳсил олди.

Кадрларни тайёрлаш билан бирга уларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сиёсати ҳам кўшиб олиб борилаётганлиги алоҳида диккатга сазовордир, сўнгги йилларда кадрларни кайта тайёрлаш ва улар малакаларини ошириш тизими тубдан қайта қурилиб, етук мутахассис кадрлар жамланган йирик шаҳарларда мужассамлаштирилди. Олий педагогика институти, Олий техника педагогикинини институти, Олий иктисодиёт таълими институти каби марказларнинг очилиши кадрлар сиёсатининг бу соҳадаги муҳим босқичи бўлиб, ягона узлуксиз миллый таълим тизими барпо этилди. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида 23 институт, 16 факультет, 4 марказ ва 14 курслар мавжуд. Хусусан, Республика Педагогика малака ошириш институтлари 18 та бўлиб, уларда ҳар йили 80 минг ўқитувчи ўз малакаларини турли фанлар бўйича ошироқда («Туркистан», 2000 йил, 27 сентябрь).

Давлат ҳокимиётининг кадрлар сиёсатида иктидорли ёшларни хорижий мамлакатларнинг етакчи ўкув, илмий марказлари ва фирмаларига ўқишга ҳамда стажировкага юбориш ижобий аҳамият касб этмоқда. Ўтган давр мобайнида (1997 йилдан бўён) «Умид» йўлланмаси билан 785 нафар иктидорли талаба хорижий мамлакатлар АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Канада ва бошқа мамлакатларга бакалаврлик ва магистрлик даражасини олиш учун ўқишга юборилди.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари куйидагилардан иборат:

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги.
2. Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги.

3. Умумий ўрта, шунингдек ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги.

4. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишини танлашнинг ихтиёрийлиги.

5. Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги.

6. Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги.

7. Таълим дастурларини танлашга ягона ва табакалаштирилган ёндашув.

8. Таълимли бўлишни ва истеъодони рагбатлантириш.

9. Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини йўғунлаштириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари:

1) шахс;

2) давлат ва жамият;

3) узлуксиз таълим;

4) фан;

5) ишлаб чиқариш.

Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. **Биринчи босқич** – ўтип даври бўлиб, у 1997–2001 йилларни ўз ичига олди. Давлат томонидан бу босқични амалга ошириш учун кўшимча 65 млрд. сўм сарфланди.

2. **Иккинчи босқич** – 2001–2005 йилларни ўз ичига олади.

3. **Учинчى босқич** – 2005 ва кейинги йилларни ўз ичига олиши мўлжалланган.

## **Ахолининг хуқукий маданиятини ошириш йўлида**

**Хуқуқ соҳаси** - бу ўзига хос ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солувчи маҳсус хуқуқ нормалари ва хуқуқ институтларининг йиғиндицидир. Масалан, молиявий муносабатлар - молия хуқуки соҳаси билан, меҳнат муносабатлари меҳнат хуқуки соҳаси билан тартибга солинади.

Хуқуқ соҳаси хуқуқ тизимининг асосий ва мустакил бўғинидир. Демак, хуқуқ нормалари йиғиндицидан хуқуқ институтлари, хуқуқ институтлари йиғиндицидан хуқуқ соҳалари ва хуқуқ соҳалари йиғиндицидан хуқуқ тизими ташкил топади.

### **Хуқуқ соҳаси**

Ўзбекистон Республикаси хуқуқ тизими хуқуқнинг куйидаги асосий соҳаларини ўз ичига олади:

- Конституциявий хуқуқ;
- Фукаролик хуқуки;
- Маъмурый хуқуқ;
- Меҳнат хуқуки;
- Оила хуқуки;
- Ер хуқуки;
- Аграр хуқуқ;
- Экология хуқуқ;
- Молия хуқуки;
- Жиноят хуқуки;
- Фукаролик-процессуал хуқуқ;
- Жиноят-процессуал хуқуқ;
- Халқаро хуқуқ ва бошқалар.

**Конституциявий** хуқуқ суворенитет, давлат ҳокимиятини ташкил этиш принциплари, фукаролик масалалари, маъмурый худудий тузилиш, ташки сиёсат, фукароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, бурчлари, давлат органлари тизими, сайлов тизими каби ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Конституциявий хуқуқ соҳаси 9-синфда алоҳида фан сифатида ўрганилади.

**Маъмурый** хуқуқ - давлатни бошқариш, ижроия ҳокимият соҳаси, Вазирлар Маҳкамаси, яъни ҳукумат фаолияти, ижроия ҳокимиятнинг бошқа органларида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Маъмурый хуқуқ ўз номидан кўриниб турибдики, “маъмур” (“бошқарувчи”) деган сўздан келиб чиқкан. Бу соҳа бошқарувчи ва бошқарилувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Масалан, мактаб директори билан ўқитувчи, прокурор билан прокурор ёрдамчиси ва ҳоказолар.

**Фуқаролик ҳуқуқи** - давлат, фуқаролар (жисмоний шахслар), юридик шахслар (корхона, муассаса, ташкилот) ўргасидаги мулкий ва у билан боғлик бўлган шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

**Ерга ҳуқуқи** - ерга згалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасаррӯф этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

**Аграр ҳуқуқ** - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва қайта ишлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

**Оила ҳуқуқи** - фуқароларнинг никоҳда бўлиш шартлари, болалик, оналик ҳамда оталикни ҳимоя қилиш, эр-хотин, ота-оналар, фарзандлар ва оиланинг бошқа аъзолари ўргасидаги шахсий ва мулкий муносабатларни, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, ота-оналар, фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, никоҳни бекор қилиш асослари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЕ) тартибини ва бошқа оиласий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқукий нормалар йиғиндишидир.

**Мехнат ҳуқуқи** - меҳнат жараёнидаги ишга кириш, бошқа ишга ўтиш, меҳнат шартномаси ва уни бекор қилиш, иш вакти, дам олиш вакти, иш ҳакини белгилаш тартиби, меҳнат муҳофазаси, меҳнат низолари, ёшлиар, аёллар ҳуқукини муҳофаза қилиш ва бошқа муносабатларни тартибга солади.

**Экология ҳуқуқи** - жамият билан табиат ўргасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаларидан биридир.

Экология ҳукуки Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза килиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ақолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, экологик ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик асослари билан боғлиқ муносабатларни ҳуқукий жиҳатдан тартибга солади.

**Молия ҳуқуқи** - Ўзбекистон Республикаси давлатининг молия соҳасида ўрнатган ҳуқукий коидалар ва конунлар йиғиндишидир. Молия ҳуқуки давлатнинг пул ресурсларини маҳсус ташкил этилган органлар воситасида тўплаш, тақсимлаш, кредит, сугурталарни назорат қилиш, ҳисоб-китобини ташкил этиш, банк ва омонат кассаларига раҳбарлик қилиш масалаларини тартибга солувчи ҳуқукий нормалар йиғиндишидир.

**Жиноят ҳуқуқи** - қандай ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноят эканлигини ва уларни содир этганлик учун қандай жазолар

тайинланиши мумкинлигини белгилаб берувчи нормаларни тартибга солади.

**Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи** - суд томонидан фуқаролик ишлари кўрилаётганда, томонларнинг ҳуқук ва бурчларини белгилайдиган ҳукукий нормалар йиғиндисидир.

**Жиноят процессуал ҳуқуқи** - суд, прокуратура, тергов органларининг жиноятчими жиноий жавобгарликка тортили ва жазо тайинлаш фаолиятими ва жиноий ишларни кўриш тартибини белгилайдиган ҳукукий нормалар йиғиндисидир.

**Халқаро ҳуқуқ** - унинг принциплари ва нормалари давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ушбу ҳукукнинг бошқа субъектлари ўргасидаги муносабатларни тартибга солади.

Ҳар бир ҳукуқ соҳалари асосида юридик фанлар мавжуд бўлиб, бу соҳалар умумий ўрта мактабнинг 9-синфида, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда олий таълимнинг юридик институтларида чукур ўрганилади. Ушбу ҳукуқ соҳаларининг биринчи маъбди Конституция ва ўз соҳаларига мос Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари, конунлари ва бошқа маъбалардан иборат.

**Таянч иборалар:**

**Жамият** - (арабча “жамият” - жамланган, бирлашган), деган маънени билдиради.

**Кенг маънода:** тарихан қарор топган, муайян эҳтиёж ва манфаатлар асосида ўзаро бирлашган гурӯхлар синфлар, катламлар фаолиятларининг мажмуидир.

**Тор маънода:** ижтимоий муносабатларнинг муайян шаклидир.

Уруғ бу экзогамия никоҳ тартиби ва қариндошликтининг бир томонлами (ота ёки она томонидан) ҳисобланиши билан, жамоавий меҳнат, ҳудуднинг умумийлиги, ном ва одат эътиқоднинг бирлиги, ижтимоий ҳаётдаги демократик талаб ва тартиблари билан таърифланади.

Давлат инсон манфаатлари ва ҳукуклари, унинг тинч-тотув ҳаёти ва келажагини ташкил этиш ва ҳимоялаш каби улуғиор мақсадларга хизмат килувчи ташкилотдир.

**Давлат** бу - муайян ҳудудни ишғол этган ва ягона ҳокимиятга уюштан халқдир, давлат бу - инсонларнинг яшаш қоидаси шакли.

Давлатнинг шакллари деганда, ҳокимиятнинг ташкил этилиши, унинг ички тузилмаси ва ҳокимиятни амалга оширишнинг асосий усуллари тушунилади.

**Монархия** олий давлат ҳокимиятни монарх ифодалайдиган

бошқарув шакли бўлиб, у одатда тахтга меросхўрлик эгалик қиласди, баъзан эса умрбод сайланади.

Жамоат бирлашмалари нормалари - барча ташкилотлар ўргасидаги, шунингдек, бу ташкилот авзолари ўргасидаги муносабатларни тартибга солувчи хулк - атвон қоидалари.

**Аҳлоқ нормалари инсон ҳаёти билан чамбарчас боғланниб кетган, инсон онгида жуда узок йиллар мобайнида шаклланган туйгулар - ззгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, бурч ва масъулият, адолат ва ноҳақлик, меҳрибонлик ва шавфкатсизлик, хурмат ва ҳурматсизлик кабиларга мос равишда ўрнатилган хулк-атвон қоидалари.**

Хуқуқ бу давлат томонидан ўрнатилган ва қўриклиданадиган, хамма учун мажбурий бўлган япаш қоидалари йиғиндисидир.

**Хуқуқ тизими** - бу жамиятдаги мавжуд хуқуқ нормаларининг бир бутун воқелик сифатида ҳаракатланиши, хуқуқ нормалари ва соҳаларни муайян изчилигикда, ўзаро узвий алоқадорликда жойланишидир.

**Хуқуқ нормаси** - бу хуқуқ тизимининг энг асосий, дастлабки элементидир. **Хуқуқ институтлари** - бу ўзаро боғланган, бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи хуқуқий нормалар гурухидан иборат. **Хуқуқ соҳаси** - бу ўзига хос ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солувчи маҳсус хуқуқ нормалари ва хуқуқ институтларининг йиғиндисидир.

**Хуқуқ манбай** давлат иродасини муайян хуқуқий норматив ҳужжатлар, конун актларида ифодалаш, баён қилиш усули ва шаклидир.

#### **Хуқуқ ва хуқуқий онг**

**Хуқуқий онг** деганда жамиятда кишиларнинг ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари тушунилади. Хуқуқий онг ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш, уларни амалда қўллаш учун хизмат қиласди. Хуқуқий онг – хуқуқий психология ва хуқуқий мафкурадан иборат.

**Хуқуқий психология** бу ҳуқуқий хис-туйгулар, ҳуқуқий одатлар, анъанаалар йиғиндисидир.

**Хуқуқий мафкура** бу ҳуқуқий воялар, назариялар, тушунчалар, принциплар йиғиндисидир.

Хуқуқий онг яхлит ижтимоий онг тизимида унинг алоҳида элементи сифатида киради. У ижтимоий турмушнинг мураккаб таркибида алоҳида ижтимоий ҳодиса бўлганлиги сабабли мафкуравий ва сиёсий қарашларнинг таъсирига учрайди. Хуқуқий овгнинг амалий функцияси икки йўл билан рўёбга чиқади:

- ҳуқуқий онг ҳуқуқ нормаларининг ғоявий манбай бўлади;
- у одамларнинг хулк-атвонига мафкуравий ва психологик таъсир кўрсатади.

Хукукий онг хукукий усткурманинг етакчи элементи ҳисобланади, унга шунингдек хукукий онг, хуқуқий муносабатлар, юридик нормаларни кўллаш хужжатлари, қонунчиллик, хуқуқ-тартиботлар киради. Хукукий онг давлат белгилаб қўйиши керак бўлган умумий аҳамиятта молик хулк-атвор коидаларига бўлган эҳтиёж жамият, ижтимоий гурӯҳ, индивид томонидан англаб олиниши ҳам, шунингдек амалдаги хукукий тартибининг адолятли эканлиги, хукукни янада ривожлантириш истиқболлари, йўналишлари баҳоланишини ҳам ўз ичига олади.

Хукукий онг таркибига зарур тарзда учта дастлабки элемент киради:

- хукукий түшпунчалар;
- хукукий ҳис – туйғулар;
- ҳоҳиш ирода.

Ҳар бир элемент хукукий онгни келтириб чиқарган эҳтиёжга хизмат қилишда ўз ҳолица катнашади ва хукукий онгнинг амал қилиши жараённида ўзига хос бўлган алоҳида ролни бажаради. Хукукий онг хукуқ билан муштарак табиатга эга ва у жамият, турли ижтимоий гурӯҳнинг объектив равишда келиб чиқсан эҳтиёжлари ҳамда манфаатларининг бевосита таъсири остида шаклланади, ўзгариб бораёттан объектив шарт-шароитлар ва жараёнлар таъсири остида доимий ривожланади. Хукукий давлат томон илгарилаб борган сари хукукий нормалар эмас, балки айнан хукукий онг ижтимоий жиҳатдан хулк-атворни рагбатлантирувчи сифатида намоён бўлади.

Хукукий онгни ва юксак хукукий маданиятни шакллантириш хукукий таъсир кўрсатиш механизмининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Маълумки, жамиятда ялаб туриб, ундан ҳоли бўлиш мумкин эмас. Шу сабабли, ижтимоий мажбуриятларни ихтиёрий ва онгли равиша бажариш – демократияни янада ривожлантириш, ижтимоий интизомни мустаҳкамлаш, инсонни тарбиялашнинг зарур шартидир.

Хукукий билимлар, билиш натижаси сифатида, хукукий онгнинг асосини ташкил этади. Шу сабабли, хукуқ нормаларида мустаҳкамлаб кўйилган хулк-атвор коидалари фуқароларга албатта маълум бўлиши, улар томонидан тушунилган ва англанган бўлиши шарт. Айни вақтда, хукукка хукукий онгнинг бир элементи деб караш хукукий билимларнинг ҳажми ва теранлигига катта таъсир кўрсатади. Бу элемент хукукий онг мазмуни ва даражасининг асосий кўрсаткичидир. Фуқаронинг бутун хулк-атвори ижтимоий хукукий воқеликка муносабатнинг намоён бўлиш шаклидир.

## **Қонунийлик ва хуқукий тартибот**

Жамиятда қонунийлик ва хуқукий тартибот бир-бiri билан узвий боғлиқдир. Хуқукий демократик давлат қуриш учун мустаҳкам пойдеворни яратишда факат яхши қонунларнинг қабул килинишининг ўзи кифоя эмас. Қонун-хуқукий давлатнинг пойдевори бўлса, қонунийлик хуқукий давлатнинг асосий тамойили шартидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг асарларида, нуткларида қонунийлик масаласига, қонунларнинг ижросига жуда катта зътибор беради ва бу масаланинг муҳимлигини таъкидлайди. Қонунийлик бир неча принциплари мавжуд. Улар:

- қонуннинг устунлиги;
- фукароларнинг қонун олдида тенглиги;
- қонунийликнинг ягоналиги;
- қонунийликнинг мақсадга мувофиқлиги;
- қонунийликнинг демократия билан боғлиқлиги;
- қонунийликда ҳалқ иштироки;
- юридик нормаларни бузганлик учун барча субъектларнинг жавобгарлиги ва бошқалар киради.

Қонунийлик хуқукий тартибот орқали амалга оширилади. Хуқукий тартибот жамоа тартиботининг бир кисми бўлиб, у факат хуқукий нормалар орқали амалга оширилади ва кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Чунки қонунларни бузиш, уни ижро этмаслик, қонунларни турли йўллар билан айланниб ўтишга уриниш давлатни обрўсизлантиради, тараккиётта тўсқинлик килади.

Қонунийлик деганда, барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фукаролар томонидан амалдаги қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилishi тушунилади. Қонунийликнинг асосий вазифаси давлат ва ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётiga ўтаётган ҳозирги вақтда мулкнинг турли шаклларини кўриклаш, фукароларнинг хуқуқ ва бурчни мустаҳкамлашдан иборат.

Жамиятда қонун мукаддас нарсага айлангандагина мақсадга эришиш мумкин.

Қонунга итоаткорлик хуқукий маданиятнинг зарурый унсури бўлиб, у қонунларни пухта билиб, ўрганибгина колмай, балки уларга тўла риоя килиш, улар асосида эркин фаолият юргизишни тақозо этади.

Мамлакатимиз ўзининг истиқбол йўлига кириши билан демократик жараёнларнинг жадаллашуви хуқукий давлат қуриш тамойилларини ишлаб чиқишига, қонунга итоаткорликни эса хуқукий

давлат, қолаверса, ҳукукий маданиятнинг ажралмас бир қисми каби баҳолаш зарур.

Юртбошимиз И.А.Каримов ишлаб чиккан беш тамойилдан бири, мамлакатда Конституция ва конунлар устуворлиги, конунларнинг ҳурмат қилинишини таъминлашдир. Чиндан ҳам, Президентимиз айтганлариdek, “конунчилик ва ҳукук-тартибот тантана килмас экан, ҳукукий давлат қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисодий жамиятнинг, тадбиркорлик ва меҳнатнинг давлат томонидан кафолатланган эркинлиги, мулкчиликнинг барча шакларининг тенг ҳукуқлиги ва ҳукукий ҳимояланганлиги қонунчилик ва ҳукук тартибот тантанасининг энг муҳим омилидир”. Шу боисдан: “Қонунга бўйсуниш бозор муносабатларига ўтишнинг барча амал қилиши керак бўлган етакчи принципларидан биридир”, - деб уқтиради Юртбошимиз.

Қонунга бўйсуниш-юксак ҳукукий онглилик, жамият ва давлат манфаатларини чукур тушуниб етиш, ижтимоий бурч, яъни ўз қилмишлари учун давлат олдида жавобгарлик туйгуси билан узвийдир. Ҳар бир қонунга итоаткор фуқаро конунларнинг талаблари жамиятнинг юксак манфаатларини ифода этишини, ҳукукий қонунларга риоҳ қилиш факат ҳалқ манфаэтларига эмас, балки унинг ўз манфаатларига ҳам хизмат қилишини яхши тушунади. Мазкур маънода қонунларга итоат қилишни ҳалқ бирлиги ва куч-кудратининг манбаи деб аташ мумкин. Қонун одамларни бирлаштиради, қонунларни бузиш эса ҳукукбузарларни қонун доирасидан ташқарига чиқариб қўяди. Албатта, қонунларни бузиш билиб-бilmай, эҳтиётсизлик оқибатида ҳам содир этилади.

Ҳукукка хилоф хатти-ҳаракатларда ҳукукка зид қилмишларда, шунингдек, ҳукукка зид бўлган ҳаракатсизликларда ҳам намоён бўлиш ҳоллари учрайди. Конституция, барча фуқаролардан асосий қонунда мустаҳкамланган ўз мажбуриятларини оғицмай адо қилиш, бошқа кишиларнинг ҳукук, эркинликлари, кадр-қиммати ва шаънини иззатикром қилиш, республика тарихий, маънавий ва маданий меросини асрар-авайлышда иштирок этиш, атроф мухитга эҳтиёткорлик ва эъзоз билан муносабатда бўлиб, қонун билан белгиланадиган солиқлар ва маҳаллий йигимларни ўз вактида тўлаб туриш, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ва х. к. мазкур бурчлар қаторидан жой олган мажбуриятлардандир.

Фақат кишилар ахлоқий кадриялари эмас, балки жиддий ҳукукий тарбия, Ватанга муҳаббат, жамият фаровонлиги учун ғамхўрлик, ижтимоий ва давлат манфаатлари учун қайғуриш ҳам қонунга итоаткорлик заминидаги муҳим тамойиллардандир. Қонунга

иттоаткорлик акл-идрок, виждон, ички эътиқод маҳсули бўлиб, инсоннинг бундай олижаноб фазилати ҳар кандай шароитларда хам, ҳар кандай йўллари билан қувватланиши, тарбияланиши ва рағбатлантирилиши даркор. Жамият аъзоларининг аксарияти конуиларга онгли равишда қанчалик оғишмай риоя килса, мазкур жамиятнинг хукукийликка якинлигига, уларнинг эътиқоди қанчалик мустаҳкам бўлса, юртимизда инсон хукуқлари ва демократиянинг пойдор тамоийлари шунчалик кучли кафолатланган бўлади.

#### **Таянч иборалар:**

**Хукук** – давлат томонидан белгиланган ёки рухсат этилган ва унинг кучи билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий хулқ-атвор коидалари йиғиндиси.

**Хукукий онг** деганда жамиятда кишиларнинг хукук тўғрисидаги карашлари тушунилади

**Объектив хукук** – умуммажбурий хулқ-атвор коидаларининг йиғиндиси.

**Субъектив хукук** – муайян жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган қоида.

**Ахлоқ** – кишининг жамиятдаги хулқини норматив тартибга солувчи усуллардан бири.

**Хукукий одат** – доимий тақоррланиш натижасида баркарор хулқ-атвор нормасига айланган ва кейинчалик давлат томонидан тасдикланган хулқ-атвор қоидаси.

**Юридик фактлар** – ўзига хос ҳаётий ҳолатлар бўлиб, қонун ва хукукий нормалар, уларни юридик оқибатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор қилиниши билан боғлайди.

**Юридик прецедент** – муайян иш бўйича чикарилган суд карори келгусида шундай ишларни ҳал этишда коидага айланган манба.

**Қонун** – давлатнинг олий вакиллик органи томонидан қабул килинган норматив-хукукий ҳужжат.

**Хукукий муносабат** – иштирокчилар ўртасидаги юридик алоқа бўлиб, уларнинг ўзаро хукук ва мажбуриятларида намоён бўлади.

**Жисмоний шахслар** - фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

**Юридик шахслар** – таҳқилотчилар, муассасалар, давлат органлари, давлат, хўжалик бирлашмалари.

**Хукукбузарлик** деганда – жамият учун хавфли бўлган қилмиш (харакат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади.

**Қонунийлик** – барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари,

мансадбор шахслар ва фуқаролар томонидан амалдаги қонун ва норматив хукукий хужжатларнинг бажарилиши.

Ўзбекистон Конституциясининг халк хокимиятчилигига бағишланган 11-моддасида эса давлат хокимияти З та бўлиниш принципига асосланиши баён этилган.

1. **Қонун чиқарувчи хокимият жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларидағи ўзгаришларни, ўзаро муносабатларни тартибга солиш, уларни хукукий жиҳатдан кафолатлашга доир қонунларни ишлаб чиқади. Давлат хокимияти томонидан ишлаб чиқилган қонунларни бажариш ва уларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади. Қонун чиқарувчи хокимият гарбда Парламент, Сейм, Конгресс ва ҳ.к. деб юритилса, Шарқда Олий Мажлис, Кенгаш, Халқ қурали ва ҳ.к. деб аталади.**

**Парламент** (фран. парле – галирмок сўзидан келиб чиқкан бўлиб, расмий сўзлашин жойи маъносини англатади) – давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи хокимиятини амалга оширади. Парламент биринчи марта XIII асрда Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари бир неча мамлакатларда, жумладан Англия, Франция, Италия, Канада, Бельгияда тўғридан тўғри парламент деб аталади. АҚШ ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатларида Конгресс, Россияда Федерал Мажлис, Литва, Латвия, Польшада Сейм деб аталади.

**Олий Мажлис** – Ўзбекистон Республикасида ягона қонун кабул килувчи, унга ўзгартириш кири туви Олий Давлат органидир. Халқ вакиллари депутатларидан иборат бўлган Олий Кенгаш таркибида 1990–1994 йилларда 150 депутат, 1995–2004 йилларда эса 250 депутат бўлиб, улар сайловчилар томонидан 1) умумий; 2) тенг; 3) тўғри сайлов хукуки асосида; 4) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Олий Мажлисга 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари 5 йил муддатта сайланади. Олий Мажлис ўз фаолиятини тегишили муддатларда ўтказиладиган сессияларда амалга оширади, сессиялар бир йилда камида 2 марта чакирилиши белгиланган. Зарур ҳолларда нафбатдан ташкари сессиялар ҳам чакирилиши мумкин.

2005 йилдан бошлиб Олий Мажлис икки палатали: 1) **куйи палати** – қонунчилик палатаси кўп партиявилик асосида округлардан 135 депутат ва Экологик ҳаракатидан 15 та жами 150 нафар депутат сайланади. Қонун қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқуллангач, Президент томонидан имзоланади.

2) **Юкори палата** – Сенат палатаси. Сенат погонали сайлов йўли билан ташкил қилинади. Бу сайлов тизимидағи янгилик. Коракалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳридан 6 кишидан,

Коракалпогистон Республикаси вилоят, туман, шаҳарлардан депутат кенгашларининг қўшма мажлисида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси Президент томонидан белгиланади. Жами 100 нафар Сенатор фаолият олиб боради.

Олий Мажлис ўз фаолиятига ёрдам бериш учун турли органларни тузади. Олий Мажлиснинг ваколатлари Конституция ва Олий Мажлис тўғрисидаги конунларда белгилаб кўйилган. 1993 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги конун қабул килинди. 1994 йил, 22 сентябрда «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида» ги конун қабул килинди. 2002 йил 12-13 декабря «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий конунлар қабул килинди.

Дунё мамлакатларининг баъзи парламентларида депутатлар сони қўйидагича:

- 1) АҚШ Конгрессига 535 депутат сайланади.
- 2) Россия Федерал Мажлисига 626 депутат сайланади.
- 3) Миср Халк Ассамблеясига 454 депутат сайланади.
- 4) Истроил Кнессетига 120 депутат сайланади.
- 5) Финляндия Эдускунтига 200 депутат сайланади.
- 6) Исландия Альтингига 63 депутат сайланади ва х.к.

Парламентаризм тажрибаси кўрсатадики, парламент 1 палатали ёки 2 палатали бўлиши мумкин. Маълумки, демократик мамлакатларнинг аксариятида 2 палаталидир. XX аср сўнгги ўн йилликларининг ўзида 2 палатали парламентлар сони 45 тадан 70 тага кўпайди. Ҳозирги замонда 2 палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди.

**2. Ижро қилувчи ҳокимият** давлатнинг турли идора ва муассасаларидан ташкил топган бўлиб, улар конунларда ифодаланган тадбирларни хаётга жорий этади.

**Ижро органлари** – ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи давлат органлариидир. Ўзбекистон Республикасида Олий ижро органи – Вазирлар Маҳкамасидир, у ҳам Ҳукумат ҳисобланади, ҳам коллегиал, умумий ваколатли органдир.

Жойларда ижро этувчи ҳокимиятни ҳокимлар яккабошчиллик асосида амалга оширади. Жойларни идора этишда у ўзининг тармок идора органлариаги бўлим ва бошқармаларига таянади. Масалан, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, маориф бўлими ёки бошқармалари. Ижро органлари тайинлаш ва тасдиқлаш йўли билан ташкил килинади ва улар

Үзини тайинлаган шахс олдида, шунингдек вакиллик органи олдида хисоб беради.

Суд ҳокимияти қабул қилинган ва ҳаётга жорий этилган қонунларнинг бажарилишини назорат килувчи давлат идоралари муассасаларидан ташкил топади.

Президент Ислом Каримов ҳокимиятнинг учинчи тармоги – суд – ҳукук тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини баён этган эди. “Утган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг мухим таркибий қисми бўлган суд ҳукук тизими курилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди....”

Давлат ҳокимияти ўзининг тузилиши, мазмуни, мақсад ва вазифаларига кўра бир хил бўлмайди. У айрим мамлакатларда кенг халқ оммасининг иродасини ифода киласа, баъзи мамлакатларда эса алоҳида сиёсий кучларнинг ёки озиликнинг манфаатларини химоя киласди. Шунга кўра бу ҳокимият ё халқ ҳокимияти ёки мустабид ҳокимият бўлади.

**Давлат тузуми** – Конституциявий ҳукуқ (давлат ҳукуки) нормалари билан белгиланадиган ва мустаҳкамланадиган ижтимойи, иктиносидий ва сиёсий манфаатлар тизими. «Давлат тузуми» «конституциявий тузум»га қараганда кенгрок тушунчадир.

**Давлат суверенитети** – (фран. ҳокимиятнинг олийлиги, мустақиллиги) – давлатнинг ўз ички ишларида ва ташки муносабатларида бошқа бир давлатдан тўла мустақиллиги.

**Суверенитет** – ҳокимиятнинг олийлиги, мустақиллиги бўлиб, мамлакатнинг мустақиллигини билдирувчи тушунча. Конституциявий ҳукукда давлат суверенитети, миллат суверенитети, халқ суверенитети тушунчалари ишлатилади.

**Давлат суверенитети** – ҳокимиятнинг мамлакат ичida олийлиги ва ташки муносабатларда тўла мустақиллиги. Бунда хеч қандай ташки давлат ишларига таъсир кила олмайди.

**Миллат суверенитети** – миллатларнинг тўла ҳокимиятини, уларнинг тўла сиёсий эркинлигини, ўз ҳаётини ихтиёрий, мустақил давлатни ташкил кила олишини билдиради.

**Халқ суверенитети** – халқнинг тўла ҳокимиятини билдиради, яъни халқ жамият ва давлатни бошқариш имкониятини берадиган ҳамма иктиносидий ва сиёсий воситаларга эга бўлади.

## **Давлат рамзлари**

**Давлат рамзлари** – Конституцияда белгиланган бўлиб (5-модда), байроқ, герб ва мадхия ҳисобланади. Асосан ва умуман давлат рамзларига кўйидагилар хам киради:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби ва мадхияси.
  - а) Давлат байроғи – 1991 йил 18 ноябрда кабул қилинди.
  - б) Давлат герби – 1992 йил 2 юнуда кабул қилинди.
  - в) Давлат мадхияси – 1992 йил 10 декабрда кабул қилинди.
- 2) Ўзбекистон давлатининг номи. Конституциямизнинг 1-моддасида «Давлатнинг Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маъно англатади» деб ёзиб кўйилган.
- 3) Ўзбекистон Республикаси Конституяси (1992 йил 8 декабрда кабул қилинган).
- 4) Ўзбекистон Республикасининг давлат тили – 1989 йил 21 октябрда кабул қилинган ва Конституциянинг 4-моддасида тасдиқланган.
- 5) Давлатимиз пойтахти – Тошкент шаҳри. Конституциямиз 6-моддасида баён этилган.
- 6) Ўзбекистон фуқаролиги. Конституциянинг 21-моддасида айтилганидек, фуқаролик ҳар қандай давлатнинг ажralмас белгисидир.
- 7) Давлат мукофотлари ва узвонлари (1997 йил ноябргача 30 та Ўзбекистон Республикаси фахрий узвони таъсис этилган).
- 8) Миллий валюта. 1994 йил 16 июнда кабул қилган «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Президент Фармони. 1994 йил 1 юнудан «Сум» муомалага киритилди.
- 9) Умумхалқ байрамлари ва бошқалар.

## **Умумбашарий муаммоларнинг турлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари**

Умумбашарий муаммолар хозирги куннинг энг жиддий ва кескин муаммоларидан бирига айланиб қолмоқда. Улар жуда хилма-хил бўлиб, ўзининг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларига кўра бир-биридан ажralиб туради.

Умумбашарий муаммолар ўзининг даҳшатли оқибатлари, жамиятта келтирадиган зарари билан бошқа ҳар кандай муаммолардан кескин фарқ қиласди. Бу муаммоларни жамият ҳаётида рўй берадиган бирор-бир муаммога қиёслаб бўлмайди. Улар ўзининг кўлами ва миқёсларига кўра дунёнинг жуда катта кисмига ёйилган бўлиб, кўпчилик мамлакатлар ва халқлар ҳаётига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Умумбашарий муаммоларни келтириб чиқараётган тарихий шароитлар, уларнинг кескинлашишига олиб келадиган сабаблар турлича бўлғанлиги боисдан ҳам бу муаммоларнинг ўзига хос хусусиятларини фарқ қилиш зарурлигини билиш даркор. Умумбашарий муаммолар бир вактда рўй бермагани сингари, айни пайтда улар бир хилдаги оқибатларни ҳам келтириб чиқармайди. Бу муаммоларнинг оқибатлари қанчалик даҳшатли бўлишига қарамай, улар ўзининг кўпгина хусусиятларига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилиши ҳам мумкин.

Умумбашарий муаммолар моҳиятига кўра куйидаги турларга бўлинади:

Инсониятни ядро ҳалокати уруши хавфидан сақлаш.

Ялпи ва умумий тинчликни таъминлаш (ёки оммавий кирғин куролларига қарши биргаликда кураш).

Халқаро терроризм муаммоси, шу жумладан минтақалардаги террористик харакатларга биргаликда кураш.

Гиёхвандликка қарши биргаликда кураш муаммоси.

Аҳолининг сон жиҳатдан ўсиши муаммоси.

Хом-аипё муаммоси.

Энергетика муаммоси.

Қашшоқлик муаммоси.

Очарчилликка қарши кураш ёки озик-овқат муаммоси.

Хайвонот ва ўсимликлар дунёсини асрарш муаммоси.

Коинот ва жаҳон океанлари бойликларини тинчлик мақсадида ўзлаштириш муаммоси.

Орол муаммоси.

СПИДга қарши биргаликда кураш.

Хафли касалликларни бартараф этиш. Рак ва сил касалликларига карши кураш муаммоси.

Мустакилликка эришган мамлакатларнинг иқтисодий қолоклигини бартараф этиш ёхуд кам тарақкий этган мамлакатларни илгор мамлакатлар турмуш даражасига тенглаштириш ва бошқа муаммолар киради.

Ана шу умумбашарий муаммоларнинг баязи бирлари ҳақида тұхталамиз.

**1. Хафсизлик муаммоси.** Халқлар ва давлатлар тарихида бу муаммо ҳамиппа мұхим ақамият касб этиб келған. Аммо бу муаммо инсоният тарихининг ҳеч бир даврида XX аср охири ва XXI аср бопидаги сингари маңында ақамият касб этмаган. XX асрда рүй берған иккита дахшатлы жаһон уруши, үнлаб маҳалий урушлар инсоният бошига қаңчадан-қаңча күлфатлар көлтирганлығы барчага маълум. Инсоният ҳаётининг 6 ғасыр бўлиб, бунда 3 млрд. 640 млн. киши курбон бўлған. Ядрорий ва бошқа кирғин қуролларининг ишлаб чиқилғанлығы ва улар захираларининг беҳад кўпайиб кетғанлығи ҳам XX асрнинг маҳсулидир. Ҳозир мавжуд бўлған оммавий кирғин қуроллар: термоядро, нейтрон бомбалари, лазер қуроли, кимёвий бинар снарядлари, радиологик қурол каби турлари инсониятни йўқ қилиб юбориши мумкин. Буларнинг барчаси хафсизликни таъминлашни умумжаҳон муаммосига айлантиради.

**2. Тинчлик учун кураш муаммоси.** Тинчлик учун кураш ҳар бир даврнинг долзарб муаммоси бўлиб келған ва ҳозирги кунда ҳам у ўзининг долзарблигини йўқоттани йўқ. Тинчлик учун кураш барча мамлакатлар ва халқлар учун баравар ақамиятга эга бўлған муаммодир. Гарчи урушлар дунёning ҳар ерида рүй бериб турсада, унинг оқибатлари кўпчилик мамлакатлар ва халқлар тақдирига у ёки бу даражада дахл киласди.

**3. Терроризм муаммоси.** Терроризм ўзининг барча кўринишлари билан XX асрнинг охири ва XXI аср бошларидан энг дахшатли ҳодисасига айланди. Эндилиқда бу ҳодиса дунёning кўпчилик мамлакатлари ва минтақаларига тарқалиб, жаҳон ахлини ғоят ташвишга солмоқда. Унинг салбий оқибатлари халқаро муносабатларга, давлат бошликлари, айрим шахслар ва тинч ахоли ҳаётига, турли хилдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий тузилмалар ва фаолиятига тобора кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Терроризмнинг бузғунчилик ва кўпорувчилик ҳаракатлари жамият ва унинг ривожланиши учун жуда кимматта тушмоқда. Шу сабабли ҳам давлатлар терроризмга қарши курашни кучайтиришга, унинг барча кўринишларига қарши биргаликда

кураш олиб боришга ҳаракат қилмоқда. “Бугунги кунда,- дейди Ислом Каримов,- Халкаро терроризм, экстремизм ва радикализмга карши кураш дунё мамлакатларини бирлаштириладиган асосий омил бўлиб колмоқда. XXI аср вабоси бўлган ушбу иплатга карпи жаҳон ҳамжамиятининг муросасиз курашини Ўзбекистон тўла кўллаб-куватлайди“.

**4. Экологик муаммолар.** Атроф мұхиттінг ифлосланиши табиат учун ҳам, жамият учун ҳам зынг зарарли ҳодисадир. Ҳаво, тупроқ, сув, үсімліклар ва ҳайвонот оламига зәтиборсиз мұносабатда бўлиш бу муаммонинг келиб чиқишига ва кескинлашиб кетишига сабаб бўлади. Фан-техника тараккїёти ва унинг ютукларидан самарасиз фойдаланиш сингари субъектив сабаблар ҳам экологик муаммоларнинг келиб чиқиши ва кескинлашишига олиб келади.

Хозирги кунда экологик муаммолардан батамом холи бўлган бирон-бир мамлакат йўқ. Шунга кўра бу муаммо ҳам умумбашпарий муаммолардан бири ҳисобланади.

**5. Касалликлар муаммоси.** Ҳар қандай касаллик ҳам умумбашпарий муаммо ҳисобланмайди. Касалликларнинг умумбашпарий мохият касб этиши, аввало, улирни даволаш имкониятларининг мураккабликларидан келиб чиқади. Дунёда шундай касалликлар рўй берадики, улардан кутилиш учун кўпчилик давлатлар биргаликда кураш олиб боришга мажбурдирлар. Бу кураш давлатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсатида етакчи ўринни згаллаши лозим. Хозирги кунда рак ва СПИД касалликларига қарши кураш ана шундай умумбашпарий муаммолардан ҳисобланади.

**6. Очарчилик муаммоси.** Ер юзида инсоният пайдо бўлганидан бўён очарчилик зынг мураккаб муаммолардан бири бўлиб келган. Айrim мамлакатлар ва минтақаларда бу муаммони ҳал этиш учун бир неча юз йиллар талаб этилсада, мазкур муаммодан инсоният ҳамон кутилгани йўқ. Хозирги кунда дунёning кам тараккий этган айrim мамлакатларида очарчилик ва қашшоқликдан кўплаб кишилар нобуд бўлмоқда. Бу ҳол шубҳасиз, жаҳондаги кўпчилик давлатларни очарчилик муаммосини ҳал этишга унダメоқда.

**7. Гиёхандлик муаммоси.** Инсоният тарихининг турли даврларда айrim ҳалклар ва мамлакатларнинг турли гурухлари орасида учраб турадиган гиёхандлик ҳодисаси XX асрнинг сўнгти йилларига келиб дунёning кўпчилик мамлакатларига кенг тарқалди. Унинг даҳшатли оқибатлари жамият учун жуда кимматта тушмоқда. Ундан, айникса, ахолининг ёш қатламлари кўпроқ зарар кўрмоқда.

Кейинги йилларда давлатлар ўргасидаги савдо-иктисодий алоқаларнинг ҳамда тижорат ишларининг кенгайиши гиёхандликнинг

жаҳон муаммосига айланиб кетишига олиб келди. Натижада давлатлар ўзларининг ички ва ташқи сиёсатида бу муаммога қарши биргаликда куриш олиб боришга мажбур бўлмоқда.

**8. Ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асрарш муаммоси.** Атроф мухитнинг ифлосланиши ҳамда давлатлар олиб бораётган сиёсатдаги айрим хато ва янгилишишлар ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асрарш ишига кучли сабий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги ўн ва юз йилликлар давомида кўплаб ҳайвонлар ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетаётганини, бунинг олдини олиш йўлидаги сускаiplиклар табиат ва у билан боғлик бўлган жамиятнинг ривожланишига катта хавф солмоқда. Шу сабабли ҳам ҳар бир давлат ўз ички сиёсатида бу масалага жиддий эътибор бериши зарур. Бир давлатнинг бу соҳадаги амалий ҳаракатлари кўпчилик давлатларнинг шундай ҳаракатлари билан қўшилиши зарур. Акс ҳолда умумбашарий моҳият касб этувчи бу муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас.

Умумбашарий муаммолар амалда жаҳон цивилизацияси тараққиёти билан чамбарчас боғлик бўлган муаммолардир. Дунёнинг барча қитъалари, мамлакатлари ва мингтақаларида яшайдиган кишиларга дахлдор бўлган бундай муаммолар кундан-кунга ташвишли тус олиб бормоқда. Бу муаммолар жамият ҳаётининг хилма-хил томонларини жаҳон сиёсати ва иктисадийтини, давлатлараро ва миллатлараро муносабатларни, кишиларнинг яшаш ва турмуш шароитларини, оммавий онгни ўз ичига олади. Бу муаммолар қанчалик хилма-хил бўлмасин улар бир катор умумий хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар уларнинг ягона, бир бутун ва ҳаммаси биргаликда инсоният тақдирни учун катта хавф туғдирди. Уларни ҳал этишга бефарқ муносабатда бўлиш эса цивилизациянинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Кейинги ўн йилликлар давомида ишлаб чиқариш ва техника тараққиётининг бекиёс даражада ўсиши, атроф-мухитнинг ифлосланишини шу даражага олиб келдики, бунинг оқибатида маъжуд табиий тизимлар: океанлар, денгизлар, дарёлар, ўрмонлар, атмосфера ва бошқалар бунга бардош беришга кодир бўлмай колди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра 2005 йилларнинг бошларига борганда атроф-мухитнинг ифлосланиш даражаси ҳозирги кунга нисбатан бир неча марта ортади. Табиатга қилинадиган бундай акс таъсир табиат мувозанатини бутунлай бузуб юбориши мумкин.

**Орол денгизи муаммосининг келиб чиқиши ҳам собиқ СССР давлати олиб борган технократик сиёсат натижасида рўй берган эди.**

Ҳозирги даврда иссиқлик кувватини ҳаддан ташкари кўп истемол килувчи йирик корхоналар сонининг кун сайн ортиб бориши

натижасида атмосферанинг тобора исиб бориши кузатилмоқда. Бунинг табиий оқибати ниҳоятда мудхиш бўлиб, у ер шари атмосфераси кобигининг кизиб кетишига олиб келади. Натижада абадий музликларнинг эриши ва ер шарининг маълум қисмини сув босиб кетиш хавфи юзага келди.

Мамлакатларнинг колоқлик даражаси ҳам баъзи турдаги умумбашарий муаммоларнинг келиб чикишига сабаб бўлади. Очарчилик ва қашшоқлик муаммоси бунга аниқ мисолдир. Очарчилик ва кошшоқликнинг умумбашарий муаммога айланиши бу муаммонинг кўпчилик мамлакатларда рўй бериши билан боғлиқдир. Кейинги ўн йилликлар давомида Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг айrim мамлакатларида очарчилик ва қашшоқлик даражаси шу кадар кучайиб кетдикки, бунинг натижасида шу мамлакатларда истикомат килувчи миллионлаб кишилар ҳалок бўлди. Бу муаммо рўй берган мазкур мамлакатларнинг ҳеч бири унга ёлгиз ўз кучи билан ҳал килиш имкониятига эга эмас.

**Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳам ҳал килишда ҳалқаро ташкилотлар ва уюшмалар мухим роль ўйнайди.**

Уларнинг ҳар бири ўзининг максад, вазифаларига кўра атроф-мухитни муҳофаза килиш, очарчиликка қарши кураш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ядро урушининг олдини олиш сингари умумбашарий муаммоларни ҳал килишда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бу ишда, айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда унинг ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ихтисослашган ташкилотлари амалга ошираётган ишлар эътиборга лойиқдир. Улар уруш ва тинчлик, хавфсизлик, экологик, қашшоқлик ва очарчилик, касалпиклар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда етакчилик ролини ўйнамоқда.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Узбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан умумбашарий муаммоларни ҳал этиш базасида ҳамкорлик қилишга тайёр. Умумбашарий муаммоларга карши курашда биргаликдаги куч-гайратларни мувоффиклаштириш учун Марказий Осиёда БМТнинг минтақавий комиссиясининг тузилишини биз кутлаган бўлур эдик».

Ўзбекистон ҳукумати ана шу тамойилларга оғишимай амал килган ҳолда жаҳон майдонида, хусусан, Марказий Осиёда рўй берадиган кескин муаммоларни ҳал этишда ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Бу жонкуярликнинг Президент Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида куйидагича асослаб берган эди: «Узбекистон барча минтақаларда ва аввало Марказий Осиёда хавфсизлик ва баркарорликни таъминлаш учун катъий ва изчилик билан

харакат қилиб келаяпти. ...Минтака хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди.

Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномаларнинг самарали характер қилиши ва унинг хеч бир муддатсиз узайтирилиши учун характер қилади. Бизнинг республикамиз ана шу Шартноманинг характер қилиш муддатини узайтиришга оид Конференцияга тайёргарлик музокараларида фаол катнашади. Ўзбекистон Марказий Осиё Минтақасининг ядросиз зона деб эълон қилишининг қатъий тарафдоридир».

### **Марказий Осиё ягона геосиёсий макон эканлиги**

XX асрнинг сўнгтида жаҳон сиёсий харитасида амалга ошган серкірра жараёнлар Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Минтакамида рўй берабётган ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» асарида жаҳон, Марказий Осиё минтақаси ва республикамизда қайси омиллар хавфсизликка қандай таҳдид солаётгани аник кўрсатиб берилган.

Хозирги пайтда Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Бу жойдаги ялпи хавфсизликка минтақавий, миллий маҳаллий можаролар, диний экстремизм ва жангари сепаратизм таҳдид солмоқда. Бундай қарама-каршиликларда четдаги айрим йирик мамлакатларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини саклаб колиш, кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун олиб бораётган характерлари ҳам ўз ўрнига эга.

Таҳдид туғдирувчи сабаблардан яна бири минтақа ўзининг жўтрофий-сиёсий ҳолати жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга кўйилмаган худудда жойлашганлиги билан боғлик.

Якин йилларда бутун дунё, Европа ва Осиё келажаги учун ҳал килувчи ахамиятга эга бўлган энергия, газ ва нефтга бой конлар Марказий Осиёда жойлашган. Бунинг устига биз Шарқ ва Фарб мамлакатларининг манфаатлари бир-бирига мос келмайдиган минтақанинг бир кисмимиз. Бизнинг худудимиздан кўпгина кудратли мамлакатлар ҳам ўз манфаатларини излайди.

Яна бир таҳдид манбаи Ўзбекистонни этник, демографик, иктиносий ва бошқа муаммолар юки остида колган байзи мамлакатлар куршаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник муросасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташки кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби бекарорлик ўчоги билан чегарадош.

«Геополитик мақсадлар - муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақаларда кучайтиришга каратилган сиёсатни ифодалайди. Бугунги кунда ҳалқаро майдонда турли шаклларда намоён булаётган бундай мақсадлар мағкуравий сиёсат билан қўшилиб бормокда. Инсон қалби ва онги учун кураш - бу жараённинг асосий йўналишларидан биридир».

Минтақавий низолар кўпинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва курол-ярок билан қонунсиз савдо килиш, инсон ҳукукларини оммавий суратда поймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиси бормокда.

Айрим қўшни давлатлар ядро куролига эга бўлишга ошкора интилаётганилиги бизни ташвишга солмоқда. Ўзбекистон эса Марказий Осиё минтақасини яровий куроллардан ҳоли ҳудуд деб зълон қилинишига эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Хуллас, хавфзизлика солинаётган таҳдидлар сиёсий экстремизм, шу жумладан диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллӣ маҳдулликни, этник, миллатлараро, маҳалийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади. Улар гарчи турлича намоён бўлса-да, ҳар биримизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга унрайди.

«Геосиёсат» тушунчаси ўзида («гео» - «ер», «сиёсат» эса - «давлат» ва «ижтимоий иш») маъноларини англатади. «Геосиёсат» атамасида геосиёсий муддаолар, уларнинг кўринишлари, турли хил давлат ва ҳалқларнинг манфаатлари тизими, унга бўлган ёндашув услублари, воситалари у ёки бу давлатнинг ҳудудий жойлашуви, салоҳиятига бўлган муносабатда ифодаланган мақсадлар ўз ифодасини топади.

«Геосиёсат» узок тарихга эга бўлсада, у тушунча сифатида XX асрнинг бошларида шаклланган. Бу атама Р.Челлен томонидан муомалага киритилган бўлиб, ҳозирги даврда давлатлар ва дунё мамлакатлари ҳалқаро сиёсатида, фалсафада, сиёсат фалсафаси ва фанларида кенг қўлланилмоқда. Геосиёсат кўп киррали тушунча сифатида турли манфаатларни ўзида мужассам этапи.

Ҳозирги даврда геосиёсий мақсадлар кўпроқ мағкуравий сиёсат билан ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидлаш зарур. Ана шу сабабдан ҳам

Президентимиз мафкуравий полигонлар ядро полигонларига караганда хавфлирө бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлаганлар.

Ядро полигонларини қаерда жойлашганини, унинг қувватини, қандай мақсадга йўналганлигини муайян даражада аниқ билиш мумкин. Аммо, ёвуз, ёт мафкуравий мақсадларни қаердан ва қандай йўллар билан ва кайси инсонлар қалбини эгаллаб олаётганлигини осонликча билиб бўтмайди.

Бугун «икки кутбли мафкура» ўргасидаги курашга барҳам берилган бўлсада, аммо дунёда мафкуравий курашлар тўхтаб қолгани йўк. Аксинча, жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар турли йўллар билан содир бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон мустакилликни кўлга киритганидан кейин мафкура соҳасида хаёт осонликча кечмади. Миллий истиклол ғоясига зид бўлган ёт ва бегона ғоялар кириб келишга ва ёшларимиз онгини эгаллашга, уларни мамлакатимизда белгиланган улуг мақсадларни амалга оширишга қарама-қарши кўйишга уринишлар бўлганлигининг гувоҳимиз. Бундай харакатларнинг тарафдорлари ўзларини «дўст», «миллатдош», «ватандош», «диндош» этиб кўрсатиш никоби билан ўз ғояларини амалга оширишга уринидилар. Натижада, ҳақиқий қадриятларимизга зид бўлган турли хил оқимлар аҳоли, айниқса ёшлар онгини эгаллашга ҳаракат килди.

Жаҳон геосиёсатида ҳалқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе этишга интилиш ва дунёни шундай асосда бўлиб олишга уринишлар давом этмоқда. Бунинг учун улар ҳозирги замон оммавий аҳборот воситалари, уларнинг ютукларидан, ҳамда турли хил марказлар, айни пайтда ўзаро ҳамкорликка йўналтирилган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан фойдаланиш орқали дунёнинг турли ҳудудларида ўзларига мос мафкуравий мухитни шакллантириш мақсадларини ҳам кўзламоқдалар.

Бугунги кунда Марказий Осиёдаги минтақавий муаммоларни бартараф этиш ва уни сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишда «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» мухим аҳамиятга эга. Аслида бу ташкилот 1996 йилда Шанхайдага «Шанхай бешлиги» номи билан ташкил топган (дастлаб Қозогистон, Қирғизистон, Хитой, Россия ва Тожикистон кирган эди).

**«Шанхай ҳамкорлик ташкилоти»:** 2001 йил 15 июндан бошлаб.

«Шанхай бешлиги». 2001 йил 14-15 июнь кунлари Шанхай саммити бўлиб ўтди. Ҳарбий соҳада ҳамда чегара туманларида қуролли кучларни кискартириш борасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш мақсадида «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти»га асос солинган эди.

Бугун иктисадий-ижтимоий, сиёсий масалаларда хавфсизликни таъминлашда кенг ҳамкорликка йўл очадиган ташкилотга айланди.

«Биз, - дейди Президентимиз Ислом Каримов, - Шанхай ташкилотини тинчлик ва баркарорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, биринчи навбатда, ҳалқаро террорчилик, диний экстремизм, миллий айрмачилик ва наркобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хатарга қарши пухта ўйланган ва самарали курашга йўналтирилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми деб биламиз».

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига ана шу 2001 йил 15 июняда Ўзбекистон ҳам кирди. Бу ташкилот аъзолари орасида БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш Россия ва Хитой борлиги билан зътиборга молик.

Бу ташкилот олдида турган долзарб муаммолар:

1) Афғонистон можароси, бу ердаги хунрезлик тугамас экан, таҳдид сакланиб қолаверади. Натижада ўз-ўзидан янгидан-янги муаммолар келиб чикаверади.

2) Террор, экстремизм, айрмачилик ва наркобизнес бир-биридан айрим муаммолар эмаслиги яхши маълум. Наркотик савдолар моддалар савдосидан келган миллиард долларлар эвазига қўпорувчилар ёлланмоқда. Унга қарши баҳамжихат курашилмаса, натижа кутилганидек бўлмайди.

Демак, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилди, тузиш тўғрисида Деклорация қабул қилинди, ва террорчилик, айрмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги Шанхай конвенцияси имзоланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги учрашувини 2002 йилда Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилиши белгиланди.

Шанхай саммити доирасида Ўзбекистон, Киргизистон ва Козоғистон ўртасида чегаралар туташуви тўғрисида З томонлама битим имзоланди.

Шанхай ҳамкорлик Кенгаши томонидан 2001 йил 15 июняда имзоланган «Ҳалқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш ҳакида»ги Конвенция ҳам терроризмнинг сиёсий аҳамият касб эттаётланлигини кўрсатади.

2001 йил 15 июняда Хитойнинг Шанхай шаҳрида 6 мамлакат раҳбари ШХТни тузиш тўғрисидаги деклорацияга имзо чекди. Унинг доимий ишловчи икки органи - Котибият ва Минтақавий аксили террор тузилмасини ташкил этишга келишиб олинди. Таъсис ҳужжати - Хартия (Низом) 2002 йил 7 июнь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинди. Шу тарика ташкилот ҳалқаро юридик макомга эга бўлди. 2003 йил 29 май куни бўлган Москва саммитида 2004 йил январидан

Пекинда Котибиятни, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасини ишга туширишга карор килинди. Булардан ташқари, 2003 йил сентябрда хукумат раҳбарлари кенгаши қарори билан савдо-иктисодий соҳада кўп томонлама ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

ШХТ доирасида аъзо мамлакатларининг ташки сиёsat маҳкамалари, иктиносидиёт ва савдо вазирликлари ўтасида мунтазам мулокотлар ўтказилмоқда. Тошкент саммити арафасида (2004 йил 17 июнь) ҳам бу идоралар раҳбарларининг учрашувлари ташкил этилди.

2004 йил 17 июнь куни Тошкентда (Пойтактнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида) Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШХТ) саммити бўлиб ўтди. Бу Тошкент учрашувида кўрилган масалалар орасида ШХТ фаолиятининг 2 асосий йўналиши: ҳавфсизлик ва савдо-иктисодий ҳамкорлик муаммолари музокараларнинг бош мавзуси бўлди. Қатнашчилар Мӯғилистон Президенти Нацагийн Багабанддининг мурожаатини кўриб чиқиб, ушбу мамлакатни ташкилотга кузатувчи мақомида қабул қилишга карор қилдилар. Тошкент учрашувида Афғонистондаги вазият ҳам анжуман кун тартибидан ўрин олди. Илгари Афғонистон муаммоларини ечишда Афғонистоннинг ўзи катнашмас ва бунга мухим аҳамият берилмасди. Бунга сабаб илгари Афғонистонда марказий ҳокимият йўқ эди, мамлакат бўлинган эди. Тошкент учрашувига Афғонистон Мувакқат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай меҳмон сифатида таклиф этилди. Шу боисдан ҳам Тошкент саммитида Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай ва Мӯғилистон Президентининг вакили, мамлакат ташки ишлар вазири Лувсангийн Эрдэнэчулуун катнашди.

Дунёда ядровий, кимёвий, биологик, электрон террорчилик ҳавфи пайдо бўлди. Шуларни ҳисобга олганда ШХТ эгаллаган минтақада таҳдидларнинг олдини олиш учун бир тизим, умумий механизм ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Тошкентда очилган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталарининг, маҳсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юкланган. Президент Ислом Каримов томонидан террор ва норкобизнес учун «транзит давлат» тушунчасининг ўзи йўклиги кайд этилди.

ШХТ саммитида кўрилган 2-масала савдо-иктисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ. Иктиносидий ҳамкорликда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал ҳом ашё заҳираларини ўзлаштириш, сув-энергетика заҳираларидан унумли

фойдаланиш, экологияга оид масалалар, хусусан, ичимлик суви муаммоларини ҳал қилиш каби долзарб масалалар бор.

Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда умумий бозор яратиш тўғрисидаги таклифи ШХТ саммитида яна бир бор эълон килинди. «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти тузилган минтақамиз мамлакатларининг бу максадга эришишида Россия ва Хитойдек қурдатли давлатлар билан ШХТ доирасида ҳамкорликни чукурлаштириш мухим аҳамиятга эга. Ҳозир Хитой йўналиши, Афғонистон оркали Форс кўрфази бандаргоҳларига чиқадиган йўналиш бўйича лойиҳалар ўрганилмоқда. Хитой томони иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун 900 миллион АҚШ доллари кредит ажратишини баён этди.

Тошкент саммитида (17.06.2004) 1) ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича Тошкент деклорацияси, 2) ШХТ ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, 3) Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига карни курашда ҳамкорлик тўғрисида битим, 4) ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир қатор ҳужжатлар имзоланди («Маърифат», 2004 йил, 19 июнь).

Хуллас, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш билан боғлик бўлган муаммоларни ҳал этиш минтақадаги барча мамлакатларниң истиқболини ҳам бир қадар белгилаб беради. Шунинг билан бирга бу - минтақада яшаётган ҳалқларнинг азалий кон-кариндошлиги, ҳамкорлиги ва маънавий - руҳий яқинлигини мустаҳкамлашда ҳам ўта мухим аҳамиятга молик масала бўлиб қолаверади. Ҳудди шунингдек, минтақа қарши қаратилган мафкуравий таъсирларга қарши курашни кучайтиришда умуммintaқавий бирликни мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳам ошиб бораверади.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов 2010 йилнинг 28 январида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруzasида “Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқалдас заминимизда ҳукм сурәётган тинч-осойишта ҳаётни саклаш каби бири-биридан масъулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни

канчалик мұваффакият билан ҳал этишимизга боғлиқдір”<sup>31</sup> – деб таъкидләди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мустақиллікни илк дамлариданок мазкур муаммони ўта жиддийлигини жуда күп slab нуфузли халқаро ташкилотлар доирасидаги йиғилишларда алохода кайд этиб, бу масала юзасидан жаҳон ҳамжамиятининг ҳамкорлигигида ҳал этилишини эътироф этган. 1995 йил 15 октябрда Тошкентда «Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик» масалаларига бағишиланган семинарда Президенттимиз Ислом Каримов томонидан «Оламшумул хавфсизлик ва умумий тараққиёттага эришиш минтақавий баркарорликни ўрнатиш ва бир-бирини англашга болгик...»<sup>32</sup> ва «...минтақавий можаролар ҳал қилинmas экан, Марказий Осиёдаги давлатларнинг бирортаси ўзини хавфдан холи деб ҳисобламайды ва ишонч билан олға бора олмайди»<sup>33</sup>, - деб минтақадаги хавфсизлик нафакат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг барча давлатлари учун зарурлиги ва улар ташқи сиёсатининг асосий вазифаси эканлигини таъкидләнди. Бу фикр билан мамлакаттимиз ташқи сиёсати тинчликтарвар сиёсат эканлығы дүнё ҳамжамиятига яна бир бор күрсатиб берилди.

<sup>31</sup> Каримов И.А. Мамлакаттимизни модернизация килип ва кучли фукаролик жамияғи барпо этиш – устувор максадимиздір. Президент Ислом Каримовининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг құшма мажлисیدеги матерузаси // Халқ сүзи, 28.01.2010.

<sup>32</sup> Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –Б. 33.

<sup>33</sup> Ўша манба. –Б. 25 -26.

**Инсон хотираси – бокий, қадр-киммати – улуг  
09.05.2012**

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9-май – Хотира ва кадрлар куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Хотира – аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Президентимиз томонидан истиқлоннинг илк йилларидан эл-юртимиз тақдирига даҳлдор тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуглаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилаётган эътибор халқимизнинг ана шундай ўлмас қадриятлари, бебаҳо маънавий фазилатларини намоён этиб келмокда.

Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатап, оловли майдонларда ўз юртининг тинчлиги ва озодлиги, оиласи, фарзандларининг хотиржамлиги учун курашган инсонлар мудом халқимиз ардоғида. Беаёв жангларда жон фидо килган боболаримиз хотираси қалбларимизда абадий яшайди. Бугун орамизда яшаётган 6 минг 600 нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларига давлатимиз томонидан ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 18 апрелда кабул килинган “Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ти фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёркин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофик барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш катнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари топширилди.

2012 йил, 9 май.

Пойтахтимиздаги табаррук масканлардан бири – Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар, депутатлар ва харбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусика таралади.

Соат 9.00. Майдонга Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар кўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо килган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди:

– Бугун мамлакатимизда буюк тарихий сана, яъни Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонилган куннинг 67 йиллиги нишонланмоқда. – Пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлокларимизда ҳалқимиз Хотира ва қадрлаш кунига бағишиланган маросимларни бажо келтирмоқда. Аввало ана шу аёвсиз урушда катнашганлар, жанг майдонларидан кайтмаган барча юртдошларимиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилмоқда.

Бугун сафимизда эсон-омон, бардам бўлиб, барчамизга маънавий мадад бериб, ибрат булаётган уруш қатнашчиларини чин қалбимдан табриклиш, уларга узоқ умр тилаб, ўзимнинг самимий хурматимни билдириш менга катта мамнуният багишлади, деди давлатимиз раҳбари.

Агар ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион юртдошларимиз катнашганини, шулардан таҳминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ўша пайтдаги хонадонларнинг биронтасини бу фожиа четлаб ўтмагани аён бўлади. Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин ҳалқимизнинг кўксидаги, калбидаги мудҳиши уруш азоб-уқубатлари, айрилик яраси ҳеч качон унүтилмайди.

Барчамизнинг ишончимиз комил: фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, ҳалқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яратгандан сўрайди, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш ҳалқимиз учун зинг муқаддас фазилат бўлиб келган. Бундай одат миллий қадриятимизга айланиб, кон-қонимиз, суяқ-суягимизга сингиб кетган. Ушбу қадрият ҳалқимизнинг ўзига хос, бошқалардан ажralиб турадиган ноёб фазилатидир. Шунинг учун ҳам 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини биз катта байрам сифатида нишонлаймиз. Ҳакикатан ҳам, жаҳон тарихида даҳшатли из қолдирган, собик Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, ҳалқимизга қанча азоб-уқубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим қолишига сабаб бўлган бу ёвуз оғатнинг ҳаётимизда қолдирган изи, асорати ҳар қанча вакт ўтса-да, ҳеч качон эскирмайди, унүтилмайди.

Президентимиз бундай мудҳиши ва аёвсиз урушнинг яна такрорланмаслиги учун унинг олдини олиш, илдизи билан йўқ қилиш

ҳозирги вактда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб колаётганини таъкидлади.

Дунёнинг кўплаб минтақаларида бугун давом этаётган қарама-каршиликлар, куролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезгир ва огох бўлиб яшашимизни талаб килади. Кўшни Афғонистонда бундан 30 йил мукаддам бошланган нотинчликнинг ҳали-бери охири кўринмаяти.

Бу нафакат Ўзбекистон учун, ҳалқимиз учун, умуман минтақамизда яшаетган барча одамлар учун катта хавф-хатардир. Ўз юрти, оиласи, фарзандларининг келажагини ўйладиган ҳар бир инсонни бу ташвишга солиши табиий. Ҳалқимизда “Кўшнинг тинч – сен тинч” деган мақол бежизга айтилмаган, деди Ислом Каримов.

Бугун фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил тўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган оғат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш кутишмаган оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар. Такрор айтишга тўғри келади: бундай таҳдидларни ўз вақтида сезиш, уларнинг ёвуз балпаратасини очиб бериш бугунги замоннинг талаби. Шулар ҳакида гапирап экан, Президентимиз бундай оғатларнинг олдини олиш, бартараф қилиш ўйлида яна бир муҳим масалага жамоатчилик эътиборини жалб қилиш зарурлигини кайд этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз эришаётган, дунё тан олаётган мэрралар ҳакида сўз юритганда, уларга замин бўлган кўпгина сабабларни келтириш мумкин. Лекин ҳалқимиз кўлга киритган бу натижаларнинг негизида турган асосий омил – буни бугун хеч кимга тушунтириб беришнинг хожати йўқ, деб ўйлайман – мустақилик даврида одамларимизнинг дунёкараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яқкол намоён бўлмокда, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Бир сўз билан айтганда, ҳалқимизнинг мустакил фикрлари, мальянавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча-барча ютукларимизнинг пойдеворига, куч-куватимиз манбаига айланётганини сезиш, кўриш қўйин эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютукларнинг негизида аввало инсон омили мужассам. Истиклолимизнинг 21 йиллигини нишонлаш арафасила турибмиз. Тарихан шу киска даврда мустакил Ватанимизда ҳалқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, инсон омили туфайли кўлга

киригайтган ютуқларимизни бугун дунё тан олмокда, күплаб мамлакатлар бизга ҳавас билан қарамоқда. Якинда пойтахтимизда энг муҳим соҳалар – соглиқни сақлаш ва таълим соҳаларига бағишилаб ўтказилган ҳалқаро анжуманларда ҳам бу ўзининг якъол тасдиғини топди.

“2012 йилни Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилганимизнинг замирида ҳам мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлиги, ҳар бир инсоннинг ўз ҳалқи, оиласи, Ватани тақдирига даҳлдор бўлиб яшаши каби эзгу мақсадлар мужассам, деди давлатимиз раҳбари. Ана шундай омиллар туфайли юртимизда тинчлик ва баркарорлик мустаҳкамланиб, кўп миллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тобора кенг қарор топаётгани ҳаётимизда асосий ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини таъкидлаш ўринлидир.

Президентимиз бугунги тинч-осойишта кунларнинг кадрига етиш, мустақилигимизни мустаҳкамлап масалалари ҳақида тўхталар экан, ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб, англаб етиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Чунки эртанги кун ёшлар кўлида. Ҳал қилувчи куч сифатида кириб келаётган ёшларни кўллаб-кувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим. Мустақилигимиз тарихини ўрганишда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби барчамиз учун ишончли манба ва муҳим амалий кўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Шу маънода, бугун нишонланаётган Хотира ва кадрларни маросимининг маъно-мазмуни, яъни ўтганиарни эслаш, ҳаёт бўлганларни кадрлаш, Ватанинни ҳимоя килиш, уни дахлизиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгу тафаккурита сингдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодимиз деб, отабоболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусаффо осмонни, она юртимизни биз асрарасак, ким асрайди, деган эътиқод билан яшashi, ҳеч шубҳасиз, бугунги эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга, деди Ислом Каримов.

Буларнинг барчаси бизнинг кучимизга куч, қурдатимизга қурдат кўшиши, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлапни табиийдир. Пировардида Президентимиз бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиз ҳақида алоҳида тўхталди. Аввало дунёда, узок-яқин минтақаларда юз берабер юнга-ходисаларга бепарво, локайд бўлмасдан, бошқаларнинг дардини ўзимизга яқин олиб, доимо огоҳ, сергак ва хушёр бўлиб, ҳалқ ва Ватани тақдирига даҳлдорлик тўйғуси билан яшшимиз зарур. Айни вактда миллий армиямизни, ҳалқимизнинг

тинч-осуда ҳаёти химоясида посбон бўлиб турган Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш, мухтасар айтганда, миллий армиямиз том маънода ҳалкимизнинг ғурур-ифтихорига айланиши учун ҳисса кўшиш – барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак. Биз доимо ўз имкониятларимиз, куч-қудратимизга таяниб-суюниб яшаганмиз ва келажакда ҳам шундай бўлажак, албатта.

Биз ўз олдимизга ота-боболаримиз орзу қилган, керак бўлса, жонини ҳам аямаган улуғ мақсадни, яъни Ўзбекистонимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасига эришиши ва буюк давлат куриш вазифасини кўйганимиз. Ана шу йўлда Яратгандан ҳалкимизни, Ватанимизни ёмон кўзлардан саклашда ўзи мададкор бўлишини сўраймиз. Биз ўзимизнинг эзгу максадларимизга албатта эришамиз, деди Ислом Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пойи шу куни анвойи гулларга бурканди. Муаззам майдон оқиломга қадар юрг тинчлиги ва озодлиги, авлодларниң порлоқ истиқболи учун жон фидо қилган ватандошлиаримиз хотирасига хурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

Манба: [http://press-service.uz/uz/news/show/main/pamvat\\_o\\_cheloveke\\_vezhna\\_ego\\_chest\\_i\\_d/](http://press-service.uz/uz/news/show/main/pamvat_o_cheloveke_vezhna_ego_chest_i_d/)

## **Замонавий бошқарувда ютукка эришиш йўллари**

«Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси – деб, таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов, ҳайтимизнинг барча соҳаларида, айникса, бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармок ва бўғинларни идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир».

Бозор иқтисодиётида турли мулкчиликка асосланган минглаб корхоналар фаолиятини тасаввурга сиздириш қийин эмас. Корхоналар фаолиятини у ёки бу даражадаги бошқарувини ташкил этиш, шу корхона раҳбарининг бошқарув қобилиятига боғлиқ. Унинг қобилияти эса менежмент соҳасидаги билимларни қанчалик даражада эгалланганлиги билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан менежмент сўзи бизнинг ҳайтимизда бозор иқтисодиёти билан боғлиқ кириб келган сўзлар каторидан жой олди.

Хар бир ишчининг ижодий фаоллиги, содиклиги ва малакасини ошириш туфайли кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва техника-технология базасини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш йўли билан фирма фаолиятида даромад олиш ёки фойда кўришни таъминлаш менежмент фанининг туб мақсадини билдиради. Шунингдек, фирмани муваффақиятли бошқариш, бизнесда ички ва ташки мұхит таъсирига хос раҳбарликни олиб бориш, ташкилотдаги келишмовчилик масалаларини ҳал этиш ҳам менежмент фанининг ана шундай мақсадларидандир.

Моддий ва инсон ресурсларига эга бўлган ҳолда, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, хизмат кўрсатиш ва товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда бозор мухитида корхона фаолиятининг рентабеллигини ва унинг барқарор ҳолатини таъминлаш менежментнинг энг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Менежер - бу маҳсус тайёргарлик кўрган, бошқарув санъатини эгаллаган, тадбиркорлик қобилиятини ишга тушура оладиган малакали мутахассис. Улар ёлланма бошқарувчилар бўлиб, аҳолининг алоҳида ижтимоий катламини ташкил этади

А.Фаоль фикрига кўра «бошқариш – бу аввалдан кўра билиш, ташкил этиш, идора килиш, мувофиқлаштириш, назорат килишдир». Олимнинг бу фикри 1923 йилга тегишли бўлиб, бу даврда бошқариш назариясига кўшган асосий хиссаси шундан иборат эдик, у бошқаришни универсал жараён сифатида кўриб чиқкан. Унинг айтишича,

бу жараён режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш каби ўзаро бир-бирига функцияларни ўз ичига олади.

Маъмурий менежментнинг кўзга кўринган намояндаларидан бири Макс Вебер (1864-1920) ҳам ташкилотни бошқариш тизимини оқилона ташкил этиш бўйича изланишлар олиб борди. У бошқаришнинг иерархияга оид тамойилларига алоҳида эътибор берган.

Бу мактаб намояндалари ташкил этишнинг умумий хусусияти ва конунгиятларини аниқлашга урининган. Уларнинг максади икки жиҳатта эга бўлган бошқаришнинг универсал (ҳар томонлама) тамойилларини яратишдан иборат эди. Биринчиси – ташкилотни бошқариш тизимини тўғри йўлга кўйишдир. Бу мактаб намояндалари бизнесни асосий функцияларини аниқлаш билан бирга, ташкилотни бўлимларга ажратиш - энг яхши усуllibардан эканлигига аниқ ишонганд. Бундай функциялар категорида улар молия, ишлаб чиқариш ва маркетингни ҳисобга олишган. Икки жиҳат – ишчиларни бошқариш ва корхонанинг ташкилий тузилишини тўғри белгилашдир. Бунга якка бошлилик тамойили мисол бўла олади. Бу тамойилга кўра одамлар факат биргина раҳбарга бўйсунадилар.

1880 йилда Ф.Тейлор менежмент соҳасидаги изланишларини бошлаган даврда инсон ҳакида фикр юритиб: инсон – бу «ақл-идрокли жонзор», у ўзининг иқтисодий даромадларини максималлаштириш ҳакида ўйлайди, деб кайд этади.

Мазкур мактаб фаолиятининг асосий йўналишлари:

- бошқарища инсоний саъй-ҳаракатлар ва муносабатлар ҳакидағи илмий қарашларни қўллаш:
- меҳнат мотивация тизимини ишлаб чиқиш.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугунги кунда инсоний муносабатлар мактабининг давомчилари сифатида инсоний саъй-ҳаракатлар мактаби шаклланди. Аммо бу мактаб намояндаларининг илмий қарашлари инсоний муносабатлар мактабидан сезиларли фарқ қиласи. Инсоний саъй-ҳаракатлар мактаби намояндаларининг асосий мақсади, инсон ресурслари самарадорлигини ошириш ҳисобига, ташкилий самарадорликни оширишдир.

Инглизча «менежмент» сўзи, бошқарув деган маънони англатса-да, дастлаб асов отларни тушовлаш маъносини билдирган. Кейинчалик бу атама икки гилдиракли аравага нисбатан қўлланила бошланган. Бугунги кунда эса гап одамларни, жамоаларни бошқариш хусусида боряпти. Бу ўринда одамлар меҳнати, хоҳиш иродасидан фойдаланиб мўлжалдаги мақсадларга эришиш тушунилади. Лекин менежментни факат одамларни бошқариш жараёни деб

тушунмаслик керак. Инглиз тилида «Менежмент» сўзининг маъноси нихоятда мураккаб. Инглиз тилининг фундаментал Оксфорд лугатида бу сўзнинг қўйидаги талқинларини учратиш мумкин:

1. одамлар билан муомала килиш усули, тарзи;
2. ҳокимият ва бошқарув санъати;
3. ишбилармонликнинг ўзига хос тури;
4. маъмурӣ вазифа.

Шундай қилиб, «Менежмент» атамаси қўйидаги маъноларни англатади:

- \* бошқарув;
- \* инсон органидаги билимлар соҳаси;
- \* бошқарувни амалга оширганларнинг ижтимоий қатлами.

Иктисодиётни бошқариш - бу муайян доирада ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва фирмаларни бошқариш тушуниладики, бунда меҳнат жамоаси, персонал (ходимлар) ва ишчиларни бошқариш ўзига хос муҳимликни билдиради. Иктисодиётни бошқаришнинг ана шундай муҳим қисми менежмент соҳаси билан боғлиқ.

### Юқори фойда олишнинг уч шарти

1. Ҳаражат - бу маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, товарни сотиш ва ходимларга тўлаш учун сарфланадиган маблағлардир. Унинг таркибига:

- маҳсулот (ёки хизмат) таннархи,
- маъмурӣ ҳаражатлар,
- ижара ва фоиз тўловлари,
- иш ҳаки,
- соликлар киради.

2. Наф - бу маҳсулот ёки хизматларнинг истеъмолчиларга қанчалик даражада ижобий натижка келтиришидир. Ҳаридорниг ҳарид қилип аниқлти товарнинг нафлийлик даражасининг қанчалик юқорилигидан келиб чиқади.

3. Баҳо - бу товар ва хизматларнинг пулда ифодаланган кийматидир. Баҳо иккита асосий вазифани бажаради:

- ресурслар истеъмолини чеклаш имконини беради;
- ишлаб чиқариш учун туртки бўлиб хизмат қиласи.

Фойдага таъсир этувчи бу уч омилнинг моҳиятини тушунган бошқарувчигини танловни тўғри амалга ошириши ва ишчан қарорни қабул қила олиши мумкин. Менежер ҳаражатларни минималлаштиришга, маҳсулотнинг нафлийлик даражасини белгилаш билан бирга унинг баҳосини тўғри белгилапи лозим.

## **Менежмент фанидаги асосий түшүнчталар**

Менежмент фан сифатида ўрганилар экан, унинг обьекти доирасыда күпроқ учрайдиган ўзига хос иктисадий түшүнчталар атамалар мавжуд. Күйида уларни көнгрөк ёритишга ҳаракат киламиз.

**Ишлаб чиқариш омиллари** – турли иктисадчи олимлар томонидан турлича талқын килиб келинган. Ҳозирги ғарб мамлакатларида ийрик иктисадчилар томонидан ишлаб чиқариш омилларини түртта (ер, капитал, мәжнат ва тадбиркорлик қобиляти) деб юритилмокда.

**Ишлаб чиқаришни ташкил этиш** – бу ишлаб чиқаришда самарадорликни ва фойданы ошириш мақсадида инсон мәжнати ва моддий элементларнинг бирикіш тартиби ва шақлинин таъминловчи коidalар, жараёнлар ва хатти-харакатлар йигиндисидир.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш омилларидан накадар фойдаланилганлыгини намоён этади ҳамда маҳсулот яратиш билан боғлик жараённин акс эттиради.

**Режалаштириш** – мақсадга эришиш йўлида амалга оширилиши зарур бўлган муайян бир йўналиш. Режалаштириш - корхонанинг барча бўлимларидаги мақсадлар яқдиллигини таъминлайди. Корхона доимий равишда турли хил ва ўзгарувчан ташки муҳит таъсирида бўлади. Шунинг учун режалаштириш – бу узлуксиз жараён ҳисобланиб, ташки муҳитнинг ўзгариши натижасида белгиланган режага ўзgartириш киритип эҳтимоли ҳам юзага келиши табиий.

**Логистика** – корхонада моддий ва ахборот оқимларини бошқариш мақсадида йўналтирилган коidalар ва услублар йигиндиси.

**Операцияларни тадқиқ этиш** – бу инсон ва техника тизимида бошқариш муаммоларини ҳал этиш услублари бўлиб, бирон бир натижа олишга йўналтирилган бўлади.

**Раҳбарликнинг асосий қонун-коidalари (принципи)** – қарорлар кабул килиш ва фаолият кўрсатишнинг умумий тавсияларидан иборат бўлади.

**Раҳбарликдаги расмийлик** – аник вазиятда қўлланилиши керак бўлган хатти-харакатлар тавсифи.

**Раҳбарлик коидаси** – ўзига хос вазиятларда амалга оширилиши (қўлланилиши) керак бўлган аник тавсиялар

**Мотивлаштириш** – бу кишилар фаолиятини руҳий йўллар билан мақсадга мувофиқ йўналтириш. У муайян эҳтиёжни кондириш билан боғлик. Эҳтиёж эса сабабларда намоён бўлади. Бу түшүнчча инсон омили билан чамбарчас боғлик.

**Назорат** – иш натижаларини баҳолаш ва ўлчаш бўйича фаолият олиб бориш. Белгиланган иш ёки вазифани охирига етказиш ва бу тўғрида хулоса чикариш учун назорат қилиш зарурияти туғилади. Назорат туфайли инкирозли вазиятларни келиб чиқишига сабабчи омилларга бархам беруборилади.

### **«Тадбиркорлик», «бизнес» ва «менежер» тушунчалари мазмуни ва уларнинг моҳияти**

**Тадбиркорлик** - фойда ва мағфаат олиш мақсадида муайян таваккалчилик асосида янгиликларни жорий этиш иштиёқидаги ишчанлик фаолиятдир. Тадбиркорлик жисмоний ва юридик шахслар томонидан мустакил хўжалик юритишнинг алоҳида бир тўрини акс эттирувчи фаолият. Тадбиркорликда таваккалчилик шахсан тадбиркор томонидан амалга оширилади. Бизнесни ташкил этишдан бошлаб, унинг якуний натижаларигача барча иктисодий жараёнларда тадбиркор муайян жавобгарликни хис этиб фаолият кўрсатади. Тадбиркор учун энг зарур нарса вакт бўлиб, ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қиласди. Тадбиркор кўйилдаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- фаолият доирасида касбий билимга;
- маълум даражада бошқаришни билиш ва маркетинг ҳамда ишлаб чикариш фаолиятида тажрибага;
- ўз фаолияти, бозор ҳолати, жалб қилинадиган ресурслар ва молиявий воситаларни баҳолаш кобилиятига;
- иктиносидий тафаккур, билимдонлик, иш маданияти, амалий тажриба ва кўникмаларга;
- ишлаб чикаришни ташкил килиш қобилияти ва фойда олиш, мақсадга эришиш учун таваккалчиликдан қўрқмай ҳаракат килишга;
- бозор имконияти ва новаторлик гояларини таҳлил килиш, фойдаланиш қобилиятига.

**Бизнес** - бу даромад олиш мақсадида пул билан амалга ошириладиган ишчанлик фаоллигидир, яъни бозорда унинг иктиносидий субъектлари орасида хизматлар ва товар айирбошлиш билан боғлик масалани ечишга йўналтирилган фаол ишчанлик машғулотидир. Бизнес тадбиркорликка нисбатан кенг маъноларда ишлатилганлиги туфайли тадбиркорлик фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Бизнес билан шутулланган кишиларни бизнесмен деб атайдилар. Баъзан менежер, тадбиркор, дилер, маклер, брокер, коммерсантларнинг муайян фаолиятини умумлаштириб бизнесмен деб аташ ҳам мумкин. Аммо бу терминларнинг ҳар бирининг ўзига яраша функцияси мавжуд

бўлганилиги туфайли уларни бири-биридан фарқлай билиш керак.

Менежер - бу маҳсус тайёргарлик кўрган, бошқарув санъатини эгаллаган, тадбиркорлик кобилиятини ишга тушура оладиган малакали мутахассис. Улар ёлланма бошқарувчилар бўлиб, аҳолининг алоҳида ижтимоий қатламини ташкил этади.

### **Замонавий менежментнинг шаклланиши**

Менежмент бир илм соҳаси сифатида фанлараро тармок бўлиб, унда иқтисод, социология, психология, ҳуқук, техник ва бошқа фанларда эршилган ютуклар, шунингдек, бошқарув санъати тажрибалари ўз ифодасини топади. Ўзбекистонда шаклланаётган замонавий менежмент - бу комплекс равишдаги инновация фани бўлиб, у бозор иқтисодиётининг шаклланиши, тадбиркорликнинг ривожланиши, муайян шарт-шароитлар ва рақобатта лаёкатлиликнинг яратилиши, иқтисодий эркинлик ҳамда масъулият асосида жисмоний ҳамда ҳуқукий шакллар фаолиятини жонлантириш учун кулай замин яратилиш билан бир вактда дунёга келмоқда.

Менежмент ривожланиши секинлаштирувчи ёки тезлаштирувчи муайян объектив тамойиллар, шунингдек, унинг муайян потенциали ва ўзгариш динамикаси билан характерланади. Шунинг учун ҳам объектив тенденцияларни ўз вактида аниклаб, улардан бошқарув жараёнида мохирона фойдаланиш керак. Потенциал ва фойдаланилаётган ресурслар, имкониятлар (моддий, молиявий, ишлаб чиқариш, меҳнат, ахборот, ташкилий) ва хажми билан белгиланади.

Менежер қўйидаги фазилатларга эга бўлиши керак:

- билимга ташвалик, профессионализм, новаторлик, ишга ижодий ёндашиш;
- катъийлик, ўзига ишонч ва ишга фидоийлик;
- янгича фикрлаш, топкирлик, ташаббускорлик ва ғояларни ҳаётга татбик эта олиш кобилияти;
- одамларга руҳий таъсир кўрсата олиш салоҳияти;
- хиссиятга берилмаслик ва руҳий зарбаларга чидаш;
- очик кўнгиллилик, тадбиркорлик ва юз бераётган ўзгаришларга осон мослашиш;
- вазиятни бошқара олиш ва корпоратив тузилмаларда шахсга хос гайрат-шилоат кўрсатиш;
- ўзини-ўзи ўстиришга ва ўзини сафарбар этишга ички эҳтиёж сезиш;
- серғайрат ва бардошли бўлиш;

- ўзини мұваффакиятлы қимоя қилишга мойиллик ва самарали хужумға ўта олиш;

- ўз иши ва кабул қилинган қарорлар учун масъулиятни хис этиш;
- жамоада ва жамоа билан ишлашга ўзіда әхтиёж сезиш;

Чет әл бошқарувда «менежмент» түшпүнчеси күпинча «бизнес» түшпүнчеси билан өнма-ён юради. Бизнес фаолият сифатыда муайян бир маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, хизмат күрсатылған оркали фойда олишга, шүнгіндең, самарали ишлеш учун зарур шарт-шароитларни яратышга каратылғандыр.

**Замонавий менежмент тамойиллари.** Амалиёт тажриба бошқарувнинг анъанавий тұрачылық тамойиллари ўрнига замонавий менежмент назариясининг тизимли принципларини ишлаб чиқды. Уларга күйидагилар киради:

- тизимнинг ўзини-ўзи ташкил құлувчи ва ўзини-ўзи бошқарувчи инновация унсурларини шақыллантириш ва ривожлантириш динамизми;

- вертикал түзилмеларни децентрализация қилиш ва мақсадлы фаолиятни таъминловчы горизонтал алоқаларни күчайтириш;

- ижобий ва салбий оғишиларга ўз вактида, тез зътибор берип;

- фирмада биргалиқдаги ҳаракатлар ташкил қилиш борасыда күрілған тадбирларни тижорий ва функционал натижаларға, эришишга ёрдам берәйттән, қам самарали ишлеші гов бүлаёттән омилларға баҳо берип.

- замон ва маконда фаолиятни бошқарып, одамларни (персонални) бошқариш, ишлаб чиқаришни янгилаш учун ташкилотдан ташкири алоқаларни бошқарып усууллари ва жараёнларини синтез қилиш оркали уларни самарали бирлаштыриш.

**Илм ва махорат.** Замонавий менежерге бутун дүнёда самарали, инновацион раҳбар деб каралади, уннинг ютуклари күйидагилардан ташкил топады:

**етакчи + ұкуқ + иш услуги + мансаб**

Бунинг учун менежер бозор иктисодиёти конуниятлари ва тамойилларини, замонавий менежер назарияси ва амалиётини, менежмент тизимида одамларнинг бир мақсад йўлидаги хулк-атвори, юриш-туриши тарзини асослаш шақыларини ва услугаларини бошқаришнинг замонавий парадигмаларини, бозор тузумларини лойиҳалашга системали ёндашишни, бозор тузулмаси фаолияти натижаларини комплекс равишда таҳлил этиш усуулларини билиш керак. Менежер амалдаги конунларни ва менежментни миллий иктисодиётнинг

турли соҳаларида ҳамда фаолият доирасида қонуний равишида тартибга солиб туришни билиши керак.

**Ахлок мөъёrlари.** Этика одамларнинг тўғри ва нотўғри хулк-автори, юриш-туришини белгиловчи тамойилларни ифода этади. Менежмент ва тадбиркорлик одоби хулк-автор муқобилларининг кенг спектрини ўз ичига олади.

Бунга менежер, тадбиркор ва бизнесменнинг максад ниятлари ҳам, уларга эришишда фойдаланадиган воситалари ҳам киради.

«Этика» сўзи юон тилидан келиб чиккан бўлиб, таржимада одат, таомиллар, хулк-автор коидалари деган маънони англатади. Этика назарий ёки фалсафий, амалий этикага бўлинади.

Амалий этика энг кадимий назарий фанлардан бўлиб, унинг ўрганиш обьекти одоб-ахлоқdir. Амалий ёки мөъёрий бўлсин, этика ахлокий тамойиллар, аъмоллар ва мөъёлларни асослаб беради.

Иктисодиётта тадбикан асосий ахлокий мөъёлларни кўриб чикамиз:

- энг юкори унумдорлик ва фойдага, теварак-атрофиа зарар етказилип хисобига эришилмаслиги керак;

- ракобат ҳалол йўллар билан амалга оширилиши, яъни бозор қонун-коидаларига катъий амал килиши лозим;

- меҳнат билан яратилган неъматлар жамиятнинг табақаланишига йўл кўймайдиган килиб таҳсиланиши керак;

- инсон техникага эмас, техника инсонга хизмат қилиши керак;

- ишловчиларнинг корпорация ишларида оқилона иштирок этиши нафакат янада яхширок меҳнат килиш истагини кучайтиради, балки масъулият хиссини ҳам оширади;

- иктисол диндан фарқи улароқ ахлок-одоб мөъёлларига эмас, моддий неъматларни таксимлашга каратилган бўлади, У амалдаги ахлок-одоб мөъёлларига бўйсениши керак.

Менежер ўз ҳамкаслари билан бўладиган иш фаолиятида умумтомондан қабул килинган коида ва мөъёлларга амал қиласди: ҳалол ракобат усууларидан фойдаланиш; нопок йўл билан топилган пулдан фойдаланмаслик; очиқасига иш килиш, агар шерик ҳам шундай қилса; ҳар қандай шароитда ҳам берган вайдасининг устидан чиқиш; қўл остидаги одамларга таъсир кўрсатища ҳалол, тўғри усууллардан фойдаланиш; талабчан бўлиш, лекин қўл остидагиларнинг қадр-кимматини ерга урмаслик; меҳрибон ва жонкуяр бўлиш.

**Ўз-узини ривожлантириш.** Менежментнинг ўз-ўзига ривожлантиришга тўсик бўлаётгай омиллардан қўйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатамиз:

- ўзини бошқара олмаслик;
- кийматини йўқотган шахсий қадриятлар;
- муаммоларни ҳал этишда кўнкиманинг етишмаслиги;
- ижодий ёндашувнинг етишмаслиги;
- одамларга таъсир килолмаслик ва уларга йўл-йўрик кўрсата билмаслик;
- бошқарув жараёнининг ўзига хос томонларини етарлича одамлар ва ресурсларни бошқариш кўнкимасининг бўшлиги;
- ўз-ўзини ривожлантиришга ўргата олмаслик ва бу борада талаблар кўя олмаслик;
- жамоани шакллантириш қобилиятининг пастлиги;

**Самарали бошқариш қобилияти.** Давлат тизимлари раҳбарлари ва тижорий тузимлар менежерларига амалдаги омилларнинг таъсирини таҳлил этиш самарали менежердан ҳозир ва келгусида қандай қобилият ҳамда ишбилармонликни талаб этишини олдиндан айтиб бериш имконини туғдиради:

1. Қатъий хаяжонланиш, тазъийик ва ноаниқлик бозор иктисодиёти ҳаётининг турли шаклларида зохир бўлади. Бинобарин ишбилармон менежерлардан ўзини ва вактини самарали бошқара олиш салоҳияти талаб этилади.

2. Анъанавий қадриятларимизнинг нураши шахсий иймон-эътиқодлар ва қадриятларнинг айнишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ҳозирги менежерлардан ўз шахсий қадриятларини аниқлаб, белгилаб олиш қобилияти талаб этилади.

3. Таълапчнинг кенг имкониятлари мавжуд, бинобарин менежерлар бажараётган ишининг мақсадлари билан уз мақсадларини аниқ белгилаб олишлари керак.

4. Ташкилий тизимлар бутунги раҳбарларни ўқитиш-ўргатиш учун имкониятларни яратиб беришга қодир эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир менежер ўзининг ўсиши, ривожланиши билан ўзи мунтазам шуғулланиши керак.

5. Муаммолар тобора кўпайиб боряпти, ҳаммаси ҳам мураккаб, ҳолбуки, уларни ҳал этиш имкониятлари, воситалари кўпинча чекланган бўлади. Бинобарин муаммони тез ва самарали ҳал этиш қобилияти бошқарувчилик кўнкималарининг энг муҳим қисми бўлиб қолмоқда.

6. Савдо бозорлари, энергетик ресурслар ва фойда олиш учун муттасил кураш янги ғояларни олға суришни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам раҳбарлар ниҳоятда топқир бўлишлари ва вазият, шароитнинг ўзгаришини дарров пайқаб олишлари керак.

7. Анъанавий иерархия муносабатлари қийинлашиб боряпти,

бинобарин самарали боршқариш тұғридан-тұғри буйрук бермай, теварак-атрофдагиларга таъсир қилиш күнікмасидан фойдаланиш демекadir.

8. Бошқарувнинг кўлгина анъанавий мактаб ва методлари ўз имкониятларини ишлатиб бўлди, улар бугун ва эртанги кун талабларига жавоб беролмай қолди. Шунинг учун ҳам янги, янада замонавий бошқарув усувлари талаб этилади ва кўпчилик менежерлар кўл остидаги одамларга бошқачарок муносабатда бўлишлари, муомала қилишнинг бошка усувлари ўзлаштиришлари керак.

9. Бугунги кунда ёллания ходимлардан фойдаланиш катта сарф-харажатлар, қатор қийинчилклар билан боғлиқ, бинобарин ҳар бир раҳбардан одам ресурсларидан мохирлик билан фойдаланиш талаб этилади.

10. Кенг кўламдаги ўзгаришларнинг юз бериши янги кўнікмаларни ўзлаштиришни, янги ёндашувларни ривожлантирипни, замондан орқада қолиб кетмаслиги учун курашибини талаб этиади. Шунинг учун ҳам менежерлар бошқаларнинг янги усувларни тезрок ўрганишлари ва амалий кўнікмаларни ўзлаштиришларига ёрдам беришлари талаб этилади.

11. Мураккаб муаммолар бир неча одамларнинг биргаликда харакат қилишларини, қарорларни ҳамкорликда амалга оширишларини тобора кўпроқ талаб қилмоқда, бинобарин менежер тадбиркор, топкир, самарали ишлай оладиган гурухларни барпо эта олиши, уларни мутассил такомиллаштириб бора олиши керак.

## «Ўзбек модели» асосидаги беш тамойил

Жаҳонда мавжуд ҳар бир давлатнинг ўзига хос модели ишлаб чиқилган. У ёки бу давлатнинг ҳар соҳадаги бошқарувини ташкил этишда шу давлатнинг географиясидан тортиб, токи унинг тарихи ва миллий урф-одатлари билан ҳисоблашишга тўғри келади. Шунинг учун бир давлатда амалга оширилаётган бошқарув модели иккинчи бир давлатда яхши самара бермаслиги табиий.

Ўзбекистоннинг истиқол йўли Ислом Каримовнинг бозор муносабатларига ўтиш юзасидан олға сурган беш тамойилига асосланади. Германиянинг собиқ каншери Гельмут Коль бу беш тамойилга ўз муносабатини шундай билдирган: «Давлат ривожининг беш тамойилини ишлаб чиқиб, уни қўрқмай оламга эълон килаётган янги давлатнинг раҳбари тутган йўли мувваффақиятнинг гаровидир». Бу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан шакллантириб боришни, ўзига аста-секин, босқичма-босқич, ҳалқни ҳимоя килиб бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш орқали бозор муносабатларига ўтипни билдиради.

### Беш асосий тамойил

№	Асосий тамойиллар	Асосий тамойилларнинг мөҳияти
1.	Иктисадиётнинг сиёсатдан устунлиги	* Иктисадий ислоҳотлар хеч качон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ҳам ички, ҳам ташки, иктисадий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш зарур.
2.	Давлат асосий ислоҳотчи	* Давлат ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолат парастлар (ретроградлар) ва консерваторликлар қаршилигини бартараф этиши шарт.
3.	Қонунлар ва уларга риоя килиш устиворлиги	* Қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Яъни, демократик йўл билан қабул килинган Конституция ва қонунларни истисносиз ҳамма хурмат килиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

4.	Кучли ижтимоий сиёсат юргизиш	* Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларни жорий этиш билан бир вактда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.
5.	Бозор иқтисодиётига босқичмабосқич ўтиб борил	* Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий конунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар»сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичмабосқич амалга оширилиши керак.

### Бошқарув мақсадиңга қўйиладиган асосий талаблар

№	Талаблар	Изоҳ
1.	Мақсад бир маъноли ва аник бўлиши керак	Агар каёқка боришни билмасангиз, у ҳолда бирор йўлни танлашга ҳам ҳожат қолмайди.
2.	Мақсад реал ва бажарилиши мумкин бўлиши керак	Қайси томонга сузишни аник мақсад қилиб олмаган елканли кайиқса ҳеч қандай шамол ҳам ҳамроҳ бўла олмайди. Мақсад бу навбатдаги босқичда "жанг" билан забт қилинадиган бамисоли чўққидир. Буни зинҳор унугтмаслик даркор. Шу "жанг"да голиб чиқиш учун бажарилиши мумкин бўлган реал мақсадни ўз олдимизга қўйишсимиз керак. Ундан ортиқча ҳам, кам ҳам эмас, вассалом.
3.	Мақсад миқдоран ўлчовга эга бўлиши керак	Миқдоран ўлчовга, меъёрга эга бўлмаган мақсад - бу сароб. Бу талабга риоя қилмаслик режалаштирилган мақсаднинг олдиндан бажарилмаслигига замин тайёрлаш демакдир.
4.	Мақсад барча бажарувчиларга тушунарли бўлмоғи даркор	Мақсад, уни бошқариш принциплари, пировард натижаси бажарувчиларга тушунарли бўлиши ва уларга ёзма равишда содда тилда етказилиши керак.
5.	Мақсад бўлимлар ва масъуллар	Мақсад ҳар бир фаолият тури, ҳар бир масъул шахс бўйича майда-чуйласигача

	бўйича деталлаптирилган бўлиши керак	батафсил тақсимлаб чиқилган бўлиши лозим. Шундагина бу мақсаднинг ижро килинин даражасини аниқ назорат қилиш мумкин бўлади.
6.	Мақсад кўп киррали бўлиши керак	Бу - умумий, бош мақсаднинг хусусий ва якка мақсадларга бўлининини, "Мақсадлар шаҳжараси" (дерево целей)ни тузишни талаб килади.

Бошқарув мақсадлари жуда ҳам хилма-хилдир. Бу эса уларни муайян тарзда туркумлашни тақозо этади.

### Мақсад турлари

№	Мақсадни туркумлаш белгилари	Мақсадлар
1.	Умумжамият миқёсидағи муносабатларни акс эттиришига қараб	сиёсий мақсадлар иктисодий мақсадлар социал мақсадлар маърифий-маънавий мақсадлар халқаро муносабатлар соҳасидаги мақсадлар ва бошқалар
2.	Бошқарув погоналари (даражалари)га қараб	Худудий бошқариш мақсадлари: - мамлакат мақсадлари - вилоят мақсадлари - туман мақсадлари - қишлоқ мақсадлари - ишлаб чиқариш мақсадлари - халқ хўялиги мақсадлари - тармок (сектор) мақсадлари - корхона (фирма) мақсадлари - якка шахс мақсади
3.	Амалга ошириш муддатига қараб	жорий мақсадлар истиқболдаги (перспектив) мақсадлар
4.	Бошқарувнинг амалга оширилишига қараб	узлуксиз (кундалик) мақсадлар furсатли мақсадлар бир марталик мақсадлар
5.	Кутиладиган натижаларга қараб	пировард мақсадлар оралиқ мақсадлар
6.	Мураккаблик даражасига қараб	оддий, анъанавий мақсадлар муаммоли мақсадлар инновацион мақсадлар

Мазкур туркумланишдан кўриниб турибдикি, мақсадлар ўзаро боғлиқ бўлиб, муайян иерархияга, яъни юкори ва куйи мақсадларга булиниши, бир мақсад бошқа бир мақсадга бўйсуниши мумкин.

**Жорий мақсадлар** деганда бир йил ичида, йил чораги, бир ой ва ундан ҳам камрок муддат мобайнида амалга ошириладиган мақсадлар тушунилади. Масалан, корхона бўлимлари олдида бир йил мобайнида амалга оширилиши мўлжалланган куйидаги функционал жорий мақсадлар кўйилган бўлиши мумкин.

Мақсадларни белгилашда **жорий мақсадлар** нуктаи назаридан ёндошув, яъни ҳар бир бўлинма мақсадлари, уларни бажариш муддатлари, аник ижрочилар, аник мақсадли тадбирлар, ресурслар манбалари, белгиланган тадбирлар бажарилишининг асослаб берилиши барча бўғинлар ва даражаларда бошқарув ишончлигини ошириш кафолатини беради, бутун бошқарувнинг аппарати харакатларининг пухта бўлишини белгилайди.

Истиқбол (перспектив) **мақсадлар** деганда беш йил ёки ундан кўпроқ давр мобайнида амалга ошириладиган мақсадлар тушунилади. Масалан, республикамиизда ишлаб чиқилган "Кадрларни тайёрлаш Миллий дастури"ни рўёбга чиқаришдек улуғвор мақсад куйидаги уч босқичдаги муддатни ўз ичига олади:

**1997-2001** - мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиши асосида ушбу тизимни ислоҳ килиш ва ривожлантириш учун хуқукий, кадрлар жиҳатдан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

**2001-2005** - миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иктисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

**2005** ва ундан кейинги йиллар - тўпланган тажрибанӣ таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

### **Жорий мақсадлар**

<b>№</b>	<b>Корхона бўлимлари</b>	<b>Жорий мақсадлар</b>
1.	Ишлаб чиқариш бўлимлари	Корхонада "x" номли янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш
	Технология бўлими	"x" маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича янги технологияни жорий килишни яқунлаш
2.	Тадқиқот бўлими	"x" КВТ қувватга эга бўлган маҳсулот моделини ишлаб чиқиш

3.	Мехнат бўлими	"A" маҳсулот турини битга ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқарилишини "x" донага кўпайтириш
4.	Маркетинг, савдо бўлими	Маҳсулот сотиш ҳажмини "A" сўмга кўпайтириш
5.	Молия бўлими	Фойдани "x" сўмга кўпайтириш Қарздорликни "x" сўмгача камайтириш
6.	Социал бўлим	Акциядан олинадиган даромадни "x" сўмга кўпайтириш
7.	Экология бўлими	Ходимларни ижтимоий муҳофаза килиш Атмосферага чиқариб ташланадиган чиқинчиларни "x" м <sup>2</sup> га камайтириш

Куйидаги ҳолларда якка мақсадлар корхона мақсадининг самарали бўлишига хизмат килади:

Ходимнинг ўз олдига кўядиган мақсади 4 тадан 8 тагача бўлили, ундан ошмаслиги керак. Агар уларнинг сони бундан ошса, кутган натижага эришиш қийипашади, окибвтда корхонанинг умумий мақсадига пугур етказиши мумкин;

якка мақсаднинг пировард натижаси ва аник муддати белгиланган бўлиши керак. Акс ҳолда у мавхумликка юз тутади;

режалаштириладиган мақсад ҳаракат эвазига эришиладиган, шу билан бирга, амалга ошириладиган даражада бўлиши керак.

Умуман ҳар бир киши мақсадга эришишнинг йўли оғир ва мураккаб бўлиши мумкинлигини англаши керак. У ўз мақсадига осонлик билан эришишига умид боғламаслиги керак.

Шундагина у ҳар қандай кутилмаган муваффакиятсизликка тайёр бўлади, тушкуйликка тушмайди.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллига эълон қилинди. Шундай бир шароитда республикада давлат ва иқтисодиётни қайта қуришнинг бош мақсади Президентимиз И.А.Каримов томонидан куйидагича аниқлаб берилди:

**Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган баркарор бозор иқтисодиётига, очик ташки сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барво этишдан иборатdir.**

Бу мақсад ниҳоятда мураккаб ва кўпкирралидир. Унинг амалга оширилиши сиёсий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий соҳалардаги асосий мақсадларга эришишига боғлик. Шу сабабли бош мақсад (БМ)га эришишнинг аник йўналишлари белгилаб олинди ва куйидаги тўрт гурӯҳдаги биринчи даражали мақсадлар ажратилди:

1. Ижтимоий-сиёсий соҳадаги мақсадлар.
2. Ижтимоий-иктисодий соҳадаги мақсадлар.
3. Маънавият соҳасидаги мақсадлар.
4. Халқаро муносабатпар соҳасидаги мақсадлар.

**Ижтимоий-сиёсий соҳадаги мақсадлар, ўз навбатида, қўйидаги иккинчи даражали мақсадларга бўлинади:**

- 1.1. Маъмурӣ-буйруқбозлик, авторитар тузум механизми ва тузилмалари-дан кутилиш.
- 1.2. Давлат қурилишининг демократик-хукукий тамойил ва меъёрларига ўтиги.
- 1.3. Фуқаролик жамиятига ўтишнинг пойдеворини куриш ва бошк.

**Ижтимоий-иктисодий мақсадлар** ҳам ўз навбатида қўйидаги иккинчи даражали мақсадларга бўлинади;

- 2.1. Иктисолий фаолият эркиялигига ўтиш.
- 2.2. Мулкчиликнинг хилма-хиллигига эришиш.
- 2.3. Нарх эркиялигини таъминлаш.
- 2.4. Ракобат курашига ўтиш.

2.5. Инсоннинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашвидан, режали-таксимотчилик тизимидан воз кечиш.

2.6. Кўп тармоқли иктисолидга ҳамда бозор муносабатларига ўтиш ва бошк.

**Маънавият соҳасидаги мақсадлар:**

- 3.1. Ақидабозлик ва ўта сиёсатлаштирилган мафкура хукмронлигидан кутилиш.
- 3.2. Мустакил ва янтича фикрловчи кишиларни тарбиялаш ва бошка хусусий мақсадларга эришиши.

**Халқаро-муносабатлар соҳасидаги мақсадлар:**

- 4.1. Бутун дунё таракқиётидан ажralиб колишдан, ўзни четга олишдан ва унга қарши туришдан воз кечиш.
- 4.2. Жаҳон ҳамжамиятига кприб бориш ва унинг билан тенг хукукли ҳамкорликка йўл очиш ва бошка кичик мақсадларга бўлинади.

Иккинчи даражали мақсадларнинг ҳар бири ўз навбатида қуйи бўғин мақсадларига бўлинади. Масалан, мулкчиликнинг хилма-хиллигига ўтиш мақсадининг амалга оширилиши қўйидаги қатор тадбирларни ишлаб чиқишига ва уларнинг қайси бирини ташлаб олинишига боғлик бўлади:

2.2.1. Давлат корхоналарини акционерлик жамиятига айлантириш, унинг мол-мулки ҳисобидан чиқарилган (эмиссия қилинган) акцияларни халққа сотиш. Акция сотиб олган киши мулкдорга айланади.

2.2.2. Ижарага берилган давлат корхонасини ижарачилар жамоасига ўзи ишлаб толған пулига ёки қарзга сотиб ва корхонани жамоа мулкига айлантириш. Бунда янги мулкдор халқ эмас, факат корхона жамоаси бўлади.

2.2.3. Давлат мулкини чиқарилган (эмиссия қилинган) сертификатлар ёки ваучерлар кийматига биноан фуқароларга бепул бериш. Бунда мулк халқ ўргасида таксимланади, чунки ваучер ва сертификат корхона акциясини олиш ҳуқукини беради.

2.2.4. Давлат мулкини факат меҳнати билан танилган, ишнинг кўзини биладиган, масъулиятни зиммасига ола оладиган тадбиркорларга, бошқарувчиларга (менежерларга) сотиш. Бунда маълум қатламгина мулк соҳибига айланади.

2.2.5. Давлат мулкини хорижий қарзни узиш звазига чет эл фирмалари ва фуқароларига бериш. Бунда миллый мулк ҳисобидан хорижий мулк ўсади.

2.2.6. Давлат мол-мulkини ким ошди савдоси орқали сотиш. Бунда хам факат маълум тоифадаги кишиларгина янги мулк соҳибига айланадилар.

### Бошқарувнинг асосий функциялари

№	Асосий функциялар	Функцияларниң мазмуни ва зарурияти		
		1	2	3
1.	Режалаштириш	<ul style="list-style-type: none"><li>* бошқарувнинг асосий ва дастлабки функциясиdir. Ҳар кандай бошқариш режа тузишдан бошланади. Бу режада: бошқарув мақсадлари ва вазифалари, уларни реализация қилиш муддатлари белгиланади;</li><li>* вазифаларни амалга ошириш усуслари ишлаб чиқилади;</li><li>* халқ хўжалиги бўғинларининг ўзаро алокалари ўрнатилади.</li></ul> <p>Режалаштиришнинг умумийлик хусусияти шундаки, бунда ҳар бир бошқарув ходими ўзининг шахсий ишини режалаштиради, ўз иш жойининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқади, режаларнинг кандай бажарилаёттанини назорат қилишни уюштиради.</p>		
2.	Ташкил қилиш	<ul style="list-style-type: none"><li>* Бошқарув обьекти доирасида барча бошқарилувчи ва бошқарувчи жараёнларнинг</li></ul>		

		<p>уюшкоклигини таъминлайди. Шу нуктаи назардан ташкил килиш ташки ва ички шартшаройтларнинг ўзгариб туришига караб амалдаги тизим таркибини такомиллаштириш ёки янгисини тузиш демакдир.</p> <p>Бу функция жорий ва стратегик режаларнинг ижросини таъминлаш бўйича биринчи қадамдир.</p>
3.	Мувофиқлаштириш ва тартибга солиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>* Режалаштириш бошкаришнинг стратегияси ҳисобланса, мувофиқлаштириш бошкаришнинг тактик масалаларини ҳал килиб беради.</li> </ul> <p>Бу функцияниң асосий вазифаси алоқалар ўрнатиш йўли билан бошкариладиган тизимнинг турли қисмлари ўртасида келишиб иш олиб боришни таъминлашдир. Мувофиқлаштириш маблағларни тежаш максадида бошкарувдаги параллелизм (такрорлаш)ни бартараф килиш имконини беради. Шунингдек, у турли тармоқлар ўртасида ресурсларни таҳсиллаш йўли билан нисбат ва мутаносибликни, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги муносабатни ўрнатади.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>* Тартибга солиш мувофиқлаштиришнинг давоми бўлиб, у содир бўлиб турадиган оғишларни бартараф қилиш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишни максад килиб куяди. Унинг ёрдами билан вужудга келиши эктимол тутилган оғишларнинг олди олинади.</li> </ul>
4.	Назорат	<p>Бу функцияниң максади «тутиб олиш», «айбани очиш», «илинтириш» эмас, балки бошкарув обьектида содир бўлаётган жараёнларни ҳисобга олиш, текшириш, таҳлил қилиш ва маълум тартибда шу обьект фаолиятини ўз вактида созлаб туришдир. Назорат ўрнатилган месъёрий хујокатлардан, режалардан оғишларнинг жойи, вакти, сабаби ва хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Таъсирчан назоратни ташкил қилиш ҳар бир раҳбарнинг функционал ишидир. Мунтазам назорат йўқ жойда юксак пировард натижаларга эришиб бўлмайди.</p>

Бошқарувнинг иктисодий, социал маънавий ва ташкилий функциялари. Бошқарув фаолиятининг турларига кўра, функциялар куйидагича бўлади:

**бошқарувнинг иктисодий функциялари, яъни:**

- \* маблағларнинг айланмасини амалга ошириш;
- \* маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш;
- \* маркетинг хизматини ўюштириш;
- \* фойда олишни таъминлаш ва ҳоказо

**бошқарувнинг ижтимоий функциялари, яъни:**

- \* меҳнат шароитини яхшилаш;
- \* ходимларнинг уй-жойга бўлган ва социал маданий-маънавий эҳтиёжларини кондириш;

- \* моддий рафбатлантиришни таъминлаш;

- \* ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва ҳоказо.

**бошқарувнинг маънавий-маърифий функциялари, яъни:**

- \* ходимларни инсонийлик, яхшилик, меҳр-шафкатли ва ўзаро муносабатларда сабр-тоқатли бўлиш руҳида тарбиялаш;
- \* ходимларни Ватанга мухаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалолликни, адолат туйгусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялашга хизмат қилиш ва ҳоказо.

**бошқарувнинг ташкилий функциялари, яъни:**

- \* ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- \* ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва мувофиқлаштириш;
- \* барча бўғин ва бўлимлар ўргасида вазифалар тақсимоти, ҳуқук бериш ва бошқарув аппарати ходимлари ўргасида масъулиятларни белгилаш;
- \* бошқаришнинг аниқ услубини танлаш ва карор қабул қилишда иш тартиби изчилиги, ахборотлар оқимини ташкил қилиш ва ҳоказо.

**«Юксак маънавият - енгилмас куч» асарини ўрганиш бўйича**

**Маънавият** – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-зътиқодини бутун қиласадиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча карашларининг мезонидир.

**Маънавиятни шакллантирадиган асосий омиллар:** маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар. (Юнеско, Аввесто, Алномиш, Наврўз, мукаддас динимиз, Термизий «Суннай Термизий», Имом Бухорий, Имом Мотрудий, Накшбанд, Хоразмий).

Маънавиятни шакллантиришда оиланинг роли бекиёсdir. Оила

соғлам экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир. Махалал ҳам ота, ҳам она. Яна бир омил талим-тарбия

**Миллий ғоя деганда,** аждодларимиздан ўтиб, эъзозланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун ҳалкнинг ҳалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва хаёт талабига айланниб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар кайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва максадларини ўзимизга тасаввур киладиган бўлсак, мазмун-моҳиятини ифода киламиз. Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манбаатларини мужассам этадиган *юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ҳалқ фаровонлиги* деган юксак тушунчаларни ўз ичитга олади.

Она тилнинг аҳамияти.

Глобаллашув - мафкуравий таъсирнинг куроли. Ядро полигонларидан мафкуя полигонлари кўпроқ кучга зга. Фикрга қарши фикр, фояга карши ғоя, жаҳолатга карши маърифат.

**Инсон қалбига йўл:** таълим тарбия, ОАВ, бадиий адабиёт, мусика санъати, миллий театр, кино, миллий ўйинчоқлар,

**Энг буюк жасорат** – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак бўлади. Платон Шарқда «устоди аввал» номланди, уни Афинада ер сотиб олиб, олимлар баҳс-мунозара ўтказадиган жойга айлантириши ҳакикий маънавий жасорат. Бизда Маъмун академияси, Николай Коперник, Жордано布鲁诺, Махатма Ганди, Урганч химоясидаги Мангуберди ва Н.Кубро, Амир Темур, Зулфияхоним, Яхё Гуломов, О.Шарофиддинов.

**Асосий ғоялари:** Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, комил инсон, юхтимиий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик.

### **Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар. 2001 й**

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кура, ҳалқимизнинг асосий максад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат киладиган ғоялар тизимиdir. Миллий истиқлол мафкураси:

- Конституция, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади;

- ҳалқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобоколонларимизнинг ўлмас меросидан озикланади;

- адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустакиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиодини акс эттиради;
- юрг тинчлиги, ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласди;
- жамиятни аъзоларини, аҳолининг барча катламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар қиласди;
- миллати, дини ва тилидан қатъи назар, ҳар бир фукаро қалбидан Ватанга муҳаббат, мустакиллик ғояларига садоқат ва ўзаро хурмат туйғусини қарор топтиради;
- жамоатчилик қалби ва онтига фикрлар хилма-хиллиги, виждан эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади.

Миллий ғоя «Ватан менга нима берди» деб эмас, балки «Мен Ватан равнақи учун нима қиласман» деган масъулият туйғуси билан яшаш демакдир.

*Миллий истиқдол мағкурасининг бош гояси:* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишdir.

*Миллий ғоя ва раҳбар масъулиятининг ўзаро боғлиқлиги*

\* Раҳбар фаолияти ва миллий ғоянинг муштараклиги.

\* Миллий ғояга таяниш, фойдаланишда раҳбар масъулиятининг зарурлиги.

1. Раҳбар фаолияти ва миллий ғоянинг муштараклиги

“Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мағкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч кайси мағкура давлат мағкураси сифатида урнатилиши мумкин эмас”.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси*

“Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши 2001йил 18 январь.

“Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши 2001йил 18 январь.

Миллий ғоянинг маъно-мазмунига эътибор каратадиган бўлсак, у Ўзбекистонда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини,

хаёттй манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнаки, халқ фаровонлиги тушунчаларини ўз ичига олади.

**"Юксак маънавият – енгилмас куч"** китоби 71-бет

\* Бугунги кунда миллий тоянинг узвий-таржибий қисмларини ташкил кирадиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тутувлик, динлараро бағрикенглик тамойилларининг маъно-моҳиятини мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, талим-тарбия ишларининг марказига кўйиш уларни янги боскичга кўтариш, ёш авлодларни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёкараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

**"Юксак маънавият – енгилмас куч"** китоби 72-бет.

Миллий тоя дунёни тушунишнинг, уни англаш ва идрок этишининг янги концепциясидир.

*Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимиз келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда қурадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.*

И.Каримов

“Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор берипшишимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоявий бўшлиқдан фойдаланиб четдан биз учун мутлоқо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак.

Бундай узокни кўзлайдиган, аниқ мақсадларга эга бўлган турли хуруж ва ғаразли интилишлар, хорижий марказлар томонидан катта куч ва маблаг сарфланаётган харакатлар ва шу каби хавф-хатарлар бизга кандай зарарли оқибатлар олиб келишидан огох бўлишимиз даркор”.

#### Миллий ғоя:

- Ўз-ўзини ташкил этиш ва эта олиш омили;
- Ўзлигига таяниш, уни сақлаб колиш кафолати;
- Ўзига хос ва мос ривожланиш ҳамда дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига, нуфузига эга бўлишга ва бўла олишга маънавий-рухий асосдир.

#### Унга амал қилиш тамоили:

- Ҳар кандай умуминсоний (умумбашарий) ҳодиса миллий-маънавий негизда шаклланади ва ривожланади.
  - Миллий-маънавий негизларига таянмаган ҳолда, ўз истиқбол ва тараққиёт йўлини амалга ошириш миллий манфаатларга зид бўлиб, охир-оқибатда ўзлигидан бегоналаштиришга ўзига хос ва мос тараққиёт йўлидан маҳрум бўлишига олиб келади;
  - Миллий-маънавий негизда умумбашариатга даҳлдор бўлган қадриятлар мужассамлашади. Унга таянган, уни эътироф этган умуминсоний қадриятларгина башариятнинг кўнгил мулкига айланиши мумкин.

#### Миллий ғоянинг вазифалари

- \* тарихий хотирани уйготиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони бўлиш;
- \* ҳалкимизни туб мақсадлари ифодаси ва жамият аъзоларини бирлаштирувчи ғоявий вазифалар;
- \* миллат, ҳалқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч эътиборининг манбай бўлиш;

\* Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, злат, ижтимоий катлам ва уни вакиллариға бирдай таалтукли бўлиш;

\* миллатимиз ахолиси онги ва калбида “Ўзбекистон – ягона Ватан” деган туйгани юксак даражада шакллантиришга хизмат килиш;

\* турли миллат, қатлам, унинг вакиллари, сиёсий партия ва ижтимоий гурухлар фаолиятини муштарак мақсадга йўналтириш;

\* бирон-бир дунёкарашни мутлоқлаштираслик ёки бирон-бир куч, партия ёки гурух кўлида сиёсий куролга айланмаслик;

\* ҳар кандай илғор ғояни ўзига сифиндириш ва ҳар кандай ёвуз ғояга қарши жавоб берса олиш;

\* субъективизм, валюнторизм каби иллатлардан холи ва жамиятимизнинг холис фикрига таяниш, сўз билан ишни, назария билан ҳаётни бирлаштира олиш;

\* давр ўзгаришларига караб, ўзи ифодалайдиган ғоя, манфаат, муддоаларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиш, яъни янгича вазиятга тез жавоб берса олиш ва ҳ.к.

И. А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида **“Миллий ғоя”** атамасининг маъно-мазмунни чукур ифодалаб берилган ва шундай дейилади: “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чукур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъbir жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умидларини ўзимизга тасаввур киладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчани мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”.

Мустакиллик туфайли Ўзбекистон халқи ўзининг миллий-маънавий янгиланишда миллий ғоясига таянишга алоҳида эътибор берди. Мустабид тузум даврида амал қилиб келинган, халқимизнинг миллий-маънавий рухиятига тамомиша зид бўлган «коммунистик ғоя»дан воз кечилди. Ўзбекистон халқи ўз миллий ғояси негизларига таянган ҳолда ривожланиш йўлини танлади. Унинг ўзига хос сабаблари мавжуд.

Улар асосан қўйилагилардан иборат:

\* **Биринчидан.** Ўзбекистон халқи ўз мустакиллигини қўлга киритди ва ўзига хос ривожланиш йўлини танлаш ҳуқуқига эга бўлди. Бу эса халқимизнинг тарихан қарор топган миллий-маданий меросларини, кадрияларини, маънавий-руҳий оламини қайта тиклаган ҳолда ўз келажагини кўриш ва қуриш имкониятини беради.

\* **Иккинчидан.** «мустабид» тоталитар тузум даврида жамиятнинг ғоявий асоси бўлган ягона коммунистик мафкура мамлакатимиз

халклари, хусусан ўзбек халки турмуш тарзи, дунёқараши, тарихи, урфодатлари, анъаналари ва миллий хусусиятларини ҳисобга олмаганлиги ҳамда бизга бегона ва ёт бўлган кадриятларни, мақсадларни сингдиришга уриниб келганинги туфайли, унинг асосатларидан халос бўлишга бўлган маънавий эҳтиёжнинг мавжудлиги билан боғлик.

\* **Учинчидан**, маълумки ҳар бир халқ, давлат ёхуд жамият бор экан, албатта у мақсадсиз яшай олмайди. У ривожланиш учун маънавий асосларни белгилаб олади. Мақсад эса унинг миллий-маънавий гояси орқали ўз ифодасини топади. Шу маънода ўзининг мустақил ривожланиши йўлини танлаб олган Ўзбекистонда унга табиий-маънавий эҳтиёж сифатида қараш орқали унинг сабабларини тўғри тушуниш мумкин.

\* **Туртинчидан**, жамият тарихида гоялар ҳар хил бўлган. Бирбирига мақсади билан якин бўлган гоялар ҳамда айни пайтда бир-бирига тўғри келмайдиган гоялар ҳам бор. Улар бир-бирига мутлако тескари бўлган мақсадларга йўналтирилганлиги туфайли жамият хаётига турли хил таъсир кўрсатади ва турли хил оқибатларни келтириб чиқаради. Демак, Раҳбар гоя билан гоянинг, мақсад билан мақсаднинг, фикр билан фикрнинг фарқини билиш ва англаш учун ҳам миллий гояни ўрганиши зарур.

\* **Бешинчидан**, гоялар жамиятдаги турли инсонлар, ижтимоий гурухлар, қатламлар, халқлар, миллатлар мақсади, орзу интилишлари, хаётни идрок этиш кўнікма ва малакалари, хулк-атвор кўринишлари, кадриятлари манфаати билан узвий боғлик бўлади. У ёки бу гоя қайси манфаатни қандай тамойилларга асосланган ҳолда ифода этишига караб бир-биридан фарқланади.

Миллий гоянинг ҳам раҳбар фаолияти билан боғлик ўзига хос йўналишлари мавжуд:

\* **Биринчидан**, раҳбар фаолияти соҳалари, уни қайси соҳада ишлапи, давлат ва жамият курилишининг миллий гоя билан боғликлиги унинг жамият, халқ миллий маданияти негизлари асосида шаклланishi, ишонч ва эътиқодга айланиши билан боғлик ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини раҳбар фаолиятида кўриш мумкин. Бунда раҳбар ҳар бир инсон ёки шахснинг индивидуал хусусиятлари, унинг ўзига хос дунёқараши, шунга мос тафаккур ва ҳаёт тарзи, миллий онг, ўзлигини англаганлиги даражасидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиши алоҳида аҳамиятга эга.

\* **Иккинчидан**, миллий анъаналарга, тарихи, она тили, маданиятига бўлган муносабатда шаклланган ва мустахкамланган руҳияти, эътиқоди, садоқати билан ватанпарварлик, миллатпарварлик

туйғулари ўзининг ва миллатининг шаъни, кадр-кимматини хурмат килиши унинг амалий фаолиятида аниқ намоён бўлади.

\* Учинчидан, ҳар бир раҳбар фаолиятида умумисоний кадриятлар бошқа ҳалқлар ва миллатларнинг маданий ютуқларига ҳам ўзаро манфаатдорлик ҳамда миллий тараққиётида уни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан караши, баҳолаш кўнникмалари, сайд ҳаракатлари орқали ҳам ўз ифодасини топади.

\* Тұртнчидан, раҳбарлик фаолияти ва миллий гоянинг миллий маданий мерос ва умумисоний кадриятларнинг ўзаро муносабати, миллий гояни жамоатчиликнинг ишонч ва зътиқодига айланиши «гоя» ва «мағкура» тушунчалари, уларнинг ҳалқлар, миллатлар ва давлатлар тақдирiga мамлакат олдида турган фуқаролик жамиятининг қурилишига таъсирини ҳисобга олиши зарур. Раҳбар фаннинг предметини ҳозирги замондаги мағкуравий жарабайлар, унинг маъно-мазмунидаги ўзига хос жиҳатлари, таъсир этиш қонуниятлари, маълум бир маконда ва замонда намоён бўлиш хусусиятлари, уни кўп миллатли давлатимиз фуқаролари онги ва қалбига сингдириш йўллари ҳамда услубларини ҳар бир раҳбар ўз иш вазифаси, масъулияти ва жавобгарлигидан келиб чиқкан ҳолда аниқлапни ҳам гакозо этади.

\* Бешинчидан, раҳбар фаолияти орқали, таълим тизимидан фарқли равишда бирингидан, фан талаблари асосида, муайян андоza, тартиб ва коидаларга, билим ва тажриба тизимиға шунчаки тушавермаслиги билан ҳам алоҳида ажralиб туради. Унинг ана шундай хусусиятга эга бўлиши миллий гояни раҳбарнинг онг ва тафаккури, дунёкараши, мақсад ва интилишлари миллий-маънавий меросга муносабатининг ишонч ва зътиқодлари орқали жамият ҳаётида намоён бўлиш хусусиятлари билан боғлиқ ва иккинчидан, миллий гоянинг шаклланиши, раҳбарнинг амалий фаолиятида ҳамда ўзаро муносабатларида ишонч ва зътиқодга айланишнинг намоён бўлиши «бир чизикли», ягона тартиб, меъёрларга осонликча тушавермайди. Айни пайтда раҳбар фаолиятини фуқаролар, турли ижтимоий гурухлар ёки катламлар, миллат ва элатларни ўзаро муштарак мақсадлар, гоялар бирлаштириб турмас экан, улар ўргасида ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамжиҳатлик, тутувликнинг самараси юқори бўлмайди.

Раҳбарлик фаолиятида миллий гояга асосланишда куйидаги тушунчаларни ҳисобга олиш зарур:

1) турли жамиятлар, ҳалқлар ҳаёти, миллий-маданий кадриятлари, мақсадлари билан боғлиқ бўлған турли хил маъно-мазмунга эга умумий тушунчалар: «гоя», «мағкура», «гоянинг турли хил кўринишлари»,

«бунёдкор гоялар» ва «ёвуз, тажаввузкор гоялар», «миллий гоялар» ва «умумбашарий гоялар» мавжуд;

2) жамиятнинг сиёсий ҳаёти, турли хил жамоат бирлашмалари фаолияти билан боғлиқ мақсад ва интилишларни ифода этадиган турли хил сиёсий мафкуралар кўринишлари бир-биридан фарқланади;

3) Ўзбекистон халқи ҳаёти билан боғлиқ бўлган, уни ўзида акс эттирадиган ва унга хизмат киласидиган «миллий гоя», «миллий истиқлол гоясининг маънавий негизлари», «миллий ривожланиш гояси», «миллий мафкура», «миллий гоянинг асосий гоялари», «миллий гоянинг бош гояси», «миллий гоянинг умумбашарий тамойиллари» тушунчаларини билиш ҳамда маъно-моҳијатини фарқлаш мухим.

Раҳбарлик фаолиятида Миллий гояни ўрганишни тақоза этадиган умумий ва ўзига хос конуниятлар ҳам мавжуд. Умумий конуниятлар турли халқлар, мамлакатлар, жамиятлар ҳаётида амал киласидиган умумий асосга эга бўлган ички зарурий боғланишлар бўлиб, у жамият ва мафкура (гоя) нинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги конунидир. Жамият мафкурасиз, мақсадсиз яшай олмайди. Демак, биринчидан мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини ўйқотиши мукаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Буни исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш кийин эмас. У жамият олдидаги мақсад, уни амалга ошириш воситаси сифатида раҳбарлик фаолиятида мухим омил ҳисобланади.

Миллий гояда инсонпарварлик, инсон қадр-киммати, шаъни ва орномуси, ҳак-хукуклари ҳамда манфаатларининг устуворлиги тамойилига таянади. Унда инсоннинг ҳаёти олий кадриятдир. Бу тамойил ўткинчи характеристерга эга бўлмай, балки Ўзбекистоннинг демократик ривожланиш истиқболини ўзида мужассам этади. Бунда миллий гоянинг инсонпарварлик ва демократик тамойчллари инсон ва жамият манфаатлари уйғулигини белгилаб берувчи таянч нукта ва жипслаштирувчи омил вазифасини ўтайди. Демак, миллий гоя мухим икки бир-бири билан боғлиқ негизга таянади. Буни раҳбарлик фаолиятида ҳисобга олиш мухим.

Раҳбарлик фаолиятида Миллий қадриятларга содиқлик - миллий гоянинг таянч негизларидан биридир. Бу тамойил Ўзбекистон ҳудудида истиқомат киласидиган ҳар бир фуқаронинг ўз миллий қадриятларини асрар-авайлаш, келажак авлодларга етказиши учун тўла имкониятлар яратилишини ифодалайди. Ўтмишдан қолган буюк маданий

бойликларимиз, мұмтоз қадриятларни хурмат кишиш, уларни ижодий жиҳатдан үрганиш - бу тамойилнинг асосий жиҳатидир.

Раҳбар фаолияти ва миллий ғой

\* жамоада мустакил дунёкараш ва эркин фикрлашни шакллантиради;

\* меңнат жамоаларида миллий тотувлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди, носоғлом маҳаллийчилик, уруғ-аймокчилик ишлатларидан ҳоли этади;

\* мустакил ҳаётта энди қадам күйёттган ёш авлоднинг дунёкарашыга янгича маъно ва мазмун бахш этиш орқали унда фаол ҳаётий позицияни, миллий ғояга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлайди;

\* жамиятимизда соғлом ижтимоий мухитни яратиш, кишилар онгига Ватан тақдирин учун масъуллик, ягона Ватан туйғусини мустаҳкамлайди;

\* истибоддөр даври асоратларини, куллик ва мутелик кайфиятларининг онгимизда, тафаккуримизда сакланиб колаёттган асоратларини таҳлил этиш, уларни бартараф этиш йулларини топиш зарурати билан боғлик вазифаларни ҳал этади.

## **Абу Наср Форобий қарашларидан**

Абу Наср Форобий ҳар бир лавозимга раҳбар танлашга оид хусусиятлар ва сифатларни алохиди санаб ўтмаган бўлассада, бўлажак раҳбар шахс учун зарур бир қатор фазилатларни рационал тизим кўринишида қайд этади.

Кишида ёшлидан шакланган, энг аввал бошданоқ кобилиятга айланиб, унинг фаолиятининг моҳиятини ташкил этадиган табиий фазилатлар бўлиб, Форобий улардан 12 тасини алохиди қайд этади:

1) “Тўрт мучаси соғ-саломат бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон ҳалал бермаслиги лозим, аксинча, соғ-солимлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши керак”; “табиатан нозик фаросатли бўлиб, сұхбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий ахвол қандайлигини равшан тасаввур кила олиши зарур”;

2) “англаган, кўрган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўлатўкис сақлаб қолиши, барча тағсилотларини унутмаслиги зарур”;

3) “зехни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинчлинимас омонатларини ва у омонатлар нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур”;

4) “фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида, чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур”;

5) “таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиши, ўрганиш жараёнидан сира чарчамайдиган, бунинг машаккатидан кочмайдиган бўлиши зарур”;

6) “таом ейишда, ичишда, аёлларга яқинлик қилишда очофат эмас, аксинча, ўзин тия оладиган бўлиши, (қимор ёки бошқа шунга ўхшаш) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узок бўлиши зарур”;

7) “ҳак ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур”;

8) “ўз қадрини билувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юкори турувчи, тутғма олийхиммат бўлиши, улуғ, олий ишларга интилиши зарур”;

9) “бу дунё молларига, динор ва дирҳамларига қизиқмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши зарур”;

10) “табиатан адолатларвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибодд ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳамда бегона (колтган барчани адолатга чакирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи) барчага яхшиликни ва ўзи сўйган гўзалликни истовчи бўлиши зарур”;

11) “ўзи ҳак иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай хақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур”;

12) “ўзи зарур хисоблаган чора тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқиши ва хадиксирашдан узок бўлиши зарур”.

## Мулохаза учун маълумот ва қизиқарли саволлар.

1. Вакт – ҳар кандай мавжудликнинг асосий шакиларидан биридир. Вакт бир ўлчовли бўлиб, узлуксиз факат бир томонга, илгарилама ҳаракат қиласи. Сизнингча вакт инсон ҳукмидами ёхуд инсон вакт ҳукмидами?<sup>34</sup>

2. Тарихдан маълумки, буюк алломалар яшаган даврларда на газ, на электр, на ручка, на ёзув машинкаси бўлган. Ҳозир эса ижод учун ҳамма нарса муҳайё. Шундай бўлса-да, нима учун буюк Ҳофиз Шерозий, Фирдавсий, Шайх Саъдий, Фаридуддин Аттор, Мавлоно Румий, Алишер Навоий каби забардаст алломалар йўқ? Сиз нима деб ўйлайсиз?

3. Хитой файласуфи ва давлат арбоби Конфуций (вафоти мил. авв. 479 йил) фикрича, «Инсон хаёлига нима келса, шуни қилишига эмас, балки жамият томонидан белгилаб қўйилган ижтиомий табака моҳиятидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришга масъулдир. Инсон ҳар бир шахс ўзига белгиланган ижтиомий мавқе даражасидан сидқидилдан фаoliyati юритиш, яъни отта ўз ўрнида, бола – фарзанд сифатида, ҳукмдор эса ҳукмдордек иши қилиши лозим». Конфуций бу ерда ҳакми?

4. Жалолиддин Румий улубу маснавийсида нима демоқчи?

Сен синиқ бўлким, синиқликда најсом,  
Сен фақир бўлким, фақирликда најсом.  
Тоз маскан эрди маъданларга чин,  
Пора-пора бўлди кирки зарбидин.  
Гердайиш ўтдирип, оловдирип сен учун,  
Сен ўзингни ўтга отгайсан нечун?  
Ўқни кўр, ерда хатарсиз ухлагай,  
Бош кўтарса, бир балога учрагай.  
Бош кўтарса, унга учрайдирип тўсиқ,  
Ўқ бўлур ул, чорасиз қолганда ўқ.  
Боқки, манманлик-да бир нарвон эмиши,  
Эл чиқиб нарвонга, кўп сарсон эмиши.  
Улки нодон интишур юксакликка, бас.  
Билмагай, юксакликда юксакдир шикаст.  
Заррадирким, юксалиб сарсон бўлур,  
Ул магарким ширкати Яздан бўлур.

5. Боғбонларнинг ажабтовур ишлари кипини ҳайратга солади. Улар кеч кузда ёнғок, ўрик, олма, нок каби мевали дарахтларнинг

<sup>34</sup> Э Исакова. Мантикий масалалар. Ўкув-услубий кўлланма. Наманган 2006 йил. Саволлар улубу кўлланмадан олиниди.

танасини иссик мато билан ўраб кўйишади. Қишилласида эса уларни ечиб ташлашади. Бу ҳам меванинг хосилдорлигини ошириш учун боғбонларнинг навбатдаги хийласимикин ёки...?

6. Честерфилд фикрларини мантикий конуналар асосида таҳлил қилинг: «Бошқалар сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, аввал ўзинг уларга шундай муносабатда бўлгин. Бошқаларда нима фазилат хуш кўринса, билгинки, улар ҳам сенда шу ҳислатилар бўлишини хоҳлашлари мумкин. Ўзингни ортиқча жиҳдий қилиб кўрсатма. Ўзингдан узоқ гапларинг билан атрофдагиларни зериктирганин, мавруди бўлса қисқа, қизиқарли бирор нарса айт. Сен учун мұхим гап бошқалар учун аҳамиятсиз бўлиши мумкинлигини унумта. Илм – мисоли соат. Сен уни ичкари чўнтақда сақла. Соатингиз неча бўлди, деб сўрашса, жавоб бер, йўқса ҳозир мана шунча вақт бўлди, деб ҳамманинг гашига тегма. Энг мұхими замонни билиши тарихдан ҳам зарурроқ, аммо тарихсиз замонни англаб бўлмайди. Калтабин атрофидаги кишиларнинг характеристидан кўра, уларнинг кийинишларига кўпроқ эътибор беришади. Жамиятда аёлларнинг фикри кўтингча киши обрўси, мавқенини белгилаб беради». Честерфильд бу ерда ҳакми?

7. Бир олим деди: «Мен Менделеев даврий жадвалига янги элемент киритдим. Кашиб этилган элемент турли хоссаларга эга. Массаси 40 кгдан 120 кг гача бўлган изотоплари мавжуд. Физик ҳусусиятлари: матълум бир таъсирда эрийди. Тез қайнаб, тез совийди. Кенгайиш коэффициенти иши сайн ортиб боради. Кимёвий ҳусусияти: олтин, кумуш сингари қимматбаҳо металлар билан осонгина муюмалага киришади. Кўлланилиши: биттадан ортигини сақлаб бўлмайди. Акс ҳолда реакцияга киришиб, Сизни парчалаб ташлайди». Ўйлаб кўринг-чи, янги элементнинг номи нима бўлиши мумкин?

8. Футболчилар командаси 11 кишидан иборат бўлиб, уларнинг ўртача ёли 22 га тенг. Ўйин пайтида бир футболчи шикастланиб, ўйиндан чиқиб кетди. Қолган ўйинчиларнинг ўртача ёшлари 21 га тенг бўлди. Ўйиндан чиқиб кетган футболчи неча ёшда бўлган бўлиши мумкин?

9. Машойихлар фикрича, кўнгил кўнгилдан сув ичади. Қандай килиб кўнгил сув ичиши мумкин?

10. Машхур француз файласуфи ва математиги Р.Декарт «Мен фикрлайман, демак мавжудман» деганда нимани назарда тутган?

11. Бир донишманд деди: Агар маслаҳат килувчини ўз туғишган акангдек қабул қиласанг сўзларини жон деб қабул қилиб, унга амал килсанг, менинг сўзларимга ҳам эътибор бер. Фикрни таҳлил қилинг. Донишмандинг фикри тўғрими?

12. Түрттә шундай сон топингки, уларнинг кетма-кет кўпайтмаси 70 чиқсан.

13. Улар ким эканлигини аниқланг?

*Биладиган ва билишини ҳам биладиган киши.*

*Билади, лекин билишини билмайдиган киши.*

*Билмайдиган, лекин билмаслигини биладиган киши.*

*Билмайдиган ва билмаслигини ҳам билмайдиган киши.*

14. Инглиз мутафаккири Фрэнсис Бэкон (1561-1626) фикрича, «китоб ўқиши одамни билагон қиласи Суҳбат топқир қиласи». Ёзб олиш-чи? У нимага ўргатади.

15. Ушбу шеърий масалани ҳал қилинг:

*Юзта хорижий меҳмон*

*Йизилган турли ердан*

*Бирга сайр қиласар шодон,*

*Бироз қийналар тилдан.*

*Улар етмиши бешига*

*Онадир немис тили*

*Саксон уч нафарига*

*Қадрдан фаранг тили*

*үн меҳмон тили ўзга*

*Бу тишларни билмайди*

*Немис, фарангча сўзга*

*Сира парво қымайди.*

*Меҳмонлар бир қанчаси*

*Икки тилини билади*

*Немис ҳамда фарангча*

*Муомала қиласи.*

*Жам бўлишиб ўйласин*

*Қизиқсанлар барчаси*

*Икки тилда сўзлашар*

*Меҳмонларнинг қанчаси?*

16. Дунёдаги энг буюк файласуфлар бир ерга йигилишиб: Ҳар биримиз шундай сўз айтайликки, дунё тургунча турсин, дейишибди.

Хитой файласуфи деди: «Мен айтган сўзимни қайтариб олишдан кўра, айтмаган сўзни оғиздан чиқармасликка ҳаракат қиласман». Ҳинд файласуфи деди: «Мен ўз фойдасини кўзлаб айтган сўзи зарар берган ва ўзини ҳалок қиласан одамга ҳайрон қиласман».

Эрон файласуфи деди: «Оғзимдан чиқмаган сўзим – қулимдир, айтганим ҳожзам».

Рум файласуфи деди: «Мен айтмаган сўзимдан ҳеч вақт пушаймон

бўлмаганман. Инсон ҳар нарсадан кўпроқ ўз тили туфайли балога йўлиқади». Барча фикрларни мулоҳаза қилинг, кимнинг сўзи сиз учун аҳамиятлироқ деб ҳисоблайсиз?

17. Машхур шоир ва ориф Жалолиддин Румийнинг ушбу маснавийсини ўқинг. Шоир нимани англатмокчи?

Кўнгил ичра нечук олам, нечук султон, билмассан.  
Таним саргайди, пойим устувор, чандон, билмассан.  
Мунаввар бир қўёшмен, дур тўла тўлқинли уммонмен,  
Замин теграмдадир, дилда яшар осмон, билмассан.  
Жаҳон бўстонида бир боларидаек учганим-учган.  
Асалдек сўзларим, лекин сенга пинҷон, билмассан.  
Каломдин ҳам муборакдир улар, мен ошиён курдим.  
Кабутарларга дерманки, келинг, эй жон, билмассан.  
Ақл бегона сенга, йўқ эмиш, фаҳму фаросат ҳам –  
Биларман, деб дам урма, билганинг ёлан, билмассан.

18. Юнон файласуфи Сукротдан «Сиз катталардан кўра ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият берасиз, бунинг сабаби нима» деб сўрашганда у шундай жавоб берган экан: «Ёшлар дараҳт ниҳолига ўжшайдилар, қандай эгсанг, шундай эгиладилар, менинг вазъ-насиҳатларини тошга мухр ўйгандек кўнгилларига жойлаштириб оладилар. Шунинг учун мен уларнинг тарбиясига кўпроқ эътибор бераман». Сукротнинг фикри тўғрими?

19. Табобат илмининг султони, бухоролик «шайх ур-раис» Абу Али Ибн Сино (980-1037) қомусий билимлар соҳиби бўлиб, 450 дан ортик асрлар ёзган. Ибн Сино шундай ёзади:

Биз уч тарафдамиз: мен, сен, у  
Агар сен мен тарафга интилсанг биз валиб чиқамиз.  
Агар сен унга интилсанг, мен мағлуб бўламан.

20. Сосонийлар сулоласининг адолатиеша ва ҳимматли подшоҳи Анушервоннинг вазири Бузургмехр ақл-заковат, илму-денишда етук бўлган. Бузургмехр эътироф этишича, «ҳаёт ажойиб нарса: ким сени севса, сен унга лоҳайдсан, ким сени севмаса, сен унга парвонасан». Бу ерда вазир ҳақми?

21. Жалолиддин Румий қуидаги ибратли шеърининг моҳияти нимада?

Сабр қулким, сабр келтиргай најмот,  
Сабр сергакликка чун қўлу қанот.  
Ўзни тийким, кўп заҳарли ул гиёҳ,  
Ўзни тийинокликда нури анбиё.

*Ел үфурса, күлкә учгайдир хазон,  
Ел эсіб, тогни қүпоргайдир қачон?*

22. Отасининг ўғли, лекин акаси ҳам, укаси ҳам эмас. У ким бўлиши мумкин?

23. Тасаввур қилинг. Ҳавони булат қоплаб, ёмғир куя бошлади, лекин ёғаётган ёмғирнинг шовқини бор бўлса-да, бирор томчиси ерга тушмади. Ер куп-курук турибди. Қандай қилиб?

24. Нима учун «кўз билан курган юз марта эшиштгандан афзал»?

25. Осмонда ғозлар учиб кетяпти. Учаётган ғозлар 100 та бўлиши учун улар қанча бўлса шунча, кейин шунчанинг ярмича, сўнг ярмисининг ярмича ва ниҳоят яна бир гоз қўшилиши лозим. Учиб кетаётган ғозлар сони нечта?

26. «У» – эрта билан тўрт оёклаб юрса, тушда икки оёклаб юради, кечқурун эса уч оёклаб юради. «У»ни топинг.

27. Буюк давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темур (1336-1405)нинг ҳеч қанда қилмайдиган одати бўлган экан. Бирор жант ёки юришлардан аввал энг биринчи бир мақбарани зиёрат қилган. Амир Темир кимнинг мақбарасини зиёрат килган бўлиши мумкин?

28. Бир савдогар ўғлининг савдодаги фахм-фаросатини синаш учун 500 сўм пул бериб, «Ҳам ўзимиз, ҳам сигиримиз, ҳам товугимиз учун емиши бўладиган нарса олиб кел» дебди. Айтинг-чи, ўғил нималарни харид килган бўлиши мумкин?

29. Бир киши ўғил кўрибди. Бир кўзачага ўғлининг туғилган кунида биттадан танга ташлашни одат қилибди. Шу тарика ҳар туғилган кунда танга ташлайверибди. Отасининг вафотидан сўнг ўғил ҳам бу ишни давом эттирибди. Йиллар ўтиб, ўғил қарибди. Ўлеми олдидан тангалаарни санаб ёшини билмоқчи бўлибди. Буни қарангки, тош ўн саккизта чикибди. Мулоҳаза қилиб кўринг-чи, ўғилнинг ёши нечада экан?

30. «Ҳақиқий математик бўлиш учун бироз математикага зид бўлган бир нарсадан хабардор бўлиш керак» дейишади. Сизнингча, ҳақиқий математик яна нимадан хабардор бўлиши керак?

31. Нима учун уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалайди?

32. Одатда кечаси куруқлик устидаги ҳаво салқин, сув устидаги ҳаво эса иссик бўлади. Нима учун?

33. Тарихдан маълумки, олимпиада қадимги Юнонистонда пайдо бўлган. Олимпия ўйинларига фукароларнинг барчаси қатнашиш хуқуқига эга бўлган. Фақатгина Александр Македонский ўйинларда қатнашмаган. Ўйлаб кўринг-чи, сабаб нимада бўлиши мумкин?

34. Жадидчilik ҳаракатининг йирик намояндаси, олим, ёзувчи,

давлат ва жамоат арбоби Абдурауф Фитрат (1886-1938) «у»ни шундай таърифлаган: «у» – дунё иморатларининг энг мукаммали ва муқаддасидир». «У» нима экан?

35. Дунёда шундай ўсимлик тури борки, уни қирк йил қуритиб, осиб кўйилса ва яна қайта экилса, кўкариб кетар экан. Ўйлаб кўринт-чи, бу кандай ўсимлик бўлиши мумкин?

36. Ер юзида шундай бир нукта борки, у ерда кутб юлдузи нақ пешонангда туради, ҳамма томонингиз жануб, сутка, кеча ва кундузга бўлинмайди, 360 градус айланиб бутун дунёни саёҳат қилингиз мумкин. Бу нукта қаер?

37. Кексалар дуо қилишганда «Тўрт мучанғ сог бўлсин» дейишади. «Тўрт муча» нима?

38. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугот ит-турк» асари кимматли ва ибратли ҳикматлар билан йўғилган, таълим-тарбия, хулкодоб, илм-фан, маърифатга чорловчи асардир. Мутафаккирнинг ёзади: *халқча яхшилик қили, яхшиликни сув ичига ташласанг-да, сув устида кўрасан*. Фикрни изоҳланг.

## Юксак масъулият

Халқимизнинг асрий орзусининг ушалғанлиги, ўзбек халқининг бой тарихи ва миллый кадриятлари қайта тисланғанлиги ва буюк келажаги йўлида дадил одимлаб жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора ортиб бораётганлигидан шу юртнинг ҳар бир фукаросининг қалбида ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради.

Йилдан йилга тобора ривожланиб бораётган иқтисодиётни янада ривожлантириш, давлат бошқарувини модернизациялаш ва жамиятни демократлаштириш бўйича устивор вазифаларни изчил бажариш, ахолининг ўсиб келаётган эҳтиёжларини тъминлаш ва турмуш фаровонлигини янада ошириш мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашдаги муҳим вазифалардан хисобланади.

Жаҳон бозори коньюнктурасидаги ўзгаришлар, кейинги вактларда юзага келаётган озиқ-овқат таъминоти, ёнилғи-энергетика ресурсларига талабнинг ортиб бораётганлиги, халқаро интеграциялашув жараёнларида меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммолар билан бирга халқаро миқёсдаги глобал муаммолар юзага келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Халқаро уюшган жиноятчилик, наркотрафик, терроризм, одам савдоси, курол-яроғ савдоси ва бошқа трансмишлий характерга эга бўлган хавфлар, инсон қалби ва онги учун олиб борилаётган курашлар оркали мустақилликка, хавфсизликка таҳдидлар ҳамон сакланиб колаётганлиги, табиий-иклим шароитлари кескин ўзгариши натижасида экологик муаммоларнинг юзага келаётганлиги кундалик матбуот ва ахборот вости аларидан яхши маълум.

Мустақиллигимиз ижодкори, ўзбек халқи истиклонининг толмас кураччиси муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг узокни кўзлаб олиб бораётган доно сиёсати туфайли бугунги кунда ўзбек халқи бошқа мамлакатлардан кам бўлмаган, тинчлик ва осойишталик, баркарорлик туфайли осуда ҳаёт ва бунёдкорлик билан меҳнат килиб келмоқда. Мустақиллик йиллари давомида халқимиз кўплаб синовларни бошидан кечирди.

Юртимизда очик бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик давлат ва эркин фукаролик жамияти куриш йўлида бошланган ишлар босқичма-босқич сабиткадамлик билан олиб борилмоқда.

Эришилган натижалар билан биргаликда келгусида амалга ошириладиган вазифаларнинг кент кўламлилиги, ахоли талаб ва истакларини самарали ҳал этиш вазифаси давлат ва жамоат

ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва фаолларнинг ўз ваколати ва мажбуриятларини самарали ташкил этишлари, ижро этилишини мувофиқлаштириш ва бажарилиши устидан таъсирчан жамоат назоратини олиб борилиши билган чамбарчарс боғлиқдир.

Мустақиллик йилларида рӯёбга чиқарилган бунёдкорлик ишлари асрларга татигулих эканлигини ҳаммамиз англаб етдик. Келгусида Ватанимизни янада гуллаб-яшнаши ва ривожланиши учун ҳар бир инсон, шу юртнинг фукароси мен шу азиз юртим учун қандай хизмат қилдим, унинг равнаки учун қандай хисса кўшдим деб ўйлаб, кўплаб юртдошларимиз шу ўй-фикр ва эзгу мақсад билан яшаб меҳнат килмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва конунларида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги конунида берилган ваколатларга асосан ҳамда Республика Президенти фармонлари, карорлари, Вазирлар Маҳкамасининг карорларида белгиланган устивор вазифалардан келиб чиқкан ҳолда шаҳар ва туман ҳудудларини ижтимойй-иктисодий ривожлантириш йўлида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия органлари масъул раҳбарлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларидан ҳар қачонгидан жонкуярлик ва фидойилик билан ишлашларини ҳаёт тақозо этади.

Таъбир жоиз бўлса, шуни айтиш ўриналики, мустақиллик ёшларни улғайтириди, кексаларни ёшартириди.

Бунинг боиси, ёшларимиз Ватан, она юрт, мустақиллик тушунчалари замирида ота-боболаримизнинг асрий орзулари мужассам эканлигини англаб етдилар. Уни кўз-корачигидай асрраб авайлаш, уни мустаҳкамлаш учун бор имкониятлардан самарали фойдаланиш зарур.

Тажрибали инсонлар, юртимизда аввалги собиқ тузум аччик сабоқларини бошидан кечирган ва ҳалқимизга нисбатан кўплаб ноҳақликларнинг ўз ҳаёти давомида гувоҳи бўлган мустақиллик сафдошлари эса Ўзбекистонимиз истиқоли билан тенгдош эканликларини англаб, ота-боболаримиз орзусини амалга оширганликларидан фахрланиб, бошланган ишларни янада мустаҳкамлаш ва унинг давомчиларига ўргатиш учун янгича ғайрат ва шикоат билан ягона мақсад сари Ўзбекистонимизнинг порлок келажаги учун бор тажрибасини ёшларга, келажагимиз ворисларига тушунтириб, уқтириб, ўргатиб келмоқдалар.

Тарихийлик ва ворисийлик анъаналари мустақил юртимизнинг эртанги куни учун муҳим пойдевор десак, муболага бўлмайди.

Бугун Ўзбекистонимизда киска фурсатларда зришилган

натижаларни халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда. Бунинг учун ҳар биримиз ғуур ва ифтихор билан меҳнат қилиб, ўз зиммамиздаги бурч ва вазифаларни замон талаблари асосида янада ривожлантиришимиз ҳаётий заруриятдир.

Шунинг учун ушбу тўпламга мурожаат килган ўқувчимиз учун келтирилган маълумотлар ва ахборотлар ўз фаолиятингизда мухтарам Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чикилиб, ҳаётда ўз исботини топган тараққиётнинг “ўзбек модели” ва “ислоҳотлар стратегияси”ни пухта ўрганишингиз учун йўлланма бўлади, деб ҳисоблайман.

**Б. ЮНУСОВ.**  
**Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат**  
**гурухининг етакчи мутахассиси.**

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлашириш йўлида. Т.:1995.
3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999. Б.380-381.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва баркарор тараққиёт йўлида. Т., Ўзбекистон. 1998. Т.6. Б.139.
- 5.Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –Б. 33.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
- 7 Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор максадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 28.01.2010.
- 8 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлашириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. Т.:”Ўзбекистон”, 2010
- 9 Каримов И.А “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011
- 10.Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимининг пировард максадидир. –Т.: Ўзбекистон. 2007. Б.100.
11. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
12. Қ.Назаров, Ф.Равшанов, Ҳ.Абулқосимов Истиклолнинг қутлұғ одимлари, Тошкент, 2010
13. Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Т.: Шарқ, 1996. Б.65.
14. Б.Алиев, Ғ.Рафиков, Т.Султонов, Т.Хошимов, А.Содиков, А.Бобоев, Б.Раҳмонов, Н.Сиддиков, Р.Ҳалимбетова “Политология” фанидан маъруза матнлари. Тошкент. 2005 йил.
- 15.О.А.Каримова. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” Тошкент, 2009 йил
16. Р.О.Исматов. О.А.Арипов. “Менежмент” фанидан муаммоли маърузалар матни. Наманган, 2006 йил.
17. З.Исақова. Мантикий масалалар. Ўқув-услубий қўлланма. Наманган 2006 йил.

18. Анакъян С.А. Конституционное право России: Учебный курс. Т. 1. М., 2006. С. 339.
19. Ковешников Е.М. Государство и местное самоуправление в России: теоретико-правовые основы взаимодействия. М., 2001. С. 38.
20. Андижон вилоятидаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари учун ўтказилган семинар йиғилишлари маъруза матнлари, 2011 йил.

## **“ЕТАКЧИ + ҲУҚУҚ + ИШ УСЛУБИ + МАСЪУЛИЯТ“ номли услугий құлланмага тақриз**

Буюк адилерлердің бири Мусо Тошмухаммад үғли Ойбек: “Халқнинг чин ўғыллари учун унга самимий хизмат қилишдан күра орташроқ баҳт іуқ”, -деб ёзған зди.

Дархакиат, бугунги шитоб ва тезкор замонда халқка раҳбар бўлиш, уни эзгулик томон етаклаш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Бугунги раҳбар ходимга халқ олдида шундай улкан масъулият юкландыпти, буни ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, белгилаб бўлмайди. Фақат биргина мезон билан ўлчаш мумкин: раҳбар ўз ҳаловатидан, оромидан воз кечиб, халқ баҳти, саодати учун ишлости керак.

Шу маънода ушбу тавсиянома халқ хизматида бўлган каттаю кичик раҳбарлар учун сув ва ҳаводек зарур нарса эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Тавсияноманинг муқаддимасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшима мажлисидаги маъруzasи: “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантериш концепцияси” нинг берилишини ўринли деб хисоблаймиз. Сабаби “Концепция” биз учун бугун дастурамал вазифасини ўтамокда.

Шунингдек, ундан Ўзбекистон Республикасининг ташкии сиёсий фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларнинг ташкилий-хуқукий асослари, фуқаролар йигинларининг халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарининг мазмун-моҳияти, 1998 йилда қабул қилинган “Оила кодекси”, маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оиласий бизнесни ривожлантериш ҳамда ҳудудда ўшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишда фуқаролар йигинлари фаоллари олдида турган долзарб вазифалар, «Маҳалланинг давлат бошқарув органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидағи вазифалари» мавзуси бўйича материаллар, фуқаролар ўзини-ўзи бошқарув органлари зиммасига юқлатилған вазифаларни амалга оширишда давлат бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари билан ижтимойи шерикчилик муносабатларининг аҳамияти, Ўзбекистонда халқ таълими

ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда давлат сиёсатининг моҳияти, мақсади, асосий йўналиш ва босқичлари, конституциявий хуқук, маъмурий хуқук, фукаролик хукуки, ер хукуки, аграб хуқук, оила хукуки, меҳнат хукуки, экология хукуки, молия хукуки, жиноят хукуки, фукаролик-процессуал хуқук, жиноят процессуал хуқук, ҳалқаро, давлат рамзлари, умумбашарий муаммолар каби мавзулар билан боғлик маълумотларнинг киритилиши тавсияноманипнг илмий-услубий кимматини ошириш учун хизмат қилган.

Айниқса, бошқарувни ташкил қилиш ва бошқарувчилар, «тадбиркорлик», «бизнес», «менежер» тушунчалари мазмуни ва уларнинг моҳияти ҳакидаги фикрлар ҳамма учун бирдек аҳамиятли нарсалар саналиши ҳеч кимга сир эмас.

“Тавсиянома”дан “Миллий модел”, мuloҳаза учун маълумот ва кизикарли саволларнинг ўрин олишини ҳам маъқуллаймиш.

Муаллиф хисобга олса, берилган маълумотларни аҳамиятига қараб туриб қайта мундарижага солиб чиқса, мақсадга мувофик бўлар эди.

Шунингдек, мuloҳаза учун маълумот ва кизикарли саволлар микдорини ҳам кўпайтириш фойладан ҳоли эмас.

**Такризчи: А. Ш. СОБИРОВ,**  
Андижон давлат университети профессори,  
филология фанлари доктори,  
Андижон давлат университети проректори.

# МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
I. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси .....	5
II. Демократиянинг бош мезони .....	42
III. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – миллий давлатчиликнинг тикланиши, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантиришинг ҳукукий пойдевори .....	46
IV. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси ...	54
V. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик Налатаси, ҳалк депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларнинг ташкилий-ҳукукий асослари .....	58
VI. "Давлат хокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг наебатдаги сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Конунининг кабул килиниши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ўйлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ёркин ифодасидир .....	66
VII. Фуқаролар йигинларининг ҳалк депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари .....	70
VIII. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида асарининг мазмун-моҳияти .....	80
IX. Оила .....	90
X. Махаллада хусусий тадбиркорлик ва оиласий бизнесни ривожлантириш ҳамда ҳудудда ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишда фуқаролар йигинлари фаоллари олдида турган долзарб вазифалар .....	95
XI. Махаллий давлат хокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви ўзаро муносабатининг ҳукукий асослари .....	100
XII. «Махалланинг давлат бошқарув органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидағи назифалари» мавзуси бўйича материаллар .....	119

XIII. Махаллани аник йўналтирилган асосда ахолини ижтимоний қўллаб-куватлаш марказига айлантиришнинг аҳамияти ва моҳияти .....	129
XIV. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари зинмасига юқлатилган вазифаларни амалга оширишда давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик муносабатларининг аҳамияти .....	139
XV. Фуқаролар йигинлари хузуридаги комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувоғиқлаштириш масалалари .....	147
XVI. Ўзбекистонда халқ таълими ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни хамда давлат сиёсатининг моҳияти, мақсади, асосий йўналиш ва босқичлари ....	158
XVII. Аҳолининг хуқуқий маданиятини ошириш йўлида .....	163
XVIII. Умумбашарий муаммоларнинг турлари ва уларнинг келиб чикиш сабаблари .....	175
XIX. Инсон хотираси – бокий, кадр-киммати – улуг .....	181
XX. Замонавий бошқарувда ютуқка эришиш йўллари .....	192
XXI. Мулоҳаза учун маълумот ва қизикарли саволлар .....	221
XXII. Юксак масъулият .....	227
XXIII. Фойдаланилган адабиётлар .....	230
XXIV. Қўлланмага тақриз .....	232
Мундарижа .....	234

60000

**Тузувчи: Б. Юнусов**

**ЕТАКЧИ + ҲУҚУҚ +  
ИШ УСЛУБИ + МАСЬУЛИЯТ  
Замонавий бошқарууда муваффакиятга  
эришиш йўллари**

Мухаррир	Н. Юлдашева
Техн. мухаррир	М. Мирзакаримова
Мусаххих	Н. Тоҳиматова
Саҳифаловчи	Х. Парпинев

Ноширлик лицензияси AI № 175. 11.06.2010 й.

Босмахонаага 2013 йил 4 январда берилди. Босишга 2013 йил 11 февралда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 14,75 босма табок. Нашриёт табориги 14,5. Times New Roman гарнитураси, оғсет көғози, оғсет усулида чоп этилди. Буюртма № 335. Адади 1000 нусха.

---

“Andijon nashriyot-maʼbaʼ” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: 710000, Андижон шаҳри, Навоий шоҳкӯчаси, 71-үй.